

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

“ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТШУНОСЛИК” КАФЕДРАСИ

**АДАБИЁТШУНОСЛИК
ФАНИДАН
ЎҚУВ – УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА**

ТОШКЕНТ 2018

Мазкур ўқув-услубий қўлланма Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2018 йил -сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.

Тузувчилар: ф.ф.д., про. Г.Халлиева, ф.ф.н., доц. С.Султонсаидова, катта ўқитувчи Ю.Бобоқулов, катта ўқитувчи Д.Расулмуҳаммедова, катта ўқитувчи М.Қўчкорова.

Тақризчи: Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат Ўзбек тили ва адабиёти университети доценти, ф.ф.н., А. Улуғов

**ЎУМ ЎзДЖТУ Илмий кенгашининг 2018 йил _____даги
____-сонли қарори билан тасдиққа тавсия қилинган.**

МУНДАРИЖА:

1. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР.....	3
2. 1-мавзу. “Адабиётшунослик” фанининг мазмуни, предмети ва методи. Адабиётнинг назарий муаммолари.....	40
2-мавзу. Адабиёт, санъат ва маданиятнинг синкетик шакли.....	57
3. 3-мавзу. Адабиётда мазмун ва мақсад.....	71
4. 4-мавзу. Бадиий адабиётда мавзу ва ғоя.....	76
5. 5-мавзу. Бадиий асарда образ ва образлилик.....	84
6. 6-мавзу. Бадиий асар сюжети ва композиция.....	93
7. 7-мавзу. Тил, маъно ва интерпретация.....	104
8. 8-мавзу. Адабий тур ва жанрлар.....	114
9. 9- мавзу. Риторика, поэтика ва шеърият.....	127
10. 10-мавзу. Ижодий метод, услуг ва адабий мактаблар.....	140
11. 11-мавзу. Бадиий асар таҳлили ва адабий жараён.....	155
12. СЕМИНАР МАТЕРИАЛЛАРИ.....	180
13. 1-мавзу. “Адабиётшунослик” фанининг мазмуни, предмети ва методи Адабиётнинг назарий муаммолари.....	40
14. 2-мавзу. Адабиёт, санъат ва маданиятшунослик.....	57
15. 3-мавзу. Асарда мақсад ва мазмун уйғунылиги.....	71
16. 4-мавзу. Бадиий адабиётда мавзу ва ғоя.....	76
17. 5-мавзу. Бадиий асарда образ ва образлилик.....	84
18. 6-мавзу. Бадиий асар сюжети ва композиция.....	93
19. 7-мавзу. Тил, маъно ва интерпретация.....	104
20. 8-мавзу. Адабий тур ва жанрлар.....	114
21. 9- мавзу. Риторика, поэтика ва шеърият.....	127
22. 10-мавзу. Ижодий метод, услуг ва адабий мактаблар.....	140
23. 11-мавзу. Бадиий асар таҳлили ва адабий жараён.....	155
24. Мустақил таълимни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни.....	155
25. Тавсия этилаётган мустақил ишларнинг мавзулари.....	155
26. “Адабиётшунослик” фани бўйича тузилган глоссарий.....	155
27. ИЛОВАЛАР (ДИСКА ҲОЛАТДА).....	155

ЎҚУВ НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

1-МАВЗУ: “АДАБИЁТШУНОСЛИК” ФАНИНИНГ МАЗМУНИ,
ПРЕДМЕТИ ВА МЕТОДИ. АДАБИЁТНИНГ НАЗАРИЙ
МУАММОЛАРИ.

РЕЖА:

1. “Адабиётшунослик” фанининг мақсад ва вазифалари.
2. Адабиётшуносликнинг таркибий қисмлари ва ёрдамчи соҳалари
3. Адабиётшунослик ва унинг бошқа фанлар билан алоқадорлиги.
- 4. Адабиёт назарияси – тафаккур асоси.**
5. Адабиётнинг уч хусусияти.

Таянч тушунчалар: Адабиёт назарияси, адабиёт тарихи, адабий танқид, адабиёт, адабиётшунослик, филология, фольклор, литературе (литература), матнишунослик, библиография, тасаввур, хотира, илхом, алоқалар.

Маъруза матни:



1.1 “Адабиётшунослик” фанининг мақсад ва вазифалари.

Агар “Адабиёт нима?” деган савол билан 5 яшар бола сўроқ қилинса, бу осон. “Адабиёт - бу ҳикоялар, шеърлар, пьесалар” деб, жавоб беради. Агар сўроқ қилинган одам назариячи бўлса, кечади. Бу сизга маълум бўлган адабиётнинг табиати ва обьекти ҳақидаги умуний савол бўлиши мумкин. Бу қандай обьект ёки фаолият бўлиши мумкин? Бунинг вазифаси нима? У қандай мақсадга хизмат қиласи¹?

Фанинг предмети дейилганда ўша фан нимани ўрганиши назарда тутилади. Адабиётшунослик (“адабиёт” + “шинос”, яъни ўрганиш, яхши билиш + “лик”) фанининг номиданоқ унинг ўрганиш соҳаси адабиёт эканлиги очик-ошкор кўриниб туради. “Адабиёт” сўзи арабча “адаб” сўзининг кўпллик шакли бўлиб, у кенг ва тор маънода қўлланилади. Кенг маънода қўлланилганда “адабиёт” сўзи ўқишига мўлжаллаб ёзилган ва чоп қилинган барча асарларни ўз ичига олади. Шунга қарамай, “адабиёт” сўзи

¹ Jonattan Culler. Literature theory: A very short introduction. OUK 2011 .2-боб 8-бет

(термини) тор маънода ҳам жуда фаол ишлатилади ва бунда сўз санъатига дахлдор бўлган асарлар — бадий адабиёт тушунилади. Эътиборли жихати шуки, истилоҳнинг айни шу тарзда (тор ва кенг маъноларда) қўлланилиши рус ва бошқа бир қатор тилларда ишлатилувчи "литература" сўзига ҳам хосдир. Зоро, бу термин ҳам "литера" ("ҳарф") сўзидан олинган бўлиб, кенг маънода умуман чоп этилган маҳсулотни, тор маънода бадий адабиётни англатади. Биз мутахассис сифатида "адабиёт" сўзининг тор маъносини ишлатамиз ва бунда бадий адабиётни назарда тутамиз.

Демак, адабиётшуносликнинг ўрганиш соҳаси — предмети бадий адабиёт экан. Адабиётшунослик бадий адабиётнинг келиб чиқиши, ривожланиш қонуниятлари, ижтимоий алоқаларини ҳар жихатдан ва атрофлича ўрганади.

Адабиётшуносликнинг предмети бўлмиш бадий адабиётга тааллуқли илмий муаммолар кўлами жуда кенг. Уларнинг бир қисми умумэстетик (бадий санъат соҳаларининг барчасига хос) муаммолар сирасига кирса, бошқа бир қисми соф адабиётшунослик муаммолари саналади. Дейлик, бадий образ ва образлилик, бадий образ ва реаллик муносабатлари, дунёқарааш ва бадий ижод, бадий ижод жараёни хусусиятлари, бадий асарни қабул қилиш жараёни хусусиятлари каби қатор муаммолар умумэстетик характерга эга. Санъатнинг барча турларига тааллуқли бу муаммоларни адабиётшунослик бадий адабиёт нуқтаи назаридан, бадий адабиёт билан боғлаган ҳолда ва унинг мисолида ўрганади. Бадий адабиётнинг моҳияти, унинг ривожланиш омиллари ва қонуниятлари, бадий (адабий) асар табиати, унинг тузилиши, бадий (поэтик) тил хусусиятлари, адабий тур ва жанрлар каби қатор масалалар борки, улар соф адабиётшунослик муаммолари саналиши мумкин.


Адабиётшунослик бу муаммоларни нима мақсадда ўрганади? Умуман, уларни ўрганишга зарурат борми? Ахир, адабиётшуносликдан бехабар бўлган ҳолда ҳам бадий асарни ўқиб завқланиш ёхуд гўзал асарлар яратиш мумкин эмасми? Бир қарашда бу хил саволларнинг юзага келиши табиий ва асослидек, адабиётшуносликнинг бадий адабиётни ўрганишдан мақсади ўрганишнинг ўзи бўлиб қолаётгандек кўриниши мумкин. Аслида эса бу хил саволларнинг юзага келиши адабиётшунослик илмининг аҳамиятини тушунмаганликдан, унинг вазифалари ва ролини тасаввур қила олмаганликданadir. Умумий бир назар ташлашдаёқ адабиётшунослик илмининг икки жихатдан — бадий адабиётнинг ривожланиши ва бадий дид тарбияси жихатларидан аҳамиятли эканлиги кўринади. Яъни, аслида адабиётшунослик фани ютуқлари ижодкорларга ҳам, ўқувчи оммага ҳам керак. Зоро, адабиётшунослик бадий асарни таҳлил қилиб, унга жозиба баҳш этаётган, ундаги ифодавийлик ва тасвирийликни, бадий таъсир кучини ошираётган унсурларни, муаллифнинг муайян бадий самарага эришишига ёрдам берадиган усул ва воситаларни очиб беради (эътиборда тутингки, адабиётшунослик бу ишни асрлар давомида бажариб келади). Яъники, адабиётшунослик бадий сўз санъати ютуқларини очиб беради ва умумлаштиради. Энди адабиётшуносликдан озми-кўпми хабари бўлган

одамнинг ва ундан мутлақо хабарсиз одамнинг бадиий ижодга қўл ургани ёки бадиий асар мутолаасига киришганини тасаввур қилинг. Улардан қайси бирининг ҳаракатлари кўпроқ самара беради? Табиийки, адабиётшуносликдан хабардор кишининг ҳаракатлари самаралироқ бўлади, чунки у "қайтадан велосипед кашф этиш"дан қутулади. Албатта, бунда кишининг иқтидор даражаси, туғма истеъдоди ҳам катта аҳамиятга молик. Бироқ, биринчидан, ўша туғма истеъдод деган нарса ҳам генлар билан боғлиқ, яъни, ундаги истеъдод аждодлари тўплаган билиму тажрибаларнинг қаймоғидир. Иккинчи томондан, туғма истеъдодлар бармоқ билан санаарли, шундай экан, адабиётшунослик омманинг бадиий дидини тарбиялашда ҳам, бадиий тафаккур ривожида ҳам сезиларли аҳамият касб этаверади.

Юқоридагиларни хulosалаб айтиш мумкинки, бадиий адабиётга тааллуқли муаммоларни атрофлича ва чуқур илмий ўрганиш — адабиётшуносликнинг вазифаси; чиқарган илмий холоса ва умумлашмалари орқали бадиий адабиёт тараққийси, бадиий тафаккур ривожига хизмат қилиш, бадиий дид тарбиясига таъсир ўтказиш унинг мақсадидир.

1.2 Адабиётшуносликнинг таркибий қисмлари ва ёрдамчи соҳалари.

Адабиётшунослик адабиётни ўрганувчи жуда кўп соҳаларни ўз ичига олади ва ҳозирги даврда адабиёт назарияси, адабиёт тарихи, адабий танқид каби асосий мустақил қисмларга бўлинади. Мазкур соҳаларнинг ҳар бири адабиётшуносликнинг муайян масалалар мажмuinи ўз нуқтаи назаридан ўрганади. Шу билан бирга, мазкур соҳалар ўзаро мустаҳкам алоқада бўлиб, бири иккинчисини тўлдиради.



Адабиёт тарихи

Ўтмиш адабиёти(жаҳон ёки бирор миллий адабиётни)ни узлуксиз жараён ёки шу жараённинг босқичларидан бири сифатида ўрганади. Адабиёт тарихининг асосида тарихийлик принципи ётади. Мазкур принципнинг мазмун-моҳияти шуки, у адабий жараённи конкрет ижтимоий-тарихий шароит билан боғлиқ ҳодиса сифатида ўрганишни тақозо қиласди. Адабиёт тарихчиси сифатида конкрет бадиий асар таҳлил қилинганида ҳам ўша асар яратилган давр шароити, давр адабий жараёни хусусиятларини кўзда тутиш шарт қилинади. Адабиёт тарихини қизиқтирадиган масалалардан яна бири сифатида конкрет ижодкор фаолиятини ўрганишни кўрсатиш мумкин. Зоро, ижодкор фаолиятини ўргангандан, унинг ижодий ўсиш жараёнини кузатганда ҳам асосга қўйилган принцип тарихийлик бўлиши лозимдир. Адабиёт тарихи ўтмиш адабиёти хусусиятларини очиб бераркан, бу билан, биринчидан, ўтмиш адабиёти



тажрибаларини бугунги адабиёт хизматига сафарбар этади, иккинчидан, кенг кўламли назарий хулосалар чиқариш учун зарур материал ҳозирлайди. Булардан англашиладики, адабиёт тарихи бадиий тафаккур тараққиётида ҳам, адабий-назарий тафаккур ривожида катта аҳамият касб этади.

Ўзбек адабиётшунослигида адабиёт тарихи соҳасининг дастлабки куртаклари сифатида тазкираларни кўрсатиш мумкин. Шунингдек, қатор тарихий асарларда айрим адабий фактлар, муайян ижодкор ҳаёти ва фаолиятига доир маълумотлар ҳам қайд этилганлиги тайин. Бирок ўзбек адабиётини тарихий аспектда кўламли ўрганиш, демакки, ўзбек адабиётшунослигида адабиёт тарихининг мустақил тармоқ сифатида шаклланиши ва ривожи XX асрга тўғри келади. Ўзбек адабиёт тарихчилигининг шаклланишида А.Фитрат, А.Саъдий, В.Зоҳидов, В.Абдулаев, Ҳ.Сулаймонов, Ф.Каримов, Н.Маллаев, А.Қаюмов, А.Хайитметов, А.Абдуғафуров сингари олимларнинг улкан хизматларини алоҳида қайд этмоқ лозим. Ўзбек адабиёти тарихини ўрганиш борасидаги изланишлар ҳозирги кунда ҳам давом эттирилаётир. Бугунги кун ўтмиш меросимизга муносабатни ўзгартиришни, қатор адабий ҳодисалар, фактлар, ижодкор шахслар тақдири ва фаолиятини янгича илмий талқин қилиш заруратини кун тартибига қўйгани маълум. Демак, бугунда сабоқ олаётган талабаларни миллий адабиётимиз тарихини илмий холис ўрганиш, янги "Ўзбек адабиёти тарихи"ни яратишдек улкан ва машақкатли, шарафли бир вазифа кутади.

Адабий танқид

Адабий танқид ҳозирги адабий жараён муаммоларини ўрганиш, янги пайдо бўлган асарларни (шунингдек, ўтмишда яратилган асарларни ҳам) бугунги кун нуқтаи назаридан ғоявий-бадиий таҳлил қилиш ва баҳолашни мақсад қилиб қўяди. Адабий танқид — адабиётшуносликнинг оператив, жорий адабий жараёнга бевосита аралашадиган соҳасидир. Адабий танқид адабиётшуносликнинг бошқа соҳаларидан бир қатор жиҳатлари билан ажralадики, бу нарса унинг табиати, ўзига хос мақсад ва вазифалари билан изоҳланади. Адабий танқид ўзида адабиётшунослик илми, бадиий адабиёт ва публицистикага хос жиҳатларни уйғунлаштиради. Маълумки, адабий-танқидий асар факат илмий доиралар учунгина эмас, балки анча кенг аудиторияга мўлжаллаб ёзилади. Шунга кўра, унинг тили — илмий-оммабоп тил. Боз устига, бадиий асар ҳақида сўз бораркан, танқидчи факат тушунчалар воситасида эмас, образлар воситасида ҳам фикрлайди; мантиқийгина эмас, ҳиссий мушоҳадаларга ҳам таянади. Бадиий асар ҳақида фикр юритаётган, уни бугунги кун нуқтаи назаридан баҳолаётган танқидчи ўқувчи оммага бевосита таъсир қилишни ҳам кўзда тутади. Айни пайтда, бадиий асарни таҳлил қилаётган танқидчининг фикрлари адабиёт назариясига, адабиётшунослик илмининг ютуқларига асосланади. Буларнинг бари адабий-танқидни адабиётшунослик, бадиий адабиёт ва публицистика оралиғидаги ҳодисага айлантиради.

Ўзбек адабий танқидчилигининг илк куртаклари ҳам тазкираларга бориб тақалади. Шунингдек, мутахассислар ўтмиш адабий жараёнига хос

бўлган мушоиралар, нафис мажлисларда «оғзаки танқид» мавжуд бўлганини ҳам таъкидлайдилар. Бироқ ҳозирги тушунчадаги, янги типдаги ўзбек адабий-танқидчиликнинг шаклланиши XIX аср охири-XX аср бошларига тўғри келади. Янги типдаги адабий танқидчиликнинг шаклланиши миллий матбуотнинг шаклланиши билан боғлиқ ҳолда амалга ошиди. Ўзбек адабий танқидчиликнинг шаклланишида жадидчиликнинг кўзга кўринган намояндалари М.Беҳбудий, А.Фитрат, Х.Муин; шунингдек, жадидчилик таъсирида адабиёт майдонига кирган В.Махмуд, Чўлпон каби ижодкорларнинг катта хизматлари бор. Ўзбек адабий танқидчилиги мураккаб ривожланиш йўлини босиб ўтди. Бу йўлда "вульгар социологизм", "партиявилик", "синфилик", "конфликтсизлик назарияси" сингари ғайриилмий, ғайриадабий дормалардан жиддий талафот кўрди. Афсус билан қайд этиш лозимки, О.Хошим, С.Хусайн, М.Солиҳов каби адабиётшунослар, Ҳ.Олимжон, Уйғун, К.Яшин сингари ижодкорларнинг қатор адабий-танқидий асарлари бадиий тафаккур ривожига эмас, балки кўпроқ чинакам сўз санъатининг заарию мустабид тузумнинг ҳоким мафкурасига хизмат қилди ва шу боис ҳам улар бугунги кунда батамом эскирди.

Юқоридагича йўқотишларга қарамасдан, ўзбек адабий-танқидчилиги бадиий дидни тарбиялаш орқали адабиётимиз ривожига сезиларли ҳисса қўшганлигини ҳам тан олиш зарур. Ўзбек танқидчиликнинг М.Кўшжонов, О.Шарафиддинов, У.Норматов, С.Мирвалиев, И.фафуров, А.Расулов, М.Махмудов каби қатор намояндаларининг чиқишлиарида, гарчи улар ҳам мафкура тазиикидан тўла фориғ бўлмаса-да, адабиётимизнинг долзарб муаммолари кўтарилди, кўплаб асарларнинг бадиий жозибаси очиб берилди ва имкон қадар холис баҳоланди.

Адабиёт назарияси ҳақида Каллер назария нима деган саволни қўяди ва қуйидагича фикр юритади.



НАЗАРИЯ НИМА?

Ҳозирги пайтда адабий ва маданий соҳаларда назария ҳақида кўплаб мунозаралар мавжуд, албатта, бу адабиёт назарияси эмас, шунчаки назария тушунчасидир. Адабиёт соҳасидан ташқаридағи ҳар кимга бу жуда галати туюлиши табиий. Ниманинг назарияси деб, сўрашингиз мумкин. Ҳайратланарлиси, бир нима дейши қийин. Бу аниқ бир нарсанинг назарияси ҳам, умумий маънодаги нарсаларнинг мукаммал назарияси ҳам эмас. Лекин бир ҳисобда назария биз бажарадиган ёки баён майдиган бирор машгулотдек туюлиши мумкин. Сиз назария билан шугулланишингиз мумкин. Сиз назарияни ўқитишингиз ёки ўрганишингиз мумкин. Сиз назарияни ёмон кўришингиз ё ундан кўрқишингиз мумкин. Аммо буларнинг бирортаси ҳам назарияни тушунишга ёрдам бермайди.

Бизга маълумки, назария адабиётишунослик соҳаларининг табиатини тубдан ўзгартирган, аммо ким бундай деса, адабиёт назариясини, адабий ижоднинг табиатини тизимли тасвирлашини назарда тутмайди. Агар одамлар ҳозирда адабиётишуносликда жуда кўп назариялар борлигидан шикоят қилишса, улар адабиётнинг табиатидаги кўплаб тизимли ифодаларни назарда тутмайдилар ёки бадиий тилнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида баҳслашмайдилар. Асло. Уларнинг наздида бошқа бир нарса мавжуд.

Эҳтимол, гап айнан шу ҳақдаки, адабиётдан ташқари материялар ҳақида жуда кўп мунозараларнинг аён эканлиги, адабиёт билан боғлиқлиги аниқ бўлмаган умумий масалалар, яъни тушунилиши қийин бўлган психоаналитик, сиёсий ва фалсафий матнлар ҳақидадир.

Назария, асосан, хорижий отларнинг мажмуасидир. Масалан, Жак Дерида, Мишель Фуко, Люс Иригараи, Жак Лакан, Жудит Батлэр, Луис Альтюссер, Гаятри Спивак кабилар.

Назария атамаси

Шундай қилиб, назария нима? Назария атамасининг асосида ётган муаммонинг ўзи икки маънони билдиради. Бир томондан, биз, масалан, “нисбийлик назарияси” ҳақида, яъни бирор тезислар тизими ҳақида гапирамиз. Бошқа томондан, назария сўзини кундалик ҳаётимизда ҳам қўлланилади. .

“Нега Лаура ва Майл ажралишиди?”

“Менинг назариям шундай ...”

Назария бу ерда нимани билдиради? Биринчидан, назария, фикр юритиш”га ишора қиласи. Лекин назарий тахмин билан бир хил эмас. “Менинг тахминимча...” биз билмайдиган тўгри жавобнинг борлигини кўрсатади: “Менинг тахминимча, Лаура Майлнинг тирноқ остидан кир қидиришиларидан чарчаган, аммо биз анигини уларнинг дўсти Мери ўртага тушганда, билиб оламиз. Назария, аксинча, Мерининг фикрлари, эҳтимол, таъсир ҳам қилмайдиган фикр юритиш, ҳақиқат ёки ёлғонлигини исбот қилиши қийин бўлган тушунтиришидир.

“Менинг назаримда” деб бошланувчи жумла мавхум тушунча. Биз сўзловчининг “Менинг назаримда, Майл ва Саманта ўртасида муносабат мавжуд” деб давом эттиришини куттмаймиз. У назария ҳисобланмайди. Жумла назарий жиҳатдан ўта зийраклик билан тугалланиши талаоб қиласи: Майл ва Саманта ўртасида ҳақиқатан ҳам муносабат мавжуд бўлса, бу далил Майл билан Лаура ўртасидаги муносабат мураккаблашади, деган зўрма- зўраки изоҳ талаоб қилинади. шунингдек, Лауранинг ҳам Майлга бироз алоқаси бўлган бўлиши мумкин. Қизиқ, агар сўзловчи: “Менинг назариям шундан иборатки, Майл ва Саманта орасида муҳаббат муносабати бор,” - деса, улар орасидаги муносабат ўз-ўзидан тахминга айланади ва у далил бўлмай қолади. Бу фақат назарий гипотеза. Аммо умуман олганда, назария на фақат аниқ бўлмаган тушунчани назарда тутади; унда айрим мураккаблик бўлади: “Менинг назариям шундан иборатки, Лаура доимо ўз отасини яширинча

севар эди, шунинг учун Майклни ўзига муносиб деб билмади Назария гипотезадан ортиқроқ тушунча. У аниқ эмас; у турли омилларнинг мураккаб қўшилмалардан иборат; уни исбот қилиши ёки рад қилиши осон эмас. Агар биз бу тавсифларни эсда туцак, “назария” тушунчасининг моҳиятида нима яшириганини билиб олиши осон бўлади.

Назариянинг кўлланиши

Агар назария одамларнинг қараашларини ўзгартирувчи, ўзлари ўрганаётган предметларни янгича тушунишга мажбур этадиган ва уларни тадқиқ қилиши фаолиятлари ҳақида янгича ўйлашга ундовчи бўлса, унда назариянинг вазифаси нимадан иборат бўлади?

Назариянинг асосий вазифаси шундан иборатки, тўғри фикрга, яъни ҳамма томонидан қабул қилинган ижод моҳиятига, адабиётга, тажрибага шубҳа билан қарашини вужудга келтиришидир. Шундай қилиб, назария қуидагиларни назарда тутади:

- *Концепция шундан иборатки, нутқ ёки матннинг маъноси сўзловчининг ҳаёлида аввалдан бўлган;*

- *Фоя шу ҳақдаким, матн – бу нутқdir, унинг ҳаққонийлиги ундан ташқарида, ё тажрибада, ёки тасвирланаётган воқеликда.*

- *Реаллик ҳақидаги тушунчанинг ўрни ушбу дақиқада нимада?*

Назария бу кўпинча ҳамма қабул қилган тасаввурларни кескин танқид қиласар экан, биз айни вақтда “тўғри фикраш”дан келиб чиқсан ҳолда қабул қилган тасаввурнинг аслида тарихий конструкция, хусусий назария эканлигини кўрсатишга ҳаракат қиласади. Ваҳоланки, бу тушунча бизга жуда табиий туюлади ва биз уни ҳатто назария сифатида қабул қилмаймиз. Назария соглом фикрнинг танқиди сифатида ва муқобил имкониятларни кўриб чиқши адабиётиносликнинг энг асосий тушунчаларини ва иловаларни савол остига қўяди. У ўз- ўзича мавжуд деб тушуниладиган ҳамма нарсани тескари қилиб юборади: Маъно нима? Муаллиф нима? Мутолаа нима? Ёзадиган, мутолаа қиласидиган ёки ижро этадиган Мен ёки субъект нима? Қандай қилиб матнлар, уларни вужудга келтирадиган вазиятлар билан мос келади?

Муқобил тушунчаларнинг тадқиқи сифатида тушунча энг чуқур қурилмаларни сўроқ қилишини, адабий изланишларнинг иш бошлишини тақозо этади:

Назарияга нима мисол бўлиши мумкин?

Деррида ёзиши маънида

“Назариянинг” мисоли учун – кучли ҳисобланган, лекин “назария” доирасида худди ўша фарқларни кўрсатувчи Фуконинг жинсий тарихни қайта кўриб чиқши каби таҳлилга замонавий файласуф Жак Дерриданинг ёзиши ҳақидаги мунозараси ва ушбу соҳадаги Жан Жак Руссонинг тажрибаси билан қарашимиз мумкин. Руссо ўн саккизинчи аср француз ёзувчиси бўлиб, кўпинча, алоҳида шахснинг замонавий тушунчасини ҳаётга тадбиқ этишида, айнан, у ёрдам кўрсатган дейилади.

Лекин, биринчидан, озгина фон учун мисол келтирамиз. Одатда, Фарб фалсафаси реалликни “ташқи кўриниш”дан фарқлайди, нарсалар

ўз-ўзидан нимани: белгиними ёки тушунчаними ифода қиласи? - деб ўйлайди,. Ушибу нуқтаи назарга кўра, ҳақиқат ёки гояни топиш фақат реаллик усулидир, бунинг учун улар шундай тиник бўлиши лозимки, контекстда тасаввур қилинаётган фикр ёки ҳақиқатга улар халақит қилмаслиги, та’сир этмаслиги ёки гоя билан зарарлантирмаслиги керак. Сўзловчисиз та’сир этадиган, сун’ий ёки ихтиёрий равишда ишлов берилган матнни ёзишда фикрнинг дарҳол намоён бўлиши ёки мавжудлиги потенциал равишда белгиларнинг тушунилишида англашилмовчиликка олиб келади.

Руссо, “Тиллар сўзлашиш учун яратилган, ёзув эса сўзлашиш воситаси сифатида қўшимча бўлиб хизмат қиласи” деб, ёзганида, умумий маънога айланган ушибу одатга риоя қиласи. Бу ерда, “Нима қўшимча бўлади”? - деган савол билан Деррида аралашади. Вэбстэр ўз лугатида қўшимчани “якунловчи ёки қўшимча қилувчи бир нарса” деб, тушунтиради. Етишмаётган муҳим ма’нога эга бўлган сўз қўйиб ёзилган “тўлиқ” матн борми ёки бирор нарса қўшма матнсиз ҳам тушунилиши мумкинми? Руссо бир неча марта ёзувни оддий, арзимас қўшимча, ҳаттоти “сўзлашиш касаллиги” деб атайди: сўзловчи йўқлигига ўқилганлиги сабабли, ёзиши англашилмовчиликларни тўғри тушунтиришини тадбиқ этиши имконини берувчи белгилардан иборат бўлади. Лекин Руссо ёзувни арзимас қўшимча деб атаса-да, аслида уни, гапни якунловчи ёки гапда етишмаётган нарса сифатида қўриб чиқши керак, дейди. Сўзлашдаги камчиликларни компенсациялаш учун бир неча марта иниш ёзишга жалб этилган. Масалан, Руссо ўзининг шахс тушунчасини жамиятга нома’лум бўлган “ички” реаллик сифатида очиб берувчи изоҳларида, у ўзини жамиятдан яшириши учун “Икрорнома” ёзишга қарор қилганлиги, чунки у ўзининг жамиятда “бефойда шахс сифатида қўринишини истамайди. Аслида унинг ички моҳияти бошқачадир”. У ўзининг ишларида тарихий тузилмалар каби нарсаларни қўриб чиқади ва шу билан, бизни, “биз шундай бўлишимиз керак” деб, ўйлаган нарсаларга, адабиётни ҳам ҳисобга олган ҳолда, даврнинг тил амалиёти ҳам нарса шаклига эга бўлиши мумкин деб, қарашига ундаиди.²



Адабиёт назарияси

Адабиёт назарияси бадиий адабиётнинг моҳияти, адабиёт тараққиётининг умумий қонуниятларини, жамият ҳаётидаги ўрни ва вазифалари, бадиий асар табиати ҳамда унинг тузилиши каби масалаларни умумий тарзда ўрганади ва шу асосда умумий қонуниятларни очиб беради. Адабиёт назарияси бадиий асарларни тахлил қилиш тамойиллари, баҳолаш мезонлари,

² Jonattan Culler. Literature theory: A very short introduction. OUK 2011 1- боб. 1-6 бетлар.

таҳлил методларини ишлаб чиқади, адабий-назарий тушунчалар тизимини яратади. Адабиёт назарияси адабиёт тарихи ва адабий танқид материалларни умумлаштирса, бу иккиси ўз фаолиятида адабиёт назарияси очган қонуниятлар, у ишлаб чиқсан илмий тушунчалар тизимиға таянади. Шу тариқа адабиётшуносликнинг ҳар учала асосий соҳалари бир-бiri билан боғланади, яхлит бир тизим — адабиётшунослик илмини ташкил қиласди.

Мумтоз Шарқ адабиётшунослигига, жумладан ўзбек адабиётшунослигига адабиёт назариясининг бир қатор масалалари анча кенг ўрганилган. Кенг ўрганилган масалалар сирасига илми аруз(А.Навоий, Бобур), илми қофия, илми бадиа(А.Хусайнин) кабиларни киритиш мумкин. Кўриб турганимиздек, бу масалалар адабиётшуносликнинг бир қисми — поэтика доираси билан чекланган эди. Шарқда "муаллими соний" деб улуғланувчи Форобий эса юонон файласуфи Арасту таъсирида ва бевосита унинг асарларини шарҳлаш жараёнида бадиий адабиёт спецификаси(моҳияти) масалаларига эътибор қилган эди. Бироқ мумтоз адабиётшуносликда адабиёт назарияси ҳам муайян бир тизим ҳолига келмаган, тадбиқий ҳарактердаги ҳодиса эди. Ўзбек адабиётшунослигига адабиёт назариясининг алоҳида тармоқ сифатида шаклланиши ҳам XX асрда амалга ошди. Ўзбек адабиётшунослигининг ilk назариётчилари сифатида А.Фитрат, А.Саъдийларни кўрсатиш мумкин. Адабиётшунослигимизнинг кейинги тараққиёти давомида И.Султон, Н.Шукуров, Л.Қаюмов, Б.Саримсоқов, Б.Назаров, Т.Бобоев каби қатор назариётчи олимларнинг тадқиқотлари адабий-назарий тафаккур ривожига сезиларли ҳисса бўлиб қўшилди.

Адабиётшуносликнинг ёрдамчи соҳалари. Адабиётшуносликнинг юқорида саналган асосий соҳалари билан бир қаторда, уларнинг фаолияти учун зарур бўлган муайян амалий вазифаларни бажариш билан шуғулланувчи матншунослик, манбашунослик, китобиёт (билиография) каби қатор ёрдамчи соҳалар ҳам мавжуд.



матншунослик фаолияти адабиётшунослик, тилшунослик ва тарих фанлари кесишиган нуқтада кечади; иккинчидан, матншуносликнинг ўзи илмий изланишларида қатор ёрдамчи соҳаларни (палеография, услубшунослик, археография ва х.) ўзига хизмат қилдиради.

Матншунослик.

Матншунослик бобидаги илмий изланишларнинг охир натижаси адабиёт тарихи ва назарияси учун манбавий асос яратиб бериш бўлганлигидан унга адабиётшуносликнинг ёрдамчи соҳаларидан бири сифатида қараб келинади. Шунга қарамай, матншуносликни филологик фанларнинг алоҳида тармоғи, мустақил бир соҳаси сифатида тушуниш тўғрироқ бўлади. Негаки, биринчидан, матншунослик

Адабий матнларни ўрганиш ва нашрга тайёрлаш матншуносликнинг вазифасидир. Матншуносликнинг вазифасини жуда қисқа ифодалаган бўлсак-да, унинг амалга оширилиши жуда катта меҳнатни, чуқур билим ва тажрибани талаб қиласди. Маълумки, халқимиз бошидан неча-неча истилою қатағонлар кечганига қарамай, аждодларимиздан бизга бой адабий мерос қолган: минглаб жиллардан иборат қўлёзмалар ҳазинасига эгамиз. Бироқ бу қўлёзмаларниг аксарияти ҳали ўрганилган эмас, рўйхатга олиб қўйилгани бўйи ўз тадқиқотчиларини кутади. Шунинг ўзи ҳам матншуносликнинг оғир, илмнинг "қора меҳнати" эканлигини, уни ривожлантириш ҳам илмий, ҳам маънавий-маърифий жиҳатлардан зарурлигини кўрсатади. Адабий матнни ўрганаётган матншунос олдида турли-туман илмий муаммолар қўндаланг бўлади. Дейлик, матншунос муаллифи номаълум асар(матн)га дуч келди. Бу ҳолда у матн муаллифини, ёшини (ёзилган, кўчирилган вакти) аниқлаши зарур бўлади. Бунинг учун эса у, табиийки, адабиёт тарихи, тил тарихи, манбашунослик, услубшунослик каби соҳалардан яхши хабардор бўлиши ва уларга таянган ҳолда матнни тадқиқ этиши лозим бўлади. Ёки матншуносликнинг бошқа бир вазифаси — асарнинг илмий-танқидий нашрини тайёрлашни олайлик. Масалан, Алишер Навоий асарларининг турли даврларда, турли котиблар томонидан кўчирилган қўлёзмалари мавжуд. Матншунос қархисида уларни қиёсий ўрганиш, бирининг камчиликларини бошқалари билан тўлдириш ва шу асосда энг мукаммал — илмий-танқидий матнни тайёрлаш вазифаси туради.

Тайёр бўлган илмий-танқидий матнни нашр эттириш учун матншунос уни изохлар, шарҳлар, лугатлар билан таъминлаши керак. Унутмангки, биз фойдаланадиган "Мукаммал асарлар" ортидаги ҳар бир изоҳ, ҳар бир шарҳ ёки лугат бирлиги жуда катта меҳнат орқасида дунёга келади. Зоро, матнда учраган сўз маъносини топиш, ундаги бирор шахс, жой номи ва ш.к.ларга изоҳ бериш учун матншунос жуда кўп изланиши, кўплаб манбаларни кўриб, ўрганиб чиқиши зарур бўлади.


Юқоридагича мустақил тадқиқотлардан ташқари, матншунослик адабиётшуносликнинг айrim муаммоларини ҳал қилишда муҳим ёрдамчи соҳа, тадқиқот усули бўлиб ҳам хизмат қиласди. Масалан, унинг тадқиқ усулларидан, тажрибаларидан ёзувчи ижодий лабораториясини, муайян асарнинг ижодий тарихини ўрганиш йўлидаги изланишларда кенг фойдаланилади.



Манбашунослик.

Адабиётшуносликнинг ёрдамчи соҳаларидан бири сифатида манбашунослик адабиёт тарихи, адабиёт назариясига оид манбаларни излаб топиш, таснифлаш, рўйхатга олиш каби амалий вазифаларни бажариш, шунингдек, манбаларни қидириш ва ўрганиш йўлларини ишлаб чиқиш билан шуғулланади. Бу ўринда "манба" дейилганда адабиётшуносликка оид тадқиқотларда қўл

келиши мумкин бўлган барча манбалар тушунилади: асар қўлёзмалари, ижодкорларнинг хатлари, кундалик дафтарлари, адабий жараёнга ёки муайян ижодкор ҳаёти ва ижодига тааллуқли ҳужжатлар ва бошқалар. Кейинги йилларда ўзбек адабиётшунослигининг манбашунослик бобидаги изланишлари, айниқса, XX аср бошлари адабиётини ўрганиш билан боғлиқ ҳолда фаоллашди. Қатағон қилинган адаб ва шоирларнинг ижодий меросини тиклаш, уларнинг ҳаёти ва фаолиятига доир ҳужжатларни излаб топиш борасида Н.Каримов, Б.Қосимов, Ҳ.Болтабоев, Б.Дўстқораев, Р.Тожибоев, Б.Каримов, М.Қаршибоев каби олимларнинг изланишлари самарали бўлиб, улар аср бошидаги адабий жараён, унда фаол иштирок этган ижодкорлар ҳақидаги тасаввурларимизни бойитишга, давр адабиётининг холис илмий тарихини яратишга хизмат қилди. Маълумки, конкрет ижодкор меросини тўлақонли тушуниш ва холис баҳолаш учун унинг ҳаёт йўли ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлиш муҳим аҳамият касб этади. Яъни, адабиётшуносликдаги тадқиқот методларидан бири — биографик методнинг тўла самара билан ишлаши учун конкрет ижодкор ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги ҳужжатларга эга бўлиш лозим. Афсуски, кўплаб ижодкорларимиз ҳақида маълумот берувчи ҳужжатлар ҳали тўла йигилган эмас. Бу борада факат Ҳамза архиви юзасидан қилинган ишлар (бунда профессор Л.Қаюмов хизматларини алоҳида таъкидлаш лозим) билангина мақтаниш мумкин. Шунингдек, Ойбек, А.Қаҳҳор сингари улкан адиларимизнинг уй-музейларида фаолият кўрсатаётган илмий ходимларнинг саъй-ҳаракати билан улар ҳақидаги ҳужжатлар йигилган, тартибланган. Бу манбалар мазкур адиларнинг ижодий меросини ўрганиш, қайта баҳолашда бекиёс аҳамиятга эга бўлади.



Библиография (Китобиёт).

Адабиётшунослик библиографияси адабиётшуносликнинг илмий-амалий соҳаси саналиб, адабиётшуносликка оид илмий асарлар, мақолалар, шунингдек, бадий асарлар рўйхатини, библиографик қўлланма, кўрсаткичлар тузиш билан шуғулланади. Ёрдамчи соҳа сифатида адабиётшунослик библиографияси илмий-тадқиқотларнинг самарали бўлишига хизмат қилиш, бадий адабиётни тарғиб қилиш каби мақсадларни кўзлайди. Библиографлар томонидан тузилган библиографик кўрсаткич ва қўлланмалар тадқиқотчиларга катта амалий ёрдам беради.

1.3 Адабиётшунослик ва унинг бошқа фанлар билан алоқадорлиги.

Бугунги кун кишисининг тафаккур даражаси, инсоният томонидан тўпланган билимлар кўлами бениҳоя кенгайган. Қадимда фанлар ўзаро ажralмаган, хусусан, адабиётшунослик ҳам фалсафа ичидаги бир ҳодиса эди. Кишилик жамиятининг тараққиёти, инсон тафаккурининг ривожи давомида турли фанлар алоҳида мустақил фанлар сифатида ажралиб чиқди. Бироқ бу ажралишни тамомила маҳдудлашиш деб тушунмаслик лозим. Чунки адабиётшунослик, фаннинг барча мустақил тармоқлари сингари, бошқа

фанлар билан алоқада яшайды, ривожланади. Бу хил алоқа давомида адабиётшунослик бошқа фанлардан нималарнидир олади, уларга нималарнидир беради.

Адабиётшуносликнинг бошқа фанлар билан алоқаси ҳақида гапирганда, аввало, унинг тилшунослик билан алоқаси хусусида тұхталиш лозим. Бадий адабиётнинг материали сүз, адабий асар эса сүзлардан таркиб топувчи матнdir. Бадий матн эса, равшанки, тил қонуниятлари асосида таркиб топади. Тил қонуниятларини билишлик матннинг қурилиши, тагмаънолари, ишлатилған стилистик фигураларнинг эстетик қиммати ҳақида фикр юритишда жуда мұхим. Одатда бадий матн тилини ўрганишга қаратылған ишларни адабиётшунослик ва тилшунослик чегарасидаги ишлар деб қаралади. Бирок бунда биз чегарани аниқ олишимиз керак. Гап шундаки, адабиётшунослик тилшунослик ютуқларига таяниб тасвир воситаларининг эстетик томонларини ўрганса, тилшунослик тил қонуниятларини ўрганишни ўзига мақсад қиласы. Яғни, тилшунос учун бадий матн материал бўлса, адабиётшунос учун мақсад саналади. Тилшунослик билан адабиётшунослик алоқалари яна бир жиҳатдан мұхим. Тилшунослик кишилар орасидаги мулоқот воситаси бўлган тилни ўрганса, адабиётшунослик ижодкор ва ўқувчи орасидаги бадий мулоқот воситаси бўлган бадий асарни ўрганади. Мулоқот қонуниятларининг муштараклиги эса адабиётшуносликнинг қатор муаммоларини тил қонуниятлари билан қиёсан ўрганиш ва ўргатиш имкониятини очади. Адабиётшунос ўз фаолиятида бадий нутқ шакллари, ритми, интонация, шеър синтаксиси, экспрессивликни оширувчи воситалар каби қатор тушунчаларга дуч келадики, буларнинг тилшунослик илмидаги талқинини билган адабиётшунос изланишлари, албатта, самаралироқ бўлади. Кейинги давр адабиётшунослигига пайдо бўлган "структурал адабиётшунослик", "семиотик таҳлил" каби тушунчалар бевосита тилшунослик ютуқлари асосида юзага келгандир.

Адабиётшуносликнинг тарих фани билан ҳам узвий алоқаси бор. Маълум бир давр адабиёти ёки ўтмишда яратылған конкрет асарни тадқиқ этаётган адабиёт тарихчиси ўша давр ижтимоий-тарихий ҳодисаларини ўрганмоғи шарт, акс ҳолда у ўрганилаётган давр адабиётида кузатылған ҳодисалар моҳиятини ҳам, таҳлил қилинаётган асарнинг моҳиятини ҳам тўла англай олмайди.

Адабиётшунослик санъатнинг умумий қонуниятларини ўрганувчи эстетика фани билан ҳам мустаҳкам алоқададир. Сүз санъати сифатида бадий адабиёт санъатнинг умумий қонуниятлари асосида яшashi, унинг бошқа санъат турлари билан алоқада эканлиги адабиётшуносдан эстетика фани ютуқларидан хабардор бўлишни тақозо қиласы.

Адабиётшуносликнинг фалсафа фани билан алоқаси ҳақида гапирганда, аввало, йирик санъаткорларнинг ҳаммаси ҳам ўзига хос файласуф эканлиги, йирик бадий асарларда муаллифнинг оламу одам ҳақидаги қарашлари тизими (бадий концепция) — бадий фалсафаси ифодаланишини эътиборда тутиш лозим. Дунёқараши муайян фалсафий таълимот таъсирида шаклланган ижодкор асарларининг мазмун-моҳиятини

англаш учун адабиётшунос ўша фалсафа асосларидан хабардор бўлмоғи лозимдир. Айтайлик, ислом фалсафаси асосларини, тасаввуф фалсафасини билмасдан туриб мумтоз адабиёт тарихини ўрганиш, ундаги қўплаб асарларни талқин қилиш маҳолдир. Ёки, масалан, XX аср европа адабиёти намуналарини ўргангандаги фрейдизм, экзистенциализм каби таълимотлардан хабардор бўлиш талаб қилинади.

Адабиётшунослик психология фани билан ҳам ўзаро алоқада бўлади. Бадиий асарда тасвирланган инсон рухиятини англаш, бадиий ижод психологияси, бадиий асарни қабул қилиш жараёнининг руҳий механизмларини яхши тасаввур қилиш учун адабиётшуносга психология фанининг ютуқлари жуда катта ёрдам беради. Айни пайтда, бадиий адабиёт психология фанига илмий тадқиқотлар учун бой материал беради.

Юқоридагилардан қўринадики, адабиётшунослик бошқа фанлар билан узвий алоқада ривожланади. Чинакам адабиётшунос бўлиб етишиш, унинг ютуқларидан боҳабар бўлиш ва ортда қолмаслик учун сиздан атрофлича кенг билим эгаси бўлишлик талаб этилади.

1.4 Адабиёт назарияси – тафаккур асоси.

Адабиётшуносликда назария адабиётни ёки уни ўрганиши методларини (гарчи улар назариянинг таркибий қисми бўлса-да, биз ушибу китобда, хусусан, 2,5 ва 6-бобларда бу ҳақда тўхталашиб) тасвирлашиб эмас. Назария – тафаккур асоси ва бадиий ижод; унинг чегарасини аниқлашиб жуда мураккаб. У асарлар ёзиши ва фикрлашнинг асосий қисми бўлиб, меъёрий жиҳатдан аниқлашиб жуда мураккаб. XIX асрда пайдо бўлган янги қоришиқ жсанр ҳақида файласуф Ричард Рорти шундай дейди: “Гёте ва Маколэу ҳамда Карлэул ва Эмерсон давридан бошлиб матннинг янги тури пайдо бўлди. Бу адабий асарларнинг қиёсий фазилатларига баҳо ҳам, гояларнинг тарихи, на ахлоқ фалсафаси, на ижтимоий башорат; буларнинг бари биргаликда янги жсанр,”- деб айтади.

Бу қўп қатлами жсанрни оддийгина “назария” деб номлашиб қулай. Бу атамани доимий аниқ фикр юритишга йўналтирадиган ва унинг соҳасини ўзгартирадиган, гўёки соҳага алоқаси йўқдек қўринадиган илмий ишларда ҳам ишлатила бошланди. Мана назария нимани билдириши ҳақидаги оддий таъриф. Назарияга алоқадор илмий ишлар гояларнинг кенг соҳасига таъсир ўтказади.

Бу оддий изоҳ, қониқарли таъриф бўла олмайди, аммо 1960 йилда бошланган жараёнга мос келадиганга ўхшайди: адабиётшунослар адабиётни ўрганишининг доирасидан чиқадиган матнлар яратмоқдалар.

Уларнинг тил таҳлили, ёки тафаккури, тарихи матн ва маданият тушунчалари билан бөглиқ бўлган масалаларга янги ва ишончили муносабат пайдо қиласди. Шу маънода назария бу адабиёт методларини ўрганиши йигиндиси эмас, балки матнларнинг чексиз миқдори бўлиб, ой остидаги маконда нима бўлса, ҳаммасига: академик фалсафанинг тор доирадаги маҳсус муаммолари ва уларни англашнинг турли усувларидан тортиб, моддий оламнинг тасвирига багишилангандир.

Назария жанр сифатида қўйидаги: антропология, санъат, тарих, киноматография, гендер муаммолари, тилишунослик, фалсафа, сиёсатшунослик, психологик таҳлил, илм-фан тадқиқотлари, ижтимоий ва интеллектуал тарих ҳамда жамиятшуносликни ўз ичига олади.

Ушбу соҳалар ўзларининг далиллари билан иш кўради. Лекин улар назария бўлади, чунки улар ҳақидаги қарашилар ва далиллар маҳсулдор ва бу фанларни ўрганмайдиганлар учун фойдалидир. “Назария”га айланган илмий тадқиқотлар шундай низомни ўзида ифодалайдики, уларни китобхон ўзининг фикрлашида, табиат ва маданият, руҳиятнинг намоён бўлиши, жамиятнинг инсон шахсий ҳаётига муносабати ва глобал тарихий кучларнинг индивидуал тажрибаларга таъсирини ўрганишида қўллаши мумкин.³

1.5 Адабиётнинг уч хусусияти

“Адабиёт” тушунчасининг маъносини тўлалиги билан очиб бериш учун, аввало, адабиётнинг бир неча муҳим, энг кўзга ташланадиган ва ҳамма томонидан тан олинган хусусиятларини кўздан кечириш лозим. Бу хусусиятлар учта бўлиб, В. Г. Белинский томонидан “адабиёт” терминини талқин этиш муносабати билан, унинг “Адабиёт сўзининг умумий маъноси” номли мақоласида таърифланган.

Адабиётнингбиринчи хусусияти-адабиётнинг оммавийлиги.

В. Г. Белинский таърифича, “адабиёт” доимо оммавийликка суюнади, ўз тасдигини жамият фикридан олади», у “фақат билимдонларнинг... ёки мумтоз ҳаваскорларнинг кичик доираси эътиборидан эмас, балки бутун ҳалқдан, энг камида — ҳалқнинг маърифатли синфларининг эътиборидан мадад олади. Адабиёт бутун жамиятнинг мулкидир”². Бу мақолада Белинский “оммавийлик” терминини омма онгини инъикос эта билувчилик маъносида ишлатади.



Хақиқатан ҳам, адабиёт жамиятнинг ҳамма табаҳаларига мулжалланган бўлади ва одамларнинг ёши, жинси, касби, ижтимоий ҳаётда тутган ўрнига қарамасдан, ҳамма томонидан ўқилади, ҳар бир кишида қизиқиш туғдиради. Бугина эмас, бир ҳалқда яратилган адабиёт асарлари бошқа ҳалқларнинг ҳам барча вакиллари томонидан қизиқиб ўқилади, жаҳондаги одамларнинг ҳаммасида (уларнииг ирқий, миллий, диний, иқлимий фарқларидан қатъи на- зар) қизиқиш туғдира олади, ҳамма кишиларга фойда етказади, бутун инсониятнинг мулки бўлиб

³ Jonattan Culler. Literature theory: A very short introduction. OUK 2011 1- боб. 3-4 бетлар.

қолади. Қадим юонон адабиёти «бутун инсониятнинг мулкидир». «..Ҳатто ҳиндларнинг санъати ва адабиёти ҳам, оламшумул-тарихий тараққиётнинг бир босқичи сифатида, оламшумул аҳамиятга эгадир».

Бир халқ адабиётининг бутун инсоният ва унинг тарихи учун аҳамияти қанчалик зўрбўлишини рус адабиёти мисолида ҳам кўриш мумкин. XIX ва XX аср рус классик адабиёти оламдаги ҳамма халқлар маданиятига жуда зўр ҳисса бўлиб кирди, жаҳон адабиётининг тараққиёт йўлларини қўп жизҳатдан тайинлаб берди. Бу жизҳатдап буюк рус ёзувчиси Лев Толстой ижоди жуда характерлидир.

Адабиёти тараққий топган ҳар бир халқнинг ютуқлари тезда бутун жаҳон миқёсига чиқади, ҳамма мамлакатлар ва халқлар томонидан энг кенг миқёсда қабул этилади. «Келинг, Алишер Навоийдек шоир бўлгани учун қувонайлик. Бизга шундай шоирни армуғон қилган ўзбек халқига катта раҳмат айтайлик,— деган академик И. И. Конрад.— Навоийни факат ўрганмасдан, тадқиқ этмасдан, ўқиб ҳам юрайлик. Факат ўқибгина қолмасдан, унинг ҳақида ўйлаб ҳам юрайлик».

Адабиётнинг бутун инсоният маданияти билан чамбарчас боғланиб кетгани унинг бу қадар кенг оммавийлигини таъмин этувчи сабаблардан биридир. «Алишер Навоийнинг азамат сиймоси жаҳон адабиётидан ажраб қолган эмас,— деб ёзган эди машҳур рус олими В. М. Жирмунский,— ўзбек адабиётининг буюк асос солувчисинииг ижоди ўзининг ғарбий ҳамфирлари — Ренессанснинг шоирлари ва мутафаккирларининг ғоялари билан бевосита ҳамоҳангдир».

Ҳар бир халқнинг вакиллари томонидан яратилган асарларнинг бутун инсоният томонидан қабул этилишида адабиётнинг ана шу хусусиятн — оммавийликда яна ҳам яққол кўрииади. Ўзбекистон тарихи, географияси ва ундаги табиий бойликлардан ёки унда фаннинг тараққиётидан маълумот берувчи асарлар бутун жаҳон ўқувчиларининг маълум қисминигина қизиқтириши мумкин. Аммо Навоий, А. Қодирий ва Ойбек яратган бадиий адабиёт намуналари турли географик минтақада яшовчи ўқувчиларда қизиқиш туғдира олади. Шунинг учуп ҳам ўзбек адабиёти асарларининг ер юзидаги жуда кўп тилларга таржима этилгани бежиз эмас.

Адабиётнинг оммавийлиги ана шундай чексиздир.

Адабиётнинг иккинчи хусусияти — унинг маълум шахслар, талант эгалари томонидан яратилишидир.

Бу жиҳатдан ёзма адабиёг халқнинг оғзаки ижодидан фарққилади. Оғзаки ижодга мансуб асарларнинг яратувчиси номаълум. Аслида улар халқнинг колектив равишдаги ижодий маҳсулидир. Адабиётда эса ҳар бир асарнн маълум шахслар яратади. Ҳатто адабий ижоднинг энг ушоқ шакли афоризм (ҳикматли сўзлар)ни ҳам ким яратгани аниқ. (Масалан, Навоий афоризмларини биламиз.) Ваҳоланки, халқ ижодида бу ижодий шакл «мақол», «матал» ёки бўлмаса «оталар сўзи» номи билан юритилади, унинг яратувчиси номаълум, тўғрироғи бутун халқдир. Белинский таърнфича, адабиётни яратувчилар «халқ эмас, балки айрим шахслар бўлиб, улар ўзларииинг ақлий фаолиятлари билан халқ руҳинипг турли томонларини акс

эттирадилар». Яратувчининг амма хусусиятлари адабиёт асарларида ўз изини қолдиради. «Адабиётда шахсўзнинг бутун ҳуқуқига эга бўлади ва адабий даврлар доимо шахсларнинг номлари орқали намоён килинади». Ҳақиқатан ҳам, ўзбек классик адабнётининг шаклланиши Лутфий, Навоий, Бобир, Огаҳий, Муҳимиҳий каби улкан ёзувчиларнинг номлари билан боғлиқдир. Қозоқ адабиёти деганимизда, даставвал Абай ва Аvezov, озарбайжон адабиёти деганимизда — Фузулий, Воҳиф, Собир, С. Вурғун, рус адабиёти деганимизда — Пушкин, Лермонтов, Достоевский, Л. Толстой ва М. Горький, тожик адабиёти деганимизда — Рудакий, Фирдавсий, Жомий, Саъдий, С. Айний каби конкрет шахслар кўз олдимизга келади ва ҳоказо.

Адабиётнинг учинчи хусусияти — бадиийликдир, яъни ҳаётнинг

унда образлар орқали инъикос этишидир. «Адабиёт тўғрисида гапирав эканмиз,— дейди В. Г. Белинский,— биз даставвал гўзал адабиётни — поэтик, бадиий асарлар доирасинп кўзда тутамиз». Бу хусусияти жиҳатидан адабиёт фандан фарқҳилади ва санъатга (рассомлик, мўзика ва шунга ухшашларга) яқинлашади.



Шундай қилиб, оммавийлик, яратувчи шахснинг аниклиги ва бадиийлик «адабиёт» терминн билан аталувчи маданий ҳодисанинг муҳим хусусиятлариданdir.

Адабиётнинг Белинский томонидан белгиланган ана шу жуда муҳим уч хусусияти адабиёт ҳақидаги фаннинг бўлишини зарур қилиб қуяди ва бу фаннинг йуналишини ҳам тайин этади. Адабпётишунослик ва шу фаннинг бир қисми бўлган адабиёт назарияси, асосан уч проблема доирасинп урганади: адабиётнинг ижтимоий аҳамияти, адабиётни яратишда ижодкор шахснинг роли (талант, Садий маҳорат, адабий ижод шаклларининг хусусиятларини эгаллаш ва ҳоказо) ва бадиийликшшг ўзи нимадан иборат эканшли (бадиий адабиётнинг сиецификасини) аниқлайди. Булар адабиётшунослик ва адабиёт назариясиинг бош вазифалари дар.

Бу проблемаларни ёритишда адабиётшунослик, даставвал, бадиий адабиётда намуна бўларлик асарлар яратган ёзувчиларнинг ижодига суяиди. Бупдай ёзувчилар «классиклар» деб аталадилар. «Классика» сўзи лотинча бўлиб, намунавий, урнак бўладиган демакдир. Адабиётнинг классик асарларида адабий ижодшшг конунлари алоҳида бир аниқлик ва ёрқинлик билан намоён бўлади. Адабиётшунослик ва адабиёт назариясининг вазифаси — анашу хусусиятларини аниқлашдир. Бундай қонунларнинг мавжудлиги ва уларни ўрганиш зарурлиги аллақачон фан томонидан аниқланган ва адабиётни яратувчилар томонидан тан олинган ҳодпсадпр. Масалап, А. П. Чехов 1883 йилнинг 3 поябрида ёзувчи А. С. Суворовга ёзган хатида бундай деган эди: «Хамма асрларда санъаткорлар⁴ томонидан яратплган энг яхши асарларни бир ерга йиғиши ва илмий методдан фойдаланиб туриб, бу асарларни бир-бирларига ўхшаш қилган ва бу асарларни қимматга эга қиласиган умумийликни тутиб олиш мумкин. Умроқий ҳисобланадиган

асарларга умумий хусусиятлари жуда кўп, агар уларнинг ҳар биридан ана шу умумийликни олиб ташланса, асар қимматини ва жозибасини йўқотади. Демак, бу умумийлик зарурийдир». Адабиёт назариясп классик асарлардаги ана шу зарурий умумийликни, яш уларнинг ғоявий-бадиий қимматини тайин этувчи аломатларини ва хусусиятларини ўрганади.

Мавзу бўйича назорат саволлари ва топшириклар.

1. “Адабиёт” терминининг мазмуни кандай?
2. Бадиий адабиётнинг кишилик жамиятидаги ўрни ва роли кандай?
3. Адабиётшунослик фанининг обьекти нима?
4. Адабиётнинг муҳим хусусияти нимада?
5. Адабиётшуносликнинг асосий таркибий қисмлари орасидаги ўзаро боғлиқлик, узвий алоқани тушунтириб беринг.
6. “Матншунослик фаолияти адабиётшунослик, тилшунослик ва тарих фанлари кесишган нуқтада кечади” деган фикрни қандай тушунасиз?

Асосий адабиётлар:

1. Jonattan Culler. Literature theory: A very short introduction.OUK 2011
2. Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари.-Т.: “Ўзбекистон” 2002.
3. Умурев Х. Адабиётшунослик назарияси.-Т.: “Ўқитувчи”, 2004.
4. Улуғов А. Адабиётшуносликка кириш . “Университет”. 2005

Қўшимча адабиётлар:

1. Арасту. Поэтика. Ахлоқи кабир. -Т.: “Янги аср авлоди”, 2004
 2. Султонов И. Адабиёт назарияси.-Т.: “Ўқитувчи”, 2005.
 3. Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. - Т.: “Зарқалам”, 2006.
 4. Куронов Д., Раҳмонов Б. Ғарб адабий-танқидий тафаккури тарихи очерклари. – Тошкент: “Фан”, 2008.
 5. Куронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. – Тошкент: “Akademnashr”, 2010.
- Хализев В. Е. Теория литературы. Учебник.-М.: “Высшая школа”, 1999

2-МАВЗУ: АДАБИЁТ, САНЬАТ ВА МАДАНИЯТНИНГ СИНКРЕТИК ШАКЛИ

РЕЖА:

1. Санъат тушунчаси.
2. Амалий ва бадий санъатлар. **Адабиёт эстетик объект сифатида.**
3. Бадий адабиётнинг бошқа санъат турлари билан алоқаси.
4. Бадий образ санъатнинг бош хусусияти.
- 5. Адабиёт ва маданиятшунослик ўртасидаги боғлиқлик.**

Таянч тушунчалар: санъат, амалий санъат, фойдалилик, моддий эҳтиёж, бадий санъат, маданиятшунослик, маънавий-руҳий эҳтиёж, эстетик фаолият, синтезлашув.

Маъруза матни:

2.1 Санъат тушунчаси.

Ўз вақтида Абдурауф Фитрат: "Санъат луғатда хунар демакдирким, бир нарсани яхши ишлаб чиқаришдан иборатдир"- деб ёзган эди. Бир қарашда Фитрат "санъат" сўзининг маъносини, санъатнинг моҳиятини жўнлаштираётгандек кўриниши мумкин. Бироқ эътибор қилинса, олим "яхши" сўзига айрича урғу берадигани, унга жуда катта маъно юклайтгани англашилади. Хўш, кўчирмадаги "яхши" сўзига қандай маънолар юкланган? Дарҳақиқат, тилимизда ишлатилувчи "санъат" сўзининг маъно қирралари анча кенг. Масалан, "рассомлик санъати", "кулоллик санъатини эгалламоқ", "юксак санъат билан ишланган" каби бирикмаларнинг ҳар бирида "санъат" сўзи турли маъно қирраларини ифодалайди. Шунга қарамай, уларда "санъат" сўзи ифодалаётган маъно қирраларини бирлаштирувчи умумий нуқталар мавжудки, бу мазкур сўзниң ҳар учала ҳолда ҳам "гўзаллик", "маҳорат", "дид" тушунчалари билан боғлиқлигидир.

"Санъат" сўзи жонли тилимизда нечоғли кенг маънода қўлланмасин, табиийки, бизни унинг луғавий маъноси эмас, истилоҳий маъноси қизиктиради. Истилоҳий маънода санъат деганда инсоннинг гўзаллик қонуниятлари асосида борлиқни бадий ўзлаштириш(ва ўзгартириш)га қаратилган яратувчилик фаолияти ҳамда унинг натижаси ўлароқ вужудга келган нарсалар жами тушунилади. Демак, бу маънода тушунилса, гўзаллик қонунлари асосида маҳорат ва дид билан яратилган нарсаларнинг ҳаммаси санъатга алокадордир. Шу боис ҳам биз "амалий санъат" ва "бадий(нафис) санъат" турларини ажратамиз.

2.2 Амалий ва бадий санъатлар. Адабиёт эстетик объект сифатида. Амалий санъат турлари.



Амалий санъат турларига кулолчилик, наққошлиқ, зардўзлик, модельерлик каби қатор соҳаларни киритамиз.

Бадий санъат турлари.

Бадий санъат турларига рассомлик, мусика, ҳайкалтарошлиқ, кино, театр кабиларни мансуб этамиз. Модомики биз кенг маънодаги "санъат" ичида амалий ва бадий санъат турларини ажратар эканмиз, уларнинг умумлаштирувчи ва фарқли жиҳатлари бўлиши лозим. Бу ўринда умумлаштирувчи жиҳат шуки, ҳар иккиси ҳам гўзаллик қонунлари асосида дид ва маҳорат билан яратилади. Фарқли жиҳатларига келсак, улардан энг муҳими шуки, амалий санъат маҳсулоти инсоннинг моддий эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилса, бадий санъат намуналари инсоннинг маънавий-рухий эҳтиёжларини қондиришга қаратилганadir. Демак, амалий санъат маҳсулоти инсоннинг кундалик турмушда фойдаланишини кўзда тутади, айни пайтда унга завқ беради. Масалан, кулол ишлаган пиёла қанчалик нафис ва гўзал бўлмасин, биз унда чой (умуман, ичимлик) ичамиз. Моҳият эътибори билан нафис ишланган пиёла ҳам, жўн пиёла ҳам амалий фойдалилиги жиҳатидан teng. Бироқ нафис ишланган пиёла кишининг чой ичишига восита бўлишидан ташқари унга завқ ҳам беради, кайфиятини кўтаради. Шундай бўлса-да, завқ бағишлашлик пиёланинг иккиламчи функцияси.



Демак, амалий санъат маҳсулотининг қиммати биринчи навбатда фойдалилиги билан белгиланади. Энди қиёс учун, масалан, қадим юонон ҳайкалтароши яратган бирор бир ҳайкални олайлик. Ҳайкални яратар экан юонон ундан амалда фойдаланишни кўзда тутган эмас. Айтайлик, у ўзи топинган маъбудлардан бирининг ҳайкалини яратди. Ҳайкалтарош ўша маъбудни аввало ўзининг тасаввурида яратди, ижодий фантазия қуввати билан тасаввур қила олгани образда — қотириб кўйилган лаҳзада маъбудининг гўзаллиги, қудрати, меҳрию-қаҳрини кўра олди, ундан завқланди, ҳайратланди, унга топинди ва айни шу ҳолатни тошда йўниб муҳрлади. Ҳайкални кўрар экан томошабин ўша завқни, ҳайратни ўзига юқтиради, ҳайкалдан бошқа мақсадда фойдаланишни ўйламайди ҳам. Кўрамизки, ҳайкал бошқа бир одамнинг завқио ҳайратини бошқа одамга кўчирди, унинг руҳиятига озиқ берди.



Юқоридагидан кўринадики, пиёла ҳам, ҳайкал ҳам гўзаллик қонунлари асосида дид ва маҳорат билан яратилган. Яъни, амалий санъат



конунлари асосида дид ва маҳорат билан яратилган. Яъни, амалий санъат

ҳам, нафис санъат ҳам эстетик фаолият маҳсули. Инсоннинг гўзаллик қонунлари асосида борлиқни ўзлаштириш ва ўзгартиришга қаратилган фаолияти эстетик фаолият деб юритилади.

Адабиёт эстетик объект сифатида

Адабиётнинг ўзига хос белгилари ҳалигача муҳокама қилинади. Лингвистиканинг қўшимча дараҷалари, гапдан амалий контекстнинг ажратилиши, дунёга бадиий боғлиқлик – ҳаммаси “Тилнинг эстетик вазифаси” номли умумий сарлавҳа остида келиши мумкин. Эстетика санъат назариясининг тарихий номи бўлиб, гўзаллик санъатнинг объектив хусусиятими, ёки томошабинларнинг субъектив жавобими, гўзаликнинг ҳақиқат ва яхшиликка боғлиқлиги деган муҳокамаларга сабаб бўлган.

Замонавий гарбий эстетиканинг асосий назариячиси бўлган Иммануэл Кант учун эстетика бу - моддий-маънавий дунё, кучлар дунёси ва гоялар дунёси ўртасидаги фарқни қисқартиришга уринишадир. Эстетик буюмлар, жумладан, расмлар ёки адабиёт асарлари сезиладиган шакл (ранглар, товушлар) ва маънавий таркиб (гоялар)нинг бирлашмаси билан моддийлик ва маънавийликни бирга олиб боришнинг эҳтимоллилигини намойиш қиласди. Адабий асар эстетик буюм, чунки у китобхонларни шакл ва маъно ўртасидаги ўзаро боғлиқликни этиборга олишига ундаиди.

Кант ва бошқа назариячилар учун эстетик буюмларда “мақсадсиз мақсадлилик” бор. Уларнинг қурилишида мақсадлилик бор: эстетика буюмларнинг қисмлари биргаликда баъзи мақсад сари бирга ишилаш учун яратилган. Лекин мақсаднинг ўзи санъат асаридир.

Яхши ҳикоя китобхонлар, ёки тингловчиларга таъсир қиласди. У кулдириши, ўргатиши, ёмон шига ундаши мумкин. Лекин сиз яхши ҳикояларни бу нарсалардан бирортасини қилмасдан туриб аниқлай олмайсиз.

Назариячилар асарлар бошқа асарлардан яратилади деб баҳслашишиади. Бу фикр баъзида “матнлараро” номи билан келади. Асар алоқаси орқали бошқа матнлар ўртасида, ёки орасида мавжуд бўлади. Бирор нарсани адабиёт сифатида ўқиши бу бошқа нутқнинг маъносига алоқаси бор лингвистик ҳодисаларни муҳокама қилишиадир. Шекспирнинг “Менинг хуторимнинг кўзлари куёшга ўхшашидан бошқа ҳеч нарса эмас” номли сонетида метафоралар севги шеърлари анъанасида қўлланган ва уларни аёлни мақташ йўлида “у юрганда ерга қадам босади” дея инкор этади. Шеърда анъанага мос бўлган маъно бор.

Шеърни адабиёт сифатида ўқиши бу уни бошқа шеърларга боғлаш, ҳис-туйгу ҳосил қилиш йўлларини бошқа шеърлар билан таққослашиадир. Улар шеърий тасаввур ва шеърий талқин ҳаракатларида тугилади. Бу ерда биз яқин назарияларда муҳим бўлган бошқа тасаввурга дуч келамиз. Бу адабиётнинг ўз-ўзини акс эттиришиадир. Романлар баъзи дараҷаларда романлар, тажрибаларга

шакл ва маъно берииш ва акс эттиришининг муаммолари ва эҳтимолликлари ҳақидаидир. “Бовари хоним” асари Эмма Боварининг ҳақиқий ҳаёти ва ўқиган ишқий романлари ўртасидаги алоқани тадқиқ қиласди.

Адабиёт ёзувчилар ривожлантириши ёки янгилашга уринадиган амалийтадир ва шунинг учун у доимо адабиёт ўзидағи маҳсулдир.

Хусусиятлар натижаларга қарши. Бешта ҳолатнинг ҳар бирида биз мен юқорида эслатиб ўтган тузилишига дуч келамиз.

Тушуниши нуқтаи назари дунё бўйича энг кўп қўлланиладиган атамалардан бири ҳисобланади. Адабиётнинг сифатлари холисона хусусият ёки тилни шакллантириши йўлларининг натижалари орқали қисқартирилмайди. Бу бўлимнинг биринчи қисмida баъзи бир кичик тажрибалардан аниқланган сабабнинг калити бор. Биз қабул қилган асосларимизни тил рад этади. “Биз қўнгироқ атрофида айландик” мисрасини тақдир ясовчи ёки кучли арабаштириши шеърга айлантириши жуда ҳам қийин. Ҳар доим биз ниманидир адабиёт сифатида қабул қилмоқчи бўлсак, тил намуналари буни рад этади; биз бунинг устида ишилашимиз керак. Нихоят, адабийлик адабиётда тил материали ва ўқувчи ўртасидаги адабиёт нима деган хулоса ўртасидаги зиддиятида бўлиши мумкин. Лекин айтганимдек, биз ўргангандан 5 та сабабларга кўра буларнинг ҳар бири ўзларининг сифат белгиси эканлигини, ва булар адабиётда жудаям муҳим бурилиши касб этишини билдирган, чунки булар тил ўрганишининг бошқа соҳаларида ҳам учраб туради.⁴

Эстетик фаолият инсон ҳаётининг барча нуқталарида ўзини намоён қиласди: кундалик турмушда, меҳнатда, истироҳатда ва ҳ. Айтайлик, ҳовлисига гулу райхон ўтқазаётган аёл, ўзига оро бераётган қиз, дарахтларга шакл бераётган боғбон, табиат манзарасидан завқланаётган сайёҳ, ўша манзарани чизаётган рассом ... — буларнинг барида эстетик фаолият унсурлари у ёки бу даражада мавжуд. Бироқ улар бир-биридан фарқланади. Айтайлик, агар пиёла гўзаллик қонунлари асосида кечган меҳнат фаолияти маҳсули бўлса, ҳайкал гўзаллик қонунлари асосида кечган ижодий-руҳий фаолият маҳсули. Англашиладики, эстетик фаолият тушунчаси бадиий ижод, бадиийлик тушунчаларидан кенг экан, зеро, бадиий ижод эстетик фаолиятнинг бир кўриниши сифатида мавжуддир. Биз мутахассис сифатида кўпроқ тор маънодаги "санъат" тушунчаси билан иш кўрамиз.

Тор маънода қўлланилган "санъат" сўзи бадиий санъатларни кўзда тутади. Бадиий санъатлар деганда биз мусиқа, ракс, рассомлик, ҳайкалтарошлиқ, бадиий адабиёт, театр, кино каби санъат турларини тушунамиз. Модомики санъатни турларга ажратар эканмиз, бу турларни умумлаштирувчи ва фарқловчи жиҳатлар бўлиши лозим. Саналган санъат турларини умумлаштирувчи жиҳат образлилик, яъни, уларнинг бари бадиий образ воситасида фикрлайди. Фарқловчи жиҳатларга келсак, бу нарса,

⁴ Jonattan Culler. Literature theory: A very short introduction. OUK 2011 2- боб. 20-22 бетлар.

биринчи навбатда, образни яратиш материалида кўринади: мусиқа оҳанглар, рассомлик ранглар, ракс пластик ҳаракатлар, ҳайкалтарошлиқ қотган пластика воситасида образ яратади.

Бадий адабиёт сўз воситасида образ яратади ва шу боис ҳам сўз санъати деб юритилади. Сўз универсал билиш воситаси бўлганидек, универсал ифода воситаси ҳамdir: ҳар қандай фикрий фаолият ва ҳиснинг ифодаси сўз воситасида амалга ошади, амалга оша олади. Сўз билан иш кўргани учун ҳам бадий адабиёт бошқа санъат турлари орасида тасвир ва ифода имкониятларининг кенглиги билан алоҳида ўрин ва мавқе касб этади. Биз кўпинча "рангтасвир тили", "кино тили" каби тушунчаларга дуч келамиз. Негаки, бошқа санъат турларининг тили бадий адабиёт тилига ўгирилиши мумкин, боз устига, биз бошқа санъат турларига мансуб асарларни-да сўз воситасида ақлий ва ҳиссий мушоҳада қиласиз, "сингирамиз". Санъат турларининг ичидаги ифодавий ва тасвирий санъат турларини фарқланади. Бир хил санъат турлари тасвирласа, бошқалари ифодалайди. Айтайлик, мусиқа - ифода санъати, композитор оҳанглар орқали кечинмаларини ифодалайди ва шу оҳанглар руҳиятимизда муайян бир кайфият ҳосил қиласиди. Мусиқани тингларкан, ўша кайфият асосида ҳар бир тингловчи ўзига хос бир манзарани, ҳолатни кўз олдига келтиради. Яъни, композитор муайян образ таъсирида туғилган кечинмаларни ифодалади — образнинг ўзини тасвирламади, тингловчи эса кечинмалар асосида ўша образни ўзи тасаввур этади. Рассомлик билан ҳайкалтарошлиқ тасвирий санъат турлари саналадики, бунда ўзгачароқ ҳолга дуч келамиз. Бу жараённи тубандагича тасаввур қилишимиз мумкин: бирор манзара, ҳолат мусаввир қалбини жумбушга келтирди, кўнглида муайян кечинмалар буҳронини қўзғади — мусаввир ўзини ҳайратга солган, завқлантирган, кўнглида кечинмалар қўзғаган ўша манзарани рангтасвирда муҳрлайди — рангтасвир бизда-да ўша ёки ўшанга яқин ҳис-туйғуларни уйғотади, кайфиятни ҳосил қиласиди. Бадий адабиётга шу жиҳатдан назар солсак, унинг қоришиқ ҳодиса сифатида намоён бўлиши кўринади: дейлик, эпик асарларни олсак, уларда тасвирийлик хусусияти устунлигини, лирик асарларда эса ифодавийлик етакчилик қилишини кузатамиз.

Санъат турлари орасидаги фарқ яна уларнинг реципиент (ўқувчи, тингловчи, томошибин) томонидан қабул қилинишидаги ўзига ҳосликда ҳам кўринади. Масалан, рассом чизган пейзажни қабул қилиш жараёни билан эпик асардаги сўз билан тасвирланган пейзажни қабул қилишдаги фарқни олайлик. Рангтасвир асарини яхлит ҳолда қўрамиз: яъни, уни аввалига бутунича қўрамиз, кейин бутундан қисмга (деталларга қараб) борамиз. Бадий адабиётдаги пейзажни қабул қилишда эса, аксинча, қисмдан бутунга қараб борилади: аввалига деталлар билан тартиби билан танишамиизда, охирида кўз олдимизда яхлит манзара ҳосил бўлади. Айрим санъат турларига мансуб асарларини реципиент бевосита қабул қиласа, бошқаларнинг қабул қилиниши учун ўртада воситачи — ижрочининг бўлиши талаб этилади. Масалан, мусиқа асарини олайлик. Мусиқа асарининг яратувчиси (композитор), асарнинг ўзи(ноталар билан ифодаланган матн), ижрочиси ва

эшитувчи бор. Кўриниб турибдики, композитор тингловчи билан бевосита мулокотга кириша олмайди, зеро, ижро этилаётган куйда қисман ижрочининг-да талқини қўшилган. Бу жихатдан бадий адабиётнинг устунлиги шундаки, ўқувчи бадий информациини бевосита(асарнинг ўзи орқали) қабул қиласи, ўқувчининг руҳий фаоллиги юқори даражада бўлади. Турли санъат турларига мансуб асарларнинг яратилиши жараёни билан боғлик фарқларга ҳам тўхталиш лозим. Масалан, бадий адабиёт ёзувчининг индивидуал ижодий фаолияти маҳсули бўлса, кино коллектив ижод маҳсули сифатида яралади. Кино асарининг яратилишида сценарий муаллифи, саҳналаштирувчи рассом, композитор, актёр кабиларнинг ижодий меҳнати борки, уларнинг бари бир фокусга — режиссёр нигоҳига жамланади. Мавжуд санъат турлари орасида бадий адабиёт етакчилик мавқеида туради. Бу хил мавқенинг асоси шуки, бадий адабиёт универсал билиш ва ифода воситаси бўлмиш сўз билан иш кўради. Биз юқорида бадий адабиёт "тили"га барча санъат турлари "тили"ни ўгириш мумкин, дедик. Бироқ, агар бу фикрни мутлақлаштирилган ҳолда тушунадиган бўлсак, унда бошқа санъат турларининг пайдо бўлиши асоссиз, кераксиз бўлур эди. Ҳолбуки, рангтасвир даражасидаги тасвирийликка, мусиқа даражасидаги ифодавийликка адабиётнинг эришмоғи душвордир. Шунга қарамай, бадий тафаккур сўз асосига қурилгани сабабидан ҳам бадий адабиёт белгиловчи санъат тури саналади: бошқа санъат турлари яратувчи образлар сўз санъатида яратилган образлар контекстида қабул қилинади. Кейинги йилларда "кўриш"га асосланган бадий информациининг ўрни кучайса ҳам, сўз ўзининг етакчи мавқеини сақлаб қолди ва шу боис ҳам бадий адабиёт ҳамон санъатнинг белгиловчи тури бўлиб турибди.

2.3 Бадий адабиётнинг бошқа санъат турлари билан алоқаси.

Бадий адабиёт санъатнинг бошқа турлари ривожига кучли таъсир кўрсатганидек, бошқа санъат турлари ҳам бадий адабиёт тараққиётига кучли таъсир кўрсатади. Яъни, адабиёт бошқа санъат турлари билан алоқада яшайди ва ривожланади. **Масалан, ўзбек миллий театрининг**



ривожланиши ўзбек бадий прозасининг тасвир ва ифода имкониятларини кенгайтиргани, насрий асарлар структурасини ўзгартиргани шубҳасиздир. Замонавий насрий асарларда "саҳнавийлик"нинг кучайгани, диалогларнинг тобора кенг ўрин олиб бориши ҳамда тасвирда "объективлик"ка интилишнинг ортгани театр санъатининг ривожи билан боғлиқдир. Зеро, театр санъати миллий бадий тафаккурни бойитди: носирларимиз "диалог" воситасида қаҳрамонлар руҳиятини очиш, ҳаётий ҳолатнинг руҳий асосларини кўрсатиш каби янги бадий имкониятларни ўзлаштирилар. Иккинчи томондан, ўқувчилар шу хил насрий асарларни қабул қилишга тайёрландилар, эпик

насрий асар воқеаларини "четдан" кузатиш(худди саҳна асарини томоша қилаётгандек) орқали эстетик завқ олиш, асар мазмун-моҳиятини тушуниш қўникмаларини ҳосил қилдилар. Бошқа бир мисол тариқасида мусиқани олайлик.



Миллий турмуш тарзининг, ҳаёт ритмининг ўзгариши баробари **миллий мусиқамиз ритмида** ҳам ўзгаришлар содир бўлди, бу ўзгаришлар шеъриятда ҳам кузатилади. Миллий рангтасвир санъатининг, хусусан, ундаги портрет ва пейзаж жанрларининг ривожи ва миллий насримиздаги пейзаж, портрет тасвиридаги ўзгаришлар, шунингдек, пейзаж шеърлар хақида ҳам юқоридаги фикрларни айтиш мумкин бўлади. Булардан кўринадики, бадий адабиётнинг тасвир ва ифода имкониятларининг кенгайиши ва такомилида унинг бошқа санъат турлари билан алоқаси муҳим аҳамият касб этади. Шу боис ҳам ҳозирги адабиётда нафақат адабий турлар орасидаги синтезлашув, балки бошқа санъат турлари билан синтезлашув ҳолларини ҳам кузатиш мумкин. Мисол тариқасида Х.Давроннинг тубандаги шеърини олайлик:

*Рўмол ўраб кўчага чиқди,
рўмолини ечди кўчада
ва соchlари бирдан шовуллаб
оқиб кетди елкаларидан.
Жуда гўзал аёл эди у
қаландардек эргашди ҳилол.*

Бу шеър ўқувчисининг қўз олдида тасвир бирма-бир, худди кино кадрларидек намоён бўлади. Яъни, шеърнинг қабул қилинишида кино асарини қабул қилишга яқинлик, демакки, унинг ифода йўсинида кино "тили"га яқинлик бор. Демак, бадий адабиётга қотиб қолган ҳодиса сифатида ҳам, мутлақо мустақил ҳодиса сифатида ҳам қарамаслик керак. Шундагина бугунги адабиётдаги ўзгаришларни ҳис қилиш ва уларни "хазм" қила олиш мумкин бўлади. Акс ҳолда мутахассис сифатида ҳам, китобхон сифатида ҳам чекланиб қолиш, адабий ҳодисаларни ўтмиш "тоши" билангина ўлчайдиган бўлиб қолишимиз мумкин.

2.4 Бадий образ санъатнинг бош хусусияти.



Санъат воқеликни бадий образ (қиёфа) ёрдамида акс эттиради. Санъат ва бадий образ тушунчалари бир-бирини тўлдиради, бойитади, изоҳлайди. Санъат бадий образ воситасида тўла намоён бўлади. Бадий образ санъатнинг муҳим «катақчаси»ки, унингсиз санъат амал қилмайди, бадий образ санъатнинг бош хусусиятини белгилайди. Шу боис бадий

образ санъат табиатини очиб беришда асосий босқичдир.

Санъат сири кўп жиҳатлардан бадий образ сири билан чамбарчас боғлиқдир. Қадимги даврлардан бошлаб бадий образ сирини англашга интилиб келинмоқда. Образ тушунчаси билиш назариясининг таркибий қисмидир. «Образ» деб инсон онгига нарса ва ҳодисаларнинг акс этиши тушунилади. Инсон ўзининг сезгиси, идроки, тасаввuri, тушунчаси ва шу кабилар орқали ташқи дунёни образ шаклида англайди. Бадий образ манбаи «жонли ҳаётдир». Бадий қиёфа воқеликни қайта англаш бўлиб, эстетик тушунчалар сирасига киради. Бадий образ хусусиятларини инсон билиши жараёни умумий қонуниятларидан ажратиб мушоҳада этиши мумкин эмас. Бадий қиёфа билишнинг бир туридир. Билиш қонуниятлари санъатда ўзига хос кўринишларда намоён бўлади, бадий қиёфа эса жонли мушоҳада ва мавҳум тафаккур белгиларига эга бўлса-да, уни ҳам, буни ҳам англатмайди.

Бадий образ – ҳаёт каби мураккаб, сермазмун. Санъатда ҳаётнинг ҳамма мураккабликлари, қирралари, муносабатлар мажмуи бадий образда умумлаштирилади, унда ташқи (объектив) ва ички (субъектив) томонлар мавжуддир. Санъаткорнинг ҳис-туйғулари, кечинмалари, режалари манбаи бўлган воқеа-ҳодисалар, турли вазиятлар, тўқнашувлар бадий образнинг ташқи (объектив) томонидир. Бадий қиёфа ташқи дунёни инсон эҳтиёжларига мутаносиблиқда акс эттиради, яъни ҳаётни эстетик қадрият сифатида ифодалайди. Бадий образнинг ички (субъектив) томони санъаткорнинг ҳис- туйғулари, мўлжаллари, баҳолашлари, кечинмалари, ўй-хаёллари, орзу- умидларидир. Ташқи дунё таассуротларидан санъаткор-ижодкор онгига ҳосил бўлган буларнинг барчаси санъаткорнинг ички дунёсини ташкил этиб, у яратган бадий образларда ўз ифодасини топади.

Санъатда якка шахс туйғуси санъаткор – ижодкор фаолиятига хос тарзда у яратадиган бадий қиёфалар мазмунига сингиб кетади. Санъаткор кечинмалари билан тўйинтирилган бадий образга ҳеч нарса teng келмайди. Шу боис санъаткорлар бош қаҳрамонларини «мен – ўзим» деб таърифлайдилар. Бадий ижод ҳамма вақт яккаш кечинмалар, ҳис-туйғулар билан суғорилган бўлади. Санъатда «шахсийлик» бадий образ яратилишининг зарур шартидир. Масалан, санъатнинг янги тури бўлган бадий сураткашликни олиб кўрайлик, қандай холатда сурат (фото) бадий даражага кўтарилади? Бунда техник акс билан санъат асарини қандай ажрата олиш мумкин? Суратни яратадиган одамнинг акс эттираётган обьектга бўлган шахсий муносабати маҳсус масофа, услуги, мавзу назарияси, нур-соя мутаносиблиги орқали ифода этилсагина ўша сурат санъат асари бўла олади.

Эстетика назариясида бадий образ яратишнинг ички (субъектив) томони «санъаткор ижодий яккахонлиги ёки яккашлиги» (индивидуаллиги) деган тушунча билан изоҳланади. Ижодда яккахонлик (яккашлик) мураккаб ва кўп қиррали бўлиб, у воқеа- ҳодисаларни танлашда, уни баҳолашда, аниқ бўлак ва қисмларини ажратишда тур ва услугуб майлида, биринчи навбатда, санъаткорнинг воқелик ҳақидаги тасаввурларида намоён бўлади. Ижод усули, ранго - ранглик хусусияти, мавзу танлаши каби қолган барча томонлари санъаткор дунёқарашини ифодалашга бўйсундирилган бўлади.

Бадиий образ ички ва ташқи томонларининг боғлиқлиги саҳна санъатида ўзига хос кўринишларда намоён бўлади. Ижодкор яккашлиги бу ерда алоҳида образлар талқинида, асарнинг услугуб тизимида ва ҳатто санъат тури ечимларида ўзига хос ифодаланади. Масалан, фалсафа фанлари доктори, профессор Эркин Умаров “Эстетика” китобида тўғри таъкидлаб ўтганидек, ўзбек саҳна санъатининг атоқли намоёндаларидан бўлмиш Маннон Уйғур, Етим Бобожон, Тошхўжа Хўжаев, Олим Хўжаев, Раззоқ Ҳамроев, Ҳамза Умаров, Баҳодир Йўлдошев каби ижодкорлар саҳналаштирган «Алишер Навоий», «Жалолиддин Мангуберди», «Отелло», «Гамлет», «Қирол Лир», «Мирзо Улуғбек», «Тошболта ошиқ» асарларида муаллифлар услуби ва жанрини сақлаш билан бирга барча саҳналаштирувчи режиссёrlар ҳар бирининг иродаси, услуб ва тур майли, санъаткор шахси хусусиятлари акс эттирилган.

Саҳна асарларида бадиий образ актёр ижроси орқали намоён бўлади, актёр яратган образ драматургни илҳомлантирган ҳаётий ҳодиса ифодаси бўлиши билан бирга актёр ижодий меваси ҳамdir.

2.5 Адабиёт ва маданиятшунослик ўртасидаги боғлиқлик.



Жонатан Каллер адабиёт ва маданиятшунослик ҳамда улар ўртасидаги боғлиқлик ҳақида қуйидагича фикр юритади:

Француз профессорларининг тамаки Америкаликларнинг ҳаёлларига ўрнашиб олган семизлик ҳақида китоблар ёзишлиари; Шекспир издошлиарининг икки жинсликни таҳлил қилишлиари; Реализм мутахассиларининг сериал қотиллари устида ишилари. Ўзи нима рўй бермоқда? Бу ерда содир бўлаётган ҳодиса “маданиятшунослик” бўлиб, 1990-йилларнинг гуманитар фанларидағи асосий фаолиятдир. Баъзи адабиёт профессорларининг адабиётшуносликдан умуман воз кечиб, Милтондан Мадоннага, Шекспирдан телесериалларга юзланганликларининг эҳтимоли бўлган. Бу адабиёт назариясига қандай боғлиқ бўлиши мумкин?

Назария адабий ишлар таълимини улкан даражада бойитиб тетиклаштириди, аммо 1- бўлимда айтганимдек, бу назария адабиёт назарияси эмас. Агар сиз “назария” ниманинг назарияси эканлигини айтишингизга тўғри келганда, жавоб “амалиётни изоҳловчи” деган жавоб бўлар эди, малаканинг маҳсулоти ва тасвири ва гуманитар фанларнинг тузилиши, қисқача айтганда бу кенг маънодаги маданиятга ўхшайди. Маданиятшунослик йўналиши ривожланганинг қарамасдан, шунчалик ёлғон тартибли хусусиятга келганки, у худди “назария”дек



изоҳланиши қийин бўлиб қолганлиги одамни ажаблантиради. Шуни айтиши мумкинки, бу тушунчалар бир-биридан ажралмас; “назария” – бу назария, маданиятишунослик-бу малака. Маданиятишунослик – бу биз қисқача айтганда “назария”нинг амалиётда бажарилишидир. Баъзи маданиятишунос амалиётчилар “юқори назария”га норозилик билдиришади, Лекин бу фақатгина уларнинг назарий изланувлар олдидағи поёни йўқ ва қийин бўлган қўрқувларига жавобгарлик олмаслик истакларини кўрсатади холос.

Маданиятишунослини ўрганиши, ўзига хослик, тасвир ва тартиб устида олиб бориладиган назарий музокараларга кучли боғлиқдир.

Аммо адабиёттишунослик ва маданиятишунослик ўртасида қандай боғлиқлик бор? Кенг тушунчада, маданиятишунослик лойиҳаси бу асосан ҳозирги замонда маданият вазифасини тушунишадир: “маданий” маҳсулотларнинг қандай ишилаши, бу турли туман дунё ва аралаш жамиятларда, давлат ҳокимияти, ахборот индустрияси ва чет эл корпорацияларида “маданий” ўзига хосликлар қандай барпо этилган ва жойлаштирилганлигини тушунишадир. Умуман олганда, адабиётнинг маданиятнинг бир соҳаси сифатида ўрганилиши, маданиятишунослик адабиёттишуносликни ўзига қамраб олишини билдиради.

Лекин бу қандай характерга эга? Бу ерда айтишига гап бор. Маданиятишуносликни ўрганиши, унинг доирасида адабиёттишунослик кўшимча маъно ва назар эгаллайдиган, шунчалик катта лойиҳа ҳисобланадими? Ёки маданиятишунослик адабиёттишуносликни ютиб адабиётни барбод этадими?

Бу муаммони тушуниши учун орқага қайтиб, маданиятишунослик ривожланиши тарихига қарашимизга тўғри келади.

Маданий билимларнинг пайдо бўлиши

Замонавий маданий билимларнинг юзага келишида икки хил келиб чиқиш мавжуд. У дастлаб бир қанча амалий тажрибаларнинг қоида ва удумлари тасвирланадиган шаклдаги маданиятни талқин этган 1960-йилдаги Француз структурализмидан келиб чиқсан. Француз адабий назариётчиси Роланд Бартес томонидан яратилган маданий билимларнинг ilk намунаси “Мифологиялар” (1957) замонавий кураш ва машиналар ҳамда кир ювиш кукунлари рэкламасидан тортиб француз виноси ва Эмингуей зеҳнигача бўлган қисқа ҳикоялардан иборат. Бартесни асосан маданиятдаги тарихий қурилишларга, контингентга асосланган, худди табиийдек туюладиган ёлғон ҳикоялар қизиқтирган. У маданий тажрибаларни таҳлил қилиш жараёнida конвенциялар ва уларнинг ижтимоий жалб қилиш моҳиятини аниқлайди. Масалан, профессонал кураш билан боксни қиёсласангиз, турли белгилар мавжуд эканини сезасиз: курашчилар қолирга солинган ролларни ёрқин тарзда ижро этиб, қаттиқ оғриқдан тиришган дамда боксчилар зарба еган пайт ўзларини матонатли тарзда тутадилар.

Боксда мусобақа қоидалари матч учун аён бўлиб, улар чекловларни аниқлай оладилар, курашда эса қоидалар мусобақалашиш жараёни ичида бўлиб, улар мавжуд мазмунни кучайтирувчи белгилар бўлади: қоидалар

мудхиш тарзда бузиб талқин қилинадики, “ёмон йигит” ёки разил кимса ўзини иблик ва ноҳақ тарзда ҳамда жаҳл билан саваланган томошибинларни фош этиши мумкин. Фаришта ва иблис бир-бирига қарама-қарши бўлгани боис курашда маънавий камолотнинг барча қониқишлиари таъминланади.

Адабиётнинг олий даражасидан тортиб мода ва озиқ-овқатгача бўлган маданий тажрибаларни тадқиқ этгач, Бартеснинг ижоди ўқувчиларни маданий қиёфанинг ўзига хослиги ва маданиятнинг нотаниш қурилмаларидағи ижтимоий вазифа таҳлили билан руҳлантириди.

Яна бир замондош маданият борасидаги изланишлардан бири – Британиядаги Марксча адабий назариядир. Раймонд Виллиам асари (“Маданият ва Жамият”, 1958) ҳамда замондош маданий изланишлар учун Бирмингҳам маркази асосчиси, Ричард Ҳогарт (“Адабийликдан фойдаланиш”, 1957) адабиётнинг олий шакли билан бирга бўлиб, сўнг йўқолган маданий кўринишни, машҳур ишчилар синфи маданиятини тадқиқ эта олдилар. Йўқолган намуналарни тиклаш лийҳаси, қуйидаги тарихдан маълумки, бошқа бир маданият назариясиغا дуч келди-эзувчи ғоялар асосида шаклланган, давлат қудрати ишчилек билан, ўқувчилар ёки кузатувчиларга харидорлар сифатида қараладиган жаҳон маданиятига қарши, оммавий аҳоли маданиятини таҳлил этган Европа Марксистик таълимот назарияси. Маданиятнинг бу икки таҳлили орасидаги ўзаро жиҳат – маданият инсонлар ифодаси сифатида ва маданият инсонларни йўлдан оздирувчи сифатида – дастлаб Британиядаги сўнг бошқа мамлакатлардаги маданий изланишлар тараққиётига туртки бўлди.

Кескинликлар

Бу борадаги маданий изланишлар чегараланиб қолган гурӯхларга маданият олиб кириш, ёки инсонлар ифодаси бўлган умуммаданиятни тузиш истаги ва эзувчи ғояларга асосланган идеологик алдов сифатидаги ҳалқ маданияти орасида кескинликни юзага келтирди.

Бир жиҳатдан, жаҳон маданиятини ўрганиш атеист ва профессорларга қарши ҳолда оддий инсонларнинг яшаш тарзи, уларнинг маданияти учун нима зарур эканини тадқиқ этишdir.

Бошқа бир жиҳатдан, бунда инсонлар маданий турткilar билан қандай шаклланганини кўрсатадиган кучли омил мавжуд. Инсонлар қандай узоқ даврда маданий шакл ва тажрибалар асосида субект сифатида шаклланган?

Қандай омил уларни алоҳида истак ва қадр-қимматга эга инсонлар сифатида йўналтиради?

Йўналтириш тушунчаси француз Марксча таълим назариётчиси Луис Алтуссер томонидан киритилган. Масалан, сиз субект (сифатни баҳоловчи харидор)нинг ўзига хос тури сифатида рекламалар орқали йўналтириласиз, ҳамда бу йўлдаги такрорий олқишидан сўнг шу ҳолатни эгаллашгача етасиз. Маданий изланишлар бир қанча вақт мобайнида маданий шаклланганимиз ва қай усулда улардан бошқа мақсадларимизни амалга ошириш, шуғулланиш “агентликлар”и йўлида фойдаланишимиз мумкинлигини тадқиқ этади. (“агентлик”- жорий назария стенографияси, бу даврлар мобайнида ўз ҳаракатларимиз учун жавоб бера оладиган субъектлар бўлишимиз ва бизнинг

аниқ танловларимиз биз назорат қилмайдиган кучлар томонидан чекланишини англатади.)

Маданий изланишлар таҳлилчининг одамларни ўз қизиқишларидан кўнглини қолдирадиган амалиёт ва улар мажбуран хоҳишига эга бўлишлари ҳамда умуммаданиятда баҳолашнинг ҳаётий ифодасини топишга ҳам тўхталиб ўтади.

Фалсафий ва психоаналитик матнлар билан биргаликда бадиий асарлар мутола қилаётган китобхонни қизиқтирган пайтда шунга ўхшаш ғояга қарши назария пайдо бўлади.

Бу талабаларни классик адабиётдан узоқлаштиради. Лекин назария анъанавий адабиёт қонунига янгича рух бағишлиган ҳолда Америка ва Инглиз адабиётининг ноёб асарларини ўқиши турли йўлларини очиб беради. Ҳеч қачон Шекспир ҳақида бунчалик кўп ёзилмаган: У имкон борича ҳар томонлама шарҳловчи фэминист, марксистик психоаналитик, тарихчи ва терминшунослар томонидан ўқилган Вордсвортни бадиий назария туфайли табиатшунос шоиридан замонавийликнинг асосий шаклига ўзгартиради. У фэминист, марксистик, психоаналитик, тарихий ҳамда изоҳли лугат терминшунослар талқинида ҳар томонлама тафаккур қилиб бўладиган даражада ўрганилган.

Тарихий даврлар ва жанрларни ўз ичига олган адабий изланиш жараёни ташкиллаштирилганда, муентазам ўрганилган ва назарга илинмаган кичик асарлар эътибордан четда қолган. Шекспир ҳар доимгидан кўра қўпроқ ва кенгроқ ўқилади ва чуқур таржима қилинади. Аммо унинг атрофидаги драматистлар: Марло, Баймонт ва Флэтчер, Деккер, Хэуwood ва Бен Жонсон, Элизабетхан ва Жакобсон бугунги кунда жуда кам ўқилади.

Маданий изланиш ўхшаш таъсирга эга бўлиб, янгича муҳитни таъминлаган ҳолда ҳамда адабий асарларнинг бир қатор муаммоларини ошириб талабаларни бошқалардан ажратади. Маданий изланишлар адабий қоидаларнинг кенгайишига ҳамроҳ бўлди. Бугунги кунда кенг ўқитиладиган адабиётлар аёл ёзувчиларнинг асарлари ва бошқа тарихий кичик гурухлар томонидан ёзилган асарларни ўз ичига олади. Ёки бўлмаса, ажратиб ўргатилган удумлар анъанавий адабий йўналишарни ўз ичига олган.

Америка-Осиё адабиёти колониялаштиришдан кейинги Инглиз адабиёти) бу ёзувлар кўпинча ўша даврдаги одамларнинг маданияти ва тажрибасининг намунаси сифатида ўрганилган (АҚШда, Афро-Американлар, Осиёликлар, америкаликлар, соф америкаликлар ва Лотин америкаликлар ҳамда аёллар.

Бу ёзувлар, адабиётнинг маданиятни қанчалик барпо этилиши каби саволлар ўртага ташланган ҳолда талқин қилинган. Маданият-тасвирларнинг таъсирини унинг манбасини ёки тамойилинimi?

Кенг тарқалган илк изланишларнинг эътиборсиз қолган ёзишмалари оммавий ахборот воситаларини ёмон баҳс мунозарага уннади.

Британияда 1960-йил ва 1970-йилларда ишчи синф маданиятини ўрганишнинг сиёсий масъуллиги бор эди. Британияда қаердаки, миллатнинг маданий хусусиятлари юқори маданият ёдгорликлари билан боғлиқ бўлган -

инглиз адабиёти анъаналари, масалан, машхур маданиятни ўрганишнинг бир моҳияти бу қаршилик жараёни бўлган, аммо Кўшма штатларда миллий хусусиятлар юксак маданиятга қарши қўрилмаган. Марк Твеннинг “Теккелбери Финн” асари Америкаликларнинг асарлари бошқа асарларга нисбатан мукаммал ёритиб берилган. Чунки Салли хола уни тарбияламоқчи, комил инсон қилмоқчи бўлади. Унинг хусусияти, шахсияти мукаммал даражадаги маданиятдан қочишга боғлиқ бўлади. Асарларга кўра, Америкаликлар маданиятдан қочадиганлар деб кўрилган. Маданий тадқиқотлар элит сифатида қоралайдиган бўлса, буржуа реакциясининг узоқ миллий анъаналарини ажратиш қийин бўларди. Кўшма Шататларда юксак маданиятни ўрганмаслик ва машхур маданиятни сиёсий радикалга кирмайди, деб қараш, аксинча, оммавий маданиятни академик тарзда кўрсатади. Америкадаги маданий тадқиқотлар сиёсий ҳаракатларга боғлиқлиги Британиядаги тадқиқотларни илҳомлантириди. Бу биринчи навбатда фойдали, бир қанча фанларни ичига олгандек кўринади, аммо у академик маданий дастурлар, маданий кўриниш сифатида қолади. Маданий тадқиқотлар радикал бўлса керак, Лекин фаол маданий тадқиқотлар ва пассив адабий тадқиқотлар ўртасидаги қаршилик хом хаёллар бўлиши мумкин. Адабиёт ва маданий тадқиқотлар ўртасидаги баҳслар элитизм ва бир қанча чоралар устидан шикоятлар бисёр. Чунки машхур маданиятни ўрганиш адабиётнинг якун топишига олиб келади. Бизда икки турдаги савол туғилади. Биринчи савол маданий обьектнинг бирор бир турини тадқиқ этиш қиймати. Шекспирни ўрганиш қиймати операларга қараганда, муҳим деб ҳисобланмайди ва баҳсларга ҳам ҳожат қолмайди. Қайси интеллектуал ишнинг ҳар хил турлари фарқ ясайди деб тахмин қилинади. Бу ғалати фикр аммо мени ўйлашимча энг яхшиси, маданий тадқиқотлар унинг интэллэктуал иши фарқ ясайди деб ишонмайди. Бу жуда ҳам ортиқча баҳо бериш. У ишонадики, унинг иши фарқ ясай олади деб тахмин қилинади. Мана бу фикр тарихан машхур маданиятни ўрганиш ва бошқа тадқиқотни интэллэктуал йўл билан эришса бўладими масалан? Бундай баҳсни ясаш қийин. Немисларнинг фикрини мисол қиласлик. адабиёт, санъат ва мусиқанинг устомонлари бўлган лагер қўмондонлари бир қанча ўқиш турларини тўғри деб, эффектив деб аташ учиун мураккаб ҳаракатлар қилган. Турли хил бўлган саволлар маданий обьектларни ўрганишда бир қанча методларни ўз ичига олади. Масалан, турли хил усулдаги талқинлар ва таклиф қилишлар айтайлик маданий обьектни структура сифатида талқин қилиш ёки уларни ижтимоий бутунлик сифатида ўқиш уларнинг афзалликлари ва камчиликлари. Мақсадга мувофиқ талқин адабий тадқиқотлар ва маданий тадқиқотларнинг симртоматик таҳлиллари билан боғлиқ бўлса-да, иккала усул ҳам икки хил турдаги маданий обьектлар билан келишади. Адабий бўлмган ёзмаларни ўқиш обьектга ҳеч қандай эстетик баҳо бермайди. Адабий асарлар ҳақидаги маданий саволларни сўраш шуни кўрсатадики, улар шунчаки бир парча қофоз.⁵

⁵ Jonattan Culler. Literature theory: A very short introduction. OUK 2011 3- боб. 28-34 бетлар.

Савол ва топшириқлар:

1. Эстетик фаолият тушунчасига изоҳ беринг. Эстетик фаолият ва бадиий ижод тушунчаларининг ўзаро муносабати қандай?
2. Амалий ва бадиий санъатларнинг муштарак ва фарқли томонларини тушунтиринг.
3. Бадиий санъат турларини умумлаштирувчи ва фарқловчи жиҳатлар қайсилар?
4. Бадиий адабиётнининг ўзига хослигини бошқа санъат турлари, масалан, мусиқа ва рангтасвир билан қиёслаб тушунтириб беринг.
5. Бадиий адабиётни кино санъати билан қиёсланг, ўхшаш ва фарқли томонларини кўрсатинг.

Асосий адабиётлар:

1. Jonattan Culler. Literature theory: A very short introduction. OUK 2011
2. Султонов И. Адабиёт назарияси. – Т.: 2005.
3. Бобоев Т. Адабиётшуносликка кириш. – Т.:
4. Куронов Д. Адабиётшуносликка кириш. – Т.: Фан, 2007.
5. Э.Худойбердиев. Адабиётшуносликка кириш. Т., 1995

Кўшимча адабиётлар:

1. Фитрат. Адабиёт қоидалари. Т., 1995
2. Форобий Абу Наср. Фозил одамлар шахри.-Т.,1993
3. Тошмуҳамедова Л. Қодирий театр ва кино санъати ҳақида//Ўзбек тили ва адабиёти.-2001.-№6.-Б. 56-59.
4. Ортега-и-Гассет. Дегуманизация искусства.-М.: Радуга, 1991
5. Тэн И. Философия искусства.-М.,1996
6. Потебня А. Эстетика и поэтика.-М.,1976
7. Борев Ю.Б. Эстетика –М., 1988.
8. Минералов Ю.И. Теория художественной словесности.-М.,1999

3-МАВЗУ: АДАБИЁТДА МАЗМУН ВА МАҚСАД УЙГУНЛИГИ

РЕЖА:

1. Мазмуннинг моҳияти.
2. Адабиётнинг бош мақсади.
3. Сўз, матн ва оҳанг уйғунлиги
4. Лирик жанрларнинг мазмун кўлами


Таянч тушунчалар: мақсад, мазмун, образ, контекст, китобхон, сўз, матн, оҳанг, санъат.

Маъруза матни

3.1. Мазмуннинг моҳияти.

Мазмуннинг моҳияти нимадан иборат? Баъзида биз фикрнинг мазмуни бу сўзловчининг нимани назарда тутаётгани, маълум белгиланган мазмунни етказиши деб тушиунамиз. Баъзида биз матнда бир нарсани назарда тутганимиз ҳолда, бошқа нарсани баён этмоқчи бўламиз. Негаки мазмун-моҳият бу тилнинг ўз ички маҳсулидир. Баъзан биз контекстни маънони аниқлаб берувчи омил деб биламиз; аммо бу фикр нимани ифодалаётганини билиши учун сиз ўша даврдаги шартшароитлар ёки тарихий вазиятни билишингиз керак бўлади⁶.

Айрим танқидчилар матннинг мазмунини бу китобхоннинг тажрибаси маҳсали деб ҳисоблашади. Мақсад, матн, контекст, китобхон -булардан қайси бири мазмунга аниқлик киритади деган савол юзага келади. Энди санааб ўтилган тўрт омил шуни кўрсатадики мазмун аслини олганда мураккаб ва чалкашдир. Бунинг сабаби битта биз одатда сўзловчининг нима демоқчилигига эмас у айни ўша дақиқада нимани ўйлаётганига қўпроқ қизиқамиз, бироқ бадиий асарлар қиймати муайян тизимдаги сўзларнинг магзини чақиши орқали тушуниб етилади ва қадрланади.

Муаллиф нуқтайи назари билангина чекланиб қолиш танқидий стратегиялардан бири ҳам бўлиши мумкин лекин бугунги кунда мазкур маъно шунчаки ички кечинма эмас, балки шахсий тажриба ва ўтмиши

⁶Ж.Коллер .Адабиёт назарияси ва кисқача адабиётшуносликка кириш. – ОУП: Буюк Британия. 2011 - 45 бет

малакаларига таянган ҳолда ифода этилиши: келтирилган вазиятда муаллифнинг амалга ошираётган фаолиятини намоён этишидир.⁷

Мазмуннинг таъсирчан, шаклнинг ёрқин бўлишига асос бўлувчи омиллар орасида образ алоҳида ажралиб туради. Чунки образда, яъни асардаги инсон қиёфасида ижодкорнинг мақсад, нияти мужасамлашган бўлади. Образда аниқ бир шахс қиёфаси гавдалантирилиши ҳам ёки унда давр кишиларига хос хусусиятлар умумлаштирилган бўлиши ҳам мумкин. Образ ўзининг мана шу хусусиятига кўра асар мазмунини намоён этишнинг ўзига хос пойдевори саналади.

Бадий асар ҳақидаги фикрлардан ҳам аёнки, табиат ва тилнинг ундаги аҳамияти, уни таҳлил қилиши борасидаги муаммолар илмий тадқиқотнинг бош сабабчиси бўлиб келган. Кўплаб масалаларнинг ечими мазмун нима эканлигини ёритиб беради.

Демакки, мазмун ҳақида гап кетар экан уни ҳеч бўлмагандан сўз, матн ва оҳанг маъноси нуқтани назаридан баҳоланади.

Танқидчиларнинг фикрича, мақсад ҳамма нарсани белгилайди. Мақсад автор позициясида ва образларҳатти ҳаракатида очилади. Бадий асардаги образда асосий юк қаҳрамон зиммасида туради⁸.

3.2.Адабиётнинг бош мақсади.

Адабиётнинг бош мақсади инсон, сўз санъатининг асосий моҳияти инсоншунослик экан, бадий асарда гавдалантирилган воқеа-ҳодисалар ҳаётда рўй берган ёки бўлиши мумкин бўлган воқеаларнинг шунчаки баёни эмас, балки уларнинг муайян нуқтаи назардан қайта ишланган шаклидир. Ҳаётда воқеалар бир жойда тўхтаб қолмайди. Улар қандайдир кўринишда давом этаверади. Бадий асардаги воқеалар эса ундей эмас. Улар қандайдир тарзда бошланади ва ниҳоясига етади. Масалан, ҳикоя, роман, қиссада ва достонда қаҳрамонлар ҳаётининг маълум бир вақт оралиғидаги кечмиш-кечирмишлари қаламга олинган бўлади. Бироқ чегараланган бу муддатдаги ҳодисалар бадий асардаги қаҳрамонлар хусусида (албатта, улар асосий қаҳрамон ёки бадий характер даражасидаги қаҳрамон бўлса) яхлит тасаввур қиласи. Бундай самарага эса бадий асарнинг шакл ва мазмун, мавзу ва ғоя, сюжет ва композиция, бадий тил сингари воситалари мутаносиблиги ёрдамида эришилади. Ҳар қандай бадий асар шакл ва мазмун, мавзу ва ғоя, сюжет ва композиция сингари унсурлардан таркиб топган бўлади. Бироқ ҳар қандай бадий асар мавжудлигининг бош асоси унинг тилидир. Тил бадий асарнинг жони, қони, уриб турган юрагидир. Ана шу таянч асос қанчалик бақувват бўлса, бадий асар шунчалик баркамол бўлади. Бадий асар шакл



⁷Ж.Коллер .Адабиёт назарияси ва қисқача адабиётшуносликка кириш. – ОУП: Буюк Британия. 2011 - 46 бет

⁸Ж.Коллер .Адабиёт назарияси ва қисқача адабиётшуносликка кириш. – ОУП: Буюк Британия. 2011 - 83 бет

ва мазмунидаги расолик ҳам, ундағи мавзуу ва ўоянинг ёрқинлиги ҳам, сюжет ва композициянинг қизикарли, ўзаро мувофиқлик даражаси ҳам, аввало, ижодкорнинг сўз қўллаш, уни танлаш, ишлатиш маҳоратига боўлиқ. Бадий асар муваффақиятининг бу даражада тилга боўлаб қўйилишининг боиси унинг сўз санъати эканлигидадир. Мусаввир, наққош, ҳайкалтарош, композитор, бастакор эришолмайдиган ҳақиқатларни ёзувчи, шоир, драматург сўз орқали гавдалантиради. Хусусан, у инсон кўнглидаги кечинмаларни, руҳий азобланишларни, иккиланиш, қийналишларни таъсирчан қилиб кўрсатиб беради. Санъатнинг бирор бир соҳасида инсоннинг бу ҳолатларини — унинг қалб дунёсини бадий асарчалик кенг, ёрқин, жонли акс эттириб бўлмайди. Бадий фильмларда ҳам қаҳрамонларнинг қувонч ва ташвишлари таъсирчан гавдалантирилади. Улар томошабинларни қувонтириши, ҳаяжонлантириб юбориши ёки қайўуга чўмдириб, йиўлатиши, азобга солиши мумкин. Бу ҳақиқатни инкор этиб бўлмайди. Бироқ кишиларни қувонтириши, йиўлатиши мумкин бўлган ана шу фильмлар замирида ҳам аввало бадий асар туради. Актёрлар ана шу бадий асар — сценарийдаги қаҳрамонлар ролини ижро этишади. Оператор эса рол ижро этаётган ана шу қаҳрамонлар ҳолатини техника воситалари ёрдамида суратга олади. Кино фильм яратишда актёр, оператор, режиссёрдан ташқари, яна кўплаб саҳна мутахассислари иштирок этишади. Шунинг учун кино синтетик санъат ҳисобланади.

3.3. Сўз, матн ва оҳанг уйғунылиги.



Келинг, Роберт Фростнинг икки сатрдан иборат ижодиётидан адабиётнинг бир кўриниши сифатида келтирилган намунага бир назар ташлайлик.

Халқа ичра бесамар раккосдек кезамиз ва ўйлаймиз, бироқ сир марказда. Бу ерда “мазмун” нима? Тўгри “мазмун” борасида сўз кетар экан уни икки хил йўсинда таҳлил қилмоқ даркор, яъни матннинг тўлик кўринишини ва ёлгиз сўзнинг ўз маъносини.

Дейлик, “рақсга тушмоқ” “ритмга солинган бетакрор ҳаракатлар шодасини намоён этиши”,

*маъносини англатади, бироқ матн нуқтайи назаридан-чи?*⁹

Матн оҳанги ва унда ифодаланаётган фикрни англиш китобхонни беихтиёр ушбу жумлалар орқали ифодаланган маъно туфайли чигал вазиятга солиб қўяди. Ушбу ҳолат матнни таҳлил қилиш жараёни, мохиятини очиб беришига қисман таъсир этади.



⁹Ж.Коллер .Адабиёт назарияси ва кисқача адабиётшуносликка кириш. – ОУП: Буюк Британия. 2011 - 35 бет

*Эндиликда бизда сўзниң маъноси унда ифодаланаётган мазмун мавжуд бир пайтда ижро этиши оҳанги масаласи қўндаланг турибди ёхуд ўша сўзларнинг муайян вазиятларда турли танқид оҳангида намоён этилиши. Савол тугилади: қандай чорловни ўзида жо этган бу оҳанг: тан олиши ёки огоҳлантириш, тушкунликка тушшиши ёки гуурланиш?*¹⁰

*Демакки, мазмун ҳақида гап кетар экан уни ҳеч бўлмаганда уч хил турли хил ўлчамлар ёки қатламлар: сўз, матн ва оҳанг маъноси нуқтайи назаридан баҳоламогимиз даркор. Сўзловчининг хатти-харакати натижаси ўларок вужудга келган оҳангнинг пайдо бўлишига туртки бўлувчи омил бу сўзлардан кутиласжак маъно саналади ва бу ўз навбатида таъкидланган маънонинг сўз маъносига таъсир этишида катта ахамият касб этади. Ва нухоят, матн ушибу вазиятда номаълум сўзловчининг жумбоқли хитобини ўзида намоён этиб келади ва бу муаллифнинг нима демоқчилигини, унинг шунчаки тушунча эмас аслида қандай маъно англатаетганини изоҳлаб китобхоннинг дунёкарашига таъсир этади. Турли хил мазмунлар бўлишига қарамасдан, бир нарсани ишонч билан айта оламиз: маъно хилма-хиллик асосида ёритиб берилади.*¹¹

Бадий асар ҳаётнинг ўзига хос яхлит, мустақил бир парчаси саналади. Ҳар бир яхлит, мустақил нарса-ҳодиса эса ўз шакл ва мазмунига эга бўлади. Шакл ва мазмун нарса-ҳодиса мавжудлигининг намоён бўлиш тарзидир. Улар бир-бири билан мустаҳкам боўлиқдир. Шаклсиз мазмун ва мазмунсиз шакл бўлмайди. Шакл мазмуннинг ўзини қўрсатишидир. Шунинг учун уларни бир-биридан ажратиш, бир-бирига қарама-қарши қўйиш мумкин эмас.

Воқеа-ҳодисаларнинг ташқи қўринишини акс эттириш орқали уларнинг ички моҳиятини гавдалантириш бадий асарнинг шакл ва мазмунидир. Бу бадий асар шакл ва мазмунини энг содда тушунтиришдир. Яна оддийлаштириладиган бўлса, бадий асарда мазмуннинг образлар, сюжет, композиция ва бошқа бадий тасвир воситалари орқали ифодаланиши шаклдир. Роман, ҳикоя, қисса, достон шакли дейилганда образларнинг ўзаро муносабатлари, улар билан боўлиқ воқеа-ҳодисалардан келиб чиқадиган сюжет, воқеаларнинг жойлашиши тартиби назарда тутилади. Ана шу образлар ҳаракат, фаолияти, асар сюжети ва композициясининг маълум мақсадга йўналтирилгани эса ўша асарнинг мазмуни ҳисобланади.

Асарнинг асосий қаҳрамонлари унинг сюжетидаги воқеаларни ҳаракатлантириб туради. Улар мана шу жиҳатига кўра асарнинг шаклини белгилаб беради.

3.4..Лирик жанрларнинг мазмун кўлами.

Аруз, бармоқ шеър тизимлари, адабий асарларнинг барчаси маълум маънода шакл қўринишларидир. Ғазал, рубоий, туюқ, мухаммас, таржиъбанд сингари Шарқ мумтоз адабиётига хос



¹⁰Ж.Коллер .Адабиёт назарияси ва қисқача адабиётшуносликка кириш. – ОУП: Буюк Британия. 2011 - 36 бет

¹¹Ж.Коллер .Адабиёт назарияси ва қисқача адабиётшуносликка кириш. – ОУП: Буюк Британия. 2011 - 42 бет

жанрлар бир-бирларидан ўз кўриниш тарзи, ҳажмига кўра фарқ қиласи. Бинобарин, улар ўз мазмун кўлами, фикрни қай даражада кенг-тор ифода этишига кўра ҳам тафовутланади. Шунингдек, ғазал билан ғазал, туюқ билан туюқ, рубоий билан рубоий орасида ҳам фарқ сезилади. Бу, аввало, улардаги фикрда намоён бўлади, образларда аниқ билинади. Мазмун бўлакми, демак, шакл ҳам ўзгача бўлади. Бу ўзгачалиқ, дейлик, ғазалнинг қофияланиш тарзida, радифларда, ҳижоларнинг миқдорида аксланади. Туюқ, рубоийлар ўртасидаги фарқ ҳам шу унсурларда билинади. Ҳикоя, қисса, роман, драма, комедия, трагедия каби жанрларга мансуб ҳар бир асарнинг ўзига хос жиҳатлари бундан ҳам аникроқ намоён бўлиб туради.

Асосий дарсликлар ва ўқув қўлланмалар

1. Ж.Коллер.Адабиёт назарияси ва қисқача адабиётшуносликка кириш.
– ОУП: Буюк Британия, 2011.
2. Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари.-Т.: “Ўзбекистон” 2002.
3. Умиров Х. Адабиётшунослик назарияси.-Т.: “Ўқитувчи”, 2004.
4. Улуғов А. Адабиётшуносликка кириш . “Университет”. 2005

Кўшимча адабиётлар

1. Арасту. Поэтика. Ахлоқи кабир. -Т.: “Янги аср авлоди”, 2004
2. Султонов И. Адабиёт назарияси.-Т.: “Ўқитувчи”, 2005.
3. Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. - Т.: “Зарқалам”, 2006.
4. Қуронов Д., Раҳмонов Б. Ғарб адабий-танқидий тафаккури тарихи очерклари. – Тошкент: “Фан”, 2008.
5. Қуронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. – Тошкент: “Akademnashr”, 2010.
6. Хализев В. Е. Теория литературы. Учебник.-М.: “Высшая школа”, 1999

Интернет ресурслар

1. www.pedagog.uz
2. www.ziyonet.uz
3. www.ijod.uz
4. www.ziyouz.com

4-МАВЗУ: БАДИЙ АДАБИЁТДА МАВЗУ ВА ФОЯ

РЕЖА:

1. Бадий асар мавзуси.
2. Ижодкорнинг мавзу танлаши.
3. Абадий ва даврий мавзулар.
4. Бадий асар фояси.
5. Бадий асарда конфликт тушунчаси.

Таянч сўз ва иборалар: мавзу, шакл, мазмун, мавзу, гоя, гоявийлик, мавзу турлари

Маъруза матни

4.1. Бадий асар мавзуси.

Муаллиф ўзи истамаган бир ҳолатда мавзу бошлиши ва умуман бошика бир ижодий бурилиши билан гоясини четлаб ўтиши ҳам мумкин. Бадий адабиётда образдаги гоя чегараси жуда чигал тушунча. Гоянинг турли хил конструктив тузилмаларга эга бўлиши мазкур асарнинг нечоғлик насрини мазмунига боғлиқлигидир.¹²


Мавзу, яъни тема юонча сўз бўлиб, “нарса-буюм” деган маънони билдиради. Бироқ бадий асар мавзуси унда қаламга олинган воқеа ёки нарса-буюмлар эмас. *Бадий асар мавзуси ижодкор танлаган ҳаётий воқеалар, у ёритган асосий муаммоларнинг умумлашмасидир. Адабий асар учун асос қилиб олинган фикр ва мақсад унинг мавзусидир.* Адабий асар мавзуси танланган бирор бир моддий нарса-буюм эмас, балки фикр, қарашиб. Яъни, ҳаётнинг муайян муаммоси хусусида фикр юритиш бадий асарнинг мавзусидир. Албатта, мавзуга ҳам борлиқдаги нарса-ҳодисалар асос бўлади. Бадий асар учун энг асосий нарса-ҳодиса эса инсондир. Инсон ҳаёти, унинг турли вазият-ҳолатдаги кайфияти, кечинмалари, мақсад, интилишлари, борлиққа қараашлари, кишилар билан муомала ва муносабатлари бадий асарнинг вужуди ва жонидир.



“Мавзу” атамаси ҳозирга қадар икки маънода қўлланиб келинади. Баъзилар мавзу деганда, асарда тасвирлаш учун танлаб олинган ҳаёт материалини тушунадилар. Бошқалар эса асарда кўтарилган асосий ижтимоий муаммони мавзу деб ҳисоблайдилар. Биринчи хилдаги қарааш нуқтаи назаридан ёндашилса, ўрта Осиё халқларининг араб босқинчиларига

¹²Ж.Коллер .Адабиёт назарияси ва қисқача адабиётшуносликка кириш. – ОУП: Буюк Британия. 2011 - 45 бет

қарши олиб борган кураши Ҳамид Олимжоннинг «Муқанна» пьесасининг мавзуи ҳисобланади. Икинчи хил қараашга кўра эса, араблар истилосидан кейин ўрта Осиё халқлари тақдири муаммоси бу асарнинг мавзуини ташкил қиласади.



ЁЗУВЧИ ТОМОНИДАН
АСАРДА КЎТАРИЛГАН
ВА КЎП ҚИРРАЛИ
МАЗМУННИ ЯГОНА
ЯХЛИТЛИК ХОЛИГА
КЕЛТИРИБ
ТУРАДИГАН АСОСИЙ
МУАММО

Шундай қилиб, ёзувчи томонидан асарда кўтарилган ва кўп қиррали мазмунни ягона яхлитлик ҳолига келтириб турадиган асосий муаммо *мавзу* деб аталади.

Ҳаёт кўпдан-кўп муаммолардан иборатлиги, кишилар бир-бири билан кўзга кўринмас ришталар орқали боғланган муаммолар гирдобида яшашга маҳкум бўлгани учун бадиий асарда ҳам бир қатор мавзулар қаламга олинган бўлади. Бироқ ижодкорлар ўз асрларида улардан баъзиларинигина чуқурроқ таҳлил қилиб, ўқувчилар эътиборини ўшаларга жалб қиласади. Турмушнинг ўзида ҳам айrim ҳодисалар муайян пайларда бошқа ҳодисаларга қараганда кўпроқ диққатни тортади. Уларга алоҳида аҳамият берилади.

4.2.Ижодкорнинг мавзу танлаши.

Ижодкорнинг мавзу танлаши, аввало, унинг ҳаётий тажрибасига боғлиқ. Ўзбек ёзувчиларининг аксарияти қишлоқ кишилари ҳаётидаги турли-туман воқеаларни ишонарли ёритиб берадилар. Чунки улар қишлоқда туўилиб ўсишган, у ердаги ҳаётни яхши билишади. Завод-фабрика, шахтадаги ҳаёт ҳақида қизиқарли, таъсирчан роман, қисса ўзбек адабиётида ҳозиргача ёзилмаганининг сабаби, бизда у жойлардаги турмушнинг ўзига хос нозикликларини чуқур биладиган ижодкорларнинг етишиб чиқмаганлигидадир. Албатта, бу ҳодиса, аввало, халқимиз миллий турмуш тарзига бориб боғланади.Ижодкор – воқелик – фикр – мақсад – муносабат. Ўз-ўзидан аёнки, булар бир-бири билан мустаҳкам боғланган занжирлардир. Маълумки, воқелик ҳақидаги фикр ўз-ўзидан туўйилмайди. У кузатиш, таҳлил қилиш, ўрганиш асосида пайдо бўлади. Бу жараёнда табиийки, нимадир инкор қилинади, нимадир маъқулланади. Ниманидир маъқуллаш ёки инкор қилиш эса албатта муносабатни тақозо этади. Чунки муносабат бўлмаса тасдиқлаш, маъқуллаш ҳам, рад қилиш, қоралаш ҳам бўлмайди. Ижодкорнинг оддийгина новдадаги баргни тасвирлаши ёки унда ҳосил бўлаётган куртакни мадҳ этиши ҳам ўзига хос муносабатдир. Яъни бу


табиатнинг муайян бир ҳодисасига қараш ва у орқали ўқувчида маълум бир кайфият уйўтишдир. Бадий асарда кишилар қиёфаси, уларнинг хатти-ҳаракати гавдалантирилганида эса ижодкорнинг муносабат ва мақсади барг ёки шамол тасвиридан кўра аниқроқ билиниб туради.

Ҳаёт турли-туман ҳодисалардан иборат бўлгани боис, бадий асарлар учун ҳам хилма-хил мавзулар топилади. Бироқ ҳар бир мавзунинг турли қирралари, бир-бирини инкор этадиган жиҳатлари бўлади. Демак, бир мавзунинг ўзи турлича муносабатларни ёритади.

Муаллиф ўзи истамаган бир ҳолатда мавзу бошлиши ва умуман бошқа бир ижодий бурилиши билан гоясини четлаб ўтиши ҳам мумкин. Бадий адабиётда образдаги гоя чегараси жуда чигал тушунча. гоянинг турли хил конструктив тузилмаларга ега бўлиши бу мазкур асарнинг нечоғлик насрый мазмунига боғлиқ бўлади. Айтайлик бирор бир мавзуда қалам тебратаетган ижодкор ўзи билмаган бир адабий насрда иши бошлиши ва бошқа турли хил адабий оқимларда ўз ишини яқунлаши мумкин. Фоя бу мавзунинг мазмунини ўзида акс еттиради. Уни ўзгача руҳ билан сайқаллайди. гоянинг турли хил образлар билан тасвирлаш 1960-йилларда кенг урф бўлди. Ҳар қайси мавзуда қалам тебратаетган ёзувчи бадий тасвир орқали психология, социология, фалсафа, иқтисодиёт, антропология каби табиий билимларга ҳам мурожаат қиласиди. Мисол учун у бадий образда инсонни талқин қила туриб унинг ички дунё-психологиясига мурожаат қиласа, унинг жамиятдаги келиб чиқишини сотсиология билан бөглайди. Демакки биргина мавзу орқали муаллиф турли гояларда қалам тебратади. Ва ёки аксинча биргина мавзу орқали бир нечта гояларни кўтариши мумкин. Муаллифнинг асарини ўқиётганда ҳар бир ўқувчи ўзича бир тасаввур орқали унинг дунёсини тушунади. Ўқувчининг англаган дунёси орқали гоядаги турли хил мазмундорлик шаклланади.¹³

4.3.Абадий ва даврий мавзулар.

Бадий асарлар мавзулари икки хил бўлади, дейиш мумкин. Биринчиси — **абадий мавзулар**, иккинчиси — **даврий мавзулар**. Инсоннинг маънавий-ахлоқий турмуш тарзи, севги-муҳаббати, кишиларга, юртига муносабати, кишилараро муюмала-муносабатлари, одамларнинг баҳт, баҳтсизлиги, қувонч, қайўуси, меҳр, қаҳри, сахийлиги, баҳиллиги ва бошқалар адабиётнинг абадий мавзулариdir. Айни чоқда, ҳар бир замоннинг ўз муаммолари бўладики, улар даврий мавзулар доирасига киради. Масалан, 30-йилларда колхоз қурилиши, янги ерларнинг ўзлаштирилиши Ўзбекистонда жиддий муаммо бўлган. Бу муаммони мавзу қилиб, кўплаб шеърий, насрый асарлар ёзилган.



¹³Ж.Коллер .Адабиёт назарияси ва қисқача адабиётшуносликка кириш. – ОУП: Буюк Британия. 2011 - 33 бет

Албатта, адабиёт ўз даврининг долзарб муаммоларини ёритиб кўрсатиши керак. У бу билан ҳаётнинг ижтимоий тараққиётига муайян таъсир кўрсатади. Кишиларнинг онгу фикрига маълум бир янгиликка жалб этади. Бундан ҳам муҳими — давр муаммоларини акслантириш замона кишилари қиёфасини гавдалантириш, уларнинг ўз аждодларидан қайси жиҳатлари билан фарқланишини намоён этиш имконини беради.

Бироқ даврнинг долзарб муаммоларини мавзу қилишнинг ўзигина асарнинг таъсирчанлиги, замонавийлигига асос бўла олмайди. Тарихий воқеалар қаламга олинган бўлса-да, улар замонавий мавзудаги асарлардан кўра таъсирчанрок, қизиқарлироқ бўлишини шарҳлаш шарт эмас. Масалан, “Улуғбек хазинаси”, “Мирзо Улуғбек”, “Юлдузли тунлар” сингари асарларда олис ўтмиш ҳакида ҳикоя қилинса-да, уларда замондошларимиз руҳини улӯайтирадиган, қалбига эзгу ўйлар олиб кирадиган бадиий жозиба мавжуд. Ёки Алишер Навоий достонлари, Бобурнинг рубоий, ўазаллари, Фёдор Достоевский романлари ўз ўқувчиларини ҳамиша таъсирлантиради. Чунки уларда инсон қалбининг нозик товланишларини намоён этадиган бадиий манзаралар бор.

Ижодкор мавзуни муайян мақсад билан танлайди. Ҳар қандай мавзуга бағишлиган асар муайян ҳақиқатларни очиб беради, бошқаларнинг диққатини қандайдир номаълум ёки эътибордан четда қолиб келаётган нарсаларга қаратади. Албатта, барча асарларда ҳам ижодкорнинг мақсад-муддаоси очиқ-ошкора кўриниб турмайди. Бундай бўлиши шарт ҳам эмас. Ижодкорнинг бирор бир ҳодисани қай даражада кўрсатиши, ҳодисанинг қайси жиҳатларига қўпроқ эътибор қилишининг ўзиёқ унинг мақсад-ниятини билдириб туради. Ёзувчи воқеликни холис туриб гавдалантирганида ҳам ниманидир тасдиқлайди, ниманидир инкор этади. Умуман, ҳаётнинг муайян парчасини таъсирчан, жозибали қилиб ифодалашнинг ўзиёқ маълум бир мақсад, ният туфайли юзага чиқади. Халқ орасида “ният – яримдавлат” деган гап бор. Бу – бекоргаэмас. Ишнинг қай даражада бажарилиши ниятнинг қандайлигига боғлиқ. Агар ният астойдил бўлса, ҳар қандай мушкул иш ҳам кутилганидан зиёда бўлиб ажойиб тарзда якунланади. Мабодо, ният ярим-ёрти, дилдан эмас, тилда, шунчаки номига бўлса, энг осон иш ҳам чалкашиб,чувалашади. Шундай экан, ижодкорнинг асар ёзишидан, бирор бир мавзуни ёритишидан мақсади бўлади. У ўзининг бу ниятини тўла тасаввур қилолмаслиги мумкин. Бироқ у қандайдир тарзда хаёлда жонланиб, иш жараёнини ўзига хос тарзда бошқариб туради. **Ижодкор мақсадини бошқариб, унинг қарашлари, ҳодисага ёндашишларини маълум бир изга солиб турадиган ана шу ҳодиса ғоядир.**

4.4. Бадиий асар ғояси.

Адабиётнинг ғоявийлиги масаласига турлича ёндашилади. Адабиётнинг ғоявийлигини оқловчилар ҳам, уни бутунлай қораловчилар ҳам бор. Умуман эса, адабиётнинг ғоявийлигига бу тарзда таъриф берилади: “тасвирланаётган нарса ёки воқеага ижодкорнинг муносабати, унинг ҳаётга

ва инсонга бўлган идеали”¹⁴. Мана шу мулоҳаза деярли ўзгаришсиз тарзда аксарият тадқиқотларда келтирилади.



Демак, **Фоя** ижодкорнинг қаламга олинаётган воқеликка муносабатидир. **Мавзу** эса акс эттирилаётган воқеа-ҳодисаларнинг умумлашмаси, йиўиндиси, яъни бадиий асар учун таянч бўлган асосий фикр ва мақсад обьектиdir.

*Адабий назария қўринмас гоялар йигиндиси эмас, балки ташкилотлардаги бир кучdir. Назария таълимий ва маданий ташкилотлар билан узвий bogланган дискурсив амалиёт сифатида ўкувчи ва ёзувчилар жамоасида мавжуд*¹⁵.

Мавзу ва **Фоя** бир-бирига боғлиқ ҳодиса ҳисобланади. Чунки ҳар қандай мавзунинг ўзига мувофиқ **гоялари** бўлади. Бироқ мавзу битта, ундан англашиладиган **гоялар** эса турлича бўлиши мумкин. **Фоя** ижодкорнинг дунёқарашига, нуқтаи назарига боғлиқ. Ҳар қандай санъат асарида маълум бир **Фоя** ифодаланган бўлади. Соддароқ айтганда, **Фоя** фикрdir. Шоирнинг шамоллар, юлдузлар, шалдираб оқаётган сувлар таъриф-тавсиф қилинган шеърларида ҳам, архитектор чизмасига мувофиқ яратилган гулзор манзарасида ҳам, хайкалтарош ясаган от, қуш шаклида ҳам қандайдир фикр ифода қилинган бўлади. Сўзлар, ранглар, оҳанглар, манзаралар, шакллар ўайриихтиёрий тарзда онгу шууримизга таъсир этади. Бизда фикр уйўотади.

Аслида **Фоя** барча ижтимоий ҳодисаларга, жумладан, санъатнинг ҳамма турларига хос ҳодисадир. **Фояни** маълум маънода натижга, ҳосила дейиш мумкин. Шундай экан, ҳар қандай адабий-бадиий асарнинг ўзига мувофиқ ўяси бўлади. Мавзу ва **Фоя** асарда ҳаётнинг муайян парчасини гавдалантиришга асос бўладиган, унда таъсирчан қаҳрамонлар қиёфасини яратишни таъминлайдиган пойдевордир.



¹⁴ йиўиндиси — адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изохли лугати. — Тошкент:

¹⁵ Адабий назария қўринмас гоялар йигиндиси эмас, балки ташкилотлардаги бир кучdir. Назария таълимий ва маданий ташкилотлар билан узвий bogланган дискурсив амалиёт сифатида ўкувчи ва ёзувчилар жамоасида мавжуд.

— ОУП: Буюк Британия. 2011 - 67

Гоя бу мавзунинг мазмунини ўзида акс эттиради. Кимдир салбий қаҳрамонни ёқлаши ёхуд ижобий қаҳрамонни салбий қабул қилиши мумкин. Бу ҳар бир ўқувчининг ўз дунёқарашидан келиб чиқиб хосил бўлади. Демакки мавзу қанчалик жисмжисмадор бўлмасин унинг гояси мукаммал бўлмаса у ўз структураси ва савияси жиҳатидан сафсатага айланиб қолиши мумкин. Демак гоя қуидагиларни ўз ичига олади:

-муаллифнинг фикрлар жамланмаси ёхуд у назарда тутган асосий мазмун;

-мавзуда муаллиф айтмоқчи бўлган асл фикрлар асл воқеликни акс еттиради;

-мавзуда баён етилаётган воқеликдаги асл ҳолат қандай бўлганиги ҳақида тушунча беради.

Агарда муаллиф ўз фикрида событқадам туриб мавзудан четлашмаган холда гоясини олга сурар екан, демакки унинг ёзаётган насрода бадиий талқиннинг асл моҳияти жам бўлади. Бази бир муаллифларнинг иши билан танишар еканмиз ўқувчи бошланган гоядан анча четлашганлигини гувоҳи бўлади. Бу муаллифнинг ютугими, ёки аксинча камчилигими деган гипотеза ҳали ҳамон мавхумлигича қолмоқда. Билакс гоянинг чуқурлашкуви кўп ҳолларда мавзунинг саёзлашувига олиб келадими? Ҳар икки ҳолатда ҳам муаллиф ўзи акс еттирмоқчи бўлган воқеликни тўлиқ тасаввур ета олмас екан уни аниқ талқин қила олмайди. Ҳудди шундай ўқувчи ҳам аниқ тасаввур ололмайди. XVIII асрда ижод қилган француз ижодкорларнинг қаламида "туб моҳият" ва "юзаки кўриниши" – деганикки хил тушунча илгари сурилган. Ижодкор юзаки турли хил тусвирлар орқали бадиий образдаги туб моҳиятни очиб беради. Бунда у тўғридан тўғри ҳолатни тасвирламаслиги ёки аниқлик билан баён қилмалиги мумкин. Ҳолат тасаввuri кўпинча ўқувчининг ўз тасаввур чегарасига қолдирилади. Бу француз ижодкорларининг енг устувор концепсиясидир. Сўнги йиллардаги асарлар билан танишар еканмиз унда ёзувчиларнинг ўз "мен"и кўпроқ кўзга ташланади. Ёзуки на гоя ва на мавзу билан ҳисоблашмайди. У очиқдан очиқ намойишкорона ўзининг фикрини айтишдан нарига ўтмайди. Бу кўпроқ бадиий образ тасвири емас аксинча баёнкашиликка ўхшаб қолади. Фикримизнинг исботи сифатида ёзувчиларнинг бадиий образни талқин қилиши емас балки, воқеликни тасвирлашига бўлган уринишнинг кўпроқ намоён бўлади. Мавзу гояни тўлдириши у узвий қаҳрамонлардаги образлийлик билан бойитилиши бир-бирини тўлдириши мақсадга мувофиқдир¹⁶.

4.5.Бадиий асарда конфликт тушунчаси.

Мавзу ва гоянинг ёрқин намоён бўлиши эса асарнинг асосий конфлиktи кўламига боғлиқдир Конфликт, аввало, ён-веримиздаги мавжуд ҳаётнинг айнан ўзиdir. Ҳаёт эса мисоли тўхтовсиз оқиб турган дарёdir. Дарёда сувлар тўлқин отиб оқади. Тўлқинлар бир-бирини қувади.

¹⁶Ж.Коллер .Адабиёт назарияси ва қисқача адабиётшуносликка кириш. – ОУП: Буюк Британия. 2011 – 78-79 бетлар

Кишиларнинг умри ҳам худди шундай манзарадан иборат. Ҳаёт бир-бирини инкор қиладиган, айни чоқда тақозо этадиган ҳодисалар мажмуасидир.

Конфликт лотинча “conflictus” деган сўз бўлиб, “тўқнашиш” деган маънони билдиради. Зиддият, тўқнашув ҳаёт тараққиётини таъминловчи асос бўлгани сингари бадиий конфликт ҳам асарнинг қизиқарли бўлишининг етакчи воситасидир. Бадиий конфликт роман, қисса, ҳикоя, достон қаҳрамонлари ўртасидаги қарама-қаршиликдир. Қаҳрамонлар бир-бирларидан феъл-автори, табиати, мақсад, интилишларига кўра фарқ қиласди ва шунга кўра, улар ўртасида зиддият вужудга келади. Образлар ўртасидаги зиддият ҳам, қаҳрамонларнинг ўз ичидаги тўқнашувлари ҳам бирор-бир воқеа туфайли намоён бўлади. Воқеаларнинг қай тарзда кечиши асар мавзуси ва ғоясининг аҳамиятини намоён этгани сингари қаҳрамонларнинг қиёфасини ҳам аниқ тасаввур этиш имконини беради.

Назорат учун саволлар:

1. Бадиий асар мавзусининг тор ва кенг маънодаги қирралари ҳақида нималар дея оласиз?
2. Ижодкорнинг мавзу танлаш маҳорати ва бадиий ижод жараёни деганда нималарни тушунасиз?
3. Фоя ва мазмуннинг ўзаро алоқадорлиги деганда нимани тушунасиз?
4. Бадиий асарда мавзу ва ғоянинг ранг-баранглиги нималарда намоён бўлади?
5. Бадиий асарда конфликт қандай намоён бўлади?

Асосий дарслар ва ўқув қўлланмалар

1. Ж.Коллер .Адабиёт назарияси ва қисқача адабиётшуносликка кириш. – ОУП: Буюк Британия. 2011.
2. Гобоев Т. Адабиётшунослик асослари.-Т.: “Ўзбекистон” 2002.
3. Умурев Х. Адабиётшунослик назарияси.-Т.: “Ўқитувчи”, 2004.
4. Улуғов А. Адабиётшуносликка кириш . “Университет”. 2005

Кўшимча адабиётлар

1. Арасту. Поэтика. Ахлоқи кабир. -Т.: “Янги аср авлоди”, 2004
2. Султонов И. Адабиёт назарияси.-Т.: “Ўқитувчи”, 2005.
3. Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. - Т.: “Зарқалам”, 2006.
4. Қуронов Д., Раҳмонов Б. Ғарб адабий-танқидий тафаккури тарихи очерклари. – Тошкент: “Фан”, 2008.
5. Қуронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. – Тошкент: “Akademnashr”, 2010.
6. Хализев В. Е. Теория литературы. Учебник.-М.: “Высшая школа”, 1999

Интернет ресурслар

1. www.pedagog.uz
2. www.ziyouz.com
3. www.ijod.uz
4. www.ziyouz.com

5-МАВЗУ: БАДИЙ АСАРДАОРАЗ ВА ОБРАЗЛИЛИК.

РЕЖА:

1. **Образ атамаси ва унинг келиб чиқиши тарихи.**
2. Образ турлари.
3. **Ёзувчининг қаҳрамон яратиш маҳорати.**
4. Бадиий асарда : образ, характер ва тип.
5. Бадиий асарда образлилик масаласи.

Маъруза матни

Образ санъат ва адабиётнинг образлар воситасида воқеликни акс эттириш хақидаги асосий тушунчадир. Адабиёт ва санъат воқеликни образлар воситасида акс эттирир экан, хар бир асарда тасвирланган нарса,



предмет ёки иштирок этувчи шахслар кенг маънода **образ** дейилади. Аммо образ термини санъат ва адабиётда бироз чегараланган маънода-фақат инсонга нисбатан қўлланилади. Чунки, объектив хаётдаги ҳамма нарса инсон измида экан, демак, адабиёт ва санъатда ҳам инсон образи етакчилик қиласи.

Образ термини худди шу маънода образлилик тушунчасининг энг муҳим ўзак қисмини ташкил этади.

Образ атамаси хақидаги илк фикрларни машхур юонон файласуфи Аристотелнинг эстетик қарашларидаёқ учратиш мумкин. Бироқ Аристотель “поэзия санъати хақида” номли асарида “образ” атамаси ўрнида “мимесис” иборасини ишлатган. “Мимесис”-тақлид демакдир. Бинобарин олим мимесис(образ)турмушга тақлидан яратилади деб хисобланган. “Образ” атамаси биринчи маротаба машхур немис файласуфи Гегелнинг эстетикага оид асраларида ишлатилган. Бу хақидаги жиддий таълимот ҳам анашу олим қаламига мансуб. Гегель ўз эстетик қарашларида санъат хақида фикр юритар экан, “санъат – образлариорқали фикрлаш” демакдир деб таъкидлаган. Рус атамашунослигига “образ” атамасини асосан, В.Г.Белинский олиб кирган, бу таълимотни такомиллаштирган.

Ўзбекадабиётида ”образ” атамаси ўрнига XXаср бошларигача “тимсол”, “тасвир”, ”нусха” кабии боралари шлатилган. Асримизнинг 20-30 йилларида ўзбек атамашунослигига “образ” атамаси кириб келган.

Маълумки, санъат ва адабиётида хаёт образлар воситасида акс эттирилади. Санъаткор хаётни кузатади, кузатган воқеаларини тафаккуридан ўтказади, уларни қайта ишлаб яна жонли хаёт шаклида яратади. Хаёт воқеа ходисаларини қайта тиклашда инсон образи ғоятда муҳим ахамиятга эга.

Шуни ҳам айтиш керакки, бадиий образ дейилганда, асосан, инсон образи тушунилади ва у адабиётда ҳал қилувчи роль ўйнайди. Гоявий-бадиий

етук асарлардаги кишилар образи орқали биз муайян бир давр хаёти хақида кенг ва аниқ маълумот оламиз. Шунга кўра, адабиётда ишлатиладиган қаҳрамон, адабий тип, образ-характер, образ-персонаж каби терминлар синоним тушунчалар бўлиб, уларнинг барчаси кишиларнинг жамият ва табиат билан боғлиқхолдаги бадиий тасвиридан иборатdir.

Муайян адабий туркумнинг ғоявий асосини тўғри англамоқ учун унга кирувчи асарларни алоҳида-алоҳида муфассал таҳлил қилишдан ташқари, шу таҳлил натижаларини ўзаро қиёслаш, умумлаштириш ва бутун туркумга хос муштарак хусусиятларни аниқлаш зарурдир. Бундай асарларни текширишда ўзаро алоқадор икки жараён кўзга ташланади: ҳар бир асарнинг ғоявий мазмунини муфассал таҳлил қилиш йўли билан муайян умумий холосага келинади, бу таҳлилнинг тўғрилиги эса бутун туркумнинг умумий мазмунини англаш воситасида аниқланади.

Ёзувчи бадиий асар яратар экан, ҳар доим муайян мақсадни кўзда тутади. Бу мақсадга кўпинча асарда ифодаланган ғоя мос келиши мумкин. Асар яратишдан кўзда тутилган мақсад баъзан унинг ғоясидан фарқланиб қолиши ҳам мумкин. Бундай ҳолларда асар ғоясининг моҳиятини, аҳамиятини тўғри тушунмоқ учун у билан ёзувчи мақсади ўртасидаги фарқларни аниқ билиб олмоқ лозим бўлади. Ёзувчи мақсади билан асардаги гоя орасида фарқ бўлиши мумкинлигини тушунган ҳолда нарса-ҳодисаларга тўғри нуқтаи назардан ёндашиш тасвирнинг ҳаққоний ва мукаммал чиқишига йўл очишини ҳам унутмаслик лозим. Аксинча, ҳаётни хато ёки зиддиятли қарашлар асосида акс эттириш тасвирнинг қийматини туширади, ҳатто бутунлай йўққа чиқаради, чунки ундан қарашлар воқеликдаги турли томонларнинг сохталаштирилган ҳолда кўрсатилишига олиб келади.



Шунинг учун ҳам адабиётнинг илфор намояндалари ҳар доим адабий асарларнинг юксак ғоявийлиги ва тараққийпарвар дунёқарашнинг тантанаси учун курашиб келганлар. Бинобарин, мақсад қанчалик тўғри, чуқур ва мукаммал бўлса, адабий асарнинг объектив ғояси ҳам шунчалик ҳаққоний, муҳим ва салмокли бўлади.

Ёзувчи истагидан қатъи назар, келиб чиқишидан ташқари адабий асар ғоялари яна шу маънода объективки, улар муайян ижтимоий-тарихий шароит тақозоси билан юзага келади ва адабиётдан ўрин олади. Адабиётнинг энг нодир намуналарида мавзу ва ғоялар аксарият ҳолларда тараққиётнинг муайян босқичидаги илфор ижтимоий қарашларга мос келади.

Ҳаётнинг яхлит манзарасини бадиий гавдалантиришда кўплаб шахслар, воқеалар, инсоний муносабатлар, фикр-туйғуларни худди турмушдагидек мураккаб, бирикиб кетган ҳолда акс эттиришда турли-туман воситалардан

фойдаланилади. Албатта, бир ёзувчи қўллаган воситалар бошқасиникига ўхшамайди. Бироқ шундай воситалар ҳам борки, улар адабиётнинг умумий хусусиятларидан келиб чиқади ва ёзувчилар ижодида маълум бўлади.

Аввало, биринчидан - барча ёзувчилар муқаррар равища фойдаланадиган энг муҳим восита – образларятишга имкон берувчи тилни кўрсатиб ўтиш зарур.

Иккинчидан, адабиётда ҳаёт оқими, ҳаракатлари қамраб олиниши сабабли сюжет, яъни кишилар характеристи – тақдири, ишлари зиддиятлар, ижтимоий тўқнашувлар, юзага чиқариладиган воқеалар ёки фикр-туйғулар ҳаракати оқими ҳам биринчи ўринга чиқади.

Учинчидан, ғоявий-бадиий мақсадни амалга оширишда гоҳ асарда иштирок этувчи қаҳрамонлар нутқига, гоҳ муаллиф ҳикоясига, гоҳ диалог ва монологларга, гоҳ табиат тасвирига, қаҳрамонларнинг хатларига, кундаликларига ва бошқа воситаларга мурожаат қилиш зарурияти ҳарбир адабий асарнинг муайян қурилишига ёки адабиёт иззариясидаги атама билан айтганда, композицияга эга бўлишини тақозо қиласди.

Тўртинчидан, санъаткор мақсадининг амалга оширилиши яратадиган асарининг турига, жанр хусусиятларига ҳам боғлиқдир.

Мазкур ҳолатлар ҳар бир ёзувчи ижодида ўзига хос тарзда намоён бўлади. Лекин ўзига хос кўринишдан қатъий назар улар барча ёзувчилар ижодида мавжуд бўлади. Шу сабабли, аввал мазкур умумий воситалар ҳақида мукаммал тасаввурга эга бўлиш, кейин эса айrim ёзувчилар ижодидаги хусусий томонларни ўрганиш мақсадга мувофиқдир.



Бадиий образ ва унинг турлари.

Инсон характеристи ва унинг ижтимоий қарашлари эпик, драматик, лирик-эпик асарларнинг асосий мазмунини ташкил этади. Бу асарларда пейзаж ва буюм образи, лирик мотивлар, яъни кенг маънодаги образлар муҳим аҳамиятга эга бўлса ҳам, улар асосий мақсадга-инсон фаолиятини ва унинг ҳаётга бўлган муносабатини ўрганишга хизмат қиласди. Пейзаж ва буюм образи айrim асарларнинг асосий мазмунини ташкил этиши мумкин. Аммо уларда ҳам, асосан, инсон кўзга ташланади: Ёзувчи пейзаж ва буюм образида

кишиларнинг, маълум даврдаги социал гуруҳининг дунёқараси ва ҳистуюгуларини акс эттиради.

Демак, адабиёт ва санъатда инсон образи бўлмагандаги эди, қолган барча нарсалар (кенг маънодаги образлар) маъносиз ва моҳиятсиз бўлиб қолар эди. Шу тарзда инсонга нисбатан қўлланилган образ терминини Шундай таърифлаш мумкин: ёзувчининг хаётий кузатишлари асосида шаклланган, унинг бадиий тўқимасида акс этган, маълум ғояни ташувчи инсон ҳаётининг ва айни пайтда умумлашган тасвири *образ* деб аталади.

Шундай қилиб, образ адабий асарда ёзувчининг турмуш тажрибалари ва инсон характеристи устида олиб борган кузатишларини, кишиларга бўлган муносабати, фикр ва карашларини бадиий ифодалашнинг ўзига хос усулидир. Ёзувчи инсон характеристини акс эттиради, типик характеристларни типик шароитларда яратади, маълум давр ва социал гуруҳ учун характеристли бўлган воқеаларни индивидуаллаштирилган типик образлар орқали ёритади. Шу тарзда адабий асарда типикликни ифодалайди. Демак, адабий асарда типиклик тушунчаси турли тарихий даврларда ҳаётий воқеалар, маълум кишилар гурухи учун характеристли хусусиятларни ёркин ифодаловчи нарса, ходиса ёки шахсни англатади.

Бадиий асарда қаҳрамон яратиш маҳорати.

“Образ” деганда асарда қатнашувчи барча одамлар ҳаётини тасвири (асар сюжетида ҳар хил “юк” ташувчи шахслар - бош қаҳрамон, асосий образ, эпизодик образ тарзида англашилади).



Характер адабий тип деб юритилади. Оғзаки ва ёзма нутқда “персонаж” ва “образ” атамалари бир-бирининг синоними сифатида ҳам қўлланилавермайди. Масалага шу жиҳатдан қараганда, “Зайнаб ва Омон” поэмасидаги Зайнабнинг дугоналари - Адол, Асал, Сора, Сурма, Рухсора, Гулнора, Кундуз, Суксур, Нури - эпизодик образ (персонаж)лар; Зайнаб, Омон, Анор хола, Собир, Нури - характеристлар; Зайнаб ва Анор хола - адабий типдир. Айни чоғда, поемада берилган кишилар таъсири (Адол, Асал, Сора, Сурма, Рухсора, Сарви, Гулнор, Суксур, Нури, Зайнаб, Омон, Собир, Анор хола) образлар ёхуд персонажлар деб юритилаверади. Бадиий адабиётда образга нисбатан характерист мухим аҳамият касб этади. Ёзувчи характеристлар тасвири оралиқ воқеаликни акс эттиради. Бу - ҳаётни эстетик ўзлаштиришнинг асосий усулидир.


Асарда ирода йўналиши ва индивидуал руҳий хусусиятлари билан бир-биридан ажralиб турувчи, асар сюжетида “катта юк” ташувчи Шахсларгина характерист бўлса, ижтимоий гуруҳ ёхуд синфнинг мухим хусусиятларини ифодаловчи - даврнинг катта умумлашмаси бўла оладиган

Характер (юн. характер - хусусият, белги) - маълум ижтимоий фаолият типи. Характер, Л.И.Тимофеев айтганидек, образнинг ядрори. Характер, биринчи навбатда, ани хаётийшароитда ўз индивидуал хатти-харакатилари ва руҳий кечинмалари билан намоён бўладиган инсоннинг айни тасвири. Умуман айтганда, қаҳрамоннинг муҳим хусусиятларини аниқлайдиган асосий белгилар мажмуя характер деб юритилади (Г.А.Абрамович).

Назарий адабиётларда характернинг мохиятини аниқлайдиган икки асосий хусусият кўрсатилади: “Шахс ирода йўналишини кўрсатувчи нарса характерни белгилайди”.

Образ-персонаж-характер-тип.

Маълумки, адабиётшунослигимизда қўлланилаётган “образ”, “персонаж”, “характер” ва “тип” атамалларини англатадиган тушунчалар бир-бири билан узвий боғлиқ - улар адабий асарда Иштирок етuvчи одамлар тасвирини англатади, лекин, айни чоғда, уларни айнан бир нарса деб тушунмаслик керак. Чуники, уларни бир-биридан ажратиб турадиган баъзи фарқлар ҳам бор.



асарнинг бош образи саналади. Персонаж асар марказида турмаса ҳам, бирор жихати билан ёзувчи ғоясини ифодалашга, уни тўлдиришга хизмат қилса, у иккинчи даражали образ ҳисобланади.

Образ тушунчаси характер тушунчаси билан боғлиқ бўлади. Лекин образ характерга нисбатан кенг тушунча бўлиб, характер образнинг мукаммаллашган, турли хусусиятлари аниқ кўриниб турган, индивидуал хусусиятлари кашф этилган образдир, ҳар қандай образ характер бўла олмайди, лекин ҳар қандай характер образ саналади. Характернинг фояят мукаммаллашган кўриниши эса, яъни характерга хос хусусиятларни бутун тўлалиги билан акс эттирувчи индивидуаллаштирилганшас образи тип дейилади. Шунинг учун бадиий тип ҳамма вақт, ҳамма шароитда ўз мукаммалигини сақлайди.

Образлар таснифи:

Адабиётшуносликка бадиий образлар қуидаги илмий тамойиллар асосида тасниф қилиб ўрганилади.

1. Ижодий метод тақозосига кўра образлар куйидаги турларга бўлинади: мифология, афсонавий, хаёлий-фантастик, символик, романтик, реалистик образлар.

Реалистик образ - ҳаёт ҳакиқатига монанд образлар бўлиб, улар жонли одамларга хос бўлган хусусиятларни ўзида мужассамлаштиради.

Романтик образлар-ҳаётда айнан бўлмаган, аммо бўлиши орзу килинган-мўъжизакор куч-кувват эгаси бўлган, кўтаринки рух билан яратилган образлар.

Хаёлий-фантастик образлар-хаддан ташқари бўрттирилган, илохийлаштирилган, мўъжизавий характерга эга бўлган образлар.

Афсонавий образлар-буунлай хаёлий образлар бўлиб, улар битмас-туғанмас куч-қудратга, юксак фазилатларга эга бўлади. Халқ Оғзаки ижодидаги паловонлар мана Шундай характерда. “Алпомиш” достонидаги алпомиш, “Гўрўли” туркумидаги достонларда Гўрўғли образлар ҳам афсонавий қаҳрамонлардир.



Символик образлар -

предметлар, ўсимликлар, нарсалар, жониворлар, ранглар орқали ижтимоий ходисалар умумлаштириш демакдир. Чунончи, кабутар-тинчлик рамзи, гул ва булбул - маъшуқа ва ошиф рамзи, қизил ранг - озодлик рамзи ва ҳоказо.

Мифологик образлар-мифология (афсона) асосида яратилган асотирий образлар. Мифология образлар инсон табиатга қарши курашда ожиз бўлиб, ундаги ходисаларни қандайдир

табиатдан ташқари, кишиларга нисбатан езгу ёки ёвуз ниятда бўлган руҳлар бошқаради деб ўйлаган аждодларимиз томонидан яратилган.

2. Адабий турлар ва жанрлар тақозосига кўра бадиий образларнинг куйидаги хиллари мавжуд: лирик, эпик ва Драматик образлар. Лирик шеърларнинг қаҳрамонлари лирик образ ёки лирик қаҳрамон деб юритилади. Ҳамид Олимжоннинг “Ўлка”, “Ўрик гуллаганда”, “Ўзбекистон” шеърларининг бош қаҳрамони - шоирнинг ўзи - лирик образдир.

3. Асар тўқимасида тутган ўрнига кўра образларнинг хиллари. Йирик ҳажмли асарларда (эпик, драматик) бош ва ёрдамчи образлар бўлади. Асар воқеаларининг марказида туриб, сюжетни характерга келтирадиган, ёзувчи ифодаламоқчи бўлган асосий ғояни ўзида ташийдиган шахслар бош образ ёки бош қаҳрамон деб аталади.

4. Адабиёт ҳаётни икки хил йўл билан тадқиқ қилади: бири - тасдиқлаш, иккинчиси - инкор этиш. Шунга кўра, образлар ҳам бир-биридан фарқ қилади. ҳаётнинг ёзувчи идеалига мувофиқ томонларини тасдиқлаш учун асарга киритилган образлар - ижобий образлар деб юритилади. ҳаётнинг

бирор томонини инкор қилиш учун хизмат киладиган образлар - салбий образлардир.

5. Ҳажсвий асарларда, асосан, сатирик ва комик-юмористик образлар етакчилик қиласы. Сатирик образ қисман салбий образга ўхшаб кетади (хар иккала типдаги образлар воситасида ҳаётдаги салбий кишилар ёхуд ҳаётдаги қусурлар танқид қилинади), улар ўртасида принципиал фарқлар ҳам бор: салбий образда ҳаётдаги қусурлар инкор қилинса-да ҳажв этилмайди - ёзувчи улар устидан очиқдан-очиқ кулмайди. Сатирик образларда эса, аксинча, ҳаётдаги қусурлар устидан захарханда кулиш, сарказм, киноя, маҳаралаш усули етакчилик қиласы. Сатирик образнинг ҳатти-ҳаракатлари ва одатларидан киши беҳад нафратланади, улардан жирканади.



муносабатини очиб беришга бир сўз билан айтганда асар композициясига хизмат қилувчи воситалар ёки бадиий деталлар вазифасини бажаради.

Образ санъат ва адабиётнинг образлар воситасида воқеаликни акс эттириши ҳақидаги асосий тушунчасидир. Адабиёт ва санъат воқеаликни образлар воситасида акс эттирилар экан, ҳар бир асарда тасвирланган нарса, предмет ёки иштирок этувчи шахслар кенг маънода образ дейилади.¹⁷

Бадиий асарда образлилик масаласи.

Маълумки, санъат ва адабиётда ҳаёт образлар воситасида акс эттирилади. Санъаткор ҳаётни кузатади, кузатган воқеаларини тафаккуридан ўтказади, уларни қайта ишлаб яна жонли ҳаёт шаклида яратади. ҳаёт воқеа-ходисаларини қайта тиклашда инсон образи фоятда муҳим аҳамиятга эга.

Шуни ҳам айтиш кераки, бадиий образ

6. Адабий асарда иштирок этувчи ҳар бир шахс ва (баъзан) воқеа ривожида у қадар муҳим рол ўйнамайдиган эпизодик образ персонаж деб юритилади. Бадиий асарда бир-бири билан узвий боғлик образлар мажмуи образлар тизими деб аталади.

Бадиий асар тўқимасида шундай унсурлар ҳам борки, улар асар исмларини, манзараларини бир-бирига боғлашга, қаҳрамонларнинг



¹⁷ Ж.Коллер .Адабиёт назарияси ва қисқача адабиётшуносликка кириш. – ОУП: Буюк Британия. 2011 - 67 бет

дейилганды, асосан, иносн образи тушунилади ва у адабиётда ҳал қилувчи рол ўйнайды. Фоявий-бадиий етук асарлардаги кишилар образи орқали биз муайян бир давр ҳаёти ҳақида кенг маълумот оламиз.

1.Бадиий образнинг умумлашмаси Л.Н.Толстойнинг фикрича, адабиётда маълум бир тип яратиш учун шу тоифадаги жуда кўп кишиларга хос хусусиятларни танлаб олиб, бадиий бир бутунликка жамлаш керак. Ёзувчи бир дўкондор, амалдор ёки ишчи образини яратиш учун жуда кўп дўкондор, амалдор ва ишчи ҳаётини ўрганиши, уларнинг социал-синфий киёфасини белгиловчи характерли хусусиятлари, одатларни ва бошқаларни бир образда бера олиши керак.

Демак, умумлаштириш - бадиий образнинг муҳим хусусияти экан. Шусиз образ яратиш мумкин эмас.

2.Бадиий образнинг аниқлиги ва индивидуалллиги. Адабий асарда тасвирланган бадиий образ умумлашма натижасигина бўлмай, айни чоғда, аниқлаштириш, индивидуаллаштириш маҳсулни ҳамдир. Зотан, адабий қаҳрамон том маънода индивидуаллаштирилган бўлиши зарур. Чуники, ёзувчи бадиий образни индивидуал хусусиятлари билан кўрсатиш орқали образгажонлилик, ҳаётийлик, табиийлик баҳш этади, эмоционалликка эришади-ўқувчи ҳиссиётига таъсир қиласи, уни ишонтиради.

3.Бадиий образ тузилишида тўқима образ ҳаётий умумлашмаларни индивидуал шахс белгилари, инсон ҳаётининг аниқ манзаралари орқли ифодалашини тақозо қиласи экан, бундай мураккаб ижодий жараённи бадиий тўқимасиз, ижодий фантазиясиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Умумлаштириш санъатининг умумий қонунияти - умумлашмасиз ҳеч қандай бадиий образ яратилмайди. Бадиий адабиёт, ходиса ва характерларни, типиклашишини, “ўйлаб топиш”ни, тўқима талаб этади.

Бу ўринда машур ёзувчимиз Абдулла Кодирийнинг “Ўтган кунлар” ва “Мехробдан чаён” романлари бош қаҳрамонларининг яратилиш жараёнлари ҳақида айтган гаплари ғоятда эътиборли: “Халқ орасида бундай типлар (Отабек, Кумуш биби, Анвар, Раъно - Т.Б.) кўп... Лекин уларнинг ҳаммасини ҳам асардаги каби айнан деб бўлмайди. шахс асардаги қаҳрамонга анчалик ўхшаб кетмасин бари бир унда қайдайдир бирон камчилик, нуқсон бўлади... Ёзувчи кўплаб шахсларда кўрган-кузатган типлардан ўзига керагини танлаб олади, умумлаштиради, бирон қаҳрамонда мужассамлаштиради”.

4. Бадиий образнинг эстетик таъсирчанлиги. Бадиий образ китобхонда, албатта, қандайдир эстетик ҳиссиёт (эмоция) уйғотиши мумкин. Чунончи, ҳаётдаги хунукликни акс еттирган бадиий образ китобхонда нафрат уйғотса, гўзалликни ифлдалаган образ эстетик завқ-шавқ беради. Ёзувчи бадиий образ орқали эстетикидеалини тасвирлайди: идеал ижобий образда бевосита, салбий образда билвосита ифодаланади.



Француз санъатшуноси Ипполит Тен (1827-1893)нинг ҳикоя килинишича, америкалик оддий бир аскар театрга тушиб, “Отелло” спектаклини томоша қиласи, саҳнада Отелло рашк ўтида ёниб, севикли хотини, пок Дездемонани бўғиб ўлдирав экан, томошабин аскар ундан фоятда нафратланиб кетади ва аскар Отелло - актёрни отиб ташлайди.

Мавзу юзасидан савол ва топшириклар.

1. Образ ва унинг бадиий асардаги хусусиятиги қўра гурухларга ажратинг.
2. Бадиий асардаги жанр хусусиятига қўра образ турларини аникланг.
3. Бадиий асарда образ яратиш принциплари.
4. Сюжетдаги характернинг ўрни ва аҳамияти (Бадиий асарлар мисолида)

Асосий дарсликлар ва ўқув қўлланмалар

1. Ж.Коллер .Адабиёт назарияси ва қисқача адабиётшуносликка кириш. – ОУП: Буюк Британия. 2011.
2. Иззат Султон. Адабиёт назарияси. Т.: 1980 йил.
3. Адабий турлар ва жанрлар. З-жилдлик. Т.: Фан 1991 йил.
4. Холматов Ш., Маҳкамов М., Хотамов Н. Адабиётшуносликка кириш. Т.: Ўқитувчи. 1989.
5. Т.Бобоев. Адабиётшунослик асослари. Т., 2002 йил.
6. Гуляев Н.А. Теория литературы. М.: Высшая школа. 1985.

Қўшимчаадабиётлар:

1. Ҳайитметов А. Навоийнинг бадиий маҳорати. Т: 1987.
2. Исҳоқова Ё. Мумтоз шеъриятда бадиий сманъатлар. Т.: 2004.
3. Валихўжаев Б. Ўзбек адабиётшунослиги тарихи. Т.: Ўзбекистон. 1993.
4. Қудратуллаев Ҳ. Навоийнинг адабий эстетик қарашлари. Т.: Шарқ. 1991
5. Қудратуллаев Ҳ. Бобурнинг адабий- танқидий қарашлари. Т.: 1983.
6. И.Мирзаев. Адабиёт ва давр дарди. Т.: Фан. 1999.
7. Т.Бобоев. Шеър илми таълими. Т.: «Ўқитувчи». 1996.
8. «Адабиёт назарияси». Маъruzalар матни. Тузувчи проф.Мамедов Б. ЎзДЖТУ. Т. 2006 й.

Интернет ресурслари

1. www.pedagog.uz
2. www.ziyouz.com
3. www.ijod.uz
4. www.ziyouz.com

6-МАВЗУ. БАДИЙ АСАР СЮЖЕТИ ВА КОМПОЗИЦИЯСИ.

РЕЖА:

1. Бадий асар сюжети
2. Сюжет турлари ва типлари
3. Сюжетнинг асосий элементлари
4. Композиция ҳақида тушунча
5. Композицион воситалар

Маъruz матни

Кўпинча *сюжет* деганда, асардаги воқеалар тизмаси тушунилади. Бунинг сабаби шундаки, сюжетли асарларнинг кўпчилигигида яхлит ҳаёт манзараси билан боғлиқ ҳолда, албатта, бирон муҳим ижтимоий зиддият бадий тадқиқ этилади.



Ҳар бир ёзувчи ўзини қизиқтирган ҳаётий воқеаларга эътибор беради ва уларни ўзига хос тарзда акс эттиради. Бир ёзувчини синфлар, кишиларнинг кескин тўқнашуви, иккинчи ёзувчини қаҳрамоннинг ички дунёси, руҳий ҳолати, бошқа бир ёзувчини табиат гўзаллиги қизиқтиради ва уни асарида ифодалайди. Демак, ёзувчининг асарда тасвирланган асосий ҳаётий воқеа-ҳодисалар тўғрисидаги ҳукми-етакчи фикри асарнинг асосий ғояси ҳисобланади. Бинобарин, ҳаётий ҳодисаларга қандай муносабатда бўлса, уларни шу хилда тасвирлаб, китобхонларда ҳам ўзи тасвирлаган воқеа-ҳодисаларга ана шундай муносабат туғдиради. Шунинг учун асосий ғоя ҳам, асосий тема каби асардаги образларда, уларнинг хатти-ҳаракатида мужассамлашган ва воқеа-ҳодисаларда ифодаланган ғоялардан ташкил топади ҳамда ёзувчининг шу образ ва ҳодисаларга, яъни ҳаётга бўлган муносабатини англатади. Демак, ғоя билан тема узвий бирликда мавжуддир. Тема ва ғоя муносабати асарнинг ғоявий-тематик бирлигини таъминлайди.

Бадий асарда сюжет ва композиция.

Бадий асарни баён қилишида қандай асосий талаблар қўйилади? Аристотельнинг таъкидлашича фабула - бу баённинг асоси ҳисобланади ва “боши, ўртаси ва охiri”га эга бўлади.

Эстетик завқ асар жозибасини оширади “у албатта ечимда намоён бўлади” Бироқ асардаги воқелик тизими унинг қай тарзда жойлаштирилганлигига кўра кўпроқ чикур аҳамият касб этади. Гарчанд, воқелик – фабулада намоён бўлар экан, асар тизими айнан, воқеалар

тизимига боғлиқ ҳолда баён этилиши керак. Сюжетдаги фабула, яъни воқебандлик асар сўнгида эмас, гоҳо асар ўртасида ёки асарнинг дастлабки қисмида ҳам намоён бўлиши мумкин, аммо бу ҳолатда ҳам воқеабандликка асар сўнгидагини қўрқувсиз, таҳминсиз аниқ ечим келтирилиши мумкин. Масалан: асар бошидаги персонажлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар, уларнинг бир бирига бўлган муомила муносабати ёки қўрқинчили воқеалар ривожи охир оқибатда ечимда ойдин ва равшан очиб берилиши асар воқелигини тўғри тасвирлашга кўмак беради. Бир нечта асардаги воқелик бу ҳали тўлиқ сюжетнинг намоён бўлишини кўрсата олмайди. Аксинча асардаги қаҳрамонлар ёки персонажларнинг ҳатти-ҳаракати асар воқелигини турли томонга ўзгаришини кўрсатади, баъзи адабиётшунос олимлар фикрига кўра воқеликнинг ҳаракатга келиши персонажларнинг асардаги ҳолати ва хусусиятига кўпроқ боғлиқ ҳолда намоён бўлади.



Сюжетни ҳикоя қилиниши қонуни ўзига хослиги билан ажралиб туради: бу унинг тили ва воқеликдаги ҳолатдан ҳам аксинча намоён бўлиши ва ҳаракатланишига боғлиқ бўлади. Масалан: Субтитрли ёки понтомимик фильмларда ҳам сюжет худди ҳикоя воқелигига ўхшаб баён қилинверади.

Сюжет хақида икки хил тушунча мавжуд бўлиб, биринчи нуқтаи назарга кўра сюжет воқеа ҳодисаларни ҳақиқий ифодалаши; ёзувчи ва китобхонлар воқеаларни умумий сюжетга киритиб уни тушунишига ҳаракат қиласади.

Бошқа нуқтаи назарга кўра сюжет баён қилувчилар тамонидан қурилади, яъни бир хил тарихий воқеаларни ҳар хил ифодалаши мумкин. Асарнинг уч хил даражаси мавжуд. Булар: воқеа, фабула (ёки сюжет) ва дискурс (муҳокама) - улар ўзаро бир-бирига мос келади. Биз уларнинг ўзаро муносабати ҳақида фикр юритамиз, биринчидан, воқеа ва фабулалар, иккинчидан, сюжет ва дискурс

Воқеа бу - фабула

Сюжет бу - ҳикоя

Фабула ёки сюжет- бу аниқ нуқтаи назардан фикрлаш воситасида вужудга келган матнdir. Демак, асардаги тўй маросими сюжетнинг ечими, тугуни ёки кульминацияси бўлиши мумкин. Китобхон ўз дунёқарашидан келиб чиқиб китоб мазмунини матндан чиқариб олади.¹⁸

Бадиий асарларнинг бевосита мазмунини ташкил этган, ўзаро боғланган ва ривожланиб борувчи ҳаётий воқеалар системаси **сюжет** деб аталади. Сюжет характер билан узвий боғлиқ бўлиб, бадиий ижодда муҳим ўрин тутади. Сюжет бадиий ижоднинг барча тур ва жанрларида мавжуд.

¹⁸ Ж.Коллер .Адабиёт назарияси ва қисқача адабиётшуносликка кириш. – ОУП: Буюк Британия. 2011 – 65-66-бет

Муайян адабий туркумнинг ғоявий асосини тўғри англамоқ учун унга кирувчи асарларни алоҳида-алоҳида муфассал таҳлил қилишдан ташқари, шу таҳлил натижаларини ўзаро қиёслаш, умумлаштириш ва бутун туркумга хос муштарак хусусиятларни аниқлаш зарурдир. Бундай асарларни текширишда ўзаро алоқадор икки жараён кўзга ташланади: ҳар бир асарнинг ғоявий мазмунини муфассал таҳлил қилиш йўли билан муайян умумий холосага келинади, бу таҳлилнинг тўғрилиги эса бутун туркумнинг умумий мазмунини англаш воситасида аниқланади.

Ёзувчи бадиий асар яратар экан, ҳар доим муайян мақсадни кўзда тутади. Бу мақсадга кўпинча асарда ифодаланган гоя мос келиши мумкин.¹⁹



Асар яратишдан кўзда тутилган мақсад баъзан унинг ғоясидан фарқланиб қолиши ҳам мумкин. Бундай ҳолларда асар ғоясининг моҳиятини, аҳамиятини тўғри тушунмоқ учун у билан ёзувчи мақсади ўртасидаги фарқларни аниқ билиб олмоқ лозим бўлади. Ёзувчи мақсади билан асардаги ғоя орасида фарқ бўлиши мумкинлигини тушунган ҳолда нарса-ҳодисаларга тўғри нуктаи назардан ёндашиш тасвирининг ҳаққоний ва мукаммал

чиқишига йўл очишини ҳам унутмаслик лозим. Аксинча, ҳаётни хато ёки зиддиятли қарашлар асосида акс эттириш тасвирининг қийматини туширади, ҳатто бутунлай йўққа чиқаради, чунки ундай қарашлар воқеликдаги турли томонларнинг сохталаштирилган ҳолда кўрсатилишига олиб келади.

Адабиёт нафакат дабдабали арбоблари, балки катта инишоотлар, хусусан, адабий турларининг асосланган ва уларнинг роли - нима жсанрлар хисобланади? “Эпик” ва “янги” каби атамалар - зоҳирий ўхишилиги асосида воситалари асарларининг кулай таснифи кўпроқ нарса эмас, ёки улар китобхонлар ва ёзувчилар назарида айрим вазифаларни амалга ошириш? шароитлар ва таҳминлар бир тўсиқ - ўқувчи жсанр учун. Ўқиймиз билиш - бир худди терговчининг ўзгинаси ёки, ишикий асар, бир лирик шеър ёки фожиаси - биз бу ёки бошка элементларнинг матнда излаётган ва энг муҳим бўлади кайси бирлари таҳмин қилинши мумкин. Фантастика, ҳикоя ҳақида роман факат бир кичик батафсил бўлиши мумкин²⁰.

¹⁹ Ж.Коллер .Адабиёт назарияси ва қисқача адабиётшуносликка кириш. – ОУП: Буюк Британия. 2011 – 66-бет

²⁰ Ж.Коллер .Адабиёт назарияси ва қисқача адабиётшуносликка кириш. – ОУП: Буюк Британия. 2011 – 70-бет

Тарихан, қўп адабий танқидчилари, назарияси, хикоя қилиши, ким караб олиши, учта асосий турлари адабий асарлар билан ўртаклашиди, ҳамда юнон адабиёти назариясига эргашиди²¹.

Бу сўзлар, уларни гапирган шахс ёки бир овозни айтишига йўл бошқача айтганда (вообразит) лавозимига ўзингизни қўйши дегани ўкинг - бир кенг тарқалган шакли-бирикмаси, сўз мавзу овози, муаллиф томонидан яратилган.²²

Ҳар бир йирик ёзувчи асосий эътиборни ўз даври, халқи учун муҳим бўлган зиддиятга қаратади. Юқорида айтилган фикрдан ёзувчилар, албатта, факат ўз даврларидағи ижтимоий зиддиятларни тасвирлашлари керак экан, деган хулоса келиб чиқмайди. Улар ўз асарлари учун узоқ ўтмиш ҳаётидан ҳам сюжет танлашлари мумкин. Адабиётимизда кўплаб тарихий романлар, повестлар, ҳикоялар, пьесалар яратилганлиги шундан гувоҳлик беради.



Сюжет яратишда ёзувчининг бадиий маҳорати ниҳоятда муҳим аҳамиятга эгадир. Сюжет ички тугалликка эга бўлганда, яъни тасвирланаётган зиддиятнинг сабабларини, хусусиятини ва ривожланиш йўлларини яққол гавдалантиришга имкон берганда ҳамда китобхон дикқатини ўзига тортиб, ҳар бир унсур ҳақида чуқур ўйлашга мажбур қилгандагина, у ўз зиммасига юклangan вазифани адо эта олади.

Юқоридаги фикрлардан сюжет қизиқарли бўлиши шарт эмас экан, деган хулоса келиб чиқмаслиги лозим. Аксинча, бадиий асар сюжети ҳаёт ҳақиқати асосида китобхонни ўзига тортадиган қизиқарли,

жозибадор қилиб яратилгандагина, муайян таъсир кучига эга бўлади. Сюжетнинг қизиқарли чиқишига ёзувчилар турли-туман воситаларни қўллаш орқали эришадилар. Баъзан ёзувчилар тасвирланаётган курашлар ва характерлар мантиқини очиқ-ойдин, қизиқарли гавдалантириш учун ўз-ўзидан китобхон дикқатини жалб этувчи ўткир ҳолатлар, вазиятлар танлайдилар. Буни биз Шекспирнинг кўпчилик трагедияларида, Диккенс романларида, Гоголь повестларида, Абдулла Қодирий романларида кўришимиз мумкин. Бошқа бир гуруҳ ёзувчилар китобхонни қизиқтириш учун асар бошларида унинг дикқатини иштирок этувчи шахсларнинг қандайдир далилланмаган хатти-ҳаракатларига жалб қиласидилар ва шу билан ўша хатти-ҳаракатларни, характер-хусусиятларини юзага келтирган сабаблар тўғрисида ўйлашга мажбур этадилар. Масалан, ёзувчи ўлмас Умарбеков «Ёз ёмғири» номли қиссасининг бошида бир аёлнинг кўчада ўлдириб

²¹ Ж.Коллер .Адабиёт назарияси ва қисқача адабиётшуносликка кириш. – ОУП: Буюк Британия. 2011 – 70-бет

²² Ж.Коллер .Адабиёт назарияси ва қисқача адабиётшуносликка кириш. – ОУП: Буюк Британия. 2011 – 70-бет

кетилганлиги воқеасини тасвирлайди. Кейин эса, бутун асар давомида шу воқеанинг рўй бериш сабаблари, Мунисхонни фожиали ўлимга олиб келган ҳодисалар, уларнинг илдизлари ҳамда уларни аниқлаш йўлида қаҳрамонлар характерларининг тўқнашуви, кураши кўрсатиб борилади. Натижада бутун қисса давомида китобхон дикқати воқеалар ва характерлар ривожига жалб этиб турилади.

Бадиий асар сюжети қатор унсурлардан иборат бўлиб, улар ўзаро боғлик ҳолда яхлит бир бутунликни ташкил этади. Бунда унсурлар қаторига **экспозиция, тугун, воқеалар ривожи, кульминация ва ечимкиради**. Сюжет характер билан воқеалар ўртасидаги муносабатни ифодалайди. Ҳакиқатдан, сюжет персонажлар ҳаракати туфайли шаклланади. Шеърий асарда, айниқса, кичик шеърий асарда сюжет прозаик асарга қараганда яширинроқ.

Бадиий асар ғоявий-тематик жиҳатдан кичик бўлаклардан ташкил топишига қарамай, унда бир бутунлик мавжуддир. Асарнинг шундай тузулиши бадиийлик талабидир. Аслида ҳаёт бир-бири билан узвий боғланган, ўзаро таъсир этиб турган ҳодисалардан иборат бўлиб, бу ҳодисаларнинг ҳар бири ўзига нисбатан маълум муносабатда бўлишни тақозо этади. Масалан, «Кутлуг қон» романида қўйилган барча масалалар бир марказгачоризм ва маҳаллий буржуазияга қарши кўтарилган 1916 йилги халқ озодлик ҳаракатининг ривожланиши масаласига бирлаштирилади ва бу марказий, асосий масала ёзувчи томонидан баҳоланади. Бу баҳода, чоризм ва маҳаллий буржуазияга қарши олиб борган курашида меҳнаткаш омма албатта ғалаба қозонади, деган ғоя ўз ифодасини топган.

Демак, ёзувчининг асарда тасвирланган асосий ҳаётий воқеа-ҳодисалар тўгрисидаги хукми-етакчи фикри асарнинг асосий гояси ҳисобланади. Бинобарин, ёзувчи турмушига, ҳаётий ҳодисаларга қандай муносабатда бўлса, уларни шу хилда тасвирлаб, китобхонларда ҳам ўзи тасвирлаган воқеа-ҳодисаларга ана шундай муносабат түгдиради. Шунинг учун асосий гоя ҳам, асосий тема каби асардаги образларда, уларнинг хатти-ҳаракатида мужассамлашган ва воқеа-ҳодисаларда ифодаланган гоялардан ташкил топади ҳамда ёзувчининг шу образ ва ҳодисаларга, яъни ҳаётга бўлган муносабатини англатади. Демак, гоя билан мавзуу узвий бирлиқда мавжуддир. Мавзуу ва гоя муносабати асарнинг гоявий-тематик бирлигини таъминлайди. Ғоя ижодий иш жараёнида юзага келади, у асарда конкрет материалида ифодаланади. Шунга қўра, асарнинг гоявий-тематик моҳияти образларни ва ҳодисаларни анализ қилиши орқали аниқланади²³.

Сюжет типлари:

Бадиий асарда сюжетнинг ранг-баранг қўринишлари мавжуд, биз уларни воқеа-ҳодисаларни ҳикоялаш тамойилига асосланиб, қуйидагича типларга ажратиб ўрганамиз: хроникали сюжет; ретроспектив сюжет; концентрик сюжет ва ассоциатив сюжет.

²³ Ж.Коллер .Адабиёт назарияси ва қисқача адабиётшуносликка кириш. – ОУП: Буюк Британия. 2011 – 72-бет

1. Агар бадиий асарда сюжет хроника тартибида кетма-кет давом эттирилса - бу ҳолда **хроникали сюжет** деб юритилади. Масалан: А.Қодирийнинг “Меробдан чаён”, Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз”, П.Қодировнинг “Юлдузли тунлар”, Мурод Муҳаммад Дўстнинг “Лолазор”, Ў.Хошимовнинг “Икки эшик ораси”, “Тушда кечган умрлар” романлари хроникали сюжет асосида очиб берилган.

2. Бадиий асарларда воқеа қулминациядан бошланиб, асарда **чекиниш қўлланилади**. Бу - **ретроспектив сюжет** деб юритилади. Масалан: Ў.Умарбековнинг “Ёз ёмири” иссасидаги асосий қаҳрамонлардан бири - Мунисхоннинг кўчада ўлдириб кетилишидан бошланади, кейинроқ ёзувчи чекиниш усулини қўллаб Мунисхон тарихи билан китобхонни таништиради.

3. Адабиётда сюжетларнинг яна бир типи мавжуд бўлиб, унда кескин ва кучли эҳтирос тўлиқ акс эттирилгани, натижада сюжет унсурларини бир-биридан ажратиш анча мураккб кўгринишга эга бўлади. Бундай сюжет - **концентрик сюжет** деб номланади. Масалан: Машхур Америка ёзувчиси Э.Хемингуйнинг “Чол ва денгиз”, “Алвидо, қурол!” романлари сюжети концентрик сюжетида акс еттирилгандир.

4. Бадиий адабиётда - сюжетни воеа-ходисалар силсиласи эмас, балки қаҳрамонлар қалбида кечган руҳий ҳолатлар ва кечинмалар ташкил этади. Бундай ҳолат адабиётшуносликда **ассоциатив сюжет** деб юритилади. Масалан: О.Ёкубовнинг “Улуғбек хазинаси”, Ж.Жойснинг “Улисс” романлари айнан шу сюжеттида яратилгандир.

Бадиий асар сюжети қатор унсурлардан иборат бўлиб, улар ўзаро боғлиқ ҳолда яхлит бир бутунликни ташкил этади. Бунда унсурлар қаторига **экспозиция, тугун, воқеалар ривожи, кульминация** ва **ечим** киради.

Баъзи асарларда сюжетнинг пролог (муқаддима) ва эпилог (якун) каби унсурлари ҳам бўлади. Асарнинг ўзида барча сюжет унсурларининг бўлиши шарт эмас. Хусусан, пролог ва эпилог бир мунча кам учрайди. Лирик асарларда эса барча сюжет унсурларини қидириб топиш анча қийин. Улардаги сюжет унсурлари ҳақида гапирганда, фикрлар оқимининг бошланиши, мантиқли тарзда давом эттирилиши, ривожи, якунланиши тўғрисида сўз юритиш мумкин. Эпик ва драматик асарларнинг барчасида, лиро-эпик асарларнинг кўпчилигида экспозиция, тугун, воқеалар ривожи, кульминация, ечим сингари сюжет унсурлари, албатта, мавжуд бўлади.

Экспозиция. Зиддият юзага келгунга қадар қаҳрамонлар қиёфасини шакллантирган шароитнинг ва унда қарор топган характер хусусиятларининг тасвири экспозиция деб аталади. Экспозиция асарда иштирок этувчи шахсларнинг тасвирланаётган зиддият давомидаги хатти-харакатларини далиллаш вазифасини ўтайди, ҳаётлари, ўсиш, улғайишлари тўғрисидаги маълумотлар асарнинг турли ўринларида берилади. Масалан, ўлмас Умарбековнинг «Ёз ёмфири» қиссасида Мунисхон билан Раҳимжон Сайдовнинг асосий воқеалардан аввалги ҳаётлари, турмуш қуришлари, характерларидағи қирраларнинг шаклланиши асарнинг турли бобларида ҳикоя қилинади. Бундай экспозиция **кечиктирилган экспозиция** дейилади. Бироқ асарнинг қаерида келмасин, экспозиция ҳар доим бир вазифани

бажаради, яъни у китобхонни қаҳрамонлар характери шаклланган шароит билан таниширади ва уларнинг кейинги хатти-ҳаракатларини асослашга хизмат қиласди.

Тугун ва воқеалар ривожи. Асардаги воқеалар ривожини бошловчи зиддиятларнинг юзага келишини кўрсатувчи ўринлар тугун деб аталади. Юзага келган зиддиятни очиб бериш йўли билан тугун китобхоннинг асар мавзуини тўғри тушунишига имкон туғдиради.

Асар мазмунини очишда воқеалар ривожи ҳам катта аҳамиятга эга. Воқеалар ривожи асар тугунидан бошланади. Воқеалар ривожида санъаткор тасвираётган кишилар орасидаги муносабатлар ва зиддиятлар юзага чиқади, инсоний характерларнинг турли-туман қирралари ечилади, иштирок этувчи шахсларнинг шаклланиши ва улғайиш тарихи акс этади.

Агар тугун китобхоннинг асарда кўтарилиган муаммони тушунишига йўл очса, *воқеалар ривожи* унинг ҳал этилиши йўллари ҳақида ҳам тасаввур туғдиради.

Кульминация ва ечим. Воқеалар ривожидаги энг кескин, ҳаяжонли жиҳат *кульминация* деб аталади. Кульминация асарда кўтарилиган муаммони ниҳоятда ўткирлаштириб, кучайтириб, таъсирчанлигини ошириб бериши билан мазмундорлик касб этади.

Кульминация фақат эпик, лиро-эпик ва драматик асарлардагина эмас, балки йирик шеърларда ҳам мавжуд бўлади. Эҳтирос билан ёзилган ҳар бир шеърдаги шоир фикр оқимининг юқори нуқтаси кульминациядир.

Ёзувчи услубига кўра кульминация асарнинг охирида, ўртасида ва ҳатто бошида ҳам келиши мумкин. Ёзувчи Абдулла Қаҳҳорнинг «Синчалак» повестида Саида онгига ўз кучига ишонч туғилган, Қаландаров эса ўзининг ҳақлигига шубҳа ҳосил қила бошлаган пайтлари воқеаларнинг юқори чўққиси - кульминацияси бўлиб, у асар ўрталарида берилади. Баъзан кульминация асар бошига тўғри келади. Бундай пайтларда ёзувчи асарни ўткир драматик воқеа билан бошлаб, китобхонни ўзига ром қилишга интилади ва қолган қисмларнинг барчасини шу воқеани ечиб беришга бағишлийди. Масалан, ўлмас Умарбековнинг «Ёз ёмғири» қиссаси худди шундай кульминацион нуқтадан, яъни Мунисхоннинг ўлдирилиши воқеасидан бошланади. Кейин эса, муаллиф шу воқеанинг тафсилотларини, қандай содир бўлганлигини, сабабларини ва моҳиятини очиб беради. Бу услугуб ёзувчидан катта маҳорат талаб қиласди. Чунки дастлабки саҳифаларда бошланган драматик ҳолат асар охиригача давом этиши керак.

Кульминация асарнинг энг кескин, ҳаяжонли ўрни бўлганлиги сабабли китобхонни зиддият қандай ҳал бўлиши, якунланиши ҳақида ўйлашга мажбур қиласди. Тасвиrlанаётган воқеаларнинг қандай ҳал бўлишини кўрсатувчи ёки китобхонга унинг ҳал этилиши йўллари ҳақида тасаввур берувчи ўринлар *асар ечими* деб аталади.

Англашиладики, зиддиятлар асар тугунида юзага келиб, воқеалар ривожида кенг кўламда очила боради, кульминацияда ниҳоятда юксак ўткирлик ва кескинлик касб этади ҳамда ечимда ҳал бўлади.

Пролог ва эпилог. Асосий сюжет ривожидан аввал бериладиган ўзига хос муқаддима пролог деб аталади. Мазкур сюжет ривожидан олдин келиб, пролог асардаги воқеаларнинг энг дастлабки сабабларини очишга хизмат қиласи. Бу сабаблар кейинги ҳолатлар ва ҳаракатлар моҳиятини аниқ-равшан юзага чиқаради.

Ёзувчи асар ечимида персонажларнинг кейинги тақдири етарлича очилмаган деб ҳисоблаган пайтларда эпилогдан фойдаланади. Бундан ташқари, эпилогда санъаткор асарда тасвирланган воқеа ва характерларга нисбатан ўз муносабатини, улар устидан чиқарадиган ҳукмини аниқроқ ифодалашга ҳам ҳаракат қиласи. Асарда тасвирланган воқеалар ва характерлар ривожидан келиб чиқадиган энг сўнгти натижаларни акс эттирувчи жиҳат эпилог деб аталади.

Композиция. Ёзувчи муайян турмуш манзарасини акс эттирас экан, ўша манзарани ўқувчи қўз ўнгидаги бутун тўлалиги ва яхлитлиги билан гавдалантириш учун асарини маълум шаклга, қурилишга, қиёфага эга қилиб яратади. Адабий асарнинг барча қисмларини ўзаро бирлаштириб турувчи, муайян ҳаёт манзарасини яхлитликда ва муаллиф нуқтаи назарига мос ҳолда образли акс эттиришга ёрдам берувчи қурилиши унинг композицияси деб аталади.²⁴



Бадиий асарнинг тузилиши, ташкил топишида ёзувчий илгари сурмоқчи бўлган фикр, ғоя асосий куч ҳисобланади. Бадиий асарларда ҳар бир боб, боблардаги ҳар бир манзара ҳам ўз марказига эга бўлади. Ана шундай ҳолдагина адабий асар зарур изчилликка эга бўлиши мумкин.

Композициянингяна муҳим масалаларидан бири мувофиқликдир. Бу ерда айрим тафсилотлар, эпизодлар ва манзараларнинг воқеалар тасвири ва образларнинг асар марказига, ёзувчи мақсадига мувофиқлиги кўзда тутилади.

²⁴Адабиётшуносликка кириш. Э.Худойбердиев. Т.2008 йил (86-бет)

Бадий асар композицияси, аввало мазмуннинг, поэтик ғоянинг аниқлиги, реаллиги, эстетиклиги ва шу поэтик ғояга нисбатан қисмларнинг, образларнинг жой-жойига қўйилиши ва уларнинг асардаги мувофиқлик қоидасига биноан тасвир меъёридан иборатdir.

Композицион воситалар. Адабий асарни бир бутун қилиб яратища қисмларни, воқеаларни ўзаро боғлашда, қаҳрамонлар ҳаракат қиладиган шароитни гавдалантиришда ёзувчи турли-туман ёрдамчи композицион воситалардан фойдаланади. Ундей композицион воситалар жумласига лирик чекиниши, киритма воқеа, бадий қолиплаш, эпиграф, портрет, пейзаж, деталь киради. Бу композицион воситаларнинг барчаси ҳар бир асарда, албаттаучраши шарт эмас. Агар портрет, пейзаж, лирик чекиниш ва деталь адабий асарларда бирмунча кўп учраса, бошқалари камроқ кўзга ташланади. Композицион воситалар асар ғоясини очища музайян роль ўйнашига кўра ўзига хос мазмундорлик касб этади.

Лирик чекиниши. Адабий асарда ёзувчининг бевосита ўз фикр-туйғуларини ифодалаши лирик чекиниши деб аталади. Бундай чекинишлар, асосан, эпик асарларда бўлади, лирик асарлар эса бутунича шоир кечинмаларининг ифодаси ҳисобланади.²⁵ Лирик чекиниш турли-туман композицион вазифани бажаради. Кўпинча ёзувчилар лирик чекиниш ёрдамиаа персонажларлинг ишлари, хулқ-атворлари, характерларига берадиган ўз баҳоларини аниқ-равшан ифодалашга ва китобхон онгига сингдиришга эришадилар.

Киритма воқеа. Адабий асардаги асосий воқеалар тизмасига бевосита алоқадор бўлмаган, лекин муайян ғоявий мақсадга бўйсундирилган эпизодлар киритма воқеалар деб аталади.²⁶ Улар кўпинча асарга мазмунни чуқурлаштириш, характерлар ривожини далиллаш ва ифодаланаётган ғоя китобхонга аникроқетиб боришини таъминлаш мақсадида киритилади..

Бадий қолиплаш. Айрим ҳодисалар ва характерлар моҳиятини китобхон кўз ўнгida яққолроқ очиб бериш мақсадида ёзувчилар баъзан бадий қолиплаш воситасидан фойдаланадилар. Тасвирланаётган характерлар ва ҳодисалар моҳиятини яққолроқ очиш мақсадида уларга яқин манзараларва воқеалар чизилиши бадий қолиплаш деб аталади.²⁷

Айрим асарларда бадий қолиплаш асосий қаҳрамоннинг моҳиятини китобхон кўз ўнгida чуқурроқ очишига хизмат қилади. Масалан, ёзувчи ўткир Ҳошимовнинг «Баҳор қайтмайди» қиссаси бошларида Конқус жарлиги ҳақидаги афсона берилади. Афсона асар қаҳрамонларидан Анвар билан Муқаддамнинг сұхбати тарзида келтирилади. Бундай қолиплаш воситасида муаллиф асосий қаҳрамон характери ва фожиасининг моҳиятини чуқурроқ, таъсиранроқ очиб беришга эришади.

Эпиграф. Баъзан ёзувчилар асарни ёки унинг қисмларини бошлашда бошқа асарлардан, ҳикматли сўзлардан, халқ оғзаки ижоди намуналаридан

²⁵ Адабиётшуносликка кириш. Э.Худойбердиев. Т.2008 йил (91-бет)

²⁶ Адабиётшуносликка кириш. Э.Худойбердиев. Т.2008 йил (94-бет)

²⁷ Адабиётшуносликка кириш. Э.Худойбердиев. Т.2008 йил (95-бет)

қисқа-қисқа парчалар келтирадилар. У парчалар эпиграф деб аталади.²⁸ Худди асар сарлавҳаси каби эпиграфларда ҳам унингмавзуи ва ғоявий йўналкшига маълум даражада ишора қилиб ўтилади. (Масалан, А.Қахҳор «Ўғри» ҳикояси «Отнинг ўлими — итнинг байрами») Эпиграф асар ғоясини, унда тасвирланган воқеаларни китобхон аникроқ ва тўлиқроқ тушунишига ёрдам беради.

Портрет. Адабий асарларда қаҳрамонлар моҳиятини, характерларини очишда ёзувчилар уларнинг ташқи қиёфаларига, яъни портретларига жиддий эътибор берадилар. Кўпинча қаҳрамонлар портрети уларнинг ташқи кўринишларидағи белгиларини жамлаш йўли билан яратилади.²⁹

Портрет чизишининг турли-туман йўлларидан ҳар бир ёзувчи ўз услуби, ғоявий мақсадига мувофиқ ҳолда фойдаланади. Маҳорат билан чизилган портрет инсоннинг тўлақонли образини яратиш, руҳий дунёсини чуқурроқ очиш воситасига айланади.

Мисол учун: Д. Дефонинг “Робинзон Курузо” асари босилиб чиққандан буён қарийиб икки ярим асрдан кўп вақт бўлди. Аммо ҳанузгача Робинзон образи ва унинг моҳирона портерети ўқувчида кучли бадиий завқ ўйфотаолмоқда

Пейзаж. Табиат манзаралари тасвирий адабиётда *пейзаж* деб юритилади. Пейзаж адабий асарда муайяи ғоявий-композицион вазифани бажаради. Пейзаж ёрдамида ёзувчилар характерларни ҳаракатда, доимий ўзгаришда кўрсатадилар.³⁰




Бадиий асарда пейзажнинг қўлланиш йўллари ниҳоятда хилма-хил бўлиб, улар ёзувчи услуби ва асар жанри билан белгиланади. Табиат манзараси тасвирланган турли хилдаги мақсад кузатилади. У гоҳ воқеа содир бўлган вақтни билдиради, гоҳ қаҳрамонлар кайфиятини очишига ёрдам беради, гоҳ асарвоқеаларини бир-бири билан боғлаш вазифасини ўтайди. Пейзаж кўп ўринда муаллифга ўз фикрларини якунлаш учун ҳам керак бўлади. Пейзаж маҳорат билан чизилиб, ўз ўрнида фойдаланилганда, асар ғоясини очишда, тўлақонли характерлар яратишда муҳим роль ўйнайди.

Деталь. Ёзувчи баъзан асарни бир кичик деталь асосига қуради. ўша деталь асардаги барча воқеаларни боғлаб турувчи, муаллиф ғоясини очишига хизмат этувчи восита вазифасини бажаради. Деталлар ниҳоятда хилма-хил бўлади. Досталь муаллиф ё персонаж нутқида, пейзаж, портрет ва бошқалар тасвири давомида берилиши

²⁸ Адабиётшуносликка кириш. Э.Худойбердиев. Т.2008 йил (97-бет)

²⁹ Адабиётшуносликка кириш. Э.Худойбердиев. Т.2008 йил (98-бет)

³⁰ Адабиётшуносликка кириш. Э.Худойбердиев. Т.2008 йил (99-бет)



Абдулла Қахҳор
ҲАЁТ ВА АДАБИЁТ ҲАҚИДА

мумкин. Лекин унинг аҳамияти, албатта, асар ғоясини очишдаги вазифаси образларни характерлашдаги хизмати билан белгиланади. Абдулла Қаххорнинг «Анор» ҳикоясидаги ҳодиса — анор детали билан боғлиқ можаро бир қарашда жуда жўн, оддий бўлиб туюлади. Агар анор можаросини асардан, ҳикояда акс этган даврдан ажратиб олиб қаралса, у ҳеч қандай аҳамият касб этмай қолиши ҳам мумкин.

Ёзувчининг маҳорати шундаки, у ана шу аҳамиятсиз бўлиб кўринган деталдан катта ҳақиқатни ифодалаш, асар ғоясини очиш учун восита сифатида фойдалана олган.

Хуллас, бу деталь можароларни келтириб чиқариш, асар воқеасини. ривожлантириш ҳамда далиллаш, ниҳоят, ҳаёт ҳақиқатини ва ҳикоя ғоясини ифода этиш учун мувофиқ восита хизматини ўтаган.

Мавзу юзасидан савол ва топшириқлар.

1. Экспозиция турлари ҳақида маълумот беринг.
2. Бадиий асарда тугун тушунчасига изоҳ беринг.
3. Воқеалар ривожи деганда нимани тушунасиз?
4. Композицион тамоиллар ҳақида маълумот биринг.

Асосий дарсликлар ва ўқув қўлланмалар:

1. Ж.Коллер .Адабиёт назарияси ва қисқача адабиётшуносликка кириш.
– ОУП: Буюк Британия. 2011.
2. Иззат Султон. Адабиёт назарияси. Т.: 1980 йил.
3. Адабий турлар ва жанрлар. З-жилдлик. Т.: Фан 1991 йил.
4. Холматов Ш., Маҳкамов М., Хотамов Н. Адабиётшуносликка кириш. Т.: Ўқитувчи. 1989.
5. Т.Бобоев. Адабиётшунослик асослари. Т., 2002 йил.
6. Гуляев Н.А. Теория литературы. М.: Высшая школа. 1985.

Қўшимча адабиётлар:

1. Ҳайитметов А. Навоийнинг бадиий маҳорати. Т: 1987.
2. Исҳоқова Ё. Мумтоз шеъриятда бадиий сманъатлар. Т.: 2004.
3. Валихўжаев Б. Ўзбек адабиётшунослиги тарихи. Т.: Ўзбекистон. 1993.
4. Кудратуллаев X. Навоийнинг адабий эстетик қарашлари. Т.: Шарқ. 1991
5. Кудратуллаев X. Бобурнинг адабий- танқидий қарашлари. Т.: 1983.
6. И.Мирзаев. Адабиёт ва давр дарди. Т.: Фан. 1999.
7. Т.Бобоев. Шеър илми таълими. Т.: «Ўқитувчи». 1996.
8. «Адабиёт назарияси». Маъruzалар матни. Тузувчи проф.Мамедов Б. ЎзДЖТУ. Т. 2006 й.

Интернетресурслари

1. www.pedagog.uz
2. www.ziyonet.uz
3. www.ijod.uz
4. www.ziyouz.com

7 - МАВЗУ. ТИЛ, МАЬНО ВА ИНТЕРПРЕТАЦИЯ

РЕЖА:

1. Тил назарияси. Бадий тил тушунчаси.
2. Тил ва тафаккур. Лингвистик таҳлил
3. Муаллиф, ҳикоячи ва персонаж тили
4. Тавсифлаш воситалари.
5. Махсус лексик қатламалар.
6. Намойиш қилиш – ёритиб бериш алоқалари

Таянч сўз ва иборалар: Бадий тил. **Тил назарияси.** Адабий асар тили. **Тил ва тафаккур.** Лингвистик таҳлил. Бадий асар тили. Образли тил. Лаконизм ва афоризм. Муаллиф тили. Ҳикоячи нутқи. Персонаж тили. Таъриф – тавсиф (характеристика) Монолог. Диалог. Полилог. Портрет. Мимик-пантомомик. Туш. Махсус лексик қатламалар. Эскирган сўзлар. Архаизм. Неологизм. Диалектизм. Варваризм. Вульгаризм. Жаргон. Омоним. Синоним. Антоним. **Намойиш қилиши – ёритиб бериш алоқалари.**

Маъруза матни

1. Тил назарияси. Бадий тил тушунчаси.



Адабиётни алоҳида олинган тил кўриниши, тилдан фойдаланишинг ўзгача бир усулими, турли хил кўринишлардаги тил тизмасими ёинки жимжимадор қочириқлар билан бойитилган тил деймиз, бу борада аниқ бир тўхтамга келиш, бирини четга суриб бошқасини афзал кўриш қийин. Адабиётдаги баҳслардан ҳам маълумки, адабиёт ўз ичидаги тилдаги бор нозик қочиримларни қамраб олган юксак даражадаги эътибор билан ёндашувни талаб этади.

Юқорида келтирилган фикрлардан ҳам аёнки, табиат ва тилнинг ундаги аҳамияти, уни таҳлил қилиши борасидаги муаммолар илмий тадқиқотнинг бош сабабчиси бўлиб келган. Кўплаб масалаларнинг ечими мазмун нима эканлигини ёритиб бершида бўлса, мазмуннинг ўзига қай йўсинда ёндашган маъқул?

XX аср Швед тилишуноси Соссюрнинг қайд этишича тил бу-турфа хиллик тизими ва бу гоя бугунги кунда тадқиқотларнинг бош мезонига айланган. Тилдаги исталган бирликларнинг нима эканлигини очиб берадиган, вазифасини тасдиқлаб берадиган омиллар бу тил тизими ичра зидлаш асосида ёритиб бериладиган унсурлардир. Соссюр фикр келтиради: унга кўра Лондон-Оксфорд поэздининг жўнаши вақти 8:30

Этиб белгиланиши жадвалда кўрсатилган поездларнинг қатнов тизимиға бевосита боғлиқ. Шундай экан 8:30 даги Лондон-Оксфорд поэзди 9:30 даги Лондон-Кембридж ҳамда 8:45 даги маҳаллий Оксфорд йўналишиларидан тубдан фарқ қиласи. Физик хусусиятлар, яъни қувват, юк сигими, аниқ йўналиши чизмаси, йўловчилар ва яна бир қанча поезд кеч кўзгалиши ҳамда кеч этиб келиши ҳам мумкинлиги каби омиллар бунда умуман аҳамиятга эга эмас. Тизимдаги ўрни унинг вазифасини белгилаб берувчи энг муҳим тушунча: қайд этилган поезд бошқаларига қарши. Яна Соссюр айтадики, тил белгиларининг асосий вазифаси шундаки бошқалар ифодаламаган мазмунни ўзида ёритиб бериш. Мисол учун “б” ҳарфини олайлик, турли инсонлар томонидан ҳар хил кўринишларда ёзилгани билан барибир ул, к ва д дан фарқланиб туради. Бу ерда гап шакл ёки мазмунда эмас балки уни бошқалардан ажратиб турадиган ўзгачаликда. Соссюрнинг фикрича, тил белгилар тизими унинг бош мақсади олдиндан айтиб бўлмайдиган хилмажилликлар жамланмаси. Бу ҳам ўз навбатида ики хил тушунчаларни ифодалайди. Тил ўзи атаганидек асосий факт бўлган тил белгисининг ноаниқ табиати каби белгилар тизимиdir. Бу икки маънода тушуниши мумкин. Биринчидан, белги (масалан, сўз) шакл ва маънонинг бирикмаси ва шакл ва маъно ўртасидаги табиий ўхшашиликка эмас, балки битимга асосланган алоқадорликdir.

“Тил” – Соссюрнинг таъкидлашича тилдан ташқарида мавжуд бўлган категориялари учун ўзининг ўз номларини таъминлайдиган номенклатура эмас. Бу яқин назария учун жуда муҳим бошлангич нуқтадир. Соссюрнинг таъкидлашича, агар сўзлар олдиндан мавжуд бўлган тушунчаларни ифодаласа, уларнинг бир тилдан кейингисида маъноларининг умуман мавжуд бўлмайдиган аниқ эквивалэнтлари бўлган бўларди. Ҳар бир тил тушунчалар, шунингдек, шакларнинг тизими: дунёни тасвирлайдиган оддий белгилар системасидир.³¹

Тил ҳақида тушунча. Тил инсонлар орасида муомала-муносабат, алоқа куроли. Кишилар ўзларининг жамият, табиат ва буюмлар ҳақидаги тушунчаларини тил орқали, сўзлар воситасида ифода қиласи. Ҳар бир сўз бир тушунчани ифодалайди, биз сўзлар орқали ўз фикримиз-тушунчаларимизни бошқаларга баён қиласи. Сўзларни ўзgartириш ва бир-бirlарига турли усулларда қўшиш йўли билан мураккаб фикрларни ҳам тушунтириб бера оламиз.

*Тангрики, инсонни қилиб ганжи роз,
Сўз била ҳаёвондин анга имтиёз.*

*Ғунча оғизлик санами нўшлиб,
Сўздин агар айласа, хамўшлиб.*

Лаъли майи ақлни маст айласа,

³¹Ж.Коллер .Адабиёт назарияси ва қисқача адабиётшуносликка кириш. – ОУП: Буюк Британия. 2011 – 36-бет

*Маст неким, бода параст айласа.
Сурат ила бўлса маҳи осмон,
Сурати дивор ҳамон, ул ҳамон.*

XIX асрнинг охири XX асрнинг бошлира яшаган Шведцариялик тилишгунос олим Фердинанд де Соссюр “Тил бу қарама-қаршилик тизими” деган фикрни илгари суради.³²

Умуман, тил деганда биз қуидаги уч нарсани , яъни: а) умумхалқ (жонли), миллий тилни, б) адабий тилни ва в) бадиий (поетик) тилни назарда тутамиз.

Умумхалқ (жонли) тили - одамларнинг турмушда ўзаро муомала-муносабати, алоқа қуроли - жонли сўзлашув нутқидир.

Адабий тил - матбуот, фан, адабиёт, китоб, радио, телевидениуе, театр тили. Адабий нутқ қўрипча ёзма матн билан боғлик. Ҳатто маърузалар, радиоешиттиришлар, театр томошалари оғзаки нутқ шаклида кўринса-да, уларнинг матнлари ёзма шаклда бўлади. Адабий нутқ - бу ҳаммадан аввал аниқ ва тўғри тузилган нутқ. Аниқ, сикик ва қатъий шаклга эгалиги билан адабий тил жонли сўзлашув тилидан ажралиб туради.

Бадиий (поетик) тил - адабий асарлар ёзиладиган тил. Ёзувчи ҳаётни характерлар ва манзаралар воситасида акс эттирас экан, жонли халқ тили бойликларидан ҳам, адабий тил нормаларидан ҳам кенг фойдаланади; ўз навбатида ҳам жонли тилнинг, ҳам адабий тилнинг ўсишига ҳисса қўшади.

Бадиий тил. Бадиий адабиёт тили (бадиий нутқ ю ритмик-интонатсион воситалар, композитсия)да бадиий сўз ҳал қилувчи рол йўналишини кўрсатади. “Адабиётнинг биринчи элементи - тилдир.

Тил - адабиётнинг асосий қуролидир, ҳаёт ҳодисалари фактлар билан бирга унинг материалидир” Тил белгилар тизими. Бунда тил белгиларининг эркинлиги энг мухим хусусияти хисобланади.³³

Бадиий асар тилининг қатор характерли хусусиятлари бор. Шулардан баъзи бирларини эслаб ўтамиз.

1. Адабий асар тили (ҳикоячи - муаллиф ва персонаж нутқи) типиклаштирилган, яъни умумлаштирилган ва инливидуаллаштирилган тилдир.

2. Чинакам санъат асарлари тили ҳалқчиллик руҳи билан сугорилган бўлади. Бошқача қилиб айтганда, санъат асарида қўлланилган ҳар бир сўз, жумла, махсус лексик ресурслар ва тасвир воситалари, поетик фигуралар, сўз ўйинлари ва ҳоказоларда ифодаланган фирмалар китобхонлар оммасига



³²Ж.Коллер .Адабиёт назарияси ва қисқача адабиётшуносликка кириш. – ОУП: Буюк Британия. 2011 – 67-бет

³³Ж.Коллер .Адабиёт назарияси ва қисқача адабиётшуносликка кириш. – ОУП: Буюк Британия. 2011 – 68-бет

тушунарли бўлиши - Ёзувчи халқнинг дилидаги, тилининг учидагини топиб айтиши, халқ руҳи кайфиятларини, орзу-умидларини ифодалashi керак.

3. Бадий асар тили - образли тили.

Ёзувчи ўз асарида бир қанча йўллар билан тилнинг образлигига, тасвирийлигига эришади. Шулардан бири маҳсус бадий тасвир воситаларини, маҳсус лексик ресурсларни, поетик фигуralарни, сўз ўйинларини моҳирона қўллаш йўли билан асар тилининг образлигига эришиш.

Масалан, Ҳамид Олимжон: “Ўзбекистон” шеърида Шундай образли ибораларни кўллади:

*Чиройлидир гўё ёш келин,
Икки дарё ювар кокилин...*



Еътибор қилинг-а: шоир “Ўзбекистон чиройли” деб қўя қолмайди, аксинча, унинг чиройлигини ёш келиннинг гўзаллигига ўхшатади - шу қиёс жараёнида Ўзбекистоннинг гўзал жамолини ўқувчи кўз ўнгидага ёрқин гавдалантиради.

4. Лаконизм ва афоризм - адабий асар тилини хатактерловчи муҳим хусусиятдир. Улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий “Сабъай сайёр” достонида шундай дейди:

*Ҳар не бир достонга солди садо,
Мунда бир байт бирла топқой адо.
Мужсмал онинг сўзин қилиб такмил,
Ўз ҳадисимга бергамен тафсил.*



Адабий асар тили - эмотсионал тил. А.А.Фадеев бадий тилнинг эмотсионаллиги ҳақида тўхталиб шундай дейди: “... Санъаткор ўз қаҳрамонларининг кечинмалари гирдобига китобхонни шунчалик тортиб кетадики, китобхон қаҳрамон ҳиссиётларини биргаликда кечира бошлайди, китобхонда ғазаб ҳисси, пафос, кулги, кўзларида ёш пайдо бўлади. Инсонда бирон хил кайфият туғдириш санъатнинг энг сеҳрли хусусиятларидан биридир.”.

2. Тил ва тафаккур. Лингвистик таҳлил

Тилнинг қай тарзда тафаккур билан боғланиши сўнгги лингвистик назарияларнинг асосий муаммоларидан биридир. Бир тарафдан, умумий маънода қарагандан тил фақатгина тафаккур учун эркин ҳолда мавжуд номларни назарда тутади; тил олдиндан мавжуд бўлган фикрларни ифода этишининг усулларини тақдим этади. Иккинчи тарафдан, икки тилишунос номи билан аталган “Сарир-Ворфгипотеза”си асосчиларининг фикрича, биз гапирадиган тил биз нимани фикрлай олишишимизни аниқлайди. Масалан, Ворфнинг таъкидлашича, Ҳори ҳиндоларида инглиз тилида тушуниб бўлмайдиган вақт тушунчаси мавжуд. Маълум бир

тилдаги бошқа тилда фикрлаб ёки ифодалаб бўлмайдиган гояларни намойши қилишининг йўллари йўқдек туюлиши мумкин, бироқ бизда бир тил бошқа тилда маҳсус уринишларни талаб қиласидиган “Табиий” ёки “Меъёрий” фикрларни вужудга келтириши борасида анчагина далиллар мавжуд.

Лингвистик шифрлар дунё назариясини ташкил қиласиди. Турли тиллар дунёда турлича бўлинади. Грамматик шакллар ҳам бирор тилнинг табиий, ёки муқаррар бўлмаган битимиdir. Тил олдиндан мавжуд категориялар учун белгилар таъминлайдиган номенклатура эмас; ўзининг категорияларини ўзи ишлаб чиқаради, бироқ сўзловчилар ва ўқувчилар ўзларининг тиллари муҳити тузилишини аниқ тушуна олишлари мумкин.

Кўплаб олимлар тилни сўз туркумлари бўйича фарқлаб ўрганиб чиқсан. Лингвистиканинг вазифаси сўзни туркумларга ажратишда ёрдам берувчи тил системасини шакллантириши. Бу тилни ҳозирги ўзгаришилари яъни синхроник ҳолати ва тарихдаги тил ўзгаришилари, дихроник ҳолатларини тақазо этади. Тилнинг вазифавий томонини англаш учун синхроникага мурожсаат қилинади, бунда тилнинг шакл ва маъносини ҳосил қилувчи система қоидалари ўрганилади. Бугунги куннинг энг машҳур лингвисти Ноам Ҳомск ўзгарувчан-тургун грамматикани ўйлаб топган. У лингвистиканинг вазифаси сўзлашувчилар ўртасида лингвистик ракобатни шакллантириши эканлиги ҳақида фикр-мунонзара юритган: сўзлашувчиларни гапиришига ва тушунишига ёрдам берувчи билим ва қобилиятлари орқали.

Шундай қилиб, Лингвистика сўзларни шакл ва маъносини кўрсатиб берувчи фактлардан бошлиданади. Лингвистиканинг вазифаси Инглиз тили структурасини тасвирлаш, яъни шу икки гапдаги фарқларни органиб шарҳлашдан иборат.³⁴

3. Муаллиф, хикоячи ва персонаж тили.

Муаллиф тили - воқеани, воқеа рўй берган ўрин ва шароитни тасвирлаш, персонажларни таъриф-тавсифлаш, уларнинг яхши ёки ёмон хислатларини очиб бериш ва баҳолаш (маъқуллаш ёки қоралаш) учун бевосита ёзувчининг ўз тилидан баён қилинган сўзлар.

Тил ва таффаккур чамбарчас боғлиқдир. Бу тушунча ҳозирги кун назарияларининг энг муҳим муаммоларидан биир ҳисобланади.(67 бет)

Муаллиф тили, асосан, адабий тил нормалари асосига қурилади. Ёзувчи муаллиф тилига ҳар қандай сўзларни киргизавермайди.


Адабий асарда муаллиф айтиши керак бўлган гапни муаллифнинг ўзи, шунингдек, персонаж айтиши лозим бўлган гапни персонажнинг ўзи айтиши шарт. Акс ҳолда санъат асарига жиддий путур уетади.

2. Ҳикоячи нутқи. Адабиётимиз тарихида яна шундай асарлар ҳам учраб турадики, улар воқеа-ҳодисалар, қаҳрамонлар руҳияти уларнинг

³⁴Ж.Коллер .Адабиёт назарияси ва қисқача адабиётшуносликка кириш. – ОУП: Буюк Британия. 2011 – 40-бет

муаллифлари тилидан эмас, балки бошқа шахс - ҳикоя тилидан ривоят қилинади. Ғафур Ғуломнинг “Ёдгор” повести Жўра, “Шум бола” повести Шум бола, Асқад Мухторнинг “Давр менинг тақдиримда” романи бош қаҳрамон - Аҳмаджон тилидан ҳикоя қилинган. Чингиз Айтматовнинг аксарият асарлари муаллиф тилидан эмас, персонаж - ҳикоячи тилидан олиб борилган.

3. Персонаж тили - бадиий асар қаҳрамонларининг нутки. Ёзувчи жамиятдаги турли-туман табақага мансуб кишилар ҳаётини, ранг-баранг табиатли одамлар характерини ўрганади ва уларнинг типик тил хусусиятларини персонажларнинг нутқлари орқали акс эттиради.



Таъриф - тавсиф (характеристика)

Тил кодлари бу янги дунё назариясидир. Турли тиллар дунёни ҳар хил ташкил қиласиди.³⁵

Адабий асар тилида таъриф-тавсиф (характеристика - лот. caratter - хосса, хусусият) усули ҳам муҳим ўрин тутади. Негаки, Ҳазрат Навоий айтгандаридек, инсон сирлар хазинаси экан, мана шу инсонни кўрсатиш, унинг хатти-ҳаракатларини асослаш, маънавий-рухий дунёсини ифодалаш, характер қирраларини очиш Ёзувчининг асосий вазифаси.

Тил расмиятни билдирган тушунча эмас. У олдинги тасаввурларни тўлдирадар экан ўзига хос категорияларни вужудга келтиради.³⁶

а) Муаллиф томонидан қаҳрамонга берилган таъриф-тавсифлар. Агар ёзувчи асар қаҳрамонининг келиб чиқиши, фаолияти, хулқ-атвори, ахлоқ-одоби, идроки, қобилияти, интилиш, ташқи қиёфаси ва бошқалар ҳақида маълумот - баҳо берса, бу муаллиф таъриф-тавсифи деб юритилади.

б) Персонажларнинг нутқий таъриф-тавсифлари - қаҳрамон образининг ички дунёсини очишнинг муҳим воситаси. Қаҳрамонларининг руҳий аҳволи, психик кайфиятлари, кечинма ва ҳис-туйғулари бевосита уларнинг гап - сўзларида намоён бўлади.

в) Персонажлар ўз-ўзини таъриф-тавсиф этади, яъни қаҳармоннинг гап-сўзлари қандай одам эканлигини аниқ кўрсатиб туради. Масалан, Абдулла Қодирийнинг “Калвак Маҳзумнинг хотира дафтаридан” қиссасидаги Калвак Маҳзумнинг қуидаги “ҳасрати”- гап-сўзари ўиб кўинг-а, унинг ниҳоятда тубан одам уеканлигини дарҳол пайқаб олсиз: “Ей боши буш донолар, эй қовоқ кийган диндошлар,вой мусилмони комиллар!”

г) Персонажларнинг бир-бирини таъриф-тавсиф этиши.

Ёзувчилар қаҳрамонларнинг бир-бирига берган баҳоси усулидан ҳам фойдаланадилар.

³⁵Ж.Коллер .Адабиёт назарияси ва қисқача адабиётшуносликка кириш. – ОУП: Буюк Британия. 2011 – 38-бет

³⁶Ж.Коллер .Адабиёт назарияси ва қисқача адабиётшуносликка кириш. – ОУП: Буюк Британия. 2011 – 40-бет.

4. Тавсифлаш воситалари.

Лингвистиканинг вазифаси тил структурасини тасвирлаш бўлиб, гамматик структураларнинг энг чукур қатламларини очиб беради ва маънолардаги фарқлар ҳақида ўйлашга имкон беради.³⁷

Адабий асарлари қаҳрамонларни таъриф-тавсиф этишда Ёзувчилар ранг-баранг бадиий тасвир воситаларидан фойдаланадиларки, Шулардан айримларини кўздан кечирайлик.

1. Монолог (*юонон.монос+логос* бир сўз)- асар қаҳрамониниг сухбатдошига, ўзига баъзан китобхон-томушибинларга қарата айтган гапсўзи, нутқи. Монолог қаҳрамоннинг руҳий кечинмаларини, фикрмулоҳазаларини ифодалайди, образнинг моҳиятини очади.

Монолог деганда биргина иштирокчиси бўлган асарлар ҳам туШунилади.

Монолог одатда, ички ва сиртки бўлади.

Ички монолог- қаҳрамоннинг ўз-ўзи билан ичдан (руҳан) гаплашиши, фикирлаши, ҳис-туйфуларнинг ички ифодаси. Ички монологда қаҳрамон ўзининг сирли, яширин фикирларигача айтади. Шу боисдан ички монолог орқали қаҳрамон китобхон олдида ўз-ўзини очади. Натижада унинг шаҳсиятида ҳеч нарса сирли ёки туШунарсиз бўлиб қолмайди.

2. Диалог (*лот. диалогос-* икки шаҳс орасидаги сўз) -бадиий асарда икки персанаж орасида бўлган баҳс-мунозара, савол-жавоб, сухбат, Абадий асарларда, хусусан, саҳна асарларида диалог қаҳрамонлар характеристини очувчи асосий воситаларидан биридир.

3. Полилог (*юонон полий-кўп, логос-* сўз)- асарда уч ва ундан ортиқ персонажларнинг баҳс-мунозаралари, тортиШуви, савол-жавоби. Бадиий асар типа монолог ва диалоглар қанчалик катта рол ўйнаса, полилог ҳам фоятда аҳамиятлидир.

4. Портрет (*франс. портрэйт - тасвир*)-бадиий асарда кишининг ташқи қиёфаси, сиймоси, кийим-кечаги ва ҳокозолар тасвири. Портрет атамаси, одатда, икки маънода, яъни қаҳрамоннинг ташқи қўриниши (тор маънода) ва қаҳрамоннинг индивидуал-психологик қиёфаси (кенг маънода) кўлланилади.

5. Мимик-пантомомик ҳаракатлар имо-ишоралар-қаҳрамонлар қалб диалектикасини, руҳий қиёфаларини, индивидуал жиҳатларини очишга хизмат қиласди.

6. Туш-қаҳрамонни психологик жиҳатдан ҳарактерловчи поетик воситалардан ҳисобланади. Туш орқали ёзувчи, асосан, ўз қаҳрамонлари ички дунёсини, руҳий холотини, кечинма ва драмаларини, орзу-хаёлларини очишга интилади. Туш- образларини индивидуаллаштирувчи восита сифатида ҳам хизмат қиласди.

5. Махсус лексик қатламалар.

³⁷ Ж.Коллер .Адабиёт назарияси ва қисқача адабиётшуносликка кириш. – ОУП: Буюк Британия. 2011 – 71-бет.

Абадий асар тили (асосан персонажлар нутқи, қисман муаллиф нутқи)да бир неча ғоявий-бадиий мақсадларда тилнинг маҳсус лексик ресурслари - эскирган сўзлар, неологизмлар, варваризмлар, вулъгаризмлар, диалектизмлар, жаргон сўзлар, профессионализм (касб-корга оид маҳсус сўзлар)лар фразеологизмлар маҳаллий жой билан боғлиқ сўзлар, мақоллар-маталлар, ҳикматли сўзлар, фольклоризмлар ва бошқалар қўлланилади.

1. Эскирган сўзлар. Сўз ифодалайдиган тушунча хаётда йўқолиши ёхуд шу тушунчани ифодалайдиган бошқа сўз пайдо бўлиши билан шу хил сўзлар аста-секин эскириб, муомала-муносабатдан чиқа боради.

Эскирган сўзлар икки хил бўлади: тарихий сўзлар ва архаизмлар.

Тарихий сўзлар- ўтмишда маълум тушунчаларни ифодалаган, аммо кейинчалик, шу тушунчаларнинг ўзи йўқолиб кетиши билан уларнинг ифодаси сифатида истеъмолдан чиқиб кетган сўзлар.

Архаизм (**юонон. арчаис- қадимги сўз**)-актив сўзлар қаторида синоними мавжуд бўлган эски сўзлар. Бу ўринда сўзнинг шакли эскирган, аммо маъноси сақланган -бошқа сўзга кўчган бўлади. Масалан, ораз-юз, дудоқ-лаб каби.

2. Неологизм (**юонон.неос+логос-янги сўз**)- ҳаёт янгиликларини ифодаловчи янги сўзлар, ҳалқ ёки ёзувчи томонидан янгидан ясалган сўзлар.

3. Диалектизм (**юонон.диалектос-шева**) - маълум бир жойнинг аҳолиси ишлатадиган, бошқаларга у қадар тушунарли бўлмаган сўз ва иборалар. Масалан: адабий тилдаги “ҳовли” сўзи Фаргона водийсида “ешик” деб юритилади.

4. Варваризм (**лотин. барбарус-ажабий**) -бошқа тиллардан кириб келган сўз ва иборалар. Масалан, Ойбекнинг “Фанга юриш” шеъридан олинган қуидаги бандга эътибор қиласайлик:

эй, эркин қишлоқнинг йигит-қизлари!

Техника қалбида бу икс-игрик

Формула ёнади - шу электрик

Тирмашинг, фанларнинг юксаги сари!

5. Вулъгаризм (**лотин. вулгарис-дағал**) – адабий тилда ишлатилмайдиган дағал сўзлар ва нотўғри тузилган жумлалар.

6. Жаргон сўзлар (**франс. жаргон- бузилган тил**) муаян ижтимоий табақа ёки кишилар груҳи томонидан ишлатиладиган шартли сўзлар ва иборалар. Жаргон ўзбек тилида абдал тили деб юритилади. Ўғрилар, қиморбозлар, отарчилар, чапанилар, пораҳўрлар ва бошқа гуруҳдаги одамларнинг ўз жаргонлари бўлган.

7. Омоним. (**юонон. ҳомос -бир ҳил ва ойму ном**) – талаффузи ва ёзилиши (шакли) бир ҳил, аммо маънолари ҳар ҳил бўлган сўзлар ва иборалар.

8. Синоним (**юонон. сийониймос- бир ҳил**) – талаффузи ва ёзилиши бошқа- бошқа, қўшимча маъно оттенкалари, эмотсионал бўёғи ва стилистик жиҳатдан биз-биридан фарқланквчи сўзлар ёхуд иборалар.

9. Антоним (**юонон. анти-карши ва онома-ном**) – бир-бирига қарама-карши, зид маънолари ифодаловчи сўз ва иборалар.

Антонимлар таркиб топишлариға күра қуидаги турларга бўлиниади:

а) лексик антонимлар- қарама-карши маъноли сўзлардан таркиб топади: доно-нодон, қиши-ёз, кеча-кундуз каби;

б) лексик-фразеологик антонимлар - қарама-карши маъноли сўз ва иборалардан таркиб топади: кувноқ-дили, қизғанчиқ-қўли очик...

в) фразеолог антонимлар- қарама-карши маъноли иборалардан тузилади: боши осмонга етди-фигони фалакка чиқди, кўнгилли-қора қўнглли...

6. Намойиш қилиш – ёритиб бериш алоқалари

Адабиётда намойиш қилиш ва аниқлаштириши орасида зиддият юзага келади; Аустин дуч келган намойиш ва ёритиб берши тил вазифасининг аҳамиятли хусусияти сифатида қаралади. Агар ҳар иккала ёритиб берши ва аниқлик киритиши ўз ичига камида очик ифода қилинмаган тасдиқлаш ва лингвистик ҳаракатни олса, сўзнинг моҳияти ўртасидаги алоқа ва улар орасидаги бирхиллик аҳамиятли эмас. Адабиёт доирасида нимани назарда тутганини кузатиши учун Роберт Фростнинг, “Ситс сири” шеърига қайтсан:

“Биз қўнгироқ атрофида рақсга тушамиз
Ва сирли Ситс ўртада ва у билади”



Бу шеър фараз қилиш ва билиши ўртасидаги қарама-қаршиликка асосланади. Шеърнинг бу қарама-қаршиликка тутган ўрни ва аҳамиятини тадқиқ этиши учун биз шеърнинг ўзи фараз ва билишининг усулими-йўқми деб сорашимиз мумкин. Шеър ҳам „Биз, кимки рақсга тушамиз, ёки у биладими, сирли ҳолатда тахмин қиласидими? Биз тасаввур қилишимиз керакки, инсон тасаввурининг маҳсулси сифатида шеър фараз қилишининг мисоли бўлади, рақсга тушишининг сабаби сирлилиги, Ҳарактерлилиги ва унинг “Сир билади” деб ишонч билан тасдиқлаши жуда билгандек туюлади. Шундай қилиб биз ишонмаслигимиз мумкин. Аммо шеър бизга билиши ҳақида нимани кўрсатади? Яхши, сир кимдир биладиган ёки билмайдиган нарса, шундай экан билишининг тўлдирувчиси бу ерда “нима маълум ёки нима маълум эмаслигидан кўра Нима билади” билишининг эгаси, метономия орқали намоён бўлади. Моҳиятини гавдалантириши ва ўзлаштириши орқали шеър риторик бошқарувни эга ҳолатига билимнинг моҳиятини ошириб беради. Шу тариқа у бизга риторик фараз билувчини яратиб бера олишини, кичкина драммадаги Ҳарактерни эга сирига айлантира олишини кўрсатади. Фаразнинг ҳаракати орқали ҳосил бўлган кимдир биладиган, “Сир” тўлдирувчидан эгага кўчади; (Кимдир сирни билади), (Сир билади). Шеър шу тариқа бизга ўзининг аниқлик (сонстантивэ) тасдигини кўрсатади, “Сир билади” реформатив фаразга асосланади. Фараз сирни билиши керак

бўлган эгага айлантиради. Гапдаги “Сир билади”, аммо “у кўрсатади” бу тахминидир.

Реформатив (намойши қилиш) тарихининг ушибу босқичида констатив ва реформатив ўртасидаги фарқ қайта аниқланишича, ёритиб бериш (констатив) бу – предмет ва унинг номини қандай булса шундайлигича тасдиқловчи тил бўлса, констатив эса, тилнинг риторик иши – ҳаракати ҳамда фаолияти сифатида у йирик лингвистик катэгориялар, нарсаларнинг мавжудлигини содда тарзда кўрсатиб қолмасдан, балки, дунёни бошқарди. Биз “апопиа” сўзини реформатив ва тасдиқловчи (констатив) тилда қандай аталишини аниқлаб оламиз. Апопиа бу – ҳал қилиб бўлмайдиган, қийин аҳволни билдирган сўз бўлиб, гўёки у, жўёжа тухумига боғлиқ кўринсада бироқ, аслида унинг аксини ифодалайди. Бунда фақат биргина йўл шуни талаб қиласди, тилнинг функционал реформативлиги дунёни констатив шаклда яъни тил дунёни кўрсатади, аммо тилнинг нутқи фаолияти орқали констатив шаффоғлигини талаб қилувчи йўл йўқ. Предлоглар зарур ҳолатнинг ҳаракатини бажаришда ҳеч нарсани қилмаслигини тасдиқлайди, лекин нарсаларни шундайлигича кўрсатади холос агар сиз уни аксини кўрсатишни хохласангиз бу нарсаларни намойши этишда уларнинг катэгориялари дунёда заифлашини тасдиқлайсиз. Бундай ҳолатда сизда уни инкор этишга йўл йўқ. Мунозара шундаки, ҳаракат ҳолати ёки ҳақиқий тасвири реформатив констатив далилларни олиши шарт.³⁸

Мавзу юзасидан савол ва топшириклар.

1. Тилнинг ижтимоий вазифаси хакида маълумот беринг!
2. Ички монолог нима?
3. Вульгаризм-адабий тилда ишлатилмайдиган дағал сўзлар уларга бадиий асарлардан мисоллар келтиринг!
4. Туш - нима?
5. Махсус лексик қатлам деганда нимани тушунасиз?
6. Неологизм нима?

Асосий дарслар ва ўқув қўлланмалар

1. Ж.Коллер .Адабиёт назарияси ва қисқача адабиётшуносликка кириш. – ОУП: Буюк Британия. 2011 – 77-бет
2. Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари.-Т.: “Ўзбекистон” 2002.
3. Умurov X. Адабиётшунослик назарияси.-Т.: “Ўқитувчи”, 2004.
4. Улуғов А. Адабиётшуносликка кириш . “Университет”. 2005

Қўшимча адабиётлар

1. Арасту. Поэтика. Ахлоқи кабир-Т.: “Янги аср авлоди”, 2004
2. Султонов И. Адабиёт назарияси.-Т.: “Ўқитувчи”, 2005.
3. Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. - Т.: “Зарқалам”, 2006.
4. Қуронов Д., Раҳмонов Б. Фарб адабий-танқидий тафаккури тарихи очерклари. – Тошкент: “Фан”, 2008.

³⁸Ж.Коллер .Адабиёт назарияси ва қисқача адабиётшуносликка кириш. – ОУП: Буюк Британия. 2011 – 77-бет

5. Қурунов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. – Тошкент: “Akademnashr”, 2010.

6. Хализев В. Е. Теория литературы. Учебник.-М.: “Высшая школа”, 1999

Интернет ресурслари

1. www.pedagog.uz
2. www.ziyonet.uz
3. www.ijod.uz
4. www.ziyouz.com

8-МАВЗУ: АДАБИЙ ТУРЛАР ВА ЖАНРЛАР.

РЕЖА:

1. Адабий тур тушунчаси.
2. Адабиётда жанр тушунчаси.“Назария” жанр сифатида.

Жанрлар.

3. Эпоснинг асосий жанрлари.
4. **Ҳикоя жанрининг муҳим хусусиятлари: масофа ва тезлик.**
5. Лирик тур ва унинг асосий хусусияти.
6. Драматик тур ва унинг асосий хусусияти.

Таянч сўз ва иборалар: Асар мазмуни унда акс этган ҳаёт. Бадиий асарнинг учта турга бўлинши: эпик, лирик, драматик. “Назария” жанр сифатида. Эпик тур-катта, ўрта, кичик турларга бўлинши. Эпос, эпопея, роман, қисса, ҳикоя, латифа, масал. Лирик тур-енг қадимги ҳалқ қўшиқлари, шеър, газал, қитъа, мусамман, мусаллас, туюқ, тўртлик, баллада, достон. Драматик тур-драма, комедия, трагедия, масофа ва тезлик тушунчаси.

Маъруза матни

1. Адабий тур тушунчаси

Адабий асар бирор тарихий воқеа, воқеани танлаб олиш принципи, воқеага бўлган муносабат, яъни маълум дунёқарааш ва ижодий методнинг ифодасидир. Шунинг учун ҳам, адабий асарни ўрганишда, юқорида қўриб ўтганимиздек, мазмун ва шаклнинг барча томонлари, ғоявий-мавзувий асослар, характерлар доираси, асар сюjetи ва композицион қурилиши, тили ва ўтмиш адабий анъаналар билан алоқадорлиги аниқланади. Адабий асар жамият ва ёзувчи ҳаётидаги маълум даврнинг инъикоси ҳисобланади. Адабиёт идеология шаклларидан бири сифатида ижтимоий борлиқни, объектив муҳитни акс эттиради. Адабий ижоднинг турли хиллиги унинг тилида ҳам намоён бўлади. Адабий асарлар бир-бирига ўхшаш бўлиши ҳам мумкин. Бу ўхшашлик турли тарихий муҳитнинг ўхшашлиги билан изоҳланади ва бу ўхшашлик композицияда қўринади. Аммо адабий асарларнинг турлари композитцион қурилиши жиҳатидан бир-биридан фарқ қиласди. Чунки адабий турлар тасвир принципи, воқеликнинг қамрови ва акс этиш тарзи, образлар характерини очиш имкониятлари билан белгиланади. Чунончи, ҳаётий материални тасвирлаш характери, бадиий асар асосида ётган конфликт ва унинг ҳал этилиши, асарда воқеалар баённинг ким томонидан олиб борилишига қараб, бадиий асарлар уч катта турга бўлинади: 1) эпик асарлар; 2) лирик асарлар; 3) драматик асарлар.

Эпик турда тасвирланаётган воқелик, асарда иштирок этувчи турли персонажлар хатти-харакати, кечинмалари кўпроқ автор ҳикояси орқали кўрсатилади. Лирик турда эса воқелик айrim шахснинг кечинмалари, ўй-фикрлари орқали кўрсатилса, драматик асарларда воқелик бевосита иштирок этувчи аниқ шахсларнинг хатти-харакати, нутқлари орқали очилади.

2. Адабиётда жанр тушунчаси.“Назария” жанр сифатида. Жанрлар.

Бу уч турга мансуб бадий асарлар ҳам ҳаётий воқеаларни акс эттиришнинг шакл ва усувлари жиҳатидан янада майда хилларга бўлинади. Ана шу хиллар адабиётшуносликда **жанр** деб аталади. Демак, адабий жанр бадий асарларнинг ўзига хос композицион қурилишига, бадий тасвир принципларига, воситалари ва усувларига, ўзига хос баён усувлари ва ҳаётий қамров имкониятларига кўра туркумларидир. Масалан, эпик тур роман, повесть ҳикоя, достон каби жанрларга бўлинади. Ҳар бир жанр ҳам тасвирланган воқеаларнинг характеристики, мавзуси, тасвир усули ва принципларига қараб, яна майда туркумларга бўлинади. Бундай жанр хиллари шартли равишда жанрининг ички туркумлари деб аталади. Масалан, роман жанрининг тасвирланаётган воқеалар хронологиясига кўра, тарихий роман, замонавий роман, мавзусига кўра ишқий роман, майший роман, фантастик роман ва ҳоказо туркумлари мавжуд бўлиб, булар роман жанрининг ички бўлинишини кўрсатади. Бу ички туркумлар ўзлари мансуб бўлган жанр хусусиятларини акс эттирганидек, адабий жанрлар ҳам ўзи мансуб бўлган адабий тур хусусиятларини акс эттиради.



“Назария” жанр сифатида. *Назария адабий тадқиқотларда уни ўрганиши учун табиий манба ёки усул ҳисобланмайди (бу масала назария қисми бўлишига қарамай, шу бўлимда тақдим этилиши мумкин, хусусан 2,5 ва 6-бобларда). У асарлар ёзиш ва фикрлашнинг асосий қисми бўлиб, меъёрий жиҳатдан аниқлаш жуда мураккаб. XIX аср бошида файласуф Ричэрд Рорти янги қоришган жанр ҳақида“Гётэ ва Маколэу ҳамда Карлэул ва Эмерсон давридан бошлиб ёзма адабиётнинг янги тури ривожланди, бу на арзирли баҳолаш, на бадий саҳна асари, на илмий тарихий ёзув, на ахлоқий фалсафа, на ижтимоий баҳорат, буларнинг бари биргаликда қоришилган жанр” деб айтади. Бу қоришилган жанрни оддийгина “назария” деб номлаш қулай, бу жанр ривожланишида бошқа соҳаларга қараганда доимий аниқ фикр юритишга йўналган сайд-ҳаракат талааб қиласади. Уни назария деб қабул қилишининг энг оддий изоҳидир. Уни назария деб ҳисоблаш, уларнинг дастлабки фаолиятдаги таассуротидир.*

Бу оддий изоҳ, қониқарсиз таъриф, бироқ бундан кўриниб турибдики, 1960- йилдан бери нима содир бўлганини изоҳлай олади: адабий ҳужжатлардан ташқари, бадий тадқиқотларда одамлар томонидан қабул қилинганилигига сабаб, уларнинг тил таҳлили, ёки ақли, ёки тарихий ёзувлари, ёки маданияти матнлар ва маданий масалаларнинг янги таклифи асосли миқдорни ташкил қилган. Адабий тадқиқотларда назария усувлар тўплами мазмунида эмас, балки қуёш нури остидаги барча назарий фалсафанинг муайян мавзуга оид

торшириқлардан тортиб одамларнинг фикрларини ўзгартиришгача мужассамлаштирган ёзма адабий отнинг улкан синфиидир.

Назария жанр сифатида куйдаги: антропология, санъат тарихи, кино-тақдимот, гендер тадқиқотлар, тишлиунослик, фалсафа, сиёсат назарияси, психологик таҳлил, илм-фан тадқиқотлари, ижтимоий ва илмий тарих ҳамда жамиятшуносликни ўз ичига олади. Савол түгилиши табиий, бу соҳалар далиллар билан боғлиқми? Лекин булар назария бўлган сабаби, уларнинг кўринишлари ёки далиллари бўлган баъзилар уни чуқур ўйлантирадиган ёки фойдали алоҳида фан сифатида ўрганмаган. Изланишлар тадқиқоти назария тушунчасини табиат ва маданият, психологик хусусият, шахсий таассуротнинг жамиятга ва узоқ тарих тажрибаларига боғлиқ мазмунда фойдаланиши мумкин эканлигини тақдим этди.

Агар назария унинг амалий таъсирлари орқали ифодаланадиган бўлса, одамларнинг қарашларини ўзгартириб борса уларнинг ўрганишдаги фаолиятлари ҳақида турлича ўйлашга унласа, булар қандай турдаги таъсирлар бўлиши мумкин?

Назариянинг асосий таъсири бу умумий моҳиятнинг баҳси маъно асар ёзиш, адабиёт, ҳақидаги умуммоҳият қарашлари ҳисобланади

- Концепция шундан иборатки, нутқ ёки матннинг маъноси сўзловчининг ҳаёлида аввалдан бўлган;

- Ёки бирор иборани ёзишдаги фикр тўгри бўлган тақдирда ҳам қаердадир алдайди


- Ёки тасаввур бу, берилган онгдаги мавжуд бўлган ҳақиқатdir.

Назария бу кўпинча умуммазмундаги тасаввурларнинг шитобли танқиди ва қўшимча равишда биз умуммаънода деб олган, аслида тарихий қўшилишини кўрсатишга ҳаракат, маълум бир фикр шунчалик табиийдек туйиладиган дараҷага келиб қолганки биз унга хатто фикр сифатида қарамаймиз. Умуммаънонинг танқиди ва муқобил тушунчаларининг тадқиқи сифатида тушунча энг чуқур қурилмаларни сўроқ қилишини, адабий изланишларнинг иш бошлишини тақазо этади:

Маъно нима? Муаллиф нима? Мутолаа нима? Ёзадиган, мутолаа қиласидиган ёки ижро этадиган ёки Мен нима? Қандай қилиб матнлар, улар вужудга келтирган тафсилотларни боғлайди?

Назарияга нима мисол бўлиши мумкин?

Назария ҳақида умумий гапиришини ўрнига келинг икки энг машҳур назариячиларнинг баъзи мураккаб асарларига тўгридан-тўгри мурожсаат қиласиз. Мен иккита жинс асар ёзиш ва тажриба ҳақидаги танқидларни



*вужудга келтирувчи, бир-бирига алоқадор, Лекин қарама-қарши ҳолдаги умуммазмуний мавзуларни таклиф этаман.*³⁹

Жанрлар. Адабиёт сохани нафақат риторик тузилмалардан, балки ундан ҳам каттароқ ҳисобланувчи тузилмалар, яни адабий жанрларга ҳам боғлиқдир. Жанрлар нима ва уларнинг роли қандай? Поэма ва роман атамалари умумий ўхшашик асосидаги сўзларни фарқлашнинг қулаи йўлларими ёки уларнинг китобхонлар ва ёзувчилар учун маълум функциялари мавжудми?

Китобхонлар учун жанрлар бу- кутилаётган воқэликларнинг қулаи ифодаси, яъни бу орқали биз детектив ҳикоя ўқиятмизми ёки романтиками, лирик шеърми ёки трагедиями, буларни фарқлаймиз. Шунингдек, биз у орқали керакли нарса ҳақида фараз қиласизва турли воқеялар устида кузатувчи бўламиз. Детектив ҳикоя ўқиб, биз трагедия ўқиётганимиздаги воқеялар содир бўлишини кутмаймиз. “Тхэ Сесрэт симс ин тхэ миддлэ” шеърида одамни ҳайратда қолдирувчи тасвир нима? Бу- кўринмас одам таналарини эгаллаган илмий тўқима ифодаси ёки рурлар ҳикоясидаги асосий детал бўлиши мумкин.

Тарихга назар соладиган бўлсак, жанр ўрганувчи олимлар Грэклар назариясига амал қиласидилар. Улар жанрларни унда ким сўзловчи эканлигига асосланиб катта уч гуруҳга бўлганлар. Биринчи жанр бу- ҳикоя қилувчи 1-шахс сифатида гапиравчи поэтик ёки лирик жанр, иккинчиси бу- ҳикоячи ўзининг тилидан ва бошқа қаҳрамонлар ҳам ўзининг тилидан гапиравчи эрик ёки насрый жанр, учинчи тур эса-барча диалогларни қаҳрамонларнинг ўзлари олиб борувчи драма жанридир. Буларни фарқлашнинг асосий яна бир йўли бу- сўзловчининг тингловчига бўлган муносабатига эътибор қаратишдир. Поэмада оғзаки шеърхонлик мавжуд бўлиб, шоир тингловчи мухлисларга тўғридан тўғри юзланади. Драмада эса ёзувчи яширингандан бўлади ва қаҳрамонлар сахна сухбатида бўлишиади. Энг мураккаб ҳолат лирикада бўлиб, шоир куйлаётган ёки ҳайқираётган ҳолатда тингловчиларга орқа томондан намоён бўлади. Сўзларини уларга ифода этиши учун эса ҳудди ўз-ўзига ёки бошқа бирорларга сўзлаётгандек гўёки Табиат, Муза, ўз дўсти, ошиқ, ҳудо, мавхум мавжудот, ёки бирор жисим руҳида тингловчига намоён бўлади. Бу бошлангич учта жанр турига биз замонавий роман жанрини ҳам қўшамиз. Китонхонлар бу жанрдаги мавзуга б-бобда юзланадилар.

Эрик ва трагедик драма жанрлари қадим замонларда ва барча шоирлар ижоди юқори чўққига чиққан, тил ва адабиёт гуллаб яшинасан Рэнессанс даврида фойдаланилган. Роман кашф этилиши адабиёт сахнасига янги рақибни олиб келди, аммо ХВИИИ аср охири XX аср ўрталарида, лирикадаги қисқа-қисқа шеърлар бутун адабиёт мазмунини қамраб олди. Кейинчалик эса, ҳар бир нарсанинг энг ички руҳигача аниқ тасвир бера олувчи, кунлик ҳаёт ва меъёридан орти кетган қадр-қиммат

³⁹Ж.Коллер .Адабиёт назарияси ва қисқача адабиётшуносликка кириш. – ОУП: Буюк Британия. 2011 – 36-бет.

билин болглиқ кучли ҳиссиётларнинг ифодаси, маданий аҳамият ва муносабатларнинг бош шакли сифатида лирик назм пайдо бўлди. Бу гоя ҳали ҳам тўлқинланарлидир. Шунга қарамай, замондош олимларимиз қадр қимматнинг жойлашувидан кўра шеърият маданиятига рутур етказадиган тил билан болглиқ алоқалар ва шакларга асосланиб, лирикани тилдаги боғланган ва ҳаёлий нарсалардек кучли ва шоирларимиз ҳиссиётларини ифодаловчи жанр сифатида талқин қилишимоқда.⁴⁰

3. Эпоснинг асосий жанрлари.

Турли ёзувчиларнинг бир хил жанрдаги асарларига назар ташласангиз, улар ўртасида ўхшашлик йўқлигини кўрасиз. Улар ғояси, материали, характеристи, сюжети, тили жиҳатидан бир-биридан фарқ қиласи. Масалан, О.Ёқубовнинг “Кўхна дунё” романи билан П.Қодировнинг “Йглдузли тунлар” романидаги ҳам ўзига хослик ва турли тоифадаги тафовутни кўриш мумкин.

Эпос ҳозирги вақтда тор ва кенг маъноларда ишлатилади. Чунончи, эпос тор маънода оғзаки яратилган ва бирор чолғу асбоби жўрлигига ижро этиладиган, халқнинг қаҳрамонона ўтмиши ва орзу-умидларини ифодаловчи эпик асарларни англатади. (Масалан, ўзбек халқ достонлари, рус билиналари, украин думалари каби.)

Кенг маънода эпос воқебанд бадиий асар бўлиб, у қадимда қабила ёки ургунинг майший ҳаётини ҳикоя қилувчи оғзаки ва ёзма шаклдаги асарни англатган. Бу асарлар аста-секин тараққий этиб, шеърий ва насрый йўлда ёзилган мукаммал бадиий асарларга айландилар. Бу жараёнда эпик асарлар такомиллашиб, турли композитсион восита ва усулларга эга бўлади, ўзига хос бадиий тил хусусиятларини касб этади. Эпос дастлаб воқеликни ўз ҳолича объектив воқелик баёни автор томонидан, ёки шартли ҳикоя қилувчи томонидан, ёхуд асар персонажи тилидан олиб бориладиган бўлди. Эпосда баён шакли ва усуллари ҳам бойиди. Эпос воқеликни акс эттиришда, инсон руҳий оламини чуқур ва ҳар тарафлама ёритишида чексиз имкониятларга эга бўлди. Агар лирикада воқелик лирик қаҳрамон, бирор шахс ёки ижодкорнинг ҳис-ҳаяжони, руҳий кечинмалари орқали акс этса, эпосда воқелик ижодкор идеали, дунёқарashi доирасида объектив тасвирланади. Шу жиҳатдан эпос бадиий адабиётнинг ҳикоявий бир турини-епик турини англатади. Чунки эпик турга мансуб намуналарда, яъни эпик тур жанрларида воқеалар баёни уетакчи ўринни эгаллайди. Эпик образ ривожланиш ва индивидуаллик хусусиятига эга бўлади, у тугалланган (бошланиши ва тугалланмаси бўлган) ва ҳаётий жараёндаги храктерли хусусиятни ўзида акс эттирган образ ҳисобланади. Ҳаётий жараённи, инсон характеристини тасвирлаш хусусиятига, шакли ва қамраб олган воқеалари мазмунига кўра, эпик тур намуналари уч гурухга бўлинади:

A) катта эпик тур - эпос, роман, эпопия;

⁴⁰Ж.Коллер .Адабиёт назарияси ва қисқача адабиётшуносликка кириш. – ОУП: Буюк Британия. 2011 – 54-бет.

Б) ўрта эпик тур - қисса;

В) кичик эпик тур-ҳикоя, новелла, бадиий очерк, латифа кабилар.

Эпик тур намуналари унга мансуб жанрлар тизимидан иборат бўлиб, бу жанрлар, юқорида кўрсатганимиздек, яна бир қанча ички туркумларга ҳам эгадирлар.

Ҳикоя - эпик турга мансуб кичик ҳажмли жанр бўлиб, у ўзига хос имконият ва ҳаётий қамровга эгадир. Ҳикояда тасвириланган воқеа ўз моҳияти ва аҳамияти жиҳатидан эпик турнинг роман, повест каби жанрларидан фарқланмаса ҳам, бироқ тасвирининг кўлами, сюжет ва композициянинг нисбатан соддалиги, баённинг, асосан, бир шахс томонидан олиб борилиши жиҳатидан фарқланиб туради. Ҳикоя кўпроқ прозаик тузилишга эга бўлса ҳам, айрим ҳолларда шеърий шаклда ҳам яратилади.

Ҳикояда инсон ва унинг ҳаёти учун характерли бўлган эпизодгина кўрсатилади. Унда инсон ҳаётидаги айрим ҳодиса, бу ҳодисанинг юзага келиши ҳикоя қилинади. Шу тарзда айрим ҳодисагина баён қилиниши сабабли, унда кам персонаж қатнашади, ҳажми ҳам кичик бўлади. Ҳикоянинг сюжети асосини ташкил этган ҳодисанинг тугуни, кулминацияси, ечими бўлади.

Ўзбек ҳикоясининг энг яхши намуналари А.Қодирий, А.Қаҳҳор, Ҳ.Шамс, Ф.Ғулом, О.Ёқубов, С.Аҳмад каби Ёзувчилар томонидан яратилган.

Адабиётшуносликда нисбатан кичикроқ ҳажмга ва озроқ персонажларга эга бўлган ҳикоялар новелла деб аталади. Новел а кутилмаган якунга эга бўлиши билан ҳикоядан фарқ қиласди.

Повест - (қисса) ўрта ҳажмли насрый эпик жанр бўлиб, унинг ўзига хос хусусиятлари ҳаётий материални кенглиги ҳамда сюжет ва композитсиясининг ҳам романга нисбатан содда, ҳикояга нисбатан мураккаблигидан иборат. Шунинг учун повестда бирор шахс ҳаётининг маълум даври хроникал баён этилади. Повестда асосий персонажнинг ҳаёт йўли билан боғлиқ бўлган бир неча эпизодлар тасвириланади. Шу сабабдан повест ҳажм жиҳатдан ҳикоядан катта бўлади, унда кўп персонажлар иштирок этади. Повестда воқеанинг тугуни, кулминатсияси, учими бўлади, воқеа ривожи кўрсатилади, асосий қаҳрамон билан ўзаро алоқада бўлган персонажлар ҳам кенг равишда тасвириланади.

Ғ.Ғуломнинг «Шум бола», А.Қаҳҳорнинг «Синчалак», А.Мухторнинг «Бўронларда бордек ҳаловат» каби асарлари ҳозирги адабиётимиздаги повест жанрининг ажойиб намуналариидир.

Роман янги давр адабиётидаги катта ҳажмли эпик асар бўлиб, унинг асосий хусусиятлари инсон ҳаётини бутун мураккаблиги билан ҳар томонлама ва тўлиқ тасвирилаш, иштирок этувчи шахслар тақдирини акс эттирувчи кўп планли сюжетга эга бўлиш, мураккаб турмуш жараёнлари ва ҳаёт ҳодисаларини ўсиш-ўзгаришда тасвирилашдан иборатdir. Шунинг учун романда бир неча давр ва кўплаб персонажлар тасвириланади, инсон мураккаб ҳаётий қарама-қаршиликларда, бошқалар билан ўзаро муносабатда ифодаланади, воқеа-ҳодисалар кенг қамровли бўлади.

Роман йирик эпик асар сифатида инсон ва жамият ҳаётининг ҳамма соҳаларини қамраб олар экан, баъзан бир роман персонажлари бошқа романларда ҳам иштирок этади; шу хилда икки романдан иборат асарлар диалогия, уч романдан иборат асарлар трилогия, уттадан ортиқ романлар йиғиндиси эса романлар цикли деб аталади. Роман жуда мураккаб ва бой ҳаётий материални ёритиб, бутун бир даврни ўз ичига олса роман-эпопея дейилади. Масалан, П.Қодировнинг “Юлдузли тунлар”, “Авлодлар довони”, Француз адаби Э.Золянинг “Ругон -Маккарлар” романлари шундай роман эпопеяларига мисол бўла олади.

3. Ҳикоя жанрининг мухим хусусиятлари: масофа ва тезлик.

Ҳикоя телескоп ёки микроскор орқали қисқартирилиши ва бизга қандай воқеялар содир бўлганлигини тезда айтиши, акс ҳолда энг яхши тавсилотлар билан секин давом эттирилиши мумкин: баъзи гаплар мисолида ҳам буни тушуна оламиз. “Олий жаноб қирол шаҳзодадан қизига уйланишини васият қиласди ва қирол ўлгандан кейин шаҳода кўп йиллар давомида таҳтни жуда яхши бошқаради ва унинг даври энг яхши қироллик даври бўлади”. Бунда тақрорланиб турувчи таҳт бошқаруви каби талқинлар жадаллик билан бир-бири билан боғланган: биз ҳар пайшанбада ниманинг содир бўлганлигини, ёки нимани содир



бўлганлигининг маълум сабабларини айтган бўлардик. Кўплаб тафовутларни Герард Генеттэ воқеалар ҳақиқатан қандай содир бўлганлигини ва воқеа бўла олмаган аниқ нарсаларни.

Билимларнинг чегараланганлиги. Охирида, ҳикоя харакатеристика тушунчаси сиз дунёвий билимларни бизга

таърифлаб беради ва “деворда учди” ёки “камеранинг кўзи” каби мисолларда дунёвий билимлар чегараланишига кўра ҳикоя қисқартирилди. Мунтазам равишда, энг яхши вариантлар тасвирлаш назарда тутилган “ташиқи” ёки “холисона” тушуниши дараҷасининг ишончлилиги мавжуд бўлаолади. Шу сабабли, “кекса одам сигарет чекади” мисолида инсоннинг хатти –ҳаракатлари билан уни яқиндан билиб оладигандек туюлади, ва унинг бошига ёришириб қўйилган оппоқ соchlari ва унинг танасига чекиши сингиб кетган” шахс ёки бегона бир киши орқали уни тасвирлаб беради. Бошқа бир кўринишида, “ҳамма нарсани ўз ичига олган асар” ва қаҳрамонларнинг ҳаракатлари яширган ва ичидаги тушунчаларни ўз ичига олади. “Қирол бир қарашда беҳад мамнун эди, Лекин унинг олтинга бўлган очқўзлиги ҳали ҳамон қонмаган эди”. Қонунан ҳамма маълумотларни ўзида қамраб олишида чеклов билмайдиган қомусий ҳикоя фақатгина ҳалқ оғзаки ижодида эмас, балки ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган, танловни талаб қиласиган замонавий асарларда ҳам кенг тарқалган. Якка ҳарактер тушунчаси орқали

умумлаштирувчи ҳикоялар ҳам у ёки бу шахснинг ўй ҳаёллари ва қарашилари ҳақида мувалиф томонидан ҳикоя қилинувчи ҳикоя биринчи шахс номидан ва худди “Мусо нимани билди” асаридаги каби тез-тез учинчи шахсдаги чегараланган нуқтаи-назар деб аталувчи учинчи шахс номидан яратилади⁴¹

5. Лирик тур ва унинг асосий хусусияти.

Лирика бадиий адабиётдаги уч асосий турдан бири бўлиб, эпик ва драматик турлардан фарқли ўлароқ, мазкур турда воқелик шахснинг ҳистийғулари, кечинмалари, идроки орқали акс этади. Шеърий шакл лириканинг характерли хусусияти бўлиб, у кишининг ҳис-туйғуга тўла ҳаяжонли нутқини таъсирлироқ ифодалашга қўл келади. Шеърий шакл лирикада оҳангдорлик ва мусиқийликни вужудга келтиради.

Воқеликнинг муайян шахс (субъект) қалбининг призмаси орқали акс этиши лирика қиёфасини белгиловчи муҳим хусусиятдир. Ана шу белгиловчи хусусият лирикада жуда кўп масалаларни ўзига хос шаклда ҳал этишни тақозо қиласди. Чунончи, лирик асар, одатда, кичик ҳажмли бўлишига қарамай, турмушни бадиий, образли акс эттиришнинг барча хусусият ва белгиларига эга бўлади. Лирикада ҳам воқелик қарама-қарши тенденсиялар кураши орқали акс этади. Бироқ бу қарама-қаршилик эпосдагидек, персонажлар ҳаракати орқали эмас, балки туйғулар зиддияти, курашлар орқали акс этади. Демак, эпос ва драмада воқеалар диалектикаси, лирикада кечинмалар диалектикаси уетакчилик қиласди. Мана Шу кечинмалар диалектикаси лирик конфликтдан иборат бўлиб, унинг асосини эскилиқ ва янгилик, яхшилик ва ёмонлик, гўзаллик ва хунуклик, олижаноблик ва пасткашлик ташкил этади. Шу тарзда лирик асарда ҳам аниқ индивидуал кечинмалар ифодаланади, бу ҳолат лирикада бадиий умумлаштиришни вужудга келтиради, бадиий фантазияни туғдиради. Воқеликни илғор ижтимоий идеаллар нури билан ёритадиган бу индивидуаллаштирилган кечинмалар эса лирик асарнинг тарбиявий аҳамиятини белгилайди.

Лирика бадиий адабиётнинг қадимий турларидан бўлгани учун унга мансуб бўлган жанрлар турлича аталиб келинган. Чунки лирика ҳаётни актив тарзда акс эттиради, бу активлик унинг асосида ётувчи ҳаётий мазмуннинг тез ўзгариши билан боғлиқ бўлиб, ўз навбатида жанрларнинг шаклий белгиларига ҳам таъсир этади. Қадимги адабиётшунослар лирик жанрларни мазмуни ва шакли жиҳатидан қатъий чегаралашга интилганлар. Шунинг учун ҳам Ғарб ва Шарқ адабиётларида ўзига хос лирик жанрлар юзага келган. Масалан, Ғарб адабиётида (кейин рус адабиётида ҳам) бирор шахсга дўстлик ёки ишқий маънода бағишлиган лирик асарлар-бағишлиов, каттароқ воқеа ва тарихий шахсга бағишлиган тантанали лирик шеърлар - ода, кинояли шеърлар-эпиграмма, қишлоқ ҳаёти ҳақидаги шеърлар-еклога, бирор шахснинг ўлими муносабати билан ёзилган шеърлар-епитафия, ғамгин

⁴¹Ж.Коллер .Адабиёт назарияси ва қисқача адабиётшуносликка кириш. – ОУП: Буюк Британия. 2011 – 72-бет.

шеърлар-элегия ва ҳоказо жанрларга бўлинган. Шарқ классик лирикаси, жумладан, ўзбек классик лирикаси ғазал, рубой, мураббаъ, мухаммас, мусаддас, мусамман, қитъа, туюқ ва ҳоказо жанрларга бўлинган. Бу жанрларнинг аксарияти ҳозир ҳам шеъриятда қўлланилмоқда. Халқ лирикасида эса лирик жанрлар у ёки бу халқнинг урф-одати, бадиий асарнинг ижро этилиш ўрни, вазияти ва мавсумига қараб: меҳнат қўшиқлари, мавсум ва маросим қўшиқлари каби туркумларга ажралади.

Ҳозир лирик турга мансуб асарлар ўзларининг асосий мазмунига кўра: сиёсий лирика ёки гражданлик лирикаси, фалсафий лирика, ишқий (интим) лирика, пейзаж лирикаси, ҳажвий лирика каби жанрларга ажралади.

Ғазал - аруз шеърий системасида уч байтдан ўн тўққиз байтгача ҳажмда ёзилган, шарқ халқлари, жумладан, ўзбек классик адабиётида кенг тарқалган лирик жанрдир. Ғазалдаги ҳар бир жуфт мисра байт дейилади. Ғазал дастлаб ишқий мавзуда ёзилган бўлса ҳам, кейинчалик унинг мавзутик доираси кенгая борди: ижтимоий-сиёсий, ахлоқий-таълимий ғазаллар ҳамда ҳажвий ғазаллар юзага келди. Чунончи, Навоий, Турди, Махмур, Муқимий каби шоирлар ижодида ишқ, вафо ва садоқат тараннум этилган ғазаллардан тортиб, жамиятдаги айрим шахсларнинг ярамас иллатларини фош этувчи ғазалларгача учрайди.

Ғазалнинг биринчи байти ўзаро қофияланиб, кейнги барча жуфт мисралар унга қофиядош бўлади, тоқ мисралар эса очик қолади (а-а, б-а, в-а каби).

Рубоий шарқ поэзиясида кенг тарқалган, чуқур фалсафий, ижтимоий-сиёсий, ишқий ва ахлоқий фикрларни бадиий равишда ифодалайдиган тўрт мисрадан иборат лирик турга мансуб мустақил жанрдир. Демак, рубоий халқ шеъриятидаги тўртликлардан шаклий асос олган бўлиб, ўз мавзуси ва ғоясига, барқарор жанр хусусиятларига, кичик шеърий шаклга эга бўлган мустақил ва мукаммал асардир.

Рубоийнинг қофияланиш сисмавзуси икки хил бўлиб, одатда, унинг биринчи, иккинчи ва тўртинчи мисралари қофияланиб келади, яъни у а-а-б-а тартибида қофияланади.

*Гурбатта гарibu шодмон бўлмас эмиши,
Ҳар анга шафиқу меҳрибон бўлмас эмиши,
Олтин қафас ичра гар қизил гул битса,
Булбулга тикондек ошиён бўлмас эмиши.*

Туюқ - ўзбек ва бошқа туркий халқлар классик поэзиясида омоним сўзлар билан қофияланган тўрт мисрадан иборат лирик шеър. Туюқ арузнинг фақат рамали мусаддаси мақсур (фоилотун фоилотун фоилун) вазнида яратилиб, а-а-б-а шаклида қофияланади.

Қитъа – Шарқ халқлари классик поэзиясида кенг тарқалган, икки ёки ундан ортиқ жуфт мисралари ўзаро қофияланган байтлардан иборат, мавзу доираси кенг, вазн имкониятлари чегараланмаган лирик жанр. Қитъа турли мавзуларда-ilm-хунар, ахлоқ-одоб, ишқ-муҳаббат мавзуларида ёзилади. У кўпинча икки байтдан иборат бўлса ҳам, ҳажм жиҳатидан чегараланмайди.

Қитъада жуфт (2-4-6) мисралар қофияланиб, тоқ мисралар очиқ қолади. Қитъа жанри икки хил йўл билан яратилади:

1) мустақил асар сифатида;


Қасида - ғазал жанрининг таркибидан бирор парчани ажратиб олиш орқали юзага келади. Биринчисида қитъа шоирда тўсатдан пайдо бўлган ҳис-ҳаяжон ва поетик фикрнинг бадиҳа тарзида яратилиб, янада ривожлантирилиб, тугал поетик хulosаланиб, қасида ёки ғазал ҳолига келтирилади. Баъзан шу ҳолича ҳам қолиши мумкин. Иккинчисида қитъа қасида ёки ғазал таркибидаги ижтимоий-фалсафий жиҳатдан теран, дидактик жиҳатдан бақувват, ибраторуз байтларнинг ажратиб олиниши натижасида юзага келади.

Фард – классик лиrikанинг энг кичик жанри бўлиб, бир байтдан иборат мустақил шеърдир. Фарднинг ҳар икки мисраси қофияланиб келади. Фардда кўпинча ибраторуз ҳикматли фикр, баъзан шоирнинг ички кечинмаси ихчам ва таъсирли ифодаланади. Фард ҳам ахлоқ-одоб, панд-насиҳат мавзуларида ёзилади.

Маснавий - ҳар бир банди икки мисрадан иборат шеър шаклларидан бири бўлиб, у а-а, б-б, в-в, г-г... тарзида қофияланади. Классик адабиётда сюжетли кичик шеърий асарлар ҳам, достонлар ҳам маснавий деб юритилган.

Мурабба - ўзаро қофияланган бир неча тўртлик шаклидаги бандлардан ташкил топган лирик шеърий шакллардан бири. У қофияланиш тартибига кўра, бошқа шеър турларидан фарқ қиласи: у а-а-а-а б-б-б-а, в-в-в-а шаклида қофияланган бўлиб, асар охирида шоир ўз тахаллусини келтиради. Ўзбек адабиёти тарихида мурабба Машраб, Огаҳий, Муқимий каби шоиралар ижодида мавжуд.

Мусаддас - классик адабиётдаги лирик турга мису шеър шаклларидан бўлиб, унинг ҳар бир банди олти мисрадан таркиб топади. Мусаддас ўзининг қофияланиш шаклига кўра икки хил бўлади: 1) биринчи банднинг барча мисраси бир хилда қофияланади. Кейинги бандларнинг беш мисраси алоҳида қофияланиб, олтинчи мисраси биринчи бандга қофиядош бўлиб келади, яъни а-а-а-а-а, б-б-б-б-а, в-в-в-в-а каби; 2) биринчи банддан кейинги бандларнинг тўрт мисраси бир хилда қофияланиб, бешинчи ва олтинчи мисралари биринчи бандга қофиядош бўлади, яъни а-а-а-а-а, б-б-б-а-а, в-в-в-в-а каби.



Мустазод - классик шеърий шакллардан бири бўлиб, асосан, ғазал шаклида (а-а, б-а, в-а каби) қофияланади. Бироқ ўзининг мисра тузилиши жиҳатидан ғазалдан фарқи қиласи, чунки ҳар бир мисрадан кейин қўшимча кичик мисралар ҳам бўлади ва улар ҳам ғазал тартибida бутун мустазод давомида мустақил қофияланиб келади. Қисқа мисралар, одатда, ўзи эргашиб келган мисрадаги фикрни тасдиқлайди, таъкидлайди ва хulosалайди.



Мухаммас - классик поэзиядаги лирик шеър шаклларидан бири бўлиб, у беш мисрадан тузилган бир неча банддан ташкил топади. Унинг биринчи бандидаги мисраларининг ҳаммаси ўзаро бир хил қофияланади, кейинги бандларининг тўрт мисраси эса алоҳида, бешинчи мисралари эса дастлабки банднинг бешинчи мисраси билан қофияланади, яъни унинг қофияланиш тартиби а-а-а-а, б-б-б-а, в-в-в-в-а шаклида бўлади.

6. Лирик тур ва унинг асосий хусусияти.

Драматик тур уч асосий адабий турнинг бири бўлиб, у комедия, драма, трагедия каби жанрларга бўлинади. Драманинг адабий тур сифатидаги ўзига хос хусусиятларидан бири унинг сахнада ижро этилиши ҳисобланади.


Драматик асар қаҳрамонлари ўзларини фақат ҳаракатда намойиш қиласилар, уларнинг нутқи ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, қаҳрамонлар ҳаракати билан бевосита боғланади. Драматик асарларда интонатсия, пауза ва овознинг баланд-пастлиги катта аҳамиятга эга бўлиб, нутқнинг ўзига хос бу хусусияти сахнада янада аниқроқ кўринади.

Трагедия (фожиа) драматик турга мансуб жанрлардан бири бўлиб, унинг асосида келиштириб бўлмайдиган зиддият ётади ва охирида воқеа фожиа билан тугайди. Трагедия ўз асосидаги конфликтнинг ҳарактери ва ҳарактерларнинг ўзига хослиги билан драма ва комедиядан ажралиб туради. Трагедиядаги конфликт жуда ҳам шиддатли, кескин бўлиши билан бирга, у ҳамма вақт ижтимоий-сиёсий тараққиёт, инсониятнинг уетук маънавий ҳаёти билан боғлиқ ҳолда ҳал этилади. Шунинг учун ҳам трагедияда инсон майший ҳаётининг, тарихий тараққиётнинг муҳим масалалари фалсафий тарзда кескин ҳал этилади.

Трагедия драматик турга мансуб жанр сифатида жуда узоқ тараққиёт ўйлени босиб ўтиб, ҳозир ҳам адабиётимизда яшаб келаётir.

Комедия драматик турга турга мансуб жанрлардан бири бўлиб, бунда воқеа-ҳодисалар, ҳарактерлар, коллизия кулгили фонда тасвиранади. Комедияда бевосита кулги, комизм ҳаётдаги ярамас иллатлар устидан ҳажв қилиш ёки уенгил юморнинг бирдан-бир воситаси бўлиб хизмат қиласи. Комедияда ҳам драматик турларга мансуб бошқа жанрлардаги сингари, ижобий ва салбий образлар мавжуд бўлади. Агар комедиядаги кулги ўткир заҳарханда, кескин фош этиш ҳарактерига эга бўлса, шу кулгига сабаб бўлган ҳарактер салбий образ бўлади. Агар кулгига сабаб бўлувчи шахс уенгил юмористик кулги қўзғатса, у ижобий қаҳрамон ҳисобланади.

Драма ҳам драматик асар жанрларининг муҳим бир туркуми бўлиб, унда ҳаётий воқеалар мураккаб конфликтлар негизида, персонажлар кураши жараёнида акс эттирилади. Драма ўзига хос мураккабликка эга бўлган жанр бўлиб, унда воқеалар тизмаси ва персонажлар миқдори чекланган бўлса ҳам, қаҳрамон ўз



характерини турли томондан намоён қила олади. Чунки драмага кенг эпиклик хос бўлиб, унда қахрамоннинг ички дунёси аникроқ очила боради. Драмада психологик таҳлил жуда ҳам мураккаблашади.

Мавзу юзасидан савол ва топшириклар.

1. Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достонининг қайси адабий турга мансублигини аниқланг. Ундаги ҳар бир эпизоднинг қайси сюжет элементи орқали очилганини тушунтириңг. Достоннинг ғояси нимадан иборат ва у қайси эпизодда яққолроқ очилган?

2. Эпик тур жанрларини санаб беринг.

3. Лирик тур жанрларини айтиб беринг.

3. Лирик турнинг энг қадимги жанри қайси?

4. Алишер Навоий лирик турнинг қайси жанрларида ижод қилган?

5. Драматик тур жанрлари ҳақида сўзлаб беринг?

Асосий дарслар ва ўқув қўлланмалар

1. Ж.Коллер .Адабиёт назарияси ва қисқача адабиётшуносликка кириш.
– ОУП: Буюк Британия. 2011.

2. Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари.-Т.: “Ўзбекистон” 2002.

3. Умиров Х. Адабиётшунослик назарияси.-Т.: “Ўқитувчи”, 2004.

4. Улуғов А. Адабиётшуносликка кириш . “Университет”. 2005

Қўшимча адабиётлар

1. Арасту. Поэтика. Ахлоқи кабир-Т.: “Янги аср авлоди”, 2004
2. Султонов И. Адабиёт назарияси.-Т.: “Ўқитувчи”, 2005.
3. Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. - Т.: “Зарқалам”, 2006.
4. Куронов Д., Раҳмонов Б. Фарб адабий-танқидий тафаккури тарихи очерклари. – Тошкент: “Фан”, 2008.
5. Куронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик лугати. – Тошкент: “Akademnashr”, 2010.
6. Хализев В. Е. Теория литературы. Учебник.-М.: “Высшая школа”, 1999

Интернет ресурслари

1. www.pedagog.uz
2. www.ziyonet.uz
3. www.ijod.uz
4. www.ziyouz.com

9- МАВЗУ: РИТОРИКА, ПОЭТИКА ВА ШЕЪРИЯТ⁴²

РЕЖА:

1. Поэтика ҳақида тушунча
2. Риторик шакллар ва “Жанр” тушунчаси
3. Шеърият – сўз ва ҳаракат ифодаси
4. Лирик муболага ҳақида тушунча
5. Ритмли (вазнли) сўзлар
6. Оғзаки таржима шеърлар

Таянч сўз ва иборалар: Ижод – ҳаёт ҳақидаги маълумотни санъат қойдаларига бўйсундириши жараёни. **Риторик шакллар.** Асар тили устида ишилаш-халқчиллик билан боғлиқлиги. **Лирик муболага.** **Ритмли (вазнли) сўзлар.** **Оғзаки таржима шеърлар.** Лирик тур-энг қадимги халқ қўшиқлари, шеър, баллада, достон, шеър вазнлари, шеърий асарда мазмуннинг ўзига хослиги, Лирик муболага. **Ритмли (вазнли) сўзлар,** ритм, шакл, туроқ, қофия, вазн, қофия санъатининг ўзига хослиги, поетик кўчимлар ва уларнинг турлари, ижодкорнинг фалсафий-эстетик дунёқараши.

Маъруза матни

1. Поэтика ҳақида тушунча.

Поэтика – таърифлаганимдек бадиий таъсирларни уларни имконият даражасига киритувчи ўқиши оператиялари ва таомилларини тасвирлаши орқали қамраб олишга уринишdir. Бу қадим замонлардан бери ифодаланувчи ва кўндирилувчи тил ресурсларининг организиши бўлган риторикага яқиндан боғлиқ: тилнинг услублари ва самарали тилларни юзага келтириши учун ишлатииши мумкин деб ўйланган. Аристотэл риторикани эътиқод санъати сифатида ва поэтикани эса тақид ёки вакиллик санъати сифатида талқин этиши орқали риторикани поэтиканадан ажратади. Бироқ, Ўрта асрлар ва Рэнессанс анъаналари у

иккисини қўшиди: риторика нотиқлик санъати, шеърият эса (ўқитиши, ёритиши ва кўчириши мақсад қилганлиги учун) бу санъатнинг ортиқроқ даражадаги мисоли бўлди. XIX асрда риторика тасаввур, шеърий ҳаёлотнинг асл машгулотларидан ажратилган тўқима сифатида юзага

⁴²Ж.Коллер .Адабиёт назарияси ва қисқача адабиётшуносликка кириш. – ОУП: Буюк Британия. 2011 – 51-бет.

келди ва айбланишига учради. XX асрнинг охирларида риторика тилнинг қудратларини тузши таълимоти сифатида жонлантирилди.


Шеърият риторикага боғланади: шеърият сўзлашув шаклларининг ишлатилиши мўл қилувчи ва қудратли равишда ишонарли бўлишини кўзлаган тилдир. Ва Рлато ўзининг ҳаёлий рэсрубликасидан шоирларни ҳайдаб чиқаргандан бери, шеъриятга қарши чиқилди ва қораланди, у фуқароларда нотўғри фикр уйготувчи ва исрофгар умидларни чақирувчи ҳийлагар ва мулоҳазасиз риторика бўлиб келди.

Аристотель шеъриятнинг баҳосини риторикадан кўра тақлидга асосланиб тасдиқлаган. У шеърият кучли ҳистойгуларнинг намоён қилиниши учун чиқиши туйнуги эканлигини таъкидлади. Ва у яна шеърият билим инкор этишдан ўтишдаги қадрли тажриба эканлигини ҳам айтди. (Бунда, трагик драмада “англаш” вазиятида, қаҳрамон ўзининг ҳатосини тушуниб етади). Поэтика, адабиётнинг стратегиялари ва ресурсларининг ҳисоби сифатида, риторик шаклларнинг тафсилотларига қисқарадиган эмас, Лекин поэтика барча турдаги лингвистик ҳаракатлар учун манбаларни ўрганувчи кенгайтирилган риториканинг бир қисми сифатида кўриниши ҳам мумкин.

2. Риторик шакллар ва “Жанр” тушунчаси.

Бадиий назария риторикага кўпроқ алоқадор болиб келган ва назариячилар риторик шаклларнинг вазифаси ва табиати устида баҳслашадилар. Риторик шакл одатда “одатий” ишлатилишдан ўзгартирилиши сифатида таърифланган; масалан, “атиргул – менинг севгим” да атиргул гулни билдириши учун эмас, балки чиройли ва жозибадор бўлган нарсани таърифлаш учун ишлатилади (бу метафоранинг кўринишидир). Ёки “Сир ўтиради” сирни ўтира оладиган агент сингари тушунчани келтириб чиқаради (гавдалантириш). Риториклар дастлаб (метафора каби) сўзнинг маъносини ўзгартирувчи маҳсус “троре”ларни маҳсус таъсиrlарга эришиши устун сўзларни тартибга келтирувчи турли хил билвосита “шакллар”дан ажратиб олишига уринишиди. Баъзи шакллар қуийдагилар: аллитератсия (ундошнинг тақрорланиши), апостроf (тўғридан тўғри эшишувчи бўлмаган бирор нарсага мурожсаат қилиши, “Хали ҳам, менинг юрагим бўл!” даги каби); ва ассонанс (унли товушнинг тақрорланиши).

Яқин назария шаклларни деярли трорэлардан ажратмайди ва ҳаттоқи шакллар ҳамда трорэлар ўзгарувчи “одатдаги” ва “бадиий” маънолар тушунчасини ҳам сўроққа тутмаган. Масалан, метафора сўзининг ўзи бадиийми ёки мажозий? Деррида, “Оқ мифология”да, метафоранинг назариявий тафсилотлари метафораларга боғлиқ



бўлишида қанчалик муқаррар туюлишини кўрсатади. Баъзи назарияшуносалар ҳатто тил келиб чиқиши жиҳатидан маҗозий ва биз бадиий тил деб атайдиган тушунча образли табиати унумилган шакллардан ташкил топади, деган мантиққа тўгри келмайдиган холосани қамраб олишган.

Қачонки, биз “мушқул муаммо”ни “англаш” ҳақида гапирганимизда, масалан, бу икки жумлалар уларнинг асл қиёфаси ва шаклини унумиши орқали бадиий бўлади.

Бу томондан, бу шу эмаски, бадиий ва образли ўртасида ҳеч қандай тафовут йўқ балки ушибу трорелар ва шакллар тилнинг асосий структуралари саналади, истиснолар ёки нотогри қилинган талқинлар эмас. Анаънавий жиҳатдан, энг муҳим шакл метафорадир. Метафора нимадирни яна бирор нарса шаклидан талқин этади (Жоржси эшак сифатида аташ ёки менинг севгимни қизил гул сифатида). Метафора бу билишининг асосий йўли шаклидир: биз бирор нарсани бошқа бирор нарса сифатида қўриши орқали биламиз. Назарияшуносалар “биз улар орқали яшайдиган метафоралар”, “ҳаёт бу саёҳатдир” каби асосий метафорик схемалар ҳақида гапиришади. Ушибу схемалар бизнинг дунё ҳақида ўйлайдиган йўлларимизни юзага келтиради: биз ҳаётимизда “қаергадир бориши” га, “ўз йўлимизни топиш”га, “қаерга кетаётганимизни билиш”га, “тўсиқларга дуч келиш”га ва ҳозаколарга ҳаракат қилинади.

Метафора тилга асос ва ҳаёлот сифатида талқин этилган, чунки у мuloҳазасиз ёки шунчаки безак берувчи эмас, балки . Унинг бадиий кучи, гарчи, ўзининг беўхшовлигига боғлиқ бўлиши мумкин. Вордсворзнинг “бала эркакка ота” фразаси сизни тўхтатади ва ўйлашга чорлайди, кейин эса сизга янги замондаги авлодларнинг муносабатини қўришга имкон яратади: боланинг у кейинроқ бўлган эркакка боғлиқлиги отанинг ўзининг боласига боғлиқлигига қиёсланади. Чунки метафора рухта гоя, ҳатто назарияни ўзида акс эттиради, бу энг осон тасдиқланадиган риторик шакл ҳисобланади.

Лекин назарияшуносалар бошқа шаклларнинг аҳамиятига ҳам ургу беришди. Роман Жакобсонга кўра, метафора ва метонимия тилнинг иккита асосий структураларидир: агар метафора ўхшашилик маъноси орқали боғланса, метонимия маъно ичидағи маънога боғланади. Метонимия бир нарсадан иккинчисига боғлиқлик асосида кўчади, худди биз “Тож”ни “Қиролича”га нисбатан ишлатганимиздек.

Метонимия метафора каби бир соҳани иккинчисига боғлайдиган эмас, берилган соҳа ичидағи макон-жойга оид бир нарсани иккинчисига боғлайдиган буйруқларни ифода этади. Бошқа назариячи олимлар “тўрт асосий маъно кўчиши” қаторини якунлаш учун синкедоха ва кинояни ҳам кўшишиади. Синкедоха бу бутунни унинг қисми билан ифодалаш учун ишлатилади, яъни “ўнта ишчи” ўрнига “ўнта қоллар” каби. У бутуннинг қисми билан ифодаланади ва бутун қисм ифодалаган маънони беради. Киноя бу кутилган нарсанинг аксини содирбўлганлигини ёнма-ён қўйиб намойиш этади. (Яни, об-ҳавони олдиндан айтиб борувчи киши

сайрга чиққанда ёмгир ёғиб юборса нима бўлибди?). Бу асосий тўртта маъно қўчиши ҳодисалари-метафора, метонимия, синекдоха ва киноя тарихиунос олим Ҳайден Вайт томонидан ишлатилган бўлиб, у: “юқоридагилар тажрибаларимиз ифодаси бўлмиши тўрт асосий риторик тузилмалардир ва улар тарихий тушунтиришини таҳлил қилиши учун ишлатилган”, деган эди. Юқоридаги тўрт маъно кочишининг мисолларидан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, риторика бу мулоқот жараёнининг энг кенг соҳасида ишлаб чиқарилувчи барча маънолар ва у маъноларнинг келиб чиқиши асосида ётувчи тилнинг асосий тузилмасидир.

Жанрлар. Адабиёт соҳани нафақат риторик тузилмалардан, балки ундан ҳам каттароқ ҳисобланувчи тузилмалар, яни адабий жанрларга ҳам боғлиқдир. Жанрлар нима ва уларнинг роли қандай? Поэма ва роман атамалари умумий ўхшашик асосидаги сўзларни фарқлашнинг қулай йўлларими ёки уларнинг китобхонлар ва ёзувчилар учун маълум функциялари мавжудми?



Китобхонлар учун жанрлар бу- куттилаётган воқэликларнинг қулай ифодаси, яъни бу орқали биз детектив ҳикоя ўқияпмизми ёки романтиками, лирик шеърми ёки трагедиями, буларни фарқлаймиз. Шунингдек, биз у орқали керакли нарса ҳақида фараз қиласизга турли воқеялар устида кузатувчи бўламиз. Детектив ҳикоя ўқиб, биз трагедия ўқиётганимиздаги воқеялар содир бўлишини кутмаймиз. “Тҳэ Сесрэт симс ин тҳэ миддлэ” шеърида одамни ҳайратда қолдирувчи тасвир нима? Бу- кўринмас одам таналарини эгаллаган илмий тўқима ифодаси ёки рурлар ҳикоясидаги асосий детал бўлиши мумкин.

Тарихга назар соладиган бўлсак, жанр ўрганувчи олимлар Грэклар назариясига амал қиласидар. Улар жанрларни унда ким сўзловчи эканлигига асосланиб катта уч гуруҳга бўлганлар. Биринчи жанр бу- ҳикоя қилувчи 1-шахс сифатида гапиравчи поэтик ёки лирик жанр, иккинчиси бу- ҳикоячи ўзининг тилидан ва бошқа қаҳрамонлар ҳам ўзининг тилидан гапиравчи эрик ёки насрый жанр, учинчи тур эса-барча диалогларни қаҳрамонларнинг ўzlари олиб борувчи драма жанридир. Буларни фарқлашнинг асосий яна бир йўли бу- сўзловчининг тингловчига бўлган муносабатига эътибор қаратишадир. Поэмада оғзаки шеърхонлик мавжуд бўлиб, шоир тингловчи мухлисларга тўғридан тўғри юзланади. Драмада эса ёзувчи яширинган бўлади ва қаҳрамонлар сахна сухбатида бўлишади. Энг мураккаб ҳолат лирикада бўлиб, шоир куйлаётган ёки ҳайқираётган ҳолатда тингловчиларга орқа томондан намоён бўлади. Сўзларини уларга ифода этиши учун эса худди ўз-ўзига ёки бошқа бирорларга сўзлаётгандек гўёки Табиат, Муза, ўз дўсти, ошиқ, худо, мавхум мавжудот, ёки бирор жисм руҳида тингловчига намоён бўлади.

Бу бошлангич учта жанр турига биз замонавий роман жанрини ҳам күшамиз. Китонхонлар бу жанрдаги мавзуга б-бобда юзланадилар.


Эрик ва трагедик драма жанрлари қадим замонларда ва барча шоирлар ижоди юқори чўққига чиққан, тил ва адабиёт гуллаб яшинган Ренессанс даврида фойдаланилган. Роман қашф этилиши адабиёт сахнасига янги рақибни олиб келди, аммо XIX аср охири XX аср ўрталарида, лирикадаги қисқа-қисқа шеърлар бутун адабиёт мазмунини қамраб олди. Кейинчалик эса, ҳар бир нарсанинг энг ички руҳигача аниқ тасвир бера оловчи, кунлик ҳаёт ва меъёридан орти кетган қадр-қиммат билан бөглиқ кучли ҳиссиётларнинг ифодаси, маданий аҳамият ва муносабатларнинг бош шакли сифатида лирик назм пайдо бўлди. Бу гоя ҳали ҳам тўлқинланарлидир. Шунга қарамай, замондоши олимларимиз қадр қимматнинг жойлашувидан кўра шеърият маданиятига рутур етказадиган тил билан бөглиқ алоқалар ва шакларга асосланиб, лирикани тилдаги бөгланган ва ҳаёлий нарсалардек кучли ва шоирларимиз ҳиссиётларини ифодаловчи жанр сифатида талқин қилишимоқда.

3. Шеърият – сўз ва ҳаракат ифодаси

Адабий теория, шеърий мунозараларда, бундан ташқари, шеърий кўринишининг турли хилдаги услубининг нисбатан муҳимлиги: шеър бу сўзларнинг (матн) структуравий ясалганлиги ва ҳодисалар(шоирнинг ҳатти-харакати, ўқувчининг тажрибаси, адабиёт тарихида рой берган воқеа ҳодисалар)дир. шеърлар оғзаки конструкция сифатида қабул қилинади, кўп саволлар тугилиши мумкин: маъно ва тилнинг носемантик жиҳатлари, шунингдек, товуши ва ритм ўртасидаги муносабатлар. Тилнинг носемантик хусусиятлари қандай рўй беради? уларда қандай онгли ва онгсиз таъсирлар бор. Семантик ва носемантик хусусиятлар ўртасида қандай муносабатлар бор?

Шеърнинг ижроси сифатида, шеърни ёзаётган муаллифнинг ҳатти ҳаракати ва “овоз”и ўртасидаги муносабатлардир. Уни ёзиши учун, муаллиф гапирмайди, муаллиф оладиндан ўзини ёки бошқа бир гапираётган ўша овозни бошқа бир инсон сифатида тасаввур қилиб кўради. Шеърни ўқиши учун масалан, “Сит сири” бу сўзни айтади: “Биз доира атрофида рақсга тушамиз ва ҳаёл қурамиз...” Шеър айтилаганидек туйилади аммо бу аниқ бир ҳолатнинг овозидир. Унинг сўзларини ўқиши бу- ўзингизни ўша айтилаётган ҳолатга қўйишадир ва шунингдек бошқа бир гапираётган овознинг ўрнида тасаввур қилиши, биз қўпинча айтамизки, ҳикоячи ёки гапирувчи мауллиф томонидан шакилланади. Тарихий, индивидуал, Роберт Фрост айтилган гапнинг ўзига хос овозидир. Бу иккита фигура: поэтис овознинг тасаввури ёлгиз шоирнинг (Фротснинг ҳолатида, сержасиллигида, аммо қишлоқ ҳаётини акс эттирувчи кузатувчи) бир қатор ўрганишларидан аниqlанади. Турли хил шакилларнинг муҳимлиги шундаки, бир шоир бошқасидан ва бир турдаги танқидий ўрганишлар бошқасидан фарқ қиласди. Лекин лирика ҳақида ўйласак, гапирувчи овози ва шоир яратган асарнинг ўртасидаги

фарқдан боиласак тўгрироқ бўлади, яъни тасвиринг овоздан яратилиши.



Стюарт Милнинг машхур гапида айтилганидек, лирик шеър-мийямиздаги билимнинг, фикирларнинг айтилиши. Қачонки биз айтилган гапни қайта эштасак эътиборимизни қаратишга мажбур қиласди, нимани биз Характерли тасаввур қиласмиз ёки қаҳрамонни қайта шакиллантирамиз ва матнда: овознинг тўнини аниқлаш, ва вазиятга қараб хуласалаш, ҳолатлар, алоқадор нарсалар, ва гапиувчининг муносабати(муаллиф ҳақида билган нарсаларимизнинг асар воқёулуги билан мос келиши). XX асрда бу лирикада асосий йўналиши бўди, ва бу қисқа ва яхши сабаб бўлиши мумкин, адабий асарларнинг ҳаётий айтилган гаплар асосида яратилишига. Лирика шунингдек, шахсий гапларнинг адабий ўхшатишлари ҳам ҳисобланади. Масалан, агар ҳар бир шеър кўринмас сўзлар билан бошланган бўлса “Масалан:мен ёки бошқа бир инсон айтиши мумкинкин, Менинг севгим қизил атиргулга ўхшайди, қир қизил, ёки, Биз доира атрофида рақс тушамиз ва ҳаёл қурамиз....” Таркиб жиҳатдан аҳамияти, матиннинг ишораларидан, ва оддий ҳолатлар ва гапиувчилар ҳақидаги умумий билимларимиз, гапиувчи муносабатининг табиати, кабилардан шеърни тушунишимиз мумкин. Ким бу мавзуда гапишига ташаббус кўрсатиши мумкин? Мактабларда ва Унвэрситетларда асосий қадр қиммати бу; муаллиф муносабатининг шакиллантиради.

Бу эса лирика пайдо бўлишининг унумли йўлидир, кўп шеърлар нутқ ходисаларини шакиллантирадиган муаллифни ифодалаб беради: масалан, мухим тажрибалар устида муроҳазалар юритиш, дўстлар ёки севишганлар ортасидаги тортишуви гаплари, завқланиши ва фидоийликни ифодалаши. Лекин агар биз машхур лирикаларнинг бошаланишига қарайдиган бўлсақ, масалан: Шэллэунинг “Ғарбий Шамолга Қасида”, ёки Блэукнинг “Йўлбарс”, асарларида қийинчиликлар вужудга келади: “О ёввойи гарбий шамол, кузнинг нафаси!” ёки “Йўлбарс, йўлбарс, зимистон ўрмондаги, ёнаётган учқун.” Тасаввур қилиши қийинки, бу йўналишига қайси ҳолат етаклайди ёки но-поэтик қараишларнинг ижро этилиши. Бу саволга жавобни қуидагича беришимиз мумкини, гапиувчи поэтикадан фойдаланган ва муболагали ҳолатдир. Агар биз ўша шеърларни одатий нутқ ходисаларининг адабий ўхшатишларидек тушунсак, бу роллар тақлидий шеърлардек туйилади.

4. Лирик муболага ҳақида тушунча

Қандай мисолларни биз лирик муболагага тақдим қилиниши мумкин? Лирик шеърлар нафақат долзарб аудиторияга мурожжат қиласди(шамол, йўлбарс, менинг орзум); балки улар гирэрболик

ургу берилади. Бу ерда бўрттириши ўйиннинг номи ҳисобланади: йўлбарс.... эмас фақатгина “оловранг”, Лекин “аланга олиш”, “шамол” эса “куз нафасининг келиши” ва кейинчалик шеърдаги “ҳалоскорлик ва бузгунчилик”ни ифодалайди. Худди Фрост инсонларнинг юмушларини ҳалқа атрофидаги рақсга қўчиргани ва кўпгина билимларга таҳмин сифатида қараганидек, ҳаттоқи сардоник (кинояли) шеърлар ҳам гирэрболик ҳолатларга асосланади.


Биз бу ерда асосий назарий масалага тўхтalamiz, яъни парадокс лирик шеърият моҳиятидаги ёлгонга ўхшатилади. Муболага шеърияти назарияшунослар классик даврдан бошлиб “улугвор” деб атаган руҳиятни қамраб олади: инсон қудратини англашни чегарадан чиқишига бўлган муносабат, гурур уйготувчи ёки тўлқинлантирувчи, сўзловчига инсоний туйғуларни берувчи тушунчадир. Лекин бу гайриоддий истак ҳақиқий бўлмаган тингловчига қаратилган - “апостраф”, инсоний сифатларни жонсиз буюмларга кўчириш – “шахслантириш” ва жонсиз буюмларга нутқни кўчириш – “пропорция” каби риторик шакллар билан bogланган. Қандай қилиб энг катта истаклар сатри бунчалик риторик курилмаларга bogланади?

Қачонки, шеърият муносабатлар ўзгаришидан тингловчи учун реал бўлмаган адрэсга бурилганда “шамол”, “йўлбарс” ёки “юрак” каби сўзлар баъзида тингловчини нутқдан алоҳида ажралиб турувчи кучли ҳис туйғуни кўрсатиш учун ишилатилади. Лекин ҳис-туйғулар шиддати тингловчининг қизиқишини ўзига boglab олган воқеялар ҳолатини чорловчи лонсиз буюмлар бўлган адрэсслар ҳаракатига таянади. “О мени тўлқиндек, баргдек, булутдек ўгирла”. Шэллининг сўзловчиси Farb шамолига мурожсаат қўймоқда. Бу ердаги гирэрболик талаб олам сени эшишиши ва сўзловчининг кўчишига кўра ҳаракатланишидир: кимdir табиатга йўналтира олади, кимdir эса жавобгар бўлиши мумкин. Бу ердаги “O” Чақириги шоир чорлови тимсоли, яъни гапиравчи овоз шеърда сўзловчининг овозиэмас, балки шеърий анъана ва шеърият руҳининг тимсолидир. Шамолни эсишга чорлаш ёки тугилмаганларни уигисини эшишиш бу шеърий анъана. Шамолнинг ўзи елмаслиги ёки тугилмаганларни эшиитмаслиги бу оддий ҳол. Овоз - чорлаш учун. У овозни саҳналаштириш учун чақиради: у шоир ва пайгамбар овозини аниқлашдек тасвирга ишора қиласди. Бу имконсиз, яъни шеърий воқеяларни уйготадиган гирэрболик буйруқлар бутунлай бажарилган, шундагина улар шеърдаги воқеадир.

Ҳикоя қилувчи шеърлар воқеани сўзлаб беради, яъни бу биз айтиб беришимиз мумкин бўлган ҳар қандай нарса бўлиши мумкин. Лекин бу шеър асар даражасида бўлишига кафолат йўқ ва апостраф, менинг тарифимча, энг аниқ, энг ҳаяжонли, энг сирли ва ожиз гирэрболик тушунча. “Мени тўлқиндек, баргдек, булутдек ўгирла”. Унинг ишончи комил. Бошқасини етаклаяпти. Шоир бўлиши шу каби нарсаларни олиб келишига уринши, кўп тушунчаларни тушириб қолдирмасдан изчиллик билан тасвирлашидир.

Шеърият назариясининг асосий муаммоси – аввал айтганимдек, шеърнинг сўзлар тузилмаси ва воқеа сифатида бир-бирига боғлиқлигида. Апострафлар ҳам ниманидир содир бўлишига уринии, ҳам оғзаки нутққа асосланган “о” ҳарфида: “О, ёввойи Farb шамоли!”

Апостраф, шахслантириш, росопофея ва гирэрболани акс эттисришини назарияшунослар бир неча йиллардан бери ифодалаган бошқа-бошқа нутқлардан лиrikани адабий форма сифатида ажратиб олган. Лирика, Нортон Фрэе ёзганидек, адабиёт маъносини энг яққол кўрсатувчи жанр бўлиб, ҳикоя қилувчи ва адабий аспектларда сўз тартиби ва тузилишиниг асл моҳиятидир. Бу дегани, лирика бизга оғзаки тарзда моҳиятни ёки ҳикоя бириқувини кўрсатади. Бунда сиз ритмик структурадаги эхо овозни тақрорлайсиз ва ҳикоя билан бирлашаётганлигини кўрасиз.



5. Ритмли (вазнли) сўзлар.

Фрай, “Танқид анатомияси” лирика ва бошқа жанрлар ҳақидаги бебаҳо тўрлам ҳисобланиб, келиб чиқши “торишмоқ” ва “ром этиш” билан боғиқ бўлиб “лирикага оид сухбат” ва “аралаш шеър” (алдаб кетиш)нинг асосий фенксиялари деб аталади.

Шеърларни қофияга мос туширишнинг асосий вазифаси тилнинг семантикаси эмас, балки ҳарфларнинг ритми, товуши ҳамда қайтарлишидаги мафтункорликдир.

- Бу қорамтири қувиш от каби жигарранг,
- Унинг Роллроски шосседан (йўлдан) пастга томон бўкирди
- шеърлар ўзига хос тузилишига кўра бизларни ўйлантиради ва ҳайратлантиради.

Нима у роллроск, Шоссе (Йўл)

Қандай ўртадаги сирнинг маъноси?

Мана шундай аниқ хусусиятлар болалар балладалари ва шеърларида ҳам ёрқин кўрсатилган, одатда, шеър тасвири ҳам чиройли ва ўринли товушлар билан намоёнб қилинган.

*Иссиқ нўҳотли бўтқа
Совуқ ноҳотли бўтқа
Қозонда ноҳотли бўтқа
Тўққиз кун*

Ритми тасвир ва шеър қофиясининг (рифмлар) схемаси намойиш қиласи. Тилнинг жойлашиш бўлагини ва иккаласи ҳам ўзгача эътибор (сўз қофияларда шеър қофияларига нисбатан савол (муаммо) туғилса) ва муаммони ечишни талаб қиласи. Шеърият ёқимлилик баҳш этадиган ўзининг тартибида эга, шунинг учун маъно ҳақида сўрашга ҳожат йўқ; ритмли жойлашувда тил ўз ҳимоясига ҳамда механик тарзда ёдда қолиш хусусиятига эга. Биз эслай оламиз “*Иссиқ нўҳотли бўтқа*”ни қандай қилиб нўҳотли бўтқа бўлиши мумкинлигини ўйламасдан ва агарда

билсак ҳа, ноҳотли каша бўлмаслигини, шеър ўқиётган вақтда осонгина эсдан чиқариб юборамиз.

Биринчи ўринда тилни ноанъанавий ҳолатга метрик жойлашиш ва товушларнинг қайтаришни орқали келиши шеъриятнинг асоси ҳисбланади. Шеъриятнинг теорияси ҳар хил тирдаги тилнинг жойлашувлари ва алоқасини тартибга қўйиб – метрик, тилнинг фоНетикаси, семантический, тематик, ёки умумий қилиб айтганда тилнинг семантический и носемантический ҳажмида, шеърнинг айтилиши ҳамда уни қандай айтилишидаги зиддиятларни ўргатишидир. Шеърият ўзида сингдирувчи ва қайта қурувчи структурани намойиш қиласи, шунинг учун унинг формал структураси маъно структурасига таъсир ўтказади, бошқа контексларда сўзнинг маъносига ўзлаштирилади ва уларнинг янгитан жойлашишига олиб келади, урғу ва фокусни ўзгартиради, луғавий маънони кўчма маънога ўзгартиради, терминларни ўринли бўлишини таъминлайди, параллэлизм хусусиятларига мос келган ҳолда. Бу шеъриятдаги уруш “товуш ва ритм”нинг микдор хусусиятига фирлашда таъсир ўтказишидир.

6. Оғзаки таржима шеърлар.

Бу даражада, лирика мустақил (автоном) ва ҳамжиҳатлик тамоилига ёндошган қоида қилиб айтганда: Биз сухбат қурганимизда, шеърият даволай олмайди, тушунтириш учун контекстдаги бирон-бир каттароқ фрагмент бошқа каттароқ контекстда келиши лозим бўлади, Лекин ўзининг структурасига эга деб тасаввур қиласиз.

Ҳаракат қилиш эстетик бутунлик деб ўқишига, шеъриятнинг урфодатлари ҳар хил тэорэтик моделларни таҳлил қилишга муйассар бўмоқда. XX аср бошларида Рус қоғиячилари шеъриятнинг бир даражаси бошқа бир даражасини намоян қилиши лозим деб фикр билдиришган; Романтик назариётчилар ва инглиз ҳамда Америка танқидчилари шеърият ва табиат ўртасидаги ўзхашашликларни ўрганиб, солишириб чиқмоқдалар. Шеъриятнинг ҳамма тарафлари бирбирига, мос равишда бўлмоғи лозим.

Улар нима демоқчиликларини ҳар бир тил бўлаклари сифатида шеър имкониятлардан фойдаланиб, амалиётга тадбиқ қилинади. Энг сўнги назарияларга қараганда шеърлар, ўтмишдаги воқеа, ҳодисалар акс садоси сифатида шакилланар экан. Қисқа ҳажимли шеърлар асосан ҳал этилмаган кескин қарашларни ифодалаган. Шунинг учун ҳам ўқувчилар шеърдаги қарама-қаршиликларни фарқлай олган бўлиб, айниқса шеърларнинг мажозий, тасвирий ифодаларини ва бошқа тузилмаларини таржималар орқали англай олган.

Мисол учун машҳур Эзра Поундинг икки мисра шеърини олайлик.

Метро бекатидаги одамларнинг оламон ҳаракатини, дарахт шохларидаги хўл, қора гул баргларга ўхшатади.

Бу талқин метрода оламон ҳаракатини ва табиатнинг табиий саҳнасидаги фарқни ўз ичига олади. Метро қоронғуликдаги одамлар

шарпасини, қора дараҳт шохларидаги, гул баргларига қиёслаш орқали ифода этади. шеърлар талқини нафакат сұхбат бирлигига балки сұхбат аҳамиятига боғлиқдир. шеърларни ташқи қўриниш ҳажми катта бўлмаслиги мумкин, Лекин муҳум аҳамият касб этадиган ҳамда аниқ мазмун моҳиятга эга бўлиши керак. Шунингдек улар ҳолисликка асосланган бўлиши керак. Элиот талқини билан айтганда муҳум туйғулар ёки қадр-қийматларни акс эттириши керак.



Шунинг учун кичик ҳажмли шеърларда мано-мазмун яширинган бўлади. Ўқувчидан бир вақтни ўзида ҳар томонлама фикрлаш талаб этади. Метро саҳнасидаги шаҳар аҳолисини хўл дараҳт, шохлардаги гул баргларига қиёс қиласими? Ёки қарама-қарши талқин этадими? Иккиси ҳам бўлиши мумкин. Бу ҳолат ўқиши бойитади,

анъанавий шеърийт қийматини яна ҳам мустаҳкамлайди. Оломондаги одамлар юзи, шоҳдаги гул барглар, ва қайси бирини қиёс қилмайлик, янги дунёнинг шеърий тасаввурига мисол бўлади. Кутимаган муносабатлар бошқа кузатувчилар томонидан кузатилади, расман қараганда эса чуқур мазмун моҳиятни ифода этган бўлади. Бу кичкинагина шеър, шеърий тасаввурни ҳамда шу орқали таъсирли натижага эришиш учун кичик ҳажмдаги шеърлар чуқур мазмун-моҳиятини ифодалайди. Масалан: асосий сұхбатнинг шеърий талқини хаёл кучи билан шеърий безак берилади. Шеър ва шеър ёзиш жараёни шеърият ёки фикрлар мажмуасини сўзлаб беради. шеърлар ва уларнинг рэтўрик жараёнлари шеърий тадқиқот сифатида қаралиши мумкин. Шунингдек, раманлар ҳақида гапириб ўтсақ, юксак ҳаёт тажрибаси ва юксак даражадаги фикрлар натижаси эканлигини романчилик назариясидаги тадқиқотлар аниқ қўрсатиб беради.

Бир пайтлар адабиёт асосан шеърият ҳисобланарди. Роман эса соф адабийликда йилнома ҳамда таржимаи ҳолга жуда яқин бўлган, ўша пайтларда лирик ҳамда эрис шеъриятнинг юқори чўққилариға эриша олмаган машҳур йўналиш яъни замонавий ривожланиш босқичи эди. Аммо XX асрга келиб роман шеъриятдан устун келиб, ёзувчининг қандай асарлар ёзиши ва китобхон талаблари ҳам ўзгарди. 1960-йилларга келиб ҳикоянавислик адабиётда етакчи жанрга айланди. Инсонлар ҳалигача тез-тез шеъриятга мурожаат қилсаларда роман ҳамда кичик ҳикоялар талабнинг асосини ташкил қилганди.

Бу фақатгина мамнуният билан ҳикояларни уйғадиган аммо камдан кам шеър ўқийдиган гўпчилик муштариylар талабларининг натижасини бермас эди. Адабий ҳамда маданий назария ҳикоянавислик учун маданий ўчоқ бўлиб хизмат қилди. Ҳикоялар, бўлаётган мунозалар

бизнинг ҳаётимиз ёки бутун дунёда содир бўлаётган воқеяларни ифодалашда ҳамда уларни ҳис қилишимизда асосий йўл ҳисобланади. Илмий қарашлар барча нарсаларни қонун-қоидаларасосида, ва эга бўлади? содир бўлади каби, аммо ҳаёт умуман бундай эмас. Бу сабаб ва натижанинг илмий мантиғига эмас, балки ҳикоянинг бир нарса қандай бошқа нарсага сабаб бўлишини тушиниш, яна қандай қилиб бирон нарса ҳақида ҳолосага келиш: Магги қандай қилиб Сингапурда дастур сотишни тугатгани, Жоржнинг отаси қандай қилин унга машина олиб бергани каби маъноларни англатади.

Муҳим ҳикоялар орқали биз ҳодисаларни ҳис қиламиз: Мен тарих файласуфлари, тарихий изоҳлар илмий сабаб мантиғ эмас, балки ҳикоя мантиғи яъни Франция революцияси қандай қилиб бир воқеа бошқасига олиб боришини кўрсатган ҳолда ҳикояни ифодалашини тушинишdir. Ҳикоялар структураси кенг тарқалган: Франк Кермоднинг баён қилишича биз соат йилларининг тик - так дейишини айтганимизда худди тик- бошланиш так- эса якун каби иккита физик ўхшаш товушни фарқлаган ҳолда фантастис структуранинг товушини берамиз. Соатнинг тик-так қилишини мен вақтни инсонийлаштириш билан унга шакл берадиган организатсияга модел сифатида оламан. Ҳикоя назарияси адабий назариянинг фаол соҳаси ҳисобланиб келган ва бадиий таълимотҳикоя структураси назариясига таянади: турли хил ҳикоянавислар ҳамда ҳикоя усуллари сценарийсидаги тасаввурга. Биз шундай номлашимиз мумкин бўлган шеърий ҳикоя ҳикоянинг мазмунини тушунишга ҳамда ўзига хос ҳикоялар қандай қилиб ўзларининг самарасига эришишини анализ қилишга ҳаракат қиласи.

Бироқ ҳикоя фақатгина академик фан эмас. Ҳикоялар сўзлаш ва тинглаш учун ва асосий инсоний истаклар учунгина мавжуддир. Болалар жуда эрта асосий ҳикоя махорати деб номлаш мумкин бўлган ҳамда сиз нихоясига етказишдан аввал тўхтатиб, фирромлик қилаётганингизни билиб оладиган эртаклардан иборат бўлган ҳикоя турини билиб олишади. Шундай қилиб, ҳикоя назариясида иринчи савол шундай бо;лиши мумкин.

Биринчи савол, барча нарсалар муаллақ бўлиб қолганда.

Иккинчи савол, тўғри маънода тугатилган ёки бундай бўлмаган, ҳикояларда фарқлаш имконини берадиган.

Учинчи савол, ҳикояларнинг асосий шакли ҳақида нималарни тўлалигича биламиз.

Ҳикоя назарияси, уни талаффуз қилишга, ҳикояни мукаммалаштиришга уринишга асос сифатида асос сифатида ясаввур қилиниши мумкин. Худди, лингвистика лингвистик тушунчаларда ёритилгани каби: тилни билишда тил нотиқлари нималарни билишади. Бу ерда назария сезгир маданий билим ёки тушунчанинг мақсади кучи сифатида қабул қилинади.

Асосий дарслерлар ва ўкув қўлланмалар

1. Ж.Коллер .Адабиёт назарияси ва қисқача адабиётшуносликка кириш.
– ОУП: Буюк Британия. 2011
2. Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари.-Т.: “Ўзбекистон” 2002.
- 3.Умурев Х. Адабиётшунослик назарияси.-Т.: “Ўқитувчи”, 2004.
- 4.Улуғов А. Адабиётшуносликка кириш . “Университет”. 2005

Қўшимча адабиётлар

7. Арасту. Поэтика. Ахлоқи кабир-Т.: “Янги аср авлоди”, 2004
8. Султонов И. Адабиёт назарияси.-Т.: “Ўқитувчи”, 2005.
9. Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. - Т.: “Зарқалам”, 2006.
10. Қуронов Д., Раҳмонов Б. Фарб адабий-танқидий тафаккури тарихи очерклари. – Тошкент: “Фан”, 2008.
11. Қуронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. – Тошкент: “Akademnashr”, 2010.
12. Хализев В. Е. Теория литературы. Учебник.-М.: “Высшая школа”, 1999

Электрон таълим ресурслари

1. www.pedagog.uz
2. www.ziyonet.uz
3. www.ijod.uz
4. www.ziyouz.com

10- МАВЗУ: ИЖОДИЙ МЕТОД, УСЛУБ ВА АДАБИЙ МАКТАБЛАР


РЕЖА:

1. Ижодий метод тушунчаси.
2. Романтизм, реализм, классицизм методларининг хусусиятлари.
3. Метод ва услугуб бирлиги.
4. Шарқ адабиётшунослигига услугуб масаласи.
5. *Адабий мактабларнинг назарий тамойиллари.*

Таянч сўз ва иборалар: *Ижодий метод, романтизм, реализм, танқидий реализм, классицизм, модернизм, натурализм, сюрреализм, сентиментализм, адабий оқим, ёзувчи услуги, метод ва услугуб муштараклиги, адабиётшунослик мактаблари, оммавий маданият, неомифологик онг, авангард санъати. ОБЕРИУ, рус формализми ва структурализм. Деконструктивизм ва Феминистик назария. Формал мактаб. Психоанализ.*

Маъруза матни

Метод - ёзувчининг ҳаёт фактларини танлаш, умумлаштириш, баҳолаш, образларда акс этишdir. Ўтмишда-реализм, романтизм методларини бўлганлиги. Социалистик реализм-бу ўтмишни бир ёқлама қараш сифатида келган оқим эканлиги. Бунинг зарарли оқибатлари.



Ижод - ҳаёт ҳақидаги маълумотни санъат қойдаларига бўйсиндириш жараёни. Асар тили устида ишлаш-халқчиллик билан bogliqligi. Шарқ адабиётида адабий таъсир «Назира» ходисаси. Нормативлик ва «догматизм» тушунчаси.

Маърузанинг мақсад ва вазифалари: Ижодий метод, услугуб ва адабий оқимлар ҳамда адабиётшунослик мактаблари ҳақида маълумот бериш. Ижодий методлар ва оқимларнинг ўзига хос хусусиятларни тушунтириш. Адабий мактабларнинг фаолияти, намояндлари ҳақида тасаввур уйғотиш ва улар воситасида адабиётшунослик фанининг тарихий тараққиёти манзараларини намоён этиш.

1.1.Ижодий метод тушунчаси.

Санъат ва адабиётда ҳаёт ҳодисаларини гавдалантиришнинг умумий йўллари ижодий метод деб юритилади. Ижодий методга адабиётларда «Турмуш ҳодисаларини танлаш, ўрганиш, идрок этиш ва тасвирлашнинг асосий воситаси» (Шукуров Н. Хотамов Н. ва б. Адабиётшуносликка кириш.

Т.: 1979), «санъаткорнинг англаётган воқеликка ижодий муносабатларининг умумий ижодий принципи, яъни бадий асарда воқеликни қайта тиклаш принципи» (Султонов И. Адабиёт назарияси. Т.: 1980) турли хил таъриф берилади. Санъат ва адабиётдаги ижодий методлар аслида инсон дунёсини, унинг илгари англанмаган жиҳатларини қўрсатиш борасидаги изланиш йўлларидир. Тадқиқотларда ижодий методнинг икки тури: романтизм ва реализм қайд қилиб ўтилади.

1.2. Романтизм, реализм, классицизм методларининг хусусиятлари.

Романтизм методи хаёт ҳақидаги, инсон тўғрисидаги орзулар ифодасидир. Бу методда яратилган асарларда хаёлий воқеалар, орзулардаги образлар асосий ўрин тутади. Ижодкор ўз орзуидаги инсонни тасвирлаш учун кўпинча уни ҳаётдагидан кучлироқ, фидоийроқ қилиб қўрсатади. Фарҳод образида Навоийнинг инсон ҳақидаги идеаллари ўз аксини топган.

Реализм методи лотинча реалис сўзидан олинган бўлиб, «бор, мавжуд нарса, ҳақиқий» деган маънони билдиради. Реализм методининг ўзига хос хусусияти ҳаёт ҳодисаларини бор бўйи билан кўрсатиш ва ундаги мавжуд нуқсон, камчиликларни танқид қилиш десакунча тўғри бўлмайди. Чунки, кишиларда учрайдиган қусурлар бошқа методларда ҳам ифодаланиши мумкин. Шўро тузуми даврида «социалистик реализм методи реализмнинг юқори босқичи» деб келинди. Бу нотўғри қараш эканлиги аниқ мисоллар билан исботини топди. Чунки адабиёт ва санъат ҳодисаларини ижтимоий тузум номи билан юритиш тамомила ноўриндир.

Шарқ адабиётида реализмнинг ривожи XX асрга оид деб қаралади.

Адабиётда кўпгина оқим ва йўналишлар мавжуд бўлиб, уларнинг айримларига тўхталиб ўтиш лозим.

Классицизм лотинча сўз бўлиб, намуна, ибрат деган маъноларни билдиради. Бу оқим намояндалари ўтмиш адабиёт намуналарини ўзлари учун намуна, мезон, ибрат қилиб олганлар. Классицизм назариётчиларидан бири француз адиби ва адабиётшунос Н.Буалодир. Классицизмга кўра ҳамма нарса қатъий қоида асосида қўрсатилиши лозим. Воқеа битта яхлит сюжет тарзида гавдалантирилиши, воқеа биржойда бўлиб ўтиши, йигирма тўрт соат ичida рўй бериши лозим. Корнел, Расин, Мольер бу йўналиш қоидаларига амал қилиб асарлар яратишган.

1.3. Метод ва услуг бирлиги.

Сюрреализм французча сўз бўлиб, реализмдан ҳам юқори деган маънони билдиради. Унда ҳаёт ва инсон дунёси моҳияти кутилмаган образлар ва рамзларда тасвирланган. XX асрда Францияда пайдо бўлган. Пол Верлен, О.Мандельштам, А.Ахматова, М.Цветаева, А.Блок асарлари алоҳида ажralиб туради.

Натурализм намояндалари бадий асарга инсон ҳақида маълумот берувчи ҳужжат деб қарашган. Улар қаҳрамонлар ҳаёт тарзини барча тафсилотлари билан баён этишади. Эмиль Золя, Флобер, Мопассан каби адиблар бу оқим намояндаларидир.

Бундан ташқари модернизм, футуризм, сентиментализм, абстракционизм каби оқимлар ҳам турли адабиётларда маълум даврларда мавжуд бўлган. Уларда ҳам етук асарлар яратилган.

Услуб ижодкор хаёлотининг намоён бўлиш тарзи саналади. Ижодкор қаҳрамонларни, улар яшайдиган манзилларни қандай тасаввур қилса шундай ифодалайди. «Санъаткор воқеликдан танлаб олган унсурларни бадиий тил ёрдамида хаёлоти билан уйғунлаштирувчи ва у яратган бадиий дунёning тугал бўлишини таъминловчи восита услугуб деб аталади», - дейди француз адиби А.Камью⁴³

Адабиёт ва санъатнинг бирор тараққиёт босқичида бадиий ижодга хос бир-бири билан узвий боғлик бўлган бир қанча барқарор хусусиятларнинг асосий восита ва принциплари бўлади. Чунончи, биз бир ёзувчига мансуб бўлган бир неча асарни ўрганиб, уларни бир-бирига таққослаб кўрсак, илгари сурилган ғоялар ва турмуш воқеалари талқинида, характер ва ҳодисалар тасвирида, ёзувчи нутқи ва баён этиш воситасида ўхшашик борлигини кўрамиз. Бу ўхшашик ёзувчи услубининг, яъни унинг ижодига хос ғоявий-бадиий хусусиятлар (ғоявий позитсия, характер ва сюжетлар, ўзига хос тил) нинг асосини ташкил этади. Ёзувчининг услуби эса унинг индивидуаллиги, истеъдоди, турмуш тажрибаси, дунёқараши, нутқининг ўзига хослиги билан узвий боғлик бўлади. Аммо услугуб тушунчалиси асардаги тақрорланишнинг барча томонларини қамраб олмайди. Чунки ёзувчилар ижодида умумий тақрорланиш ҳам мавжуддир. Турли тарихий давр ва турли мамлакат Ёзувчилари ижодини ўзаро яқинлаштирувчи бадиий хусусиятнинг ўхшашилиги бадиий метод ёрдамида аниқланади. Бадиий метод ижодкорнинг воқеликка муносабати, ўзи танлаган ҳаётий воқеликни акс эттирувчи бадиий воситаларни қўллашдаги асосий ижодий принциплари (масалан, романтизм, реализм каби)дан иборатдир. Демак, бадиий метод борлиқ ҳодисаларини танлаш, умумлаштириш ва баҳолаш принсиpidир.

Маълумки, ҳаёт мунтазам равишда ўзгариб, янгиланиб туради. Бу эса санъатдан ҳам ўз характерини ўзгартириб боришни, объектив ҳаётни аниқ образларда акс эттиришни талаб этади. Бу эстетик талабдир, яъни мавжуд тарихий шароитда эститек нормалар асосида турмушни акс эттириш демакдир. Ҳаётни қайта тиклаш турмушнинг эски шакллари ўрнига юзага келган янгиликларни акс эттиргандагина тўғри, ҳаққоний бўлади. Реализм ва романтизм тушунчаларида ҳаётни образли акс эттиришнинг ана шу хусусияти мужассамлашган.

Бадиий методда субъективлик билан бирга, объективлик хусусияти ҳам бор. Санъаткорни ўраб олган кишилар типи, улар ўртасидаги ижтимоий конфликтлар, ўзаро муносабат-ларидаги сўзлашув формалари-буларнинг ҳаммаси ёзувчига эмас, балки даврга боғлик бўлган ҳодисалардир. Ёзувчи ҳаётний фактлар, ҳодисалардан муҳимларини танлаб олади, уларни ғоявий томондан ёритади. Лекин шунга қарамай, унинг ижоди асосан у яшаётган даврдаги ҳаётний жараён билан боғлик бўлади.

⁴³ «Жаҳон адабиёти» журнали. 1997, №1, 192 б.



Бадий асарда турли элементлар ва тил кўринишлари систем бутунлик сифатида ўзаро алоқада бўлади. Мисол учун, бирон бир тадбирда шитирок этиши учун ёзилган таклифнома матни унинг асл моҳиятини очиб бермайди. Лекин бадий асарда бу ўзгача ҳолат: кучайтириш, контраст ёки қаршилантириш – турли даражсаларда жаранглаши, маъноси, мавзу ва грамматик жиҳатдан қандай ташкил этилгани муҳим. Масалан, “тахмин қиласиз – билади”⁴⁴.

Ҳар бир китобхон бадий асарни турлича қабул қиласиди. Бунинг сабаби шундаки, биз “ижодий ният” деб атайдиган тушунчамиз адабиётнинг дунёқараши билан боғлиқлигини белгилайди. Бадий асар тил феномени сифатида ёзувчи яратган дунёнинг инъикоси ҳисобланади. Бу ўринда икки ҳолатни кузатишимиш мумкин: бири персонаж ва ҳикоячи баёнидан келиб чиқадиган ҳақиқат ва иккинчиси асар тубида ётган тагмаъно. Кўпинча бадий асарларда тарихий маълумотлар эмас, кўпроқ уйдирма қаҳрамонлар ҳаёти ҳақида маълумотлар баён қилинади (Мисол учун Эмма Бовари, Гекельбери Финн). Шу билан бирга матнда қўлланидиган олмошларнинг ҳам (“мен”, “сен”, “шу ерда”, “ҳозир”, “кеча”, “буғун”) вазифаси, уларга юклатилган масъулият бадий асар мукаммалигини таъминлайди.

Фикримизча, бизнинг китобхон адабиётшуносликка оид манбаларда кўпинча учрамайдиган структурализм, деконструктивизм атамалари ҳақида маълумотга эга бўлишга ҳақли. Шу муносабат билан ушбу йўналишлар ҳақида қисқача маълумот бериб ўтишини ўринли деб ҳисоблаймиз. Адабиёт назарияси – бу тарқоқ фикрлар йигиндиси эмас, балки яхлит бир қуч. 1960 йилларгача бир неча назарий йўналишлар мавжуд бўлган: формализм, янги танқид, феноменология, структурализм, постструктураллизм ва ҳ.к.

Адабий метод санъатда бир гурух ёзувчиларнинг ижодий принсипи билан тарихий асос бирлигига, даврдаги асосий масалаларни талқин этишда, яъни идеал, қаҳрамон, ҳаётий жараён масалаларини ҳал этишда юзага келади. Шу маънода метод тушунчаси адабий йўналиш, адабий мактаб тушунчаси билан бирлашади. Чунки адабий йўналиш маълум тарихий даврда ўз идеологияси ва тажрибаси билан бир-бирига яқин турган бир талай Ёзувчилар ижодидаги ғоявий-бадий хусусиятлар - мавзу, ғоя, бадий тасвир принциплари кабилар бирлигидан иборатdir. Адабий йўналишнинг муҳим белгиларидан бири ҳар бир йўналишнинг ўзига хос ғоявий-эстетик принциплари программа тусига кирганлигидадир. Программа тусига кирган

⁴⁴Ж.Коллер .Адабиёт назарияси ва қисқача адабиётшуносликка кириш. – ОУП: Буюк Британия. 2011 – 84-бет.



дунёқараши, турмуш тажрибаси, у яшаган даврдаги тарихий мухит синфий курашлар билан бевосита боғлиқ бўлиши Шу тарихий ҳодиса билан изоҳланади. Ижтимоий мавқеи, дунёқараши, ижтимоий курашдаги иштироки жиҳатидан бир-бирига яқин бўлган ёзувчилар ички бирлик ва тарихий шароитга кўра адабий мактаб сифатида адабий йўналишни юзага келтирадилар. Бу тушунчаларнинг барчаси-асарлар, ёзувчи услуби, адабий оқим-тарихий шароитга боғлиқдир.

ХХ асрнинг бошларида рус адабиётшунослигида пайдо бўлган рус формализми асарларнинг поэтик тил хусусиятларига кўпроқ эътибор қаратиш лозимлиги, бу бадий матнинг қимматини ошириши ва бу ўз навбатида “адабиётнинг ягона қахрамони – сўз” эканлигини эътироф этишади. Уларнинг фикрича, кўнишиб қолинган: “Бу ўринда муаллиф нима деяпти?” деган савол ўрнига: “Сонет билан нима ҳолат кечяпти?” ёки “Диккенс романининг қисмати қандай?” деган саволлар ўринли деб ҳисоблаймиз. Бу гуруҳнинг уч асосий вакили – Роман Якобсон, Борис Эйхенбаум ва Виктор Шкловский. Улар адабиётшуносликни шакл ва ёзувчи техникасини ўрганишига йўналтиришиди⁴⁵.

Турмушни образли акс эттиришда икки асосий хусусият, биринчидан, индивидуаллаштириш, борлиқни инсоний муносабатлар билан боғлаган ҳолда қайта ишлаб чиқиш ва умумлаштириш, иккинчидан, турмушни маълум ижтимоий идеаллар асосида эстетик англаш ўз ифодасини топади.

Турмушни эстетик англаш борлиқни қайта яратиш, ижтимоий идеалларга зид бўлган ҳодисаларга қарши курашиш, борлиқни бадий фантазия асосида тасаввур этиш, фантазиянинг идеалларга мос бўлиши учун курашишдан иборатдир.

Қайта ишлаш билан қайтадан тузиш ўртасидаги бирлик борлиқни образли акс эттиришнинг муҳим белгисидир. Бу бирликнинг асоси санъатда акс эттирилган реал борлиқдир. Ҳар бир санъат асари борлиқни акс эттириш қонунларини реал тарихий шароитда амалга ошириш демакдир.

гоявий-эстетик прнсиپ ҳар бир адабий йўналиш вакили ижодида амалга оширилиши шарт. Шу маънода адабий йўналишда Ёзувчиларнинг ўзаро бирлиги ўз ифодасини топади. Бусиз адабий йўналиш юзага келмайди.

Адабий йўналиш у ёки бу миллий адабиётда маълум бир даврда юзага келиб, маълум бир даврда йўқолувчи тарихий ҳодиса саналади. Бирор асарнинг тарихий жиҳатдан автор

⁴⁵Ж.Коллер .Адабиёт назарияси ва қисқача адабиётшуносликка кириш. – ОУП: Буюк Британия. 2011 – 85-бет.

Ёзувчининг индивидуаллиги дунёқарашининг кенглиги ва кўп қирралигида, ҳаётда юз бераётган янгиликларни тезлик билан пайқаб олиши ва ёритишида кўринади. Ижоднинг йўналишини, ҳаётий материалларни танлаш ва ёритиш принсипини эса у яшаган тарихий давр, муҳит белгилаб



Баҳодир Карим


“БОШИМНИ ЗЎР ИШГА БЕРИБ ҚЎЙИБМЕН”

Саодат Файзиева
ЯРИМ АСРЛИК ХАЗИНА

www.kh-dayton.uz

беради. Тарихий жараён бадиий методларнинг ички алоқасини ҳам аниқлаб беради. Шу сабабли борлиқни акс эттиришда Ёзувчининг у ёки бу методга мурожаат этишини соф субъектив ҳол деб айтиб бўлмайди.

Шундай қилиб, адабий йўналиш бирор тарихий даврдаги ижодий принциплардан иборат бўлиб, у реал адабиёт тараққиёти жараёнида асосий ҳаётий (эстетик идеал, ижобий қаҳрамон, ҳаётий жараён, шу жараённи ҳаракатга келтирувчи куч) масалаларнинг умумий тасвири, талқини ва баҳосида намоён бўлади. Шу билан адабий йўналиш ёзувчининг дунёқарashi у яшаган тарихий муҳит билан боғланади, ўзаро алоқада бўлган адабий оқимлар, гурухлар ва мактаблар доирасида ўз бадиий имкониятларига кенг йўл очади. Лекин адабий йўналш адабий оқимга нисбатан кенгроқ тушунча бўлиб, у маълум бир тарихий-адабий муҳитда умумадабий доирада ҳаракат қиласи. Адабий оқим эса адабий йўналишга нисбатан торроқ тушунча бўлиб, у бирор умумадабий доирада ҳаракат қила олмайди. Масалан, класситсизм йўналиши XVII-XVIII асрлар Умумевропа адабиётида ҳаракат қилган бўлса, адабий оқим бундай кенг масштабда ҳаракат қила олмайди. Шунингдек, маълум бир давр адабиётида адабий йўналиш битта бўлиб, у шу давр адабий жараёнини маълум бир томонга йўналтириб юборади (масалан, романтизм йўналиши, реалистик йўналиш ва х.к.), маълум бир давр адабиётида бир нечта адабий оқим бўлиши мумкин, лекин улар умумадабий жараённи бирор томонга йўналтира олмайди. (Масалан, натурализм, сентиментализм, акмеизм, футуризм ва х. к.)



1.4.Шарқ адабиётшунослигига услуб масаласи.

Романтизм, реализм, танқидий реализм адабиёт ва санъатдаги ижодий методлар бўлиб, уларнинг ҳар бири адабий тараққиёт жараёнининг маълум босқичида тарихий-зарурый эҳтиёж

натижасида юзага келган, бири иккинчисининг туғилишига замин ҳозирлаган. Шунинг учун бу ижодий методларнинг бир-биридан фарқли белгиларини, ҳар бирига хос хусусиятни билиб олиш бирор тарихий даврда яратилган асарларнинг қандай йўналишда ёзилганлигини аниқлашимизга ёрдам беради.

Ёзувчи ўз даври учун характерли ҳодиса ва ҳаётий фактларни ажратиб олиб, уларни ўз асарида умумлаштириб тасвирлар экан, бу ҳодиса ва фактларга ўз муносабатини билдиради, уларни эстетик жиҳатдан баҳолайди. Ёзувчининг худди ана Шу муносабати ва баҳосида унинг қандай тасвирлаш принципидан, яъни қайси ижодий методдан фойдаланганлиги ўз ифодасини топади. Чунончи, романтизм ҳаётнинг ўзидан кўра кўпроқ турмуш ҳақидаги орзу-умидларни тасвирлаш принципига асосланади. Шунинг учун романтизм методи асосида яратилган асарларда ҳаётний воқеликка нисбатан ижодкор эркин муносабатда бўлади, яъни тасвирда ҳаётний фактга қараганда бадиий тўқима устунлик қиласи, фантазияга, рамзийликка ва муболагага кенг ўрин берилади, юксак характерларни тасвирлаш биринчи планда туради. Романтиқ асарларда ёзувчи орзу қилган нарсалар идеаллаштириб тасвирланади, шу билан ёзувчиларнинг ўzlари яшаб турган ҳаётдан норозилиги ифодаланади. Шунинг учун бундай асарларда ёзувчи яшаган давр, ижтимоий муносабатлар ифодаланиши билан бирга, асар қаҳрамони ҳукмрон синфга қарши қўйилади.

Романтиқ ёзувчилар яратган образлар бутунлай ҳаёт ҳақиқатидан узоқ, ундан ажralиб қолмаган бўлсалар ҳам, бироқ бу образлар бевосита ҳаётний ҳақиқатнинг бадиий ҳақиқатга айланган образи бўлмай, балки улар орзу қилган ҳаётнинг инъикосидан иборат.

Романтизм методи асосида яратилган асардаги образлар романтиқ образлар дейилади. Масалан. Алишер Навоий ижодидаги Фарҳод, Ширин, Лайли, Мажнун ва бошқа образлар романтиқ образлар намунаси бўлиб, ёзувчи бу образлар орқали ўзининг илфор, олижаноб орзу-умидларини ифодалаган.

Реализм ёзувидан ҳаётни бадиий образларда бутун тўлалиги билан ҳаққоний ва тўғри тасвирлашни талаб этади. Реализм куртаклари адабиёт ва санъат тарихининг дастлабки босқичларидаёқ мавжуд бўлиб, унинг бутун тарихий тараққиёти билан боғлиқ ҳолда ривожланиб, турли характер касб этиб келди ва ниҳоят, ижодий методга айланди.

Реализм ижодий метод сифатида ёзувчига ҳаётний ҳақиқатни тўла ва мукаммал тасвирлаш, унинг кенгроқ бадиий умумлаштириш имконини беради. Реализм ижодий метод сифатида аниқ ва тарихий характер касб этади. Чунки у ижтимоий ҳаёт, инсон онгининг ўсиши билан боғлиқ ҳолда ўсиб, ривожланиб боради, моҳияти ва ижтимоий-эститек вазифаси кенгаяди. Реалист ёзувчилар жамиятнинг барча ярамас иллатларини шафқатсиз танқид қилдилар. Шунинг учун ҳам XIX аср рус реализм-танқидий реализм деб аталади.

Демак, танқидий реализмнинг асосий хусусияти ҳаётдаги салбий ҳодисаларни чукур ва ҳаққоний тасвирлашдан иборатdir. Танқидий реализм халқпарварлик, ватанпарварлик ғояларига асосланади. У шу илфор ғоялар

позитсиясидан туриб турмуш ҳодисаларига баҳо беради, меҳнаткаш халқ манфаатларига, ижтимоий ҳаёт тараққиётига, адолатли турмуш учун олиб борилган курашларга ва бу йўлдаги интилишларга тўсқинлик қилган турмуш иллатларини кескин қоралайди, уларни танқид остига олади, фош қиласи. Масалан, Муқимиининг "Танобчилар" ва «Доддоҳим», Аваз Ўтарнинг «Сипоҳилариға» асарларида чоризм даврида маҳаллий ҳокимият идораларида ишловчи амалдорларнинг типик образи (Ҳакимжон, Султон Алихўжа ва бошқалар) яратилди, улар орқали амалдорларнинг ёвуз ниятлари, ифлос кирдикорлари фош этилди, Шу йил билан ўша даврдаги ижтимоий тузумнинг туб моҳияти очиб ташланди. Бу-танқидий реализм адабиёти вакилларининг эзилган халққа хайриҳоҳлигидан, ёрқин келажакка ишонч билан қарашидан, ҳаётдан ижобий қаҳрамон излашидан далолатdir.

Ўзбек адабиётида реализм тенденция сифатида классик адабиётимизнинг кўпгина намояндалари ижодида мавжуд эди. Масалан, Лутфий, Навоий, Машраб каби шоирлар ижодидаги реализм тенденсиялари кейинчалик Турди, Махмур, Гулханийлар ижодида ва, нихоят, Муқими, Фурқат, Завқий, аваз Ўтар каби демократик адабиётимиз вакиллари ижодида тараққий этади. Чунончи, Муқимиининг «Ҳапалак қишлоғи тўгрисида», «Танобчилар», Аваз Ўтарнинг «Халқ», «Уламоларга», Завқийнинг «Қаҳатчилик» шеърларида ўзлари яшаган давр ҳаётининг реалистик лавҳалари ифодаланган.

Методларнинг ўзаро бирлиги ҳар қайси ёзувчида ўзига хос равища шахсий истеъдод, маданий савия ва ҳаётий тажрибага, яъни ижодий услугба қараб юзага келади. Методни компасга ўхшатиш мумкин: у ёзувчи ижодининг йўналишини, шу йўналишда олдингақараб боришини кўрсатади. Метод ёзувчи ижодида индивидуал ҳолда юзага келади. Чунки ёзувчи ҳаётни маълум нуқтаи назардан баҳолайди, ҳаётдан ўз ижоди учун керакли материални ажратиб олади ва уни ўзининг ҳаётий тажрибалари, ўз мулоҳазалари асосида акс эттиради. Ҳаётни акс эттиришдаги услуби орқали унинг бадиий методи аниқланади. Шу зайлда метод тушунчаси услуб тушунчаси билан узвий боғланади. Шунинг учун ҳам марксча-ленинча таълимот услубни метод билан биргаликда қарашни тақозо этади. Метод фақат аниқ бадиий ижодда кўринади. Биз асарни анализ қилиш билан Ёзувчи услуби ҳақида тасаввурга эга бўламиз; турли ёзувчилар услубини ўзаро қиёслаш билан уларни бирлаштирувчи бадиий методни аниқлаймиз.



Демак, услуб ёзувчи ижоди учун характерли бўлган ифодалаш йўлини. гоявий-бадиий хусусиятлар бирлигини, дунёқарашларнинг умумийлигин англатади. Методнинг ўзгариши услугба, шубҳасиз, ўз таъсирини кўрсатади. Алоҳида олиб қаралган бирор асарнинг услуби ёзувчининг бутун ижодига хос услуб тараққиётининг босқичларидан

биридир. Услубнинг қандай бўлиши Ёзувчи истеъодининг йўналишига ҳам боғлик. Шу маънода услугуб жамият тараққиёти билан ўзгарувчи тарихий ҳодисадир. Чунончи, ёзувчи асар ёзишдан олдин ҳаётни ўрганади, воқеа-ҳодисаларни, одамларни кузатади, материал тўплайди. Ана Шу жараёнда унда ғоявий мақсад пайдо бўлади. Бу ғоявий мақсад Ёзувчининг дунёқараши билан узвий боғланади. Чунки Ёзувчи ҳаётни кузатиш жараёнида ўз дунёқарашига кўра воқеа ва кишилар билан муносабатда бўлади. Уларни ўз онгидаги қайта ишлашда фактларни саралаб, энг зарурларини танлаб олади, сўнгра ёзишга киришади. Асарда турмуш воқеалари ва кишилар ёзувчининг дунёқараши орқали ўз ифодасини топади. Ёзувчи услуги ҳам мустақиллик касб этади. Ҳар бир ёзувчининг дунёқараши ва услубининг шаклланишида у яшаб, ижод этган муҳит ва шароит билан бирга, унинг адабий меросни ўрганиши, устоз санъаткорлар анъаналарини ижодий ўзлаштириши муҳим рол ўйнайди.

Ёзувчининг услуги кенг маънода адабий фаолият давомида шаклланган ўзига хос индивидуаллик билан бирга шу индивидуалликни таъминланган ижодий таъсирини ўз ичига олади. Ёзувчининг бадиий услуги шу маънода индивидуаллик билан ижодий таъсирининг бирлигидан иборатдир.

Ёзувчилар ижодида ғоявий-эстетик позитсия жиҳатидан умумийлик бўлса ҳам, бадиий ифодада, образлар сисмавзусида, тасвир услугида индивидуаллик мавжуддир. Ойбек услугига хос хусусиятлар унинг портрет ва пейзаж чизишида, тилида яққол сезилиб туради. Масалан, сўзловчининг мақсадини билдиришда таъкидлаш усулини кўпроқ қўллайди: “Юлдузли тунлар”«Содда, одамшаванда, қувноқ қизни Ўқтам ниҳоятда ҳурмат қилар эди» («Олтин водийдан шабадалар»); «Яхши одам эди у. Содда, тўғри сўз, инсофли, раҳмдил одам» («Навоий») ва ҳоказо.

Ҳар бир ёзувчи ўзини қизиқтирган ҳаётий воқеаларга эътибор беради ва уларни ўзига хос тарзда акс эттиради. Бир ёзувчини синфлар, кишиларнинг кескин тўқнашуви, иккинчи ёзувчини қаҳрамоннинг ички дунёси, руҳий ҳолати, бошқа бир ёзувчини табиат гўзаллиги қизиқтиради ва уни асарида ифодалайди. Масалан, П.Қодиров кўпроқ тарихий мавзу қизиқтиради, унинг “Юлдузли тунлар”, “Авлодлар довони”, каби асарларида Бобурийлар тарихи, Хиндистон ҳаёти воқеалари умумлаштириб акс эттирилган.

Услуб у ёки бу асар ғоясида акс этади. «Асарнинг бош ғояси, асосий ғоявий йўналишига қараб ёзувчи турмуш материалини, образлар сисмавзусини, сюжетини, композитсияни ва бадиий асарнинг бошқа компонентларини танлайди ва саралайди».

Услуб ёзувчи асарининг жанр хусусиятини ҳам ўз ичига олади. Шундай қилиб, ёзувчи услуги ғоя, мавзу, тил, композитсия, образ ва жанр элементларидан ташкил топади, ёзувчи ўзининг ижодий фаолиятида улардан ўзига хос услугда фойдаланади.

1.5.Адабий мактабларнинг назарий тамойиллари.

1960 йиллардан бошлиб, учта назарий ёндашув жуда катта таъсир кучига эга бўла бошлиди: тилга бағишиланган кенг масштабли рефлексия,

тасвирлар, деконструктивизм ва психоанализга хос бўлган адабиётшунослик категориялари, жинс ролининг таҳлили, қайсики феминизм оқими орқали ифодаланган жинс ролининг таҳлили кабиларни кўрсатиш мумкин.



Адабиёт назарияси ҳар хил гояларнинг тўплами бўлмай, бу жисплашган кучdir. Назария китобхонлар ва ёзувчилар билан биргаликда, маърифий ва маданий институтлар билан биргаликда мавжудdir. 1960 йилларгача ҳам бир қанча назарий йўналишилар мавжуд эди.

XX асрнинг ўзига хос аломатларидан бири ривожланаётган

оммавий коммуникация туфайли оммавий маданиятнинг тарқалишиди. Оммавий коммуникация нима? Оммавий маданият – бу реал ҳаётнинг белгилар орқали ифодаланишиди. Оммавий маданият билан асосий(фундаменталь) маданият қарама-қарши қўйилади. Фундаментал маданият(элитар маданият деб ҳам юритилади) –бу чуқур иккиласми образ бўлиб, иккиласми моделлаштирувчи тизимdir. У тил воситасида ифодаланишга муҳтож. Қуйида ҳар иккала маданиятга хос хусусиятларни келтирамиз:

Оммавий маданият –бу: Унга антимодернизм ва антиавангардизм хосdir. Модернизм ва авангардизмга янгилик хусусияти хос бўлса, Оммавий маданият эса анъанавий ва тургунлик хусусиятига эга. У ўртacha савиядаги катта миқдордаги ўқувчилар, томошабинлар ва тингловчилар учун мўлжалланган. Оммавий маданият ўзига жалб қилувчиidi, чунки у катта даромад келтириши лозим. Унинг бадиий асарларида онг оқими, интертекст, чекинишилар бўлмаслиги зарур. Унга интрига ва перипетиялари билан аниқ сюжетли асарлар керак бўлиб, уларнинг жанрлари аниқ фарқланиб туриши хосdir. Улар кинематография жанрларида: детектив, триллер, комедия, мелодрама, даҳшатли фильмлар – чиллерлар, фантастика, порнография. Ҳар бир жанр ўзининг қатъий синтактик қурилишига эга. Бу қонуният. Уни бузиш катта моддий зарар келтиради. Ахир ҳар бир асар учун катта маблаг сарфланади. Комедия детективни бузмаслиги керак, триллер эса одамни тўлиқ зabit этувчи ва хавфли бўлиши шарт. Оммавий маданиятда адабиёт ва кинематография матнлари шундай тузиладики, уларни китобхон ёки томошабин дарров таниб олади. Матнда мазмун саёз, тақорорий жумлалар бисёр бўлади

Оммавий маданият фольклор ўрнини босди. Унга тақорорийлик хос.

Фундаментал ёки элитар маданият –бу: маданият ниҳоятда нозик ички тузилишига эга. У реал борлиқнинг иккиласми ифодасидир. Бу маданият модернизм ва авангардизм усулларидан фойдаланади. Масалан,

кино афишаларида олдинги ўринда бош қаҳрамоннинг катта калласи тасвирланади, орқада эса қандайдир одамчалар кимнидир ўлдиришияпти. Тасвирдаги бундай бузиб кўрсатиш модернизм тармоқларидан бири сюрреализмга хосдир. Ахир каллалар танасиз бўлмайди-ку! Тоталитар режимига эга бўлган давлатларда демократия бўлмайди. У ерда оммавий маданиятга йўл қўйилмайди. У ерда элитар маданият ҳукм суради.

Маълумки, оммавий маданият Американинг Голливудида ниҳоятда тараққий этган, чунки бу маданият маҳсулотлари Голливудда яратилади.

Неомифологик онг.

Бу XX аср маданиятидаги энг муҳим йўналиш бўлиб, символизмдан бошланиб, постмодернизм билан тугайди. Бу йўналиш позитивистик фикрлашга қарама-қарши оқим сифатида вужудга келган. Унинг хусусиятлари Ф. Достоевский романларида ва Вагнер операларида XIX асрдаётк пайдо бўлган эди.

Неомифологик онгнинг моҳияти шундаки, бунда классик ва архаик мифни ўрганиш долзарб масалага айланади. XX асрда унга ёндашува турли йўналишлар мавжуд бўлган: психоаналитик, юнгианлик, ритуал- мифологик (Б. Малиновский, Дж. Фрейзер), символик (Э.Кассирер), этнографик (Л.Леви-Брюль), структуралистик (К.Леви -Строс, Шунингдек, мифологик сюжет ва мотивлар М.Элиаде, В.Тернер), постструктураллистик (Р.Барт, М.Фуко) кабилар. Мифларни ўрганишда рус формал мактаб намояндадаридан Б.Б. Бахтин алоҳида ўрин тутади. Шунингдек, мифологик сюжет ва мотивлар асар вужудига сингдириб юборилади. Масалан, Дж.Джойснинг “Улисс” романида Одиссей ҳақидаги ва унга ёндош мифлар муваффақиятли ишлатилган. Баъзан ёзувчининг ўзи миф тўқийди. Масалан, Маркес ўзининг “Ёлғизликнинг юз иили”асарида шундай қилган. Рус адабиётида Андрей Белыйнинг “Петербург” асари неомифологик онг мактабининг иирик ютуги бўлди. Унда ёзувчи Петербург ҳақидаги мифни яратади. Бу шаҳар сувда шаффоф тарзда вужудга келади ва қандай пайдо бўлган бўлса, шундай йўқолади. Айниқса, М.А. Булгаковнинг “Мастер ва Маргарита” романи XX аср Европа адабиётида энг ёрқин роман-мифлардан бири бўлди. Кафка асарларидан “Жараён”да “Инжил”даги Иов воқеаси ҳам асарда бетакор, сирли вазиятни вужудга келтиради. Жаҳон адабиётидан бундай асарларга кўплаб мисолларни келтириши мумкин.



Авангардлик санъати. XX асрдаги ёзиш ва яшашига бўлган янгича муносабатда иккى хил тамойил: модернизм ва авангард санъатни ҳисобга олиш керак. Авангардлик санъати прагматика (амалиёт) борасида новаторлик қадрияти тизимини яратади.

Авангардлик санъати- бу фаол ва агрессив равишда оммага таъсир кўрсатувчи, тўполон, шок, эпатаж каби воқеаларни вужудга келтирувчи йўналишидир. М.И.Шапиронинг таъкидлашича, унинг энг муҳим жиҳати кўзга ташланувчанлик, антиқаликдир. Бунда шакл ва мазмун аҳамиятли эмас, балки бирор нарсага нима учун ва қай усулда таъсир қилишидир. Авангардда, энг аввало, субъект ва обьектнинг антиқа ҳолати роль ўйнайди. У одамларга таъсир қиласидиган янги, намунали бўлмаган, Аристотелга хос бўлмаган риторикасини яратди. Янги риторика нуқтаи назари шундай: ё эстетик бўлмаган обьект эстетик вазифани бажаради, ёки эстетик обьект эстетик бўлмаган вазифани бажаради. Масалан, Марсель Дюшан постаментга склуптура ўрнига писсуарни ўрнатади, Д.А. Пригов эса юзлаб шеърларини қозог зобутчаларга ўзининг шеърларини дафн қиласиди.

Авангад санъатининг энг муҳим йўналишлари: футуризм, сюрреализм, дадаизм, постимпрессионизм, символизм, акмеизмдир.

ОБЕРИУ (реал санъат уюшимаси). *Бу адабиёт- театр гурӯҳи бўлиб, Ленинградда 1927-1930 йилларда фаолият юритган. Унинг вакиллари: К. Вагинов, А. Введенский, Даниил Хармс, Н. Забоцкий, И. Бехтерев, Ю. Владимиров, Б. Левин. Улар ўзларини чинорлар деб атар эдилар.*

ОБЕРИУ – символизм, футуризм, акмеизм кабилар билан биргаликда “кумуши аср” деб аталмиш рус поэтик мактабининг охирги бетакрор, буюк мактабларидан биридир. Улар поэтик сўз устида ишлаганларида, ўз ўқитувчиларидан ўзиди кетдилар ва Францияда ҳали вужудга келмаган, сўнгра 40 йил давомида фаолият юритган Европа абсурд театрининг драматургларини ҳам лол қолдирдилар. Уларнинг тақдирни фожиали тугайди. Уларнинг асарларини тан олишмайди ва номаълумлигича қолади. Фақат 1960 йилларда Фарбда 1980 йилларнинг охирда Россияда қайта қуриш даврида нашр қила бошлишиди.

ОБЕРИУнинг иккита манбаси бор эди. Улар: В.Хлебников ва XX асрнинг иккинчи ярми рус хонадони поэзияси намояндалари Козьма Прутков ва А.К. Толстой бўлиб, улар сўзниң фонетик жиҳати билан эмас, поэтик тилнинг мазмуни ва прагматикаси билан шугулландилар. Шунингдек, улар болалар журнали билан ҳамкорлик қилишарди ва болаларнинг санаи шеърларини (считалочки) ва нескладушки ва қора юморлар, рус диний руҳоният маданияти асарлари уларнинг обьекти эди. **ОБЕРИУ**ни билмаганлар юқоридаги асарларни тушуна олмасдилар. Таъбир жоиз бўлса, уларни рус фалсафий поэзияси деб атаси мумкин.

ОБЕРИУларни соглом фикрни чидай олмаслик ва “реализм” билан фаол қураш олиб бориши бирлаштираси эди. Уларнинг фикрича, инсон тилида биз билмаган ва тасаввур қилмаган шакллар кўп. Улар янги шакллардир ва ҳақиқий санъатдир. Шунинг ўзи тилдан тушуниши, муомала қилиши ва таъсир қилиши воситаси сифатида тўлақонли фойдаланишига имкон беради.

Рус формализми. XX асрнинг бошларида рус формалистлари адабиётнинг адабийлигига, яъни адабий асар яратилишида, поэтик тилни ўрганишига, тажрибадан четланишига эътиборларини қаратишлари кераклиги ҳақида бонг урдилар. Муаллифнинг эътиборларини стилистик усулларга қаратар эканлар, формалистлар таъкидладиларки, сўз – “адабиётнинг ягона қахрамонидир”. Биз муалиф нима деяпти?- дейши ўрнига бу ерда нима бўляпти?- деймиз.

Формалистларнинг учта иштирокчиси: Роман Якобсон, Борис Эйхенбаум, Виктор Шкловскийлар адабиётшуносликни шакл ва ёзувчи техникасига йўналтирдилар.

“Четлатиши” формалистлар томонидан киритилган термин. В.Шкловский ўзининг “Санъат усул сифатида” мақоласида четлатиши усулини “предметни ўзгача қабул қилишини яратиши, уни “таниши” эмас, “кўра олиши” сифатида деб таърифлайди.

Бундай ўзгача қабул қилиши бадиий асарни “шаклни қийинлаштириши” билан яратилади. Бундай ҳолатда нарса ўз номи билан аталмайди, балки биринчи марта кўраётгандай тасвирланади. В.Шкловский четлатишига мисол сифатида опера спектакли “Уруши ва тинчлик”даги тасвирлашни келтиради.(Қаранг: В. Шкловский. О теории прозы. М., 1983. С. 100).

Янги танқид. Бу ҳодиса АҚШ да 1930-1940 йилларда пайдо бўлган. Худди шу вақтда Англияда И.А.Ричардс ва Уилям Эмисонларнинг “Янги танқид” (“Новые критики”) китоби ҳам яратилган эди. Бу китобда адабий асарларнинг яхлитлиги ёки интеграциясига эътиборни қаратдилар. Бу йўналиши тарафдорлари шеърларни эстетик обьект сифатида қарайдилар. Улар муаллифларнинг ҳаётий вазиятини, тарихий шароитнинг моҳиятига кириш ўрнига шеър хусусиятларини тадқиқ қиласидилар, маънонинг келиб чиқиши жараёнини таҳдил қиласидилар. **Янги танқидчилар:** Клинт Брукс, Джон Кроу Рэнсом, У. К. Уимсэтт алоҳида ёзувчиларнинг асарларини ўрганишини ўз олдига мақсад қилиб олдилар. “Янги танқид”чилар эътиборларини иккимаънолилик, парадокслар, Ирония, коннотация каби масалаларга қаратиб, ҳар бир элементнинг поэтик шаклга қўшган ҳиссасини аниқлашга ҳаракат қиласидилар.

“Янги танқид” эътиборли ўқиши техникасининг бир қўриниши сифатида фикрлайдилар.

Улар танқидий фаолият баҳосини шу билан белгилайдиларки, бу фаолият у ёки бу асарга қанчалик чуқур интерпретация бера олиши билан баҳоланади.

Структурализм. Бу йўналиши адабиётшуносликда 1960 йилларнинг охри ва 1970 йилларда мавжуд бўлган. У бир томондан, Ф.де Соссюрнинг классик структурал лингвистикаси таълимотидан, иккинчи томондан 1920 йиллардаги рус формал мактабидан методологик асос қилиб олган. Структурализм термини, дастлаб, Францияда ишлатилган. Адабиётшунослик нимаси биландир маъно масалалари билан

шугулланувчи структурализмга ўхшайди. Аммо структурализм феноменологияга қарама-қарши ҳолатда вужудга келган. Унинг мақсади тажрибани тасвирлаш эмас, ҳар бир ҳодисанинг яшашига имкон берадиган чукур тузилишига хос жиҳатларни излашдир. Онгнинг феномонологик тасвирини структурализм онгга боғлиқ бўлмаган онгиз фаолият кўрсатадиган тузилмаларга алмаштириди. Булар: тил маънени яратувчи ва руҳият, жамият структурасидир. Структуралистларни маъно ифодалаши усуллари қизиқтиради экан, улар кўпинча китобхонни ташувчи ва маънонинг яшаши учун чукур кодларнинг жойлашадиган жойи сифатида қарашади(Ролан Барт).

Адабиётшуносликда структурализм адабий асарларнинг яшаши шароитини таъминловчи конвенция сифатида ўрганади. Унинг вазифасига у ёки бу асарнинг асар интерпретациясини яратиш кирмайди, балки асар қандай қилиб мазмунга эга бўлади ва бадиийлик касб этади. Аммо улар бу лойиҳани таббиқ қилишига – адабий дискурсни тизимли тарзда тасвирлашга улгуришмади.

Структурализмнинг таъсири адабиёт ҳақида янги тасаввурларни тарқатишдан иборат бўлди. Буюк Британия ва АҚШ да энг таъсирли йўналишилардан бири бўлди. Адабий асарни симптоматик ўқишига йўл очди.

Постструктурализм структурализм йўналиш ёки мактаб дараҷасига эга бўлгач, унинг назариётчилари ундан узоқлашидилар. Маълум бўлдики, ёлғон структуралистларнинг гоялари ҳақиқий структуралистларнинг гояларига тўғри келмай қолди. Лакан, Барт, Фуко постструктуралистлар деб аталдилар, чунки улар структурализм доирасидан чиқдилар. Улар ўз асарларида матн маъносининг адабиёт шарт-шароитидан чиққач, яъни тизимли структур таҳлил жараёнида нақадар ўзгариб кетишини тасвирлаб бердилар.

Янги босқичда улар барча маъноларни тўлигича ва яхлитлигича аниқлаб бўлмаслигини тан олдилар, чунки контекстга кўра маъно доим ўзгариб туради.

Постструктурализм структурализмнинг хатоларини кўрсатмайди. У ҳамма нарсага муаммоли материяга қарагандек муносабатда бўладилар. Маънолар структураси холис англаш объекти каби субъектдан ташқарида мавжуд бўла олмайди, улар субъектни вужудга келтирган кучлар билан чамбарчас боғлиқ бўлган субъектлар учунгина структура бўлиб хизмат қиласди. (135-150 б)

Деконструктивизм. Бу йўналиши гарбий фалсафий фикр: ички-ташқи, қалб-тана, нутқ-хат, қатнашиш- келмаслик, табиат-маданият, шакл-мазмун каби иерархик оппозициянинг танқиди сифатида пайдо бўлган. Унинг ёрқин вакили Жак Дерридадир. Оппозицияни деконструкция қилиши демак оппозиция табиий ва зарурӣ нарса эмас у фақат дискурс натижасида пайдо бўлган конструкциядир. Бу конструкция деконструкция учун, яъни у оппозицияни бузиш ва уни

қайтадан ёзиш учун ишлайди. Бу дегани, уни бузиш учун эмас, балки унга янги структура бериши учундир.

Ўқиши усули сифатида деконструкция, Барбary Джонсон айтганидек, –“ бу матн ичидаги ҳаракатланувчи кучни намоён этишидир, яъни тилнинг перформатив ва қайд қилувчи аспектлари ўртасидаги қарама-қаршиликни тадқиқ қилиши демакдир.

Феминистик назария.

Феминизм – постструктурализмнинг бир варианти бўлиб, унинг вазифаси “эркак –аёл” ва бошқа оппозицияларни бузиш деб ҳисоблайди. Аммо бу феминизмнинг фақат бир томонидир. У бу соҳадаги ягона бир мактаб эмас, балки ижтимоий ва интеллектуал ҳаракатдир ва муҳокама майдонидир. **Феминизм назариётчилари** аёллар ҳақ-хукуқини ҳимоя қиласидилар ва аёллар яратган матнларни уларнинг ҳаётий тажрибаси сифатида қўллаб- қувватлайдилар. Танқидчилар Британия ва Америкадаги ҳаракатни “Француз феминизми” деб атайдилар. Бунда аёл радикал куч сифатида намоён бўлади. **Феминизм вакиллари:** Жаклин Роуз⁴, Мэри Якобус⁵ ва Кая Силверман. Уларнинг фикрича, ижтимоий талабларни бизнинг ички тажрибамизнинг бир қисми сифатида қийинчиликларни психоаналитик жиҳатдан таҳлил қилинса, аёллар томонидан енгиб бориладиган тўсиқлар ва қийинчиликларни одамлар тушуниши мумкин. **Феминизм** ўзининг кўпгина вариантлари билан АҚШ ва Буюк Британияда адабиётни ўқитишини ўзгартишига сабаб бўлди ва адабиёт макони кенгайтирилди, дастурга эса янги материаллар киритилди.

Психоанализ. *Бу назария адабиётшуносликка интерпретация усули сифатида, тил назарияси ва идентивлик(ўхшашик) ва субъект сифатида таъсир қилган. У бир томондан, замонавий герменевтиканинг ніҳоятда таъсирли оқими, яъни нуфузли метатил ёки адабий асарнинг таҳлилида ишлатиладиган терминлар лугати, шунингдек, ҳаётий вазиятларда ҳам “ўзи нима бўляпти”ни тушуниши учун қўлланади. Бу нарса психоаналитик мавзуларга ва гояларга зийрак бўлган адабиётшуносликнинг яратилишига олиб келади. Бошқа томондан, замонавий психоанализга Жак Лакан асарлари жуда кучли таъсир кўрсатди. У анъанавий психоанализ билан алоқасини узиб, ўзининг шахсий мустақил мактабини ташкил этди. Бу мактабнинг номи “Фрейдга қайтиш” деб номланади.*

Психоанализ Лакан учун онгсизликни вербализациялаш усули бўлиб, бу онгсизлик худди тилга ўхшаб тузилган бўлади. У Фрейд томонидан очилган трансференцияни, яъни пациент онгсизлгининг (ўтказилишини) тушунтириб беришига ҳаракат қиласидир. Пациент психоаналитикнинг унга бефарқ бўлмаганини айтади. Бу эса кўпгина пациентларнинг

психоаналитикни севиб қолишига олиб келади. Бундай ҳолатда пациент ҳолати интерпретация орқали очиб беради⁴⁶.

Мавзу юзасидан савол ва топшириклар.

- 1.Бадиий метод деганда нимани тушунасиз?
- 2.Адабий йўналиш принциплари ва унинг ўз ичига қандай масалаларни қамраб олишини гапириб беринг.адабий йўналиш билан адабий оқимнинг қандай фарқи бор?
- 3.Романтизм ижодий методи қандай тасвирлаш принципига асосланади? Қандай романтик образларни биласиз?
- 4.Реализмнинг ўзига хос хусусиятлари ва принципларини гапириб беринг. Реализм ва танқидий реализм бир-биридан нима билан фарқ қилади?
- 5.Бугунги ўзбек ва жаҳон адабиётида қандай янги асарлар яратилди ва уларда қандай муаммолар кўтарилиб чиқмоқда?
- 6.Модеренизм - қандай адабий оқим ва унинг ўзбек адабиётидаги кўринишлари ҳақида нималарни биласиз?
- 7.Жаҳон адабиётидан ўзбек адабиётига қилинган таржималар ва ундаги муаммолар.
- 8.Нима учун адабиётшунослик мактаблари яратилган?
- 9.“Неомифологик онг”нинг моҳияти нимада?
10. Авангард санъат хусусияти қайсилар ?
- 11.Оммавий маданият ҳақида нималарни биласиз?
- 12.Формал мактабнинг адабиётшунослик тараққиётига қўшган ҳиссаси қайси?
- 13.Структурализм мактаби фаолиятига хос хусусиятлар нималарда намоён бўлади?

Асосий дарслерлар ва ўкув қўлланмалар

1. Ж.Коллер .Адабиёт назарияси ва қисқача адабиётшуносликка кириш. – ОУП: Буюк Британия. 2011
2. Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари.-Т.: “Ўзбекистон” 2002.
3. Умурев Х. Адабиётшунослик назарияси.-Т.: “Ўқитувчи”, 2004.
4. Улуғов А. Адабиётшуносликка кириш . “Университет”. 2005

Кўшимча адабиётлар

1. Арасту. Поэтика. Ахлоқи кабир-Т.: “Янги аср авлоди”, 2004
2. Султонов И. Адабиёт назарияси.-Т.: “Ўқитувчи”, 2005.
3. Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. - Т.: “Зарқалам”, 2006.
4. Қурунов Д., Раҳмонов Б. Фарб адабий-танқидий тафаккури тарихи очерклари. – Тошкент: “Фан”, 2008.
5. Қурунов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик лугати. – Тошкент: “Akademnashr”, 2010.
6. Хализев В. Е. Теория литературы. Учебник.-М.: “Высшая школа”, 1999

Интернет ресурслари

⁴⁶Ж.Коллер .Адабиёт назарияси ва қисқача адабиётшуносликка кириш. – ОУП: Буюк Британия. 2011 –8- боб. “Адабий мактаблар” 84-96-бетлар.

1. www.pedagog.uz
2. www.ziyonet.uz
3. www.ijod.uz
4. www.ziyouz.com

11 - МАВЗУ. БАДИЙ АСАР ТАҲЛИЛИ ВА АДАБИЙ ЖАРАЁН

РЕЖА:

1. Таҳлил тамойиллари тушунчаси ва унинг моҳияти.
2. Бадий таҳлил тамойилларининг илмий-назарий асослари ва *бадий компетенция имплицит билимга асосланиши*.
3. Таҳлил турлари ва унинг тамойилларга муносабати.
- 4. Таҳлил ва талқин. Поэзияда интерпретация**
- 5.Хозирги адабий жараён
- 6.Бугунги кун шеъриятига бир назар.
- 7.Замонавий наср тараққиёти.**
- 8.Хозирги ўзбек драматургияси ва адабий танқиди.
- 9.Асарнинг маъноси. Мазмун ва маъно табиати.**

Таянч тушунчалар: “Тамойил”, “таҳлил тамойиллари”, “тугал таҳлилнинг бўлиши мумкин эмаслиги”, “хар қандай таҳлилнинг шахсий мулоҳазадан иборат эканлиги”, “бадий асарнинг гоя ифодалаш воситаси эмаслиги”, “бадий асар борликнинг нусхаси эмаслиги”, “эстетик асосларга таяниши зарурлиги”, “таҳлил ва тамойил”. Ижод-ҳаёт, санъат қоидалари, жараён. Асар тили, халқчиллик. Шарқ адабиёти, адабий таъсир “Назира” ҳодисаси. Нормативлик, “догматизм” Шеърий тизм. Драматизм.

Маъруза матни

1.1. Таҳлил тамойиллари тушунчаси ва унинг моҳияти.

Асарни нафосат талабларига мувофик тарзда бадий таҳлил этиш учун



риоя килиниши шарт бўлган муайян талаблар тизими мавжудки, уларга буйсунмаслик мумкин эмас. Тамойил тушунчаси бирор фаолиятнинг амалга оширилиши учун шарт бўлган қоида ва талабларни ўз ичига олади. Таҳлилга

кўйиладиган биринчи талаб-бу мукаммал, тугал таҳлилнинг бўлиши мумкин эмаслигидир. Санъат ҳодисасига хос хусусиятларни мантиқ категориялари ва тафаккур тушунчалари қолипига тўлиқ, тугал ва бешикаст ағдариш мумкин эмас. Мантиқий категорияларга тўлиқ ағдариш, барча жиҳатларини беистисно тугал тушунириш мумкин бўлган ҳодиса-санъат ҳодисаси эмас. Санъат феномени мантиқий тушунчаларга сифмаган жойдан бошланади. Бинобарин, энг зур тадқикотчи ҳам асл ижод намунасини тўлиқ ўзгача

талкинга ўрин колдирмайдиган тарзда таҳлил килолмайди. Чўлпоннинг "Гўзал", "Бинафша", "Сирлар", Рауф Парфининг "Ёшлик зангор фасл", "Хато қилдим", "Ёмғир тинмади", "Дарё мавжлариға ёзилмиш газал", Абдулла Ориповнинг "Ўйларим", "Генетика", "Денгизга", "Баҳор", "Саратон", "Онажон" ва ҳоказо асарларини охиригача ҳаммани қониқтирадиган тарзда изохлаб, тушунтириб бериб бўлмайди. Уларни мантиқ илмининг тор ва хиссиз қолипларига тушириш-имконсиз. Акл билан изоҳлаш мушқул бўлгани учун ҳам бадиий адабиёт яратилади. Чинакам бадиий матн ўз умри билан яшайди. У матнни идрок этган авлоднинг савияси, диди, интеллектуал даражасига мувофик равишда турли даврларда турлича кабул этилади. Хатто баъзан бир асарнинг ўзи бир одам томонидан кайфиятининг қандайлигига караб ҳар хил идрок этилиши мумкинки, асл бадиий матннинг хусусияти шундан иборатдир. Турли даврларда идрок этилган айни матн турлича талкинини топаверади ва бу табиий холдир. Демак, бадиий матннинг таҳлили хеч качон тугалланмайди.

Бадиий асар таҳлилига қуйиладиган иккинчи бир талаб-бу ҳар қандай таҳлилнинг шахсий мулоҳаза характеристида бўлиши ва у хеч качон мутлак ҳакикатлик даъвосини килиши мумкин эмаслигидир. Таҳлилчи канчалик билимдон, талантли, тажрибали ва моҳир бўлишига карамай, унинг фикрлари ҳамиша ҳам фақат шахсий мулоҳаза, субъектив караш макомида бўлади. Илмий ҳакикатлар ҳакида бундай дейиш мумкин эмас. Ҳар бир ўқувчи, китобхон, мутахассис ҳар қандай асарни ўзича укийди, ўзича тушунади, ўзича таъсирланади, ўзича хис этади. Демакки, ўзича хулоса чикаради. Бир асарни укиган қупчилик кишилар уртасида ўзаро ўхшаш, бир-бирига тўғри келувчи фикрлар бўлиш мумкин бўлгани сингари, мутлако бир-бирига тўғри келмайдиган карашлар бўлиши ҳам мумкин ва бу табиий хол хисобланиши керак.

1.2. Бадиий таҳлил тамойилларининг илмий-назарий асослари ва бадиий компетенция имплицит билимга асосланиши.

Асарнинг маъноси фақат муаллиф нима демоқчи эканлиги билан белгиланмайди. Бу матн характеристикаси ёки китобхон тажрибаси ҳам эмас. Бу бизни матндан олган субъектив тушунчамиз ёки нимани оча билишимиз ҳам демакдир. Мазмун ва маъно табиати шу боис ҳам кенг ва ранг-барангдир. Шунинг учун ҳам айнан бир асарга турлича ёндашиш ва талқин қилиши мумкин⁴⁷

Бадиий асарлар таҳлилида амал килиниши зарур талаблардан яна бири санъат ходисаларига борлиқнинг нусхаси тарзида муносабатда бўлишнинг мумкин эмаслигидир. Санъат асарини вокелик билан, реал борлик билан солишириб баҳолаш, ундан хаётнинг бадиий нусхаси тарзида муносабатда бўлишининг мумкин емаслигидир. Санъат асарини вокелик билан, реал борлик билан солишириб баҳолаш. Ундан хаётнинг бадиий нусхаси бўлишни талаб килиш "мимесис" назариясига бориб такалади. Санъат ходисасини

⁴⁷Ж.Коллер .Адабиёт назарияси ва қисқача адабиётшуносликка кириш. – ОУП: Буюк Британия. 2011 –32-33-бетлар.

ижодкорнинг табиатга ёки ижтимоий хаётга таклидидан иборат деб тушуниш тадқикотчидан ёки ижтимоий хаётга таклидидан иборат деб тушуниш тадқикотчидан харқандай асарга унинг вокеликка мос келиши ёхуд келмаслиги нуктаи назаридан ёндашишни такозо этади. Буюк мутафаккир, мимесиснинг асосчиси Аристотель яшаган замонлардаёк санъат ходисаларининг хаётга ҳамиша ҳам мувофик келавермаслиги кўзатилган ва буни алломанинг ўзи ҳам Софокл ва Эврипид трагедияларини киёслаш муносабати билан айтиб утган. Бадий адабиёт инсоннинг ички туйғуларини, нозик сезимларини, сўзга буй бермайдиган руҳий холатларини ифодалаш воситаси эканлиги кўзда тутилгандагина таҳлил соглом мантиқка мувофик амалга оширилиши мумкин. Негаки, бадий мантиқ ҳамиша ҳам хаёт мантигига мувофик келавермайди. Баъзан бадий тасвир хаёт ходисасига караганда теранрок, аҳамиятлироқ, салмоклироқ, бўлиши ҳам мумкин. Чунки бадий асар тартибсиз, хаотик кўринишдаги хаёт вокелигидан яхлит ва ички интизомга буйсунувчи, катъий бадий мантиқка биноан харакатланувчи эстетик вокелик яратиш натижасида вужудга келади. Бу ҳақда норвегиялик модернчи адаб ва адабиётшунос Э.Ховардсхолм: "Поэзия реал борликнинг таклиди ҳам ёки унинг қандайдир талкини ҳам эмас. Поэзия ўз холича ортиқ даражадаги реалликдир ". Шунинг учун ҳам бадий асарга ёндашилганда, унинг реал хаёт манзарасини курсата билишини мезон килиб иш куриш максадга мувофик бўлмайди. Айникса, лирик ёхуд сатирик асарлар талкинида бадий ижоднинг хаёт хакикати тарзида кабул килиниши асарларининг жозибасини ҳам, таъсир кучини ҳам мутлако юкка чиқариши мумкин. Бадий асарга юқорида айтилган талабларга амал килган холда ёндашилгандагина тўғри таҳлил юзага келиши ваунинг миллий тафаккур ҳамда руҳият тараккиётида бир кадар самараси бўлиши мумкин. Бадий таҳлилнинг энг муҳим тамойилларидан яна бири яхлитликдир. Яхлитлик талаби, аввало, ўрганиладиган бадий асарга зуронвонлик билан кисмларга ажратиб ташлаш мумкин бўлмаганестетик бутунлик тарзида ёндашишни

такозо килади.
Дарҳакикат, асл санъат яхлитликдан иборатдир.

1.3. Таҳлил турлари ва унинг тамойилларга муносабати.

Санъат асарининг бутунлигига дахл килинмагандагина унинг моҳиятини англаш мумкин. Бунинг устига, таҳлил ёрдамида баркамол шахс



маънавиятини шакллантириш ҳам кўзда тутилар экан шахсни ҳам факатгина яхлит холда шакллантириш мумкинлигини хисобга олиш зарур бўлади.

Чунки инсонга аввал аклий, сунг ахлокий, сўнгра жисмоний, ундан кейин меҳнат, ундан сунг ватанга мухаббат. Улардан кейин инсонпарварлик ва хакозо тарзидаги сифатларни сингдириб бўлмайди. Инсон ё турли омиллар таъсирида бир катор маънавий фазилатлар мажмуига эга яхлит бир катор маънавий фазилатлар мажмуига эга яхлит бир шахс сифатида шаклланади ёхуд хеч качон тула маънодаги шахсга айланолмай колаверади. Эзгу инсоний фазилатларнинг бири иккинчисини, албатта, такозо килади, бири бошкасидан келиб чикади. Агар бадий асарга мўжизавий бир бутунлик тарзида ёндашилмайдиган бўлса, унинг сиру жозибаси бир зумда юкка чикади ва адабий асар ўзига хос таъсир кудратидан тамомила маҳрум бўлади. Тахлил килинаётган асарнинг барча жихатига бирваракайига синчковлик билан ёндаша билиш ваунинг ўзвларидағи жозибани кашф этишга эътибор каратиш таҳлилнинг муваффақиятини таъминлайдиган омилдир. Бадий таҳлилда амал килиниши зарур бўлган тамойиллардан яна бири системаликнидир. Тизимлилик принсипи яхлитлик тамойилининг мантиқий давоми бўлиб, бадий асарни ташкил этган компонентларнинг муайян тизими кўринишга егалигини кўзда тутади ва таҳлилда шу холат хисобга олинишини талаб килади. Асл санъат асарида бири иккинчисига боғлик бўлмаган бирор бадий унсур учрамайди.

Бадий компетенция имплицит билимга асосланади. Бунда муаллифнинг матнга ёндашуви ва китобхоннинг асарга реакцияси эътиборга олинади. Китобхоннинг матнга эътибори ва талқини қайси тасаввурлардан келиб чиқади? Китобхонни адабиётни англаш йўллари нимадан иборат? Бу саволларнинг барчаси «китобхон реакцияси адабиётшунослиги»ни вужудга келтирди⁴⁸ (reader-response criticism)

Кучим, портрет, ўхшатиш, пейзаж, муболага, кичрайтириш сингари катор тасвир воситалари бир асарда тасодифий равища йигилиб колмайди. Уларнинг шу асарда, айни шу тартибда гурухлашувининг ички мантиқий қонунияти мавжудки, таҳлил мобайнида айни шу қонуният очилиши керак. Шунинг учун ҳам таҳлилни уюштиришга тутинган мутахассис системаликка амал килиши жоиз. Тизимлилик тамойили бадий асар унсурларига эстетик зарурият, сабабий алокадорлик силсиласи кўзда тутади. "Уғри" хикоясидаги амин портрети асар умумий организмидан ўзилган холда, шунчаки персонажнинг қандай киёфали эканини билдириб куйиш учунгина берилмаганлиги, балки айни шу берилмаганлиги, балки айни шу портрет тасвири асар яхлитлиги, сюжет ривожи табиийлигини таъминловчи асосий омиллардан бири эканлиги таҳлилловчилар назаридан кочирилмаслиги зарурдир. Зоро, бу портрет тасвирисиз амин ва Қобил бобо муносабати тушунарли бўлмас эди. Бадий асар таҳлилида ҳамиша суюниладиган тамойиллардан бири тарихийликнидир. Гарчи бадий асарга тарихнинг иллюстрацияси ёхуд унинг шунчаки эстетик инъкоси деб караш тўғри бўлмаса-да, хар қандай адабий асарнинг муайян замонда, муайян тарихий шароитда, конкрет вақтда яшаб утган одам томонидан

⁴⁸ Ж. Коллер .Адабиёт назарияси ва қисқача адабиётшуносликка кириш. – ОУП: Буюк Британия. 2011

яратилганлигини ва унда акс эттирилган воқеаларгина эмас, балки рухий холат манзараларида ҳам ўша тарихий даврнинг тамгаси борлиги тан олинади. Таҳлилга тортилган хар қандай бадиий асарнинг яратилган даврини ва имкони бўлса, унинг яратилишига туртки бўлган асосий сабабни билмай туриб, асарни чукур ўрганиш ва ҳакконий хуносага келишнинг имкони юк. Органилаётган асарга тарихийлик нуктаи назаридан ёндашилмаса, қаҳрамонлар рухий холатини ҳам, уларни фаолиятга унданаган сабабларни ҳам тушунмаслик мумкин. Замонавий ўзбек адиларининг аксар асарларига тарихийлик тамойилига таянмай туриб, факат эстетик мезонлар билан ёндашишнинг ўзи таҳлилчини максадга олиб келмаслиги мумкин. Чунки агар мумтозадабиётнинг асл намуналари яратилишиданок соф санъат асари тарзида дунёга келган ва санъаткор аждодларимиз учун бадиий шакл устувор макомда тўрган бўлса, замонавий ижодкорлар учун ўзгача холат хосдир. Оламни эстетик идрок этишда туркона ўзига хосликни, маълум даражада бўзиб Глобал тасвир йўналишида кетаётган ўзбек адабиётининг бугунги намояндлари томонидан яратилган деярли барча асарлар бирор хаётий туртки туфайли вужудга келганва ўша тарихий шароит хисобга олинмаса, асарни тўғри тушуниш ҳамда тушунтириш имконсиз. Чунончи, Гафур Гуломнинг "Сен етим эмассан", Э.Вохидовнинг "Нидо", "Рухлар исёни", Рауф Парфининг "Абдуллажон марсияси", "Чўлпон", "Она Туркистон", О.Матчоннинг "Курдим Шукур Бурхон", "Қайси йил кўкламда Жайхун буйида", "Енг сўнгги хазина" сингари асарларини таҳлиллашда тарихийлик тамойилига таянмай туриб самарага эришиб бўлмайди. Адабий асарни таҳлил килишнинг муҳим принциplerидан бири эстетик асосларнинг устуворлиги тамойилидир. Герменевтик амалиётда бадиий таҳлилнинг максади нималиги ҳамиша ҳам тўғри белгилаб олинавермаганлиги учун эстетик асосларнинг устуворлиги тамойилига кўпинча амал килинмайди. Бадиий асар инсон руҳияти манзараси бўлгани боис ўқувчиларни энг кабарик, энг таъсирчан туйғулар тасвири билан йўзма-йўз килади. Шу тариқа китобхонлар ўзга одамларнинг руҳиятига ошно этиладилар. Кўпинча одамлар ўз руҳиятини англай олмай йўрган бир пайтда китобхонлар ўзгаларнинг кечинмаларини хис этишга одатланишади. Натижада, кишининг туйғулари уткирлашади, фикри теранлашади, кечинмалари нозиклашади. Таҳлилда эстетик асослар устувор бўлсагина, ўқувчиларнинг калб кўзи очилади ва улар туйғусизликдан, хиссизликдан кутуладилар. Бадиий асарни ўрганиш асносида юракдаги бепаворлик иллати солган занглар, кутирлардан тозаланиш инсон маънавияти учун зур саодатdir. Маълумки, текшириладиган асарнинг бадиий жозибаси асар сиртгинасида манаман деб турмайди. Асаддаги нафосатни, зарифликни англаш учун унинг бадиий катламларини кашф этиш зарур. Бунинг учун муайян адабий билимлар мажмуидан ташкари эстетик фаросат ва гўзалликни кидира билиш малакаси ҳам шаклланган бўлиши керак. Яширинган гўзалликни топиш осонмас. Яширинмаган бўлса, гўзаллик хисобланмайди. Юзада турмайдиган, ижодкор томонидан "шифрланган" бадиий маънони топиш адабнинг эстетик идеалини, тасвирлаш маҳоратини пайқаган мутахассисгагина насиб этади.

Эстетик таҳлилга тортилмаган бадий асар тест саволларига ўхшаш номаълумлиқдир. Бу номаълумликни очадиган мантиқий-естетик калит мавжуд. Бадий таҳлил айни шу калит вазифасини бажаради. Бадий таҳлилни эстетик асослар устуворлигига утказиш нозик сезимларни илгашга калит топиш демакдир. Таҳлилда эстетик асосларга етарли эътибор бермаслик ўрганилаётган асарни фақат мантиқий силлогизмлардангина иборат килиб күяди. Таҳлилга бу хилда ёндашиш асл санъат асарларини йўққа чикириши мумкин. Хазрати Навоийнинг "Лолазор эрмаски, охимдин жаҳонга тушти ут, Юк шафакким, бир кирокдин осмонга тушди ут" матлаъси билан бошланадиган ғазали фақат мантиқий тушунчалар асосида таҳлил килинса, киши бу асардан айтарли гўзаллик ҳам, чукур фалсафий маъно ҳам топа олмайди. Бу асарга эстетик бутунлик ва юксак рухий холат ифодаси тарзида ёндашилганда гина унинг жозибасинихис этиш мумкин бўлади. Кипкизил бўлиб очилган чексиз-чегарасиз лолазоркуйнида тўрган, калби гўзалликка ташна лирик каҳрамон маъшукасига етолмай шунчалар күядики, ичи оловга тулиб кетган. Унинг назарида бепоён, уфкларга қадар туташиб кетган кизиллик лолазор эмас, балки маъшука фирогидан куйган ғамбода ошиқнинг охидан дунёни тутиб кетган олов, Лолазор бориб туташган уфк тепасидаги қизиллик ҳам шафақ нури эмас, балки ошиқнинг охидан чиккан олов ерни ёндириб бўлиб, ер осмон билан туташган жойдан кукка туташиб ва эндиосмон ҳам бир чеккасидан ёниб келмоқда. Шу хилдаги изохгина асарнинг жозибасини очишга хизмат килади. Таҳлилга эстетик тамойил асос килиб олинганда муаллиф томонидан яратилган образли эстетик реалликка кириш, бадий вокеликнинг ички қонуниятларини кашф этиш мумкин. Хар қандай ижодкор аслида ёзганларини купчилик тушунишини, хис етишини истайди. Бунинг учун адабни омма даражасига тушуриш эмас, балки оммани ижодкор даражасига кутариш талаб килинади. Бадиият бағридаги яширин гўзалликни сезмаслик кишининг нафақат нафосат ва маънавият нуктаи назаридан, балки аклий тараккиёт жихатидан ҳам камолот боскичидаги эмаслигини курсатади. Бадий таҳлилни амалга оширишда эмоционаллик тамойили ҳам катта ўрин тутади. Бадий асарнинг ўзи хиссиётга асосланган ходиса. Демак, бадий таҳлилда хиссиётни кўзда тутиш мухим. Таҳлилда хиссиёт хисобга олинмайдиган бўлса, бадий асарнинг эстетик ўзига хослиги йўққа чикади. Таҳлил шундай уюштирилиши керакки, асар бадий ва хаётини мантиги ҳамда эстетик жозибасини очишга каратилган хар бир тадбир кишининг туйғулари оламига даҳл килсин, уларда муайян хиссиётлар уйғоцин. Хиссийлик тамойили зўракиликни, ясамаликни, сунъийликни кўттармайди. У кишини таҳлил килинаётган асарнинг бадий катламларига олиб кириш, каҳрамонлар ва муаллиф холатига тушириш, уларнинг кайғу ва кувончларини хис этдириш демакдир. Афсуски, таҳлил тажрибасида эмоционаллик тамойилига ҳамиша ҳам амал килинмайди. Таҳлилда эмоционаллик тамойилига амал қилинмагач, бадий асар матни эмас, балки у ҳақдаги хулоса мухим бўлиб колади. Бадий матнисиз бадий таҳлил юзага келади.

1.4. Таҳлил ва талқин. Пoэзияда интерпретация

Таҳлил ва талқин, албатта, маълум адабий қонуниятларга бўйсунади. Масалан, лирика бирлик ва автономлик тамойилига асосланади Шеърни талқин қила туриб, уни фрагмент ёки сухбатнинг бир бўлаги деб тушуниш тўғри эмас. Шеъриятни ўзига хос қурилиши тизими бор ва уни эстетик тугал бутунлик сифатида ўқиб, уқиши керак. Шу маънода поэтика хар хил назарий моделларни таклиф қилиши мумкин.

Романтиклар ва Америкадаги “янги танқид” тарафдорлари шеърлар ва тирик мавжудотлар орасидаги ўхшашикка асосланиб фикр билдиради Унга кўра шеърнинг ҳамма қисмлари бир бири билан уйгунликда бўлиши керак.

Постструктуралистларнинг таъкидлашича, поэзиядаги айтилажак фикр билан унинг таъсир қилиши орасида енгид бўлмас қаршилик мавжуд. Поэтик матнлар замонавий тасаввурда интертекстуал структура хисобланади, бу жиҳатдан уларни олдинги шеърларнинг эхоси - акс садоси дейши мумкин. Бирлик нафақат шеърнинг бевосита шарти, балки уйгунлик ёки конфликт қидиришидан қатъий назар, талқин қилувчининг интенциясига айланади. Бундай ҳолатда китобхон шеърда оппозициялар системасини кўради (“сир ва биз”, “билиш ва башорат” оппозициялари) ва бу оппозицияда стилистик фигураларнинг акс этиши дараҷаси ҳақида фикр юритади. Масалан: Эзры Паунднинг икки мисрадан иборат машҳур «Метро бекатида» шеърини олайлик:

Нигоҳлар тўдад

Япроқлар қора шоҳбаргда.


Бу ўринда талқин табиат ва метродаги одамларнинг ўхшашик асосидаги таққосланиши тамойилига асосланади. Ер тагида, метродаги одамлар ва дараҳтнинг қора шоҳларидаги барглар. Бу каби таққосланиши маънони чуқурлашириди, ечимга ишора беради. Бундан ташқари бу параллелизмга ҳам мисол бўла олади⁴⁹.

Шунингдек, адабиётшуносликда етакчи ва туб маъно тушунчалари ҳам борки, асарнинг бошланиши ва тугаш қисмидаги оралиқ масофа жуда катта эканлиги ҳақида барчамизга маълумот беради.

Остин учун ижеровийлик тушунчаси олдинги файласуфлар эътибор қаратган тилнинг маълум бир кўринишларини тушунишимизга ёрдам беради; Батлэр учун, бу бир қанча масалалар устун бўлган жиҳдий ижтимоий жараёнларни тушунтириш учун модел ҳисобланади:

1. Шахснинг характеристи ва у қандай вужудга келади.

2. Ижтимоий нормаларнинг вазифаси.



⁴⁹ Ж. Коллер .Адабиёт назарияси ва қисқача адабиётшуносликка кириш. – ОУП: Буюк Британия. 2011 –41-42-бетлар.

3. Биз инглиз тилида “агентлик” деб атайдиган бугунги куннинг асосий муаммо: қачон ва қандай шароитда мен хатти-ҳаракатларимизни танлашида субъект сифатида масъул бўлишим мумкин.

4. Ижтимоий ҳаракат ва шахс ўртасидаги боғлиқлик.

Шунинг учун, Остин ва Батлэр учун етакчи маъно нима эканлиги



ўртасида катта фарқ бор. Улар жараёнга нисбатан турли томонлардан ёндашганлар. Остин битта вазиятда усулларнинг тақорланиши ниманидир содир этиши билан қизиққан. Батлэр эса маҳсус шартли тақорланишларнинг ҳолати тарихий ва ижтимоий ҳақиқатни яратишга хизмат қилишига қизиққан.

Бу фарқ ўз навбатида бизни ўзининг ижроси бўйича 2 хил усулда фикрлаш мавжуд бўлган адабий ҳодисанинг ҳарактери билан муаммога боғлиқ. Биз адабий асар якка ва

маҳсус ҳаракатни бажаради, деб айтишимиз мумкин. У ўз асарида ҳақиқатни яратади ва унинг гаплари шу асарда қандайдир ишни бажаради. Ҳар бир адабий асардаёзувчи асар қисмлари қандай вазифаларни бажаришини белгилашга ҳаракат қиласи, бошқа бир ёзувчи эса ваъда берии жараёнида қандай ваъда берилганлигини тушунтиришига ҳаракат қиласи. Бир сўз билан айтадиган бўлсак, бу Остиннинг адабий версияси ҳисобланади.

Лекин, бошқа томондан, биз энг катта тақорланишлар асосида муваффақиятга эришган, воқеликка айланган адабий асар меъёрларни ўз ичига олади ва баъзида нарсаларни ўзгартиради. Агар роман фавқулодда содир бўлса, у ҳаётга бўлган муҳаббатни, ўқиши жараёнидаги ҳаракатларни ва хотирани илҳомлантиради, роман конвенциясининг тусларини тақорлайди ва баъзида ўқувчиларни дунёга қарши чиқиши орқали меъёр ва шаклларнинг ўзгаришига таъсир кўрсатади. Шеър белгиларсиз бемалол йўқ бўлиши мумкин, лекин у хотираларда белги бўлиб қолиши мумкин ва тақорланиши жараёнини кучайшишига олиб келиши мумкин. Унинг ижроси бир марта ёки бажариладиган жараён эмас, лекин реритиция ҳаётга тақорланадиган шаклларни беради.

Мен юқорида тилга олганим ижровий тушунча бир қатор энг муҳим бўлган фикр-мулоҳазаларни беради. Келинг, уларнинг рўйхати билан танишсак:

Биринчи, қандай қилиб тил ролини шакллантириши ҳақида бош қотириши: бирон ниманинг иш бериишини ишонч билан гапириб уни маълум бир ўзига хос жараёнларда чегаралаши ёки тил бизни дунё билан юзлаштиргани каби у берган натижса билан баҳо беришга ҳаракат қиласи мавқулми?

Иккинчи, биз қандай қилиб ижтимоий конвенциялар ёки шахсий хатти- ҳаракатлар ўртасидаги боғлиқлик ҳақида фикр юритишимиш керак? Бу вақтингчалик иши бериши мумкин, аммобизнинг қандай ҳаракат қилиши қароримиз, дастлабки қаршиликлар ёки ижтимоий конвенция манзарасини қўз олдимизга келтириши учун жуда соддалик ва оддийлик қиласди. Ижровий тақдимотлар назарияси жараён ва меъёр чалкашиликларидан яхшироқ. Уларнинг қай бирнидир воқеалар ривожининг одатдаги шарт-шароилари юзасидан Остиндагиёки бўлмаса Батлэрдаги каби мажбурий реритиция жараёни натижаси ўлароқ кузатув меъёридан оғишга олиб келади. Адабиёт воқеалар ва меъёрий ижро, янгиланишларни қўллаб-қувватлади.

Учинчи, қандай қилиб бир тил бажариши, иккинчи тил сўзлаши ҳақида бир тўхтамга келиши мумкин? Ижровийликнинг энг муҳим масаласи: бажарилиши ва айтилишининг ўзаро ҳамжихатликда олиб борилиши ёки ҳамма сўзма-сўз ҳаракатларни аниқ тақозо этадиган ва мураккаблаштирадиган куч мавжудми?

Ниҳоят, қандай қилиб постмодерн даврда воқеани талқин қилиши керак? Бу Америка Кўшима Штатларида сийқаси чиққан мавзу, мисол учун, бу даврнинг оммавий ахборот воситалари телевидениядаги ҳақиқий ҳодиса бу – “тафсилотлар даври”да содир бўлаётган воқеа-ҳодисадир. Тасвир реалликка мосми ёки йўқ, боғловчи воқеа реал воқеа ҳисобланади. Ижровий тақдимлар модели қўллаб бузиб талқин этиладиган ҳақиқат ва бадиият ўртадидаги чегараларнинг ҳали тўлиқ ишлов берилмаганлиги ҳисобигадир ва адабий ҳодиса масаласи адабиёт жараён сифатида маданий воқеа ҳақида умумий фикр-мулоҳазалар модели сифатида тақдим этилади⁵⁰.

Ёзувчининг услуби кенг маънода адабий фаолият давомида шаклланган ўзига хос индивидуаллик билан бирга шу индивидуалликни таъминланган ижодий таъсирини ўз ичига олади. Ёзувчининг бадиий услуби шу маънода индивидуаллик билан ижодий таъсирининг бирлигидан иборатдир.

Ёзувчилар ижодида ғоявий-эстетик позиция жиҳатидан умумийлик бўлса ҳам, бадиий ифодада, образлар сисмавзусида, тасвир услубида индивидуаллик мавжуддир. Ойбек услубига хос хусусиятлар унинг портрет ва пейзаж чизишида, тилида яққол сезилиб туради. Масалан, П.Қодиров кўпроқ тарихий мавзу қизиқтиради, унинг “Юлдузли тунлар”, “Авлодлар довони”, каби асарларида Бобурийлар тарихи, Ҳиндистон ҳаёти воқеалари умумлаштириб акс эттирилган. “Содда, одамшаванда, қувноқ қизни Ўқтам ниҳоятда ҳурмат қилар эди” (“Олтин водийдан шабадалар”); “Яхши одам эди у. Содда, тўғри сўз, инсофли, раҳмдил одам” (“Навоий”) ва ҳоказо.

Баъзи назарий адабиётларда адабиётдан ташқаридағи бадиийлик ходисаси ҳам ёритилган. Бунда адабий ҳодисалар бошқа соҳалар учун

⁵⁰Ж.Коллер .Адабиёт назарияси ва қисқача адабиётшуносликка кириш. – ОУП: Буюк Британия. 2011 –81-83-бетлар.

*муҳимлик касб этади. Масалан тарихда табиат ҳақидағи баҳслар адабиётдаги сюжетни англаш методига асосланади*⁵¹

Ҳар бир ёзувчи ўзини қизиқтирган ҳаётій воқеаларга эътибор беради ва уларни ўзига хос тарзда акс эттиради. Бир ёзувчини синфлар, кишиларнинг кескин тўқнашуви, иккинчи ёзувчини қаҳрамоннинг ички дунёси, руҳий ҳолати, бошқа бир ёзувчини табиат гўзаллиги қизиқтиради ва уни асарида ифодалайди. Масалан, Ойбекни кўпроқ тарихий мавзу қизиқтиради, унинг “Темирчи Жўра”, “Навоий”, “Болалик”, “Улуғ йўл” каби асарларида тарихий воқеалар умумлаштирилган.

Услуб у ёки бу асар ғоясида акс этади. “Асарнинг бош ғояси, асосий ғоявий йўналишига қараб ёзувчи турмуш материалини, образлар сисмавзусини, сюжетини, композитцияни ва бадиий асарнинг бошқа компонентларини танлайди ва саралайди”.

Услуб ёзувчи асарининг жанр хусусиятини ҳам ўз ичига олади. Шундай қилиб, ёзувчи услуби ғоя, мавзу, тил, композиция, образ ва жанр элементларидан ташкил топади, ёзувчи ўзининг ижодий фаолиятида улардан ўзига хос услубда фойдаланади.

1.5.Хозирги адабий жараён



80-йиллар ўрталаридан шўролар давлатида кескин сиёсий ўзгаришлар юзага келди. Тарихга «қайта қуриш» номи билан киражак бу жараён дунёнинг олтидан бир қисмини эгаллаган улкан мамлакатни уетмиш йил давомида идора қилган большевиклар тузумини уемирди, қизил империя қўлостидаги юзлаб миллат ва элатлар олдида ўз тақдирини ўзи

белгилаш имконияти туғилди. Мумтоз адабий мерос, айниқса шўро даври адабиётига янгича қараш, аввалги баҳоларни қайта кўриб чиқиш, илгари номини тилга олиш ҳам хавфли саналган ижодкорлар ва уларнинг асарлари хусусидаadolatli фикрлаш мумкин бўлиб қолди. Хусусан, ўзбек адабиёти тарихида маълум ва машҳур ижодкорлардан ташқари улар билан ҳамнафас яшаб ижод этган, шунчаки адабий машқлар эмас, мумтоз санъат намуналарини яратган Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғоний, Ҳусайн Бойқаро (Ҳусайнний), Бурхониддин Рабғузий, Абулғози Баҳодирхон, Сўфи Оллоёр, Амирий, Феруз, Авлоний, Бехбудий, Фитрат, Чўлпон ва яна ўнлаб ижодкорлар мероси қайта нашр этилди, илмий-эстетик таҳлилга тортилди.

Ҳаётдаги бу ижобий янгиланишлар замонавий адабиётга ҳақиқатни чўчимай ёзишга, ижод эркинлигига ташна ва шоирларга ҳам зарур

⁵¹Ж.Коллер .Адабиёт назарияси ва қисқача адабиётшуносликка кириш. – ОУП: Буюк Британия. 2011 –25-бет.

имкониятлар туғдирди. Қисқа давр ичиде адабиётнинг барча тур ва жанрларида ҳаётни рўйи-рост, бор мураккаблиги билан тасвирилаган, ижтимоий-маънавий адолат-сизлиқ, хўрлик ва қуллик шароитида мажрухлантирилган инсон руҳиятини илгари кўрилмаган нуқтаи назардан таҳлил этган ўнлаб яхши асарлар дунёга келди. Миллий онг шаклланиши, маънавий ўз-ўзини таниш, эркин руҳни тарбиялаш ишига сафарбар этилган адабиёт ўзининг энг истеъодли вакиллари қиёфасида иқтисодий, сиёсий ҳаётнинг барча муаммоларига фаол аралашди, ўзининг салмоқли фикрини жамият қатламларига сингдира олди.

Бундан ташқари бадиийлик деганда адабиёт ҳақида тил материали ва китобхон стандарт тасаввурларининг ўзаро мулоқотини ҳам тушуниш мумкин

1.6.Бугунги кун шеъриятига бир назар.



Хозирги шеъриятизмнинг етакчи тамойилларини белгилаб берәётган А.Орипов, Э.Воҳидов каби шоирларнинг кейинги йилларида яратган шеърлари ҳам “Фауст” муаллифининг бу фикрини тўла тасдиқлайди. Бугунги шеър ҳаёт қадар рангбаранг ва мураккаб, анъанавий ва кутилмагандир. Унда юз йиллардан сўнг қайта мустақилликка эришган, бироқ эркнинг таъмини унутиб юборган халқа аждодлар руҳидан мадад илтижоси қизил империянинг жон талvasаси қурбони бўлган шаҳидлар тимсолидаги ибрат ва бедорликка

чақирав, “тўрдагилар ҳокиму мутлақ, пастдагилар юмуқкўз” замонада сарсон кезаётган девона ҳақгуй руҳидаги қайсарлик манзаралари бўртиб кўзга ташланади. Нисбатан ижодий эркинлик шароитида диний мазуда, имон ва эътиқод масалаларида ҳам бадиий мушоҳада юритиш имкони туғилди. Хусусан, А.Ориповнинг “Ҳикмат садолари”, “Ҳаж дафтари” туркумларига кирган шеърларида шоир ва унинг қиёфасига жамланган омманинг Аллоҳга тавбаси, шукrona ва ибодати ўз аксини топди. Юзаки қараганда, ижодий чеклангандек туюлган бу мавзулар доирасида ҳам шоир замонавий муҳим ижтимоий фикр ва унинг янгича ифода усулини топа билди.

Миллат дардларига шериклик, омма ҳали англамаган муаммолар ўйидаги қийноқ шоирлар ижодида фарзандлик туйғусини, жўмардлик ҳиссини очиқ юзага чиқарди. Бу жиҳатдан Мирзо Кенжабекнинг “Хайрлашув”, “Қурилтой нотиқларига”, “Ҳақиқат” сингари шеърлари намуналидир.

Гарчи уларнинг ҳаммасини ҳам юксак эстетик талабларга тўла жавоб берадиган асарлар деб бўлмасада, бироқ шеърларда акс этган шоир самимиятига, юрти ва юртдоши учун қайғураётган қалб исёнига бефарқ қараб бўлмайди.

Шеърларда тобора кўпроқ аксини топаётган яна бир жиҳат-бу шоирнинг имтиҳонга тортиши, у билан юзма-юз туриб “орани очиқ қилиб олиш”га интилишидир. Шеърият, ниҳоят, уетмиш йиллар давом этган “вазифадошлиқ” юкидан, сиёсий ва ижтимоий шарҳловчилик вазифасидан аста-секин қутилиб, асл қиёфасига, соғ моҳиятига, янги човачилик мажмуи ишга туширилганда, кинофестивалга келган меҳмонларни кўрганда ҳам, шукурки, шаклланиб қолди. Уларни энди сурат эмас, сийрат, қалб манзаралари кўпроқ ўзига жалб қиляпти, истеъодод кучи “ўтин ёришга” (А.Қаххор) сарф этилаётгани йўқ.



Ўзбек шеърияти ҳозирги кунда услуби ранг-баранг, мазмуний-шаклий изланишлардан чўчимайдиган, аксинча, мана шу ижодий тажрибаларнинг ўзини санъат табиати деб биладиган шоирларга эга. Агар улар ижодини анъанавий шеър йўллари чегарасида ёзаётган шоирларга қиёсан олсак, ҳозир шеърият камида икки оқимга ажралганини кузатиш мумкин. Бу икки йўналишни шартли равишда Омма шеърияти ва шахс шеърияти деб номласак, балки тўғри бўлар. Аввало шуни таъкидлаш жоизки, бу ажратиш асосида асло ташқи белгилар устивор рол ўйнамайди. Шаклдаги ўзгачалик, шеърий санъатлардан фойдаланиш даражасининг ўзи у ёки бу шоирни омма ёхуд шахс шеърияти вакилига айлантириб қўймайди. Ҳамма гап шеърда акс этаётган ижодкорларнинг тафаккур ва ҳис-туйғулари кўлами, унинг шеър деганда нимани англаши, шеърдан нимани кутиши, қай кайфиятни шеърда, қай фикрни мақолада ифодалаши каби принсиپиал масалалардадир.

Шеъриятдаги бу икки оқимни яққолроқ тасаввур этиш учун замондошимиз бўлган икки шоир ижодига бир назар ташлайлик.

Муҳаммад Юсуфнинг ўнлаб шеърлари миллионлаб одамларнинг қалбидан жой олган. Унинг ёзган нарсаларини сиёхи қуrimай бастакорлар куйга солишган вақтлар бўлган бу шеър ва қўшиқларни тинглаб юрагидаги турфа армонларни, чигалларни ёзгандек бўлади. Айниқса, шоирнинг

«Кокилингни ким кесди», «Кумуш», «Алдов», «Туркман қизи», «Юр Мұхаммад, кетдик бу ердан» каби турли мавзулардаги тизмалари ўзининг содда ва равон ифода усули, халқоналиги, тез тушинувга ўнғайлиги билан осон оммалашди. Хусусан, М.Юсуф «Мен ўз билганимдан қолмадим» шеърида ва шоирликни шундай англайди.

Ўртамиёначилик касали ижодий жараённинг доимий ҳамрохи бўлиб келган. Афсуски, ошкоралик туфайли бу касаллик кучайса-кучайдики, пасайгани йўқ. Бу йилларда жиддий мақолалар учун мавзу бўла оладиган муаммоларнинг барчаси «шеърий мақолалар» (чунки уларни шеър, санъат деб



- Бугунги кун шоирлари ижодида XX аср анъанавий шеъриятида кўзга ташланмаган турли экспериментлар, янги анъаналар учрайди. Бу давр адабиёти адабиётшунослик учун янги тадқиқ объекта саналади.

бўлмайди!) учун ҳам мавзу бўлди. Умрида Оролни, унинг қуриган қирғокларида азобланаётган халқни кўрмаган ҳар бир ўртамиёна шоир денгиз дардида «ёнди», пахта яккаҳокимлиги даладан шундоққина шеъриятга кўчиб ўта қолди, давлат тили ҳақида кеча муҳокамада айтилган гап бугун «шеър» бўлиб яна қайта янграйверди. Энди мақолаларга шеърдан мумтоз сатрлар эмас, аксинча. Шеърга долзарб мақолалардан ўткир гаплар эпиграф қилиб олинадиган бўлиб қолди. Ижодда самимийлик, табиийлик ўрнини муаммобозлик, гапбозлик, ғоябозлик каби қусурлар қайта эгаллаши кучайди. Бироқ, бу ҳодисаларнинг асл шеъриятга, албатта, алоқаси кам. Ҳозирги кунда ўзбек шеъриятининг эртанги кунига жиддий умид-ла қарашга барча асосларимиз бор. Фикрдаги оммавийликдан, ягона мафкура қуллигидан озод, санъатнинг асл қадриятларини секин-аста таниб бораётган энг кенжা авлод шоирларининг ранг-баранг ижодий ваъдалари бунга далилdir.

80-90 йиллар оралиғида А.Ориповнинг «Ранжком», О.Матжоннинг «Қуш йўли», «Нега мен?», У.Азимнинг «Оқпадар», М.Юсуфнинг «Қора қуёш», И.Отамуродовнинг «Узоқлашаётган оғриқ», М.Муродованинг «Чақмоқ изидан», э.Шукурнинг «Ибтидо хатоси» каби ўнлаб достонлари чоп этилди. Бу асарларнинг ҳар қайсиси турли мавзуларни қамраб олган бўлиб, уларнинг бадиий савияси ҳам турличадир. Ўзбек достончилигига жиддий ҳодиса бўлган яна бир асар ҳам худди шу йиллари яратилдики, унга қисқача бўлса-да тўхталиб ўтиш жоиз. Бу - Абдували Қутбиддиннинг «Изоҳсиз

луғат» номли достонидир. Янги шеърият хусусида юқорида билдирган фикрларимиз мана шу достон тимсолида, айниқса тўлароқ исботини топади.

Гояни ёритиши ва китобхонга етказиши ҳам муҳим масалалардан биридир.

Адабиётда гояни ёритиши ва китобхонга етказиши орасида зиддият юзага келади. Остин гояни ёритиши ва китобхонга етказишида тил вазифасининг аҳамиятли хусусиятини таъкидлайди. Гояни ёритиши ва китобхонга етказишида аниқлик киритиши, ўз ичига камида очиқ ифода қилинмаган тасдиқлаш ва лингвистик ҳаракатни олса, сўзнинг моҳияти ўртасидаги алоқа ва улар орасидаги бирхиллик аҳамиятли эмас. Адабиёт доирасида нима назарда тутилаётганини кузатиши учун Роберт Фростнинг “Secret Sits” шеърини таҳлил қиласиз.

Биз қўнгироқ атрофида рақсга тушамиз

Секрет Ситс ўртада ва у билади.


Бу шеър фараз қилиши ва билиши ўртасидаги қарама-қаршиликка асосланади. Шеърнинг бу қарама-қаршиликда тутган ўрни ва аҳамиятини тадқиқ этиши учун биз шеърнинг ўзи фараз ва билишининг усулими ёки йўқми деб сўрашимиз мумкин. Шеър ҳам “Биз рақсга тушамиз, ёки у биладими. Секрет Ситс буни тахмин қиласидими? Биз тасаввур қилишимиз керакки, инсон тасаввурининг маҳсули сифатида шеър фараз қилишининг маҳсули бўлади, рақсга тушининг сабаби сирлилиги, ҳарактерлилиги ва унинг “Секрет Ситс билади” деб ишонч билан тасдиқлаши жуда билгандек туюлади. Шундай қилиб биз ишонмаслигимиз мумкин. Аммо шеър бизга билиши ҳақида нимани кўрсатади? Яхши, Секрет Ситс кимdir биладиган ёки билмайдиган нарса, шундай экан билишининг тўлдирувчиси бу ерда нима маълум ёки нима номаълумлигидан кўра “Ким билади” билишининг эгаси, метономия орқали намоён бўлади. Моҳиятини гавдалантириш ва ўзлаштириш орқали шеър риторик бошқарувга эга ҳолатига билиминг моҳиятини ошириб беради. Шу тариқа у бизга риторик фараз билувчини яратиб бера олишини, кичкина драмадаги ҳарактер Секрет Ситсга айлантира олишини кўрсатади. Фаразнинг ҳаракати орқали ҳосил бўлган кимdir биладиган “Сир” тўлдирувчидан эгага кўчади; (Кимdir сирни билади), (Сир билади). Шеър шу тариқа бизга ўзининг аниқлик тасдигини кўрсатади, “Сир билади” перформатив фаразга асосланади. Фараз сирни билиши керак бўлган эгага айлантиради. Гапдаги “Сир билади”, аммо “У кўрсатади” бу тахминdir.

Перформатив (намойиш қилиши) тарихининг ушибу босқичида констатив ва перформатив усул ўртасидаги фарқ қайта аниқланшича, ёритиб бериш бу – предмет ва унинг номини қандай бўлса шундайлигича тасдиқловчи тил бўлса, констатив эса, тилнинг риторик иш-ҳаракати ҳамда фаолияти сифатида у лирик лингвистик категориялар, нарсаларнинг мавжудлигини содда тарзда кўрсатиб қолмасдан, балки, дунёни бошқарди. Биз “апориа” сўзини тилда қандай аталишини аниқлааб оламиз. Апориа бу – ҳал қилиб бўлмайдиган, қийин аҳволни билдирган сўз

*бўлиб, гўёки фикр жўёжа тухумига боғлиқ кўринса-да бироқ, аслида унинг аксини ифодалайди. Бунда фақат биргина йўл шуни талаб қиласди, тилнинг функционал реформативлиги дунёни констатив шаклда, яъни тил дунёни ўзида акс эттиради, аммо тилнинг нутқи фаолияти орқали сонстатив шаффоғлигини талаб қилувчи йўл йўқ. Предлоглар зарур ҳолатнинг ҳаракатини бажаришда ҳеч нарсани қилмаслигини тасдиқлайди, лекин нарсаларни шундайлигича кўрсатади, холос. Агар сиз уни аксини кўрсатишни хоҳласангиз, бу нарсаларни намойиш этишида уларнинг категориялари дунёда заифлашини тасдиқлайсиз. Бундай ҳолатда сизда уни инкор этишига йўл йўқ. Мунозара шундаки, ҳаракат-ҳолати ёки ҳақиқий тасвири перформатив, сонстатив далилларни олиши шарт*⁵².

Дунё ва инсон тўғрисидаги эпик тафаккур ва оригинал тасаввурнинг лирик байни бўлмоғи талаб этиладиган достон жанрида яратилган ҳамма асарлар ҳам бу истаклар даражасига чиқа олмади. Уларнинг аксариятида (ҳатто А.Ориповнинг “Ранжком”, М.Юсуфнинг “Қоракуёш”, У.Азимнинг “Оқпадар” достонларида ҳам!) маълум бир ижтимоий, инсоний иллатлар, узоқ тарих ёхуд қатағон даври воқеалари анча юзаки, бир-биридан фарқ қилмайдиган кўламларда талқин ва таҳлил этилади. Муаллифлар фактдан ўсиб чиқиб кета олишмайди, балки унинг шеърий шарҳловчисигина бўлиб қолишади. Адабий асар сифатида тақдим этилган бу достонлар ижодкор шахснинг ижтимоий-естетик мулоҳаза ва кайфияти асосига эмас, балки ҳаммага маълум хулосалар, юзаки сабоқлар асосига қурилади. Натижада, достонларнинг номи ва шаклини айтмаса, ўқувчи мутолаадан янги тасаввур ва фикр, ҳозирга қадар ўзига номаълум ва ёт бўлган оҳорли кайфият ўзлаштиrmайди, рух ларзага келмайди, асар деярли изсиз йўқолади. Бу эса, жанрнинг имкониятларидан ҳозирча тўла ижодий фойдаланилмаётганини кўрсатади.

1.7.Замонавий наср тараққиёти.



вакилликларни ўз ичига олади. Китобхон ҳикояни ҳис қилиши ва унда

Адабиётдаги сифат ўзгаришлари насрда яққолроқ намоён бўлмоқда. 70-йиллар охиридан ижодга кириб келган бир груп истеъдодли носирлар ҳозир айни камолот палласига қадам қўйган бўлсалар, турфа услубий-гоявий тажрибаларни дадил қўллаётган кенжা авлод, айниқса, кичик насррий жанрларда жиддий натижаларга эришди.

Ҳикоянинг бош назаряси презентация ва ҳикоядир. У матн билан юзма-юз туради. Термин кино ва бошқа

⁵²Ж.Коллер .Адабиёт назарияси ва қисқача адабиётшуносликка кириш. – ОУП: Буюк Британия. 2011 –[77-79](#)-бетлар..

бирорта матн кўриши ва нималар содир бўлганини ҳам тушуниши керак. Биз шундагина ҳикояда қандай матн танланганлигини ва унда қандай қийинчилкларга дуч келганини сўрашимиз мумкин. Бу ерда ўзгарувчанлик жуда кўп ва улар ҳикояга ҳал қилувчи сифатида таъсир қиласди. Кўп ҳикоялар бу ўзгарувчанликни турли хил йўллар билан ўрганади.

Бу ерда ўзгарувчанликни англатувчи бир қанча саволлар мавжуд:

Ким гапирди?

Шундан маълумки ҳар бир ҳикоянинг шарҳловчиси мавжуд, кимdir ҳикоядан ташқарида кимdir эса ҳикояхарактерларида мавжуд. Назариячи шу жиҳати билан фарқ қиласди, ҳикоянинг қаерида “мен” дейилса, унда биринчи киши сўзлаб берувчиdir ва у ҳикоянинг бошқаҳрамони ҳисобланади. Улар ҳикояда камдан-камиштирок этишилари, ёки ҳикоя кузатувчисидир ёки улар ҳикоянинг бошқаҳрамони эмас, балки ҳикояда нималарнидир изоҳлаб бериш учун иширок этишар.

Ким кимга гапирди?

Муаллиф китобхон учун ҳикояяратади. Китобхонлар эса ҳикояни ўқиб хулоса чиқаришади. Шарҳловчи баъзан тингловчиларни назарда тутади, баъзан эса кимлиги номаълум бўлади (айниқса ҳикоя ичida ҳикоя бўлганда, бир киши иккинчи кишига гапираётганда). Ҳикоя сўзлаб бериш хонасида ишловчи шахс шарҳловчи дейилади. Бошқалари эса замонавий ўқувчи маълум мурожсаатларни ва аксарият таҳминларни танлаган томошибинлардир. Америка ва Европа ҳикоялари тез-тез феминистик танқидга учрайди: ўқувчининг ҳеч қандай аралашувисиз кўринишида муомалада бўлади.

Ким қанча гапирди?

Шарҳловчи воқеалар содир бўлаётган пайтни шарҳлаши мумкин. Ричардсоннинг “Помела” романида бундай ҳолатни кўриш мумкин. Ёки ҳикояларда кенг тарқалган иборалар кўлланилиши мумкин.

Ким қайси тилда гапирди?

Ҳикояда ўз тилидан, маҳсус тилдан ёки улар қабул қилган ва бошқа тиллардан фойдаланиш мумкин. Ҳикоялар орқали болаларга катталар тилини сингдириш мумкин. Рус назариячиси Михаил Бахтин монолог сифатида полифоник ёки диалогик романни таърифлаган ва у романнинг моҳияти турли тиллар ва иборалардан ташкил топганлигини таъкидлаган⁵³.

Ҳикоячиликда кузатилаётган мазмун ва шакл якранглигидан қочиш, руҳий таҳлилнинг турли усусларига мурожаат қилиш бу жанр имкониятларига қайта умид туғдирмоқда. Ўнлаб ўқимишли ҳикоялар орасида Асқад Мухторнинг «Чодирхаёл», Ш.Холмирзаевнинг «Кўк денгиз», «Қадимда бўлган экан», Х.Султоновнинг «Ғуломгардиш», Э.Аъзамовнинг «Боғболалик Кўкалдош», Х.Дўстмуҳаммаднинг «Жажман», Н.Отохоновнинг «Оқ бино оқшомлари», О.Отохоновнинг «Учинчи қаватдаги сариқ дераза»,

⁵³Ж.Коллер .Адабиёт назарияси ва қисқача адабиётшуносликка кириш. – ОУП: Буюк Британия. 2011 –68-69-бетлар.

Н.Ешонқуловнинг «Маймун уетаклаган одам», Ш.Ҳамроевнинг «Суратдаги аёл» сингари асарларини эслаш кифоя. Уларда миллий онгсизлик фожиасинидан тортиб ишқ мажнунаси қисматигача, аждоддан авлодга ўтиб келаётган ғулом (қул)лик руҳияти таҳлилидан тортиб, ўз-ўзини сарсон излаётган шахс руҳиятигача қаламга олинган. Оврўпа ва Лотин Америкасининг энг илғор адабий тажрибаларидан ижодий ўрганишда ўсаётган ҳикоячилигимизда объектив тасвир ва таҳлилга қурилган анъанавий йўллар билан биргаликда кўпроқ рамзий тимсол ва ишоралар, руҳий баён йўлларидан фойдаланишни кузата бошладик. Агар А.Мухтор ўзининг «Чодирхаёл» ҳикоясида миллий ва маънавий манқуртлик ҳолотини тупроқ ва қум остида қолиб кетган ўрадаги одамлар руҳияти орқали ёритишга уринса, Х.Дўстмуҳаммад эрксизлик ва иқтисодий-маънавий талов тарихини бозорда пайдо бўлган уеб-ташиб тўймас номаълум маҳлук - Жажманга оломоннинг муносабати шаклида қайта яратди. О.Отахонов ҳикоясида тасвирни, учинчи қаватдаги сарғиши деразага тикилганча ўйга толган йигит қийноқларини дабдурустдан англаш осон кечмайди ўқувчига. Фақат зийрак мушоҳадагина гоҳ ёруғ, гоҳида хира нур сочаётган, бу орқали ўзида мужассам мураккабликни англашга бўй бермаётган бу сирли дераза ўша йигит қалбининг асл тимсоли эканини тушунишга ёрдам беради. Балки ўзбек ўқувчисининг ҳозирги савиясини ҳисобга олиб танланган ҳикоя эпиграфи-Рембонинг «У сарсон изларди ўзини ўзи» деган мисраси мушоҳадали ўқувчига ортиқчалик қиласи. Чунки, шу бир мисра ҳикоянинг эстетик кувватини, сирини аввалдан ошкор қилиб қўйгандек бўлади.

Назар Эшонқуловнинг «Хароба шаҳар суврати», «Қуюн», «Тобут», «Маймун уетаклаган одам» сингари ҳикояларида ҳам фикрлар ифодаси учун танланган рамзий тимсол ва тасвирлар ўзининг табиий ва мантиқийлиги билан ўқувчида Шубҳа уйғотмайди, уларда илгари сурилган ижтимоий фикрлар ҳар қанча оммавий бўлмасин, муайян инсон тақдирни ва руҳиятига чамбарчас боғлиқ ҳолда янгича янграйди. Бироқ «Истило» номли ҳикоядаги Туркистон босқини тарихининг турли жараёнларига механик равишида тимсол ахтариш, асарнинг мақсади, бор-йўғи кўпчиликка маълум яқин ўтмишни бошқачароқ - бадиийроқ шаклда қайта эслаш экани, муаллиф ўз-ўзини такрор каби, ижтимоий-сиёсий хабардорликнинг ўзиданоқ ҳикоя ясай беради. Кўринадики, бу ҳикоянинг ўрнини яхши бир тарихий-публитистик мақола билан бемалол алмаштиrsa бўлади. Ҳолбуки, ҳақиқий санъат ўрнини ҳеч нарса боса олмаслиги керак, аслида санъатнинг ўзи инсон тафаккурининг бошқа шакллари уета олмаган, ҳеч қачолн уета олмайдиган кенглик ва юксакликларида яралади, яратилади.



80-йилларда яратилган қиссаларнинг бош қаҳрамонлари аксарият жамиятнинг қуи қатламларидан, унитилган, умум дикқатидан панарокда яшайдиган, ўйладиган кишилардан танланди. Бироқ бу одамлар қалбida яшаётган туйғулар, жўш ураётган тўфонлар тасвир ва таҳлили шуни яна бир бор исботладики, бош қаҳрамон танловида асосий мезон унинг ижтимоий ўрни билан эмас, балки ижодкор ниятини тўлароқ ва ишонарлироқ уетказишга яроқли характер бўлмоғи билане белгиланиши лозим. Бу қиссалар қаҳрамонларига қўйилган исмлар билан ҳам гўё муаллифлар уларнинг тақдирига ишора қилаётгандек туюлади- элчиуев (Э.Аъзамов. “Жавоб”), эломонов (М.Дўст. “Истеъфо”), Зиёдулла Кал, Қоплонбек, Оймомо (Т.Мурод. “От кишинаган оқшом”, “Ойдинда юрган одамлар”), Фулом (Х.Султонов “Кўнгил озодадир”) вабошқалар. Уларнинг аксарияти у ёхуд бу шаклда жамиятдан хўрлик, адолатсизлик кўрадилар, аксарияти бу ҳолатга қарши ожизгина бош кўтариб мағлуб бўладилар. Агар ҳалол чавандоз Зиёдулла куппа-кундуз кунда, ҳамманинг кўз олдида рўй берадиган зўравонликка чидай олмай, бир инсон боласига ёрдам бергани учун ўғли тенги йигитлар томонидан тепкиланиб, одам боласидан эмас, тилсиз, бироқ қалбли ҳайвон - севимли отидан надот сўраса ва топса, “Жавоб”нинг қаҳрамони элчиуевнинг, ҳокисори ва атрофдагиларга фақат яхшилик тилаган кимсанинг, нафақат мажруҳ қилинган жисмини, балки шаъни ва имонини ҳам пул ва молга чақишига уриниб кўрадилар.

Бадиийлик- ўзига хос тилдан ташкил топувчи ва бошқа характердаги хабар мазмунидан ажратиб турувчи сифатдир. Адабиётнинг асосий қуроли тил ва шунинг учун ҳам у биринчи даражада аҳамият касб этади (35-б)

Тилга олинган қиссаларда воқелик ва инсонга ёндашув анъанавий наср услубида олиб борилса, Х.Дўстмуҳаммаднинг “Оромкурси” асарида янгича йўлни кўрамиз. Асар қаҳрамони, сирли ижтимоий-сиёсий кучлар томонидан “келажаги порлоқлар” рўйхатига киритилган, агар қўйилган талабларга сўзсиз бўйсунса, давлат бошқарув поғоналари бўйлаб жуда тез ўсуви режалаштирилган аспирант йигит Кўклам Тонготаров (бу исмдаги рамзийликка ҳам эътибор беринг!) аввалига маҳлиё бўлиб, ора-сира бепарво, охир-оқибат қайсарлик билан оромкурси-кресло-ла олишади. Қиссада оромкурси рамзи фақат амал-еътибор тимсоли бўлибгина қолмай, балки наслга аралаша бошлаган инсон эрксизлиги, маънавий-руҳий қуллиги, қиёфасизлигининг яхлит тимсоли этиб гавдалантирилади. Сирли парадокс (тескарилик)-шаклий ҳокимият, қўриниб-сезилиб тургувчи кучга эришмоқ учун руҳий ҳокимиятни, ботиний қудратни, шаън ва шавкатни сўндиримоқ ёхуд ўзgartириб-синдиримоқ талаб этилади. Қиссада бу масала жуда кескин қўйилади (ё бўйсуниб яшаш ёки бўйин эгмай ўлиш). Учинчи-ўртacha йўл йўқ! Ва қисса қаҳрамони, умрбод ўзи бўйсуниб ўзгаларни бўйсундириб ўтган отасидан фарқ қилароқ иккинчи йўлни танлайди. У бу ҳаракати-ўз-ўзини қурбон қилиши билан аждоддан авлодга ўтиб келаётган, ирсиятга қадар сингиб улгурган ички қуллик занжирининг ўзи билан уланувчи бир ҳалқасини узатди-ўзини эмас, ҳали тугилмаган, бироқ туғилса барibir қул

бўлажак фарзандини ўйлади. Туғилажак фарзандлар қулларидан бунёд бўлмаслигини истайди.

Кейинги ўн йиллик романларга ниҳоятда бой бўлди. Уларнинг аксарияти турғунлик ҳаётни, ўша йилларда одамларни қийнаган иқтисодий-маънавий муаммоларни акс эттириди. Бу асарларнинг қаҳрамонлари ҳам бир-бирига жуда ўхшаш тақдир эгаларидир. Ҳам салбий, ҳам ижобий персонажларга ёндашишда Ёзувчиларнинг аксарияти бир хил қадриятларни мезон қилиб олдилар, жамияттурмуш тарзига, маънавий ва иқтисодий адолатсизликларга муаллифларнинг муносабати ҳам бир-биридан катта фрақ қилмади. Хусусан, О.Ёқубовнинг “Оққушлар, оппоққушлар”, С.Аҳмаднинг “Жимжитлик”, Ў.Хошимовнинг “Тушда кечган умрлар”, Н.Қобулнинг “Унитилган соҳиллар” ва бошқа ўнлаб романларнинг ғоявий-бадиий савиясида кўплаб муштаракликлар сезилади. Тўғри, бу асарларнинг барчасида ҳам эзилган, талон-тарож қилинган халқقا чин дилдан ачиниш, уни эзган ва талаган тубан кимсаларга (уларнинг кўпчилиги турғунлиг даврида энг юқори мансабда бўлган шахслар!) чексиз нафрат руҳи яққол сезилиб туради. Асарларда илгари айтилмаган фикрлар ва ҳақиқатлар айтилиб, илгари тасвиrlаш мумкин бўлмаган турмуш пучмоқларига ёруғлик туширилади. Бироқ, романдек эпик жанрнинг муваффақият қозонмоғи учун ҳали бу жиҳатларнинг ўзигина уетарли эмаслигини ҳам мутолаа пайтида сезмаслик мумкин эмас. Жанрлар тўғрисидаги аваллги билимлардан Сизга маълумки, роман шаклланмоғи учун муаллифдан дунё ва инсон тўғрисида ниҳоятда кенг ва чуқур, албатта янгича тафаккур талаб этилади. (Роман терминининг маъноси ҳам «янги» деганидир!) Роман салмоғини унда акс эттирилган персонажлар сони ёхуд воқеалар ҳажми эмас, балки уларнинг нечўли мукаммал таҳлил ва талқин этилгани белгилайди. Романий тафаккур уетакчилик қилмаса, ҳар қандай катта асар воқеа-ҳодисаларнинг ақлга ва мантиққа мослаштирилган йиғиндисидан бошқа нарса бўлмайди. Айниқса, Оврўпа ва Лотин Америкаси романчилиги эришган муваффақиятларга нисбатан олганда, ҳозирги замон ўзбек романининг шаклан ибтидоийлиги, фалсафий-естетик жиҳатдан эса анча жўн ва саёзлиги яққолроқ сезилиб қолаётир.

80-йиллар романчилигимизнинг энг жиддий ютуқлари, Шубҳасиз, Мурод Муҳаммад Дўстнинг «Лолазор» ва Тоғай Муроднинг «Отамдан қолган далалар» асарларидир. Уларда яқин ўтмиш кунлари мисолида ҳаёт ва инсон шамойиллари сири устида чуқур ўйга толинган, фақат Шу даврдагина эмас, тарих ва келажакнинг ҳамма тахламларида учраши муқаррар бўлган инсон типлари изчил ва батафсил қузатилган. Буни «Лолазор» романни мисолида курайлик.

Одамзод тириклилиги якранглиқдан йироқ - унда фақат трагедия ёхуд нуқул комедия ўйналмайди, аксарият иккиси аралаш-уйқаш келади. Мана миллион йиллардирки, қўйиладиган инсон томошаси кўпроқ трагикомедиядир. Саҳнадаги марказий роллар кимларнинг пешонасига битади ва ўйин муддати қанча-ёлғиз қўғирчоқбоз тақдирга, унинг истак ва кайфиятига боғлиқ... Ахир шундай бўлмаса, «оламни булдуруққа бостириш» ни хомхаёл


қилиб юрган саводсиз Хотам Шўронинг ҳовлиқиб-ҳазиллашиб ташлаган қуръаси «иккита битлиқи» нингнига эмас, бутун бошли бир миллат ва мамлакатнинг ярим асрлик тақдирини ҳал қилиб юборармиди?!

Қачонлардир Булдуруқдан, ўзлари хоҳламаса-да, “ёрқин келажак сари” зўрлаб йўлга солиб юборилган “икки битлиқи” – Яхшибой чўпоннинг уғли Назар билан Калонқул бўёқчининг ўғли Хоруннинг умр йўли роман сюжетининг асосини ташкил этади. Муаллиф тасвир ва талқин полифониясини (кўповозлилик) таъмин этмоқ ниятида баённинг турли усул ва услубларидан фойдаланади. Воқелик табиатига қараб биз уни гоҳ Яхшибоев ўйлари тарзида, гоҳ ҳалол ёзувчи Сайдқул Мардон кундаликлари шаклида ўқиймиз. Худди ҳаёт ва сиёsat саҳнасидаги ўйинларнинг ўзи сингари уларнинг талқинида ҳам ўта жиддий, ҳатто публитсистик оҳангдан тортиб кесатиқ-пичинг, истеҳзо оҳангигача бетўхтов алмашинувлар бўлиб турдаи. Агар адабиётда энг машаққатли вазифа характер яратиш бўлса, М.Мұхаммад. Дўст бу юмушни ўз асарида муваффақиятли уddalай олган. Романда Ошно, Мұхсина хоним, Қурбоной, Аввалбек сингари қатор инсон характерлари кашф этилган. Уларга ўхшаш типлар ўзбек адабиёти тажрибасида, очиъи, ҳали учрамаган эди. Ошнода юз берадиган қиёфа эволютсияси, Мұхсина хонимдаги турмушда ҳам худди саҳнадагидек қиёмига уетган ижрочилик маҳорати, «мен бир оддий ўзбек қизи» деб бошланувчи оммавий хўрликни тўтидай такрорлашга ўргатилган Қурбонойнинг аввал пистафурушликдан мамлакатга донғи кетган машъалга айлантирилишию, сўриб шираси томом қилингач бевақт, жимгина (бироқ ниҳоятда фожиали тарзда!) ҳаёт шамининг сўндирилиши, дурагай руҳ ва кайфият кишиси бўлган Аввалбек характерларининг тақдим этилиши ўзбек ўқувчилари учун катта янгиликлардир.

Шубҳасиз, «Лолазор» нинг энг улкан ютуғи бу - Назар Яхшибоев образи. Қаршисида «искандару Доролар чанглаб қоладиган» ақл эгаси, ҳар қандай вазият ва ҳолатнинг пири, юзадаги обрў ва баҳтиёрлик тубида чексиз англаңган армон ва уят, юзадаги намунали оила ва машҳур адаблик остида умрбод туйғу-руҳ кемтиклиги ва ҳижолатпазлик кўтариб юрувчи бу одам характери бирор қолипга бўйсунмайди. У ўзини яратган шароит ва шахслардан ҳам, ўзи яратган мұхит ва кимсалардан ҳам, энг шафқатсиз - ўзидан ҳам ич-ичидан жирканади. Ўзининг фаол иштирокида созланган бу мұхитни гоҳ бўралиб сўқади, гоҳ ҳамманинг устидан мағрур қулади, гоҳ кулиб туриб йиғлайди, гоҳида бўлса Шу жирканч турмуш ва қиёфалардан фарқли ўлароқ, у бир вақтнинг ўзида ҳам саҳнада рол ўйнайди, ҳам қўплаб ролларга режисёрлик қиласи, ҳам парда ортидан бутун ҳаракатларни кузатади ва буларга қўшимча, залда ястаниб ўтириб, абадий такрорланаётган бу ўйинларга баҳони ҳам ўзи беради! У ихтиёrsиз тушиб қолгани гирдобда фарқ бўлиб кетмаслик учун ҳамма нарсани қиласи-неча-неча одамларнинг бошига оёғини тираб юқорига талпинади, ҳаракатига ҳалақит бераётган қанча дўстларини жон ҳолатда сурib четга улоқтиради, доим ёнидан жилдирмагани ошно қўғирчоқ Хоруннинг ўзи шишириб яратган обрў-амал пуфагига тирмасиб жон сақлайди...

1.8.Ҳозирги ўзбек драматургияси ва адабий танқиди.

Ҳозиги ўзбек саҳнаси драматургиянинг мумтоз намуналарини қайта жонлаштириш билан фаол шуғулланмоқда. Хусусан, Аброр Ҳидоятов номидаги театр Ҳамзанинг “Паранжи сирлари”, “Майсарапининг иши”, Фридрих Дюрренматт (Швейтсария ёзувчиси)нинг “Ешак соясидан чиқсан ҳангома”, Сатира театри А.Қаҳҳорнинг “Тобутдан товуш” спектакллари янги вариантларини саҳнага олиб чиқдилар. Шуни қоникиш билан қайд этиш керакки, замонамизнинг забардаст режиссёрлари (биринчи навбатда Баҳодир Йўлдошев!) бу асарларни мутлақо янгича “ўқиганлар”, матнинг яширин жозиба ва кучини қайта кашф эта олганлар.



Жамиятдаги кескин ўзгаришлар, равшанки, саҳнага ҳам ўз нафаси ва қаҳрамонларини олиб киради. Ўтган даврлар иллатларини фош қилувчи пафосда ёзилган Абдуқаҳҳор Иброҳимовнинг “Пуч”, Шукруллонинг “Унсиз фарёд”, Ҳамид Ғуломнинг “Бир миллион фожиаси”, Ҳайдар Мұхаммаднинг “Хотинлар “гапи”дан чиқсан ҳангома” каби драма ва комедиялари нафақат мавзуу ва муаммо муштараклигига, балки бадиий савия (у эса анчагина паст) муштараклигига ҳам эга.

Тарихий мавзуда ҳам қатор янги асарлар ёзилди. Туроб Тўланинг “Нодирабегим”, Салоҳиддин Сирожиддиновнинг “Тўмарис”,

Шукур Холмирзауевнинг “Қора камар”, Шуҳрат Ризауевнинг Навоийнинг “Садди Искандарий” достони асосида яратган “Искандар” песалари шулар жумласидандир.

Маълумки, шу пайтга қадар ҳазрат Навоийнинг қатор достонларининг саҳна вариантлари, шоирнинг ҳаёти акс этган ўнлаб адабий асарлар яратилган эди. Аброр Ҳидоятов номидаги театр саҳнасида ўйналган “Искандарс спектаклининг ўзига хос томони шундаки, унда муаллиф ва режиссёр матнга анча эркин, ижодий ёндашадилар, тарихий ҳақиқат ва адабий мантиққа риоя қилганлари ҳолда Искандар шахси ва унинг фожиаси орқали умуминсоний муаммоларни, адабий ҳал бўлмас руҳий жумбоқларни ўртага ташлайдилар. Ҳар қанча ўринмасин, охир-оқибат нафс домига йўлиқкан шоҳ Искандар билан саҳнада ёнма-ён туриб мутафаккир Навоий ҳам изтироб чекади, шоҳ ва салтанат, шоҳ ва улус, шоҳ ва шахс, шоҳ ва нафс муаммолари яхлит ҳолда, кенг планда биринчи марта маҳсус мавзуу этиб танлангани ва бу адабий мавзуларнинг янгича тарзда ёритилгани «Искандар» спектаклининг қимматини оширган.

Жамият ҳаётининг покланишида ошкора танқид қанчалик муҳим рол ўйнаса, сўз санъати ривожида адабий танқиднинг аҳамияти шунчалик сезилади. Қолаверса, 80-90 йиллар адабий танқиди соф Адабиётшунослик доирасидан чиқиб жиддий тарихшунослик, жамиятшунослик фанига ҳам айланди, омманинг ижтимоий-сиёсий дунёқарашининг ўсишида муҳим омил

бўлди. Чўлпон, Фитрат, Ҳамза, А.Қахҳор, У.Носир каби ўнлаб ижодкорларнинг тақдирни ва асарлари ўрганилган жиддий тадқиқотлар айни Шу йилларда ёзилди ва ёзилмоқда.

1.9.Асарнинг маъноси. Мазмун ва маъно табиати.

Мазмуннинг моҳияти нимадан иборат? Баъзида биз фикрнинг мазмуни бу сўзловчининг нимани назарда тутаётгани маълум белгиланган мазмунни етказиши деб тушунамиз. Баъзида биз матнда бир нарсани назарда тутганимиз ҳолда, бошқа нарсани баён этмоқчи бўламиз. –Негаки мазмун-моҳият бу тилнинг ўз ички маҳсулидир. Баъзан биз контекстни маънони аниқлаб берувчи омил деб биламиз; аммо бу фикр нимани ифодалаётганини билиш учун сиз ўша даврдаги шартшароитлар ёки тарихий вазиятни билишингиз керак бўлади.

Айрим танқидчилар матннинг мазмуни бу китобхоннинг тажрибаси маҳсули деб ҳисоблашади. Мақсад, матн, контекст, китобхон –булардан қайси бири мазмунга аниқлик киритади деган савол юзага келади.

Энди санааб ўтилган тўрт омил шуни кўрсатадики мазмун аслини олганда мураккаб ва чалкашадир.

Адабиёт назариясида узоқ вақтдан бери қўндалнг бўлиб турган савол бу адабий маънони аниқлаши масаласидир. "Атайлаб адаштириш" деб номланган машҳур мақолада адабий асарлардаги мазмун тўгрисидаги баҳс-мунозаралари ёзувчининг кўрсатмалари асосида ечим топмайди деган фикрни илгари суради. Асарнинг мазмун-моҳияти бу ёзувчининг асарни яратиши мобайнидаги ўй-фикрлари эмас, ёки ёзувчининг асар тугатилганда асарнинг нима маъно ташиши ҳақидаги ўй-фикрлари эмас, балки асарни жонли ва таъсири қилиб кўрсатишда муваффақиятга эриша олганлигидадир. Агар биз одатий сухбатларда маъно-мазмунга кўпроқ

Бунинг сабаби битта биз одатда сўзловчининг нима демоқчилигига эмас у айни ўша дақиқада нимани ўйлаётганига кўпроқ қизиқамиз, бироқ бадиий асарлар қиймати муайян тизимдаги сўзларнинг магзини чақиши орқали тушуниб етилади ва қадрланади.

Муаллиф нуқтани назари билангина чекланиб қолиши танқидий стратегиялардан бири ҳам бўлиши мумкин. Лекин бугунги кунда мазкур маъно шунчаки ички кечинма эмас балки шахсий тажриба ва ўтмиши малакаларига таянган ҳолда ифода этилиши: келтирилган вазиятда муаллифнинг амалга ошираётган фаолиятини намоён этишидир.

Бироқ бу стратегия кейинги шарҳларни қоралади унга кўра бу йўсинда ёндашиши унинг яратилиши пайтигагина хос бўлиб баъзи бир баҳтли тасодифлардагина келгуси китобхонларнинг ҳам ўй-ҳаёлларига мос келиб қолиши мумкин.

Танқидчиларнинг фикрича, мақсад ҳамма нарсани белгилайди назариясини рад этсак, ўқувчини муаллифдан устун қўйган бўламиз ва бу асарнинг асил моҳиятини очиб беришида тўсқинлик қиласи. Моҳиятин изоҳлар экансиз бошқаларни унинг мувофиқлигига ишонтиришишингиз

керак акс ҳолда у рад этилади. Ҳеч кимайтолмайди: “ҳамма нарса абадий” деб, шундай эканёзувчи учун ҳам биргина асил маъно билан чекланиб қолмасдан кенг китобхонлар оммасига хилма-хил ниҳоясиз тушунчалар тўрламини етказиб бериш шарафи насиб этгани яхшимасми?

Бу билан ёзувчининг фикри ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас демоқчимасмиз, аксинча кўплаб танқидий масалаларни мухокама қилишида матн ва матнда ифодаланган мазмунни қиёслаш, солиштириш етакчи восита саналади. Бу нарса муаллифнинг фикрини таҳлил қилишида ёки асарда мураккаблашган ва ёхуд ошкора йтилмаган яширин тагмаъони қўрсатиб беришида бирламчи омил сифатида қаралади. Ишнинг моҳияти муаллифнинг маълум бир пайтда ҳаёлида бўлган нарса ҳам эмас шунчаки матннинг бир қисми ва ёки китобхоннинг шахсий тажрибасига ёндашишигина ҳам эмас. Моҳият ажратиб бўлмас тушунча, чунки у шунчаки оддий ҳам эмас ва осон йўл билан аниқланиб ҳам бўлмайди. Унда ҳар икки томон- матнда аслида нима дейилмоқчи ва биз қандай маънони кашф этишимиз ҳамоҳанг равишда бўлади. Моҳиятни англаб этишдаги баҳс-мунозаралар доимо қайсиdir бандларда тўғри, шунинг учун ҳам бу борада аниқ тўхтамга келиш мушкул. У ҳар вақт синчковликни, жиiddий рад этиб бўлмас кучли мухокамаларни ўртага ташлашини талаоб этиб келган.

Агарда бирор-бир қатъий формула ёки унсирини ўзимизга бош ўлчов мезони этиб белгиласак, контекстда муаллиф ва китобхон нуқтайи назари, тил қоидалари, бошқа бир қанча ҳар қандай унга тааллукли бўлган элементлар кўзда тутилганлиги туфайли контекстни маънони аниқлаш воситаси деб олишимиз мумкин. Шуни таъкидлаш жоизки, моҳият контекста боғланган, бироқ контекст ўзи якка тушунча: ҳеч қандай қатъий қонун йўқ олдиндан унга алоқадор бўлиши мумкин бўлган контекстни бойитган элементларни келтириб ўтиши учун тил назариялари орқали юзага чиқарилган адабиёт мазмунини ёритиб беришдаги катта-катта қадамлар ҳам контекст таҳлилининг кенгайиши ва қайта ўрганилиши асосида вужудга келган. Мисол учун, Тони Мориссоннинг фикрича тўла англаб этилмаган қулдорлик тизимининг тарихан мавжудлиги америка адабиётини адабиёт этиб халққа танитган, бу орқали миллатнинг озодлик борасидаги қарашлари, тўсиқларнинг ёриб ўтилиши, тўсиқсиз йўллар, чексиз тафаккур каби интилишлари ўқувчи онгига контекст асосида сингдириб келинган. Эдвард Седнинг қайд этишича эса Жэун Аустиннинг романларидағи мазмунни ўша замон мұхитини ёритмасдан таҳлил этиши керак негаки уларда империянинг колониялардан фойдаланиб Британияда, она маконда, дабдабали ҳаёткечириш учун моддий томонлама таъминлашга хизмат қилганлиги ҳақида сўз кетади.

Моҳият контекста боғланган, бироқ контекст эмас, у ҳамма вақт назарий танқид ҳужуми остидаги ўзгаришларга тайёр турмоги зарур.

Герменотиклар қарашиларида мунтазам маҳсулотнинг асл контекстдаги мазмунини тиклаш бўйича тадқиқот олиб борадиган тури (муаллиф ўй-ҳаёллари ва мақсади ҳамда унинг айни шундай қабул қилиши кўзда тутилган омманинг онгидаги маънолар) биркўз югуртитишида қўзга чалинмайдиган, яширин сиёсий, фалсафий, ахлоқий бузук, тилшуносликка алоқадор кўринишлари билан шугулланадиган шубҳалар герменотикасидан фарқ қиласи. Биринчи гуруҳ матн ва муаллифни устун кўриб уларнинг қарашиларини ёқласа, иккинчи гуруҳ муаллифлик хукуқини четга суриб туришини маъкул кўради.



Аммо ушбу бирликлар тўлақонли мукаммал дегани эмас улар бир-бирини тўлдиради: тикланиш герменотиклари бизнинг онгимиз ожизлик қиласидаган маъноларни чеклаб унинг қудратини заифлаштирса, шубҳалар герменотиклари ҳаттоқи муаллифнинг ўзига ҳам аён бўлмаган фикрни кўра олади, бизни беихтиёр бугунги қунмасалаларини қайтадан ўйлашга чорлайди, матннинг кўрилмаган қирраларини кўрсатиб уни янада қийматини оширади. Шу билан бирга бунданда кучлироқ фарқ бўлиб у текстнинг ўзини юқоридаги икки хил назария асосида таҳлил этиши билан симртоматик таҳлил ўртасида юзага келади. Унда матнга умуман алоқаси бўлмаган янада кучлироқ аҳамиятга эга бўлган, қизиқишилар доираси, автор психологияси ёки замонасининг ижтимоий зиддиятлари, буржуазия жамиятидаги инсоният қўрқувини ўрганиб таҳлил қилиб чиқади. Симртоматик таҳлил аниқликни инкор этади- у одатда бирор нарсанинг белгиси- шу сабабдан ҳам моҳиятни ёритиб бершига етарли асос бўла олмайди, бироқ оддий бир бадиий асар маданиятни очиб бершида аҳамиятини ҳисобга оладиган бўлсак, унинг ёрдами ўша соҳада бекиёс эканлигини англаб етамиз⁵⁴.

Адабиётнинг ўзи сингари унинг таҳлил ва талқинида ҳам, ниҳоят, ақидавий ғоябозликдан, якка фикрликдан, юзаки ва сунъий эстетик қараашлардан фориг бўлиш жараёни кечмоқда. Шубҳасиз, анча илгарила бетган жаҳон, Биринчи навбатда, Оврўпа эстетикасининг энг буюк намуналари-З.Фрейд, Ф.Ницше, э.Фромм, А.Шопенгауер фалсафий қараашлари, А.Камю, М.Пруст, У.Фолкнер, С.Моем адабий асарларидағи бениҳоя чуқур ижтимоий-руҳий таҳлил имкониятларидан ижодий ўрганиш



⁵⁴Ж.Коллер .Адабиёт назарияси ва қисқача адабиётшуносликка кириш. – ОУП: Буюк Британия. 2011 –. 4- боб. 45-50-бетлар

бадиий тафаккуримизнинг тор қолиплар қуршовидан чиқишида асосий омиллардан бўлмоқда.

Сўнгги йилларда ёзувчи публицистикасининг кескин қучайиши, сифат жиҳатидан ўсиш жараёни бормоқда. Жамият турмушининг барча катта муаммоларини биринчи бўлиб ёзувчи-шоирлар қаламга оладилар, халқ ва ҳукуматлар диққатини уларга фаол жалб этадилар.

Мавзу юзасидан савол ва топшириклар.

- 1.Бадиий асар тахлили тамойиллари хакида маълумот беринг!
- 2.Тарихийлик ва яхлитлк тамойили нима?
- 3.Нима учун асарни турлича тахлил килиш мумкин!
- 4.Асадаги бирор эпизод тахлилига мисол келтиринг?
5. Китобхон рекацияси деганда нимани тушунасиз?
6. Тахлил ва талкин муносабати нима?
- 7.Бугунги ўзбек ва жаҳон адабиётида қандай янги асарлар яратилди ва уларда қандай муаммолар кўтарилиб чиқмоқда?
- 8.«Модеренизм» - қандай адабий оқим ва унинг ўзбек адабиётидаги кўринишлари ҳақида нималарни биласиз?
- 9.Жаҳон адабиётидан ўзбек адабиётига қилинган таржималар ва ундаги муаммолар.
- 10.Халқчилик - атамаси ўзбек адабиётшунослигига ўрта асрлар гуманизми хулосаларини ўзлаштириб, шакллан асримиз бошида кириб келди.
- 11.Бугунги ўзбек публицистикасининг аҳволи қандай?

Асосий дарслар ва ўқув қўлланмалар

1. Ж.Коллер .Адабиёт назарияси ва қисқача адабиётшуносликка кириш.
– ОУП: Буюк Британия. 2011
2. Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари.-Т.: “Ўзбекистон” 2002.
3. Умиров Х. Адабиётшунослик назарияси.-Т.: “Ўқитувчи”, 2004.
4. Улуғов А. Адабиётшуносликка кириш . “Университет”. 2005

Қўшимча адабиётлар

1. Арасту. Поэтика. Ахлоқи кабир-Т.: “Янги аср авлоди”, 2004
2. Султонов И. Адабиёт назарияси.-Т.: “Ўқитувчи”, 2005.
3. Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. - Т.: “Зарқалам”, 2006.
4. Қуронов Д., Раҳмонов Б. Ғарб адабий-танқидий тафаккури тарихи очерклари. – Тошкент: “Фан”, 2008.
5. Қуронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. – Тошкент: “Akademnashr”, 2010.
6. Хализев В. Е. Теория литературы. Учебник.-М.: “Высшая школа”, 1999

Интернет ресурслари

1. www.pedagog.uz
2. www.ziyonet.uz
3. www.ijod.uz
4. www.ziyouz.com

СЕМИНАР МАШГУЛОТЛАР МАТЕРИАЛЛАРИ

1-МАВЗУ:“АДАБИЁТШУНОСЛИК” ФАНИНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ.

АДАБИЁТНИНГ НАЗАРИЙ МУАММОЛАРИ

Ўқув машғулотининг мақсади: “Адабиётшунослик” фанинг мақсад ва вазифалариҳақида маълумот бериш. Адабиётшуносликнинг таркибий қисмлари ва ёрдамчи соҳалари. Адабиётшуносликнинг ўрганиш обьекти. Адабиётнинг оғзаки ва ёзма шакли. Адабиётшуносликнинг бошқа ижтимоий фанлар билан боғлиқлиги.

Адабиётшуносликнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши ҳақида маълумот бериш. Фаннинг предмети ва обьекти. Фаннинг метод ва элементлари. Фаннинг “Ўзбек адабиёти”, “Тарих”, “Фалсафа”, “Педагогика”, “Маданиятшунослик” ва бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ҳақида маълумот бериш.

Шарқ ва Ғарб адабиётшунослигидаги адабий-назарий фикрлар. Адабиёт ижтимоий онгнинг ўзига хос соҳаси ва ижтимоий тараққиётнинг курдатли омили сифатида. Адабиёт ва замонавийлик. Адабиётнинг ўзига хослиги. Адабиётнинг эстетик қиймати. **Назария атамаси.** Адабиётшунослик назарияси санъат табиатини тубдан ўзгартириувчи фан сифатида. Назариянинг “фикр юритиш”га ишора қилиши. Фикрни назарий жиҳатдан ўта зийраклик билан тугалланиши ва амалиётга татбиқ этилиши.

Масаланинг қўйилиши: Ўқитувчи мавзунинг асосий тушунчалари бўйича талабалар билан савол-жавоб ўтказади. Қўйидаги саволларга аниқлик киритишини таклиф этади. Савол беради:

1. Адабиёт тушунчасининг кенг ва тор маънога эга эканлигини ҳақида нималарни биласиз?
2. Бадиий адабиётнинг қандай шакллари бор?
3. Адабиётшунослик ижтимоий фанлардан қайсилари билан боғлиқликда ривожланади?

Ишни бажариш учун намуна

1. Талабалар 3 групга бўлинадилар, ҳар бирларига вазифа берилади.
2. Кутилаётган ўқув натижалари ўқитувчи томонидан эслатилади.
3. Ўқитувчи талабаларни групларда ишлаш қоидаси билан таниширади. Баҳолаш мезонларини ҳам намойиш қиласи.
4. Групларда иш бошлашни таклиф этади.

5. Тайёргарликдан кейин тақдимотни бошлангани эълон қилинади.
6. Талабалар жавобини шарҳлайди, хулосаларга эътибор беради, аниклик киритади. Тушунчаларга изоҳларни тӯғрилайди ва саволларга жавоб қайтаради. Гурухлар фаолиятига умумий балл беради.
7. Ўқитувчи машғулотни яқунлайди, талабаларни баҳолайди ва фаол иштирокчиларни рағбатлантиради.

Савол ва топшириклар:

1. Инсоннинг хис-туйғуларини ва онгини тарбиялашда адабиётнинг ўрни ҳақида маълумот беринг.
2. Бугунги ўзбек ва жаҳон адабиётининг ёшлар ҳаётидаги ўрни ва роли қандай?
3. Ўзбек адабиётшунослигининг илк назариётчилари ҳақида маълумот беринг.
4. Ўзбек адабиётимиз ривожига сезиларли ҳисса қўшган адабий-танқидчилардан кимларни биласиз?
5. Адабиётнинг маълум шахслар, талант эгалари томонидан яратилиши ҳақида маълумот беринг ва мисоллар келтиринг.
6. Оммавий маданият ҳодисаси ва унинг ёшлар эстетик тарбиясига салбий таъсири ҳақида ўз муносабатингизни билдиринг.

Асосий адабиётлар:

1. Jonattan Culler. Literary theory. OUK. 2011.
2. Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари.-Т.: “Ўзбекистон” 2002.
3. Умурев Х. Адабиётшунослик назарияси.-Т.: “Ўқитувчи”, 2004.
4. Улуғов А. Адабиётшуносликка кириш . “Университет”. 2005

Кўшимча адабиётлар:

1. Арасту. Поэтика. Ахлоқи кабир. -Т.: “Янги аср авлоди”, 2004
2. Султонов И. Адабиёт назарияси.-Т.: “Ўқитувчи”, 2005.
3. Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. - Т.: “Зарқалам”, 2006.
4. Куронов Д., Раҳмонов Б. Ғарб адабий-танқидий тафаккури тарихи очерклари. – Тошкент: “Фан”, 2008.
5. Куронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик лугати. – Тошкент: “Akademnashr”, 2010.
6. Хализев В. Е. Теория литературы. Учебник.-М.: “Высшая школа”, 1999

Дидактик воситалар

- жиҳозлар ва ускуналар, мосламалар: электрон доска-Хитачи, ЛСД-монитор, электрон кўрсатгич (указка).
- видео-аудио ускуналар: видео ва аудиомагнитофон, микрофон, овоз узатгичлар.

- компьютер ва мултимедиали воситалар: компьютер.

Электрон таълим ресурслари

www.pedagog.uz

www.ziyonet.uz

www.edu.uz

www.nutk.intal.uz

www.ziyouz.Uz

2-МАВЗУ: АДАБИЁТ, САНЬАТ ВА МАДАНИЯТШУНОСЛИК

Ўқув машғулотининг мақсади: Инсон-санъат ва адабиётнинг бош предмети эканлиги ҳақида маълумот бериш. Бадий санъат турларини умумлаштирувчи ва фарқловчى жиҳатлар ҳақида тушунтириб бериш.

Бадий адабиётнинг санъат турлари орасидаги ўрни ва ўзига хослиги ҳақида тўлиқ тасавурни шакллантириш. Бадий адабиёт - сўз санъати эканлиги ҳақида маълумот бериш.

Адабиётшунослик ва маданиятшунослик ўртасидаги ўзаро алоқа. Маданиятшунослик – бадий асарда “назария”нинг акс эттирилиши ва маънавий-маърифий ва тарбиявий аҳамияти. Маданиятшуносликни ўрганишнинг ўзига хослиги, бадий тасвир ва матн структураси. Адабиётшунослик маданиятшуносликнинг таркибий қисми сифатида.

Эстетика санъат назарияси сифатида. Тушунишнинг моҳияти. Бадий –эстетик гўзаллик – санъат асарининг объектив хусусияти ҳамда ёзувчи ва китобхон ўртасидаги ифода. Ҳақиқат ва эзгулик. Ёзувчининг ижодий ниятига кўра эстетик гўзалликни ифодалаши.

Масаланинг қўйилиши: Ўқитувчи мавзунинг асосий тушунчалари бўйича талабалар билан савол-жавоб ўтказади. Қуйидаги саволларга аниқлик киритишни таклиф этади. Савол беради:

1. Санъат ва адабиёт тушунчаларининг кенг ва тор маънога эга эканлигини ҳақида маълумот бериш.

2. Инсон-санъат ва адабиётнинг бош предмети эканлиги ҳақида маълумот бериш.

3. Бадий санъат турларини умумлаштирувчи ва фарқловчى жиҳатлар ҳақида тушунтириб бериш.

4. Ёзувчининг ижодий услугига кўра эстетик гўзалликни ифодалаши.

5. Маданиятшуносликнинг маънавий-маърифий ҳамда тарбиявий аҳамияти.

Ишни бажариш учун намуна

1. Талабалар 3 грухга бўлинадилар, ҳар бирларига вазифа берилади.

2. Кутилаётган ўқув натижалари ўқитувчи томонидан эслатилади.

3. Ўқитувчи талабаларни грухларда ишлаш қоидаси билан танишитиради Баҳолаш мезонларини ҳам намойиш қиласди.

4. Грухларда иш бошлашни таклиф этади.

5. Тайёргарликдан кейин тақдимотни бошлангани эълон қилинади.

6. Талабалар жавобини шарҳлайди, хulosаларга эътибор беради, аниқлик киритади. Тушунчаларга изоҳларни тўғрилайди ва саволларга жавоб қайтаради. Грухлар фаолиятига умумий балл беради.

7. Ўқитувчи машғулотни якунлайди, талабаларни баҳолайди ва фаол иштирокчиларни рағбатлантиради.

Савол ва топшириклар:

